

Акмал Саидов

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

(Юридик публицистика)

Тошкент – 2022

УЎК 323(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

С 21

А.Саидов. Инсон қадри учун (Юридик публицистика). – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2022. – 280 бет.

67.404(5Ў)

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида демократик янгиланишлар йўлидан дадил одимлаётган Янги Ўзбекистоннинг энг улуғ мақсади, аввало, халқимизни рози қилиш, инсон қадрини таъминлашга қаратилгани билан эътиборлидир.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида юртимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган шиддатли ва тизимли ислохотларга ҳамоҳанг тарзда фаолият юритаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳам шу каби эзгу ишларни амалга оширишга камарбасталик қилиб келмокда.

2021 йил 31 октябрь куни Миллий марказ ташкил этилганига 25 йил тўлди. Қўлингиздаги китоб шу санага бағишланган.

Кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: М. Тиллабоев



“Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятимнинг бош мезони бўлиб қолади.

Албатта, инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз.

Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз”¹.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

¹ Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4743>.

Юридик публицистика нима?

(Сўз боши ўрнида)

Қадрли китобхон, қўлингиздаги китобимга “**Инсон қадри учун**” деб ном бердим. Бунинг сабаби шуки, китобда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида демократик янгиланишлар йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг энг улуғ мақсади, аввало, халқимизни рози қилиш, инсон қадрини таъминлашга қаратилгани ҳаётий мисолларда кенг талқин этилган.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида юртимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган шиддатли ислохотларга ҳамоҳанг тарзда фаолият юритаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳам шу каби эзгу ишларни амалга оширишга камарбасталик қилиб келмоқда.

2021 йил 31 октябрь куни Миллий марказ ташкил этилганига 25 йил тўлди. Китобда Миллий марказнинг айна шу даврдаги фаолияти билан боғлиқ далил ва рақамлар атрофида сўз боради.

Китобим жанрини “**юридик публицистика**” деб белгиладим. Юридик публицистика нима?

Ушбу саволга жавоб беришдан олдин, айна тушунча билан бевосита боғлиқ айрим атамаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритамиз. Аввало, “публицистика” сўзи нимани англатади?

Публицистика – (лотинча: *publicus* – *ижтимоий, жамоавий*) – жамият ҳаётининг долзарб муаммолари ва кундалик воқеликлари бағишланган асарлар туридир.

Публицистика ижтимоий фикр ранг-баранглигини, шу жумладан, ҳаётнинг ўткир муаммолари юзасидан шаклланаётган қарашларнинг турличалигини ифодалаш воситаси сифатида ўта муҳим сиёсий ва ғоявий аҳамиятга эгадир.

Публицистиканинг турлари кўп. Яъни, ёзма ва оғзаки, плакат ва карикатуралар кўринишидаги чизма-тасвирий ва фотоасарлар, хужжатли кино, телевидение, драматик театр, куй-қўшиқ шаклидаги публицистик асарлар шулар жумласидандир. Кўпинча бадиий ва илмий асарларда ҳам публицистика услубидан фойдаланилади.

Публицистик асарлар ифода услуби ниҳоятда кенглиги ва тили жуда ранг-баранглиги билан фарқланади. Шу маънода, публицистика – адабиётнинг энг бой мазмун ва ифода услубига эга тури.

Адабий-бадиий публицистика ҳақида сўз борганда, ХХ асрнинг машҳур ёзувчиси, буюк адиб ва жамоат арбоби **Чингиз Айтматов** ижодий фаолиятига алоҳида тўхталиш лозим. Чингиз Айтматов бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо эди. Адиб минтақамиз тинчлиги ва осойишталиги, унинг келажаги ва равнақи, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, уларни турли зиддият ва қарама қаршиликлардан асраш йўлида фидокорона фаолият олиб борди.

Ижодкор адолат ва ҳақиқат куйчиси сифатида халқларимизнинг шаъни ва обрў-эътиборини катта минбарлардан туриб мардона ҳимоя қилганлиги билан ҳам юракларимиздан жой олган. Унинг адабиёт ва миллат олдидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан “Дўстлик” ва “Буюк хизматлари учун” орденлари билан тақдирланган.

ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, Чингиз Айтматовнинг асарлари ХХI бошига келиб 168 та мамлакатда 830 марта, умумий адади 67,2 миллион нусхада чоп этилган. Бу маълумотлардаги рақамлар эндиликда кундан-кунга ортиб бормоқда. Унинг кўплаб асарлари асосида фильмлар яратилди, томошабинлар уларни ҳозир ҳам қизиқиш билан томоша қилади².

Публицистика – журналистика соҳасига мансуб эмасми, деган савол туғилиши табиий. Аксарият олимлар “**публицистика**” ва “**журналистика**” – бир-биридан алоҳида тушунчалар, деган фикрни илгари суради.

² Акмал Саидов. Феномен Чингиз Айтматова. – Т.: “Muharrir nashriyoti”, 2019. – 172 с.

Яна бир гуруҳ мутахассисларнинг фикрича, **публицистика – журналистиканинг олий даражасидир**. Яъни, ушбу турдаги асарлар ҳар доим мушоҳада ва таҳлил, баҳс-мунозара ва янги ғоялар учун курашдан иборат бўлади.

Айни чоғда, бошқа бир гуруҳ экспертлар хулосасига кўра, **публицистика – адабиётнинг ўзига хос бир тури** бўлиб, унинг илдизлари Антик даврнинг нотиклик санъатига бориб етади. Публицистиканинг айрим жиҳатлари ваъзхонлик, яъни панд-насиҳат жанрига ҳам ўхшаб кетади.

Памфлет – Уйғониш даври маҳсули ҳисобланган ва **публицистиканинг дастлабки ва ёрқин жанридир**. Шунингдек, фельетон, мақола, очерк, эссе, репортаж, очиқ мактуб каби газета-журнал соҳасига хос жанрлар ҳам журналистик публицистикага бевоcита дахлдор.

Бошқа томондан эса, айтайлик, технология табиий фанлар сирасига қанчалик тааллуқли бўлса, публицистика жамият ва давлат ҳақидаги фанларга шу қадар алоқадор ҳисобланади. Айтиш мумкинки, **публицистика илм-фандан хулоса ва умумлашмаларни ўзлаштириб, уларни ҳаётий дастур ҳамда қўлланмалар тарзида тақдим этади**.

Публицистик асар илм-фан хулосаларини оммалаштириш ёки муаллифнинг илмий тадқиқот натижаларини эълон қилиш мақсадида ёзилмайди. Яъни, **публицистика орқали** билим ўқитилмайди ва илм ўргатилмайди, аксинча, зарур илм ва билимлардан ижтимоий фикр тимсолидаги **сиёсий кучга таъсир кўрсатилади**. Шунинг учун публицистика кундалик ҳаётнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга энг долзарб масалаларинигина кўтариб чиқади.

Публицистика – долзарб муаммолар ва жамият ҳаётининг муҳим воқеликларига мурожаат этган турли жанрлардаги асарлар мужассамидир.

Публицистиканинг мақсади – мавжуд ижтимоий-сиёсий воқеликни ўзгартириш ёки мустаҳкамлаш йўлида муайян дунёқарашларни тарғиб этишдир. Шу сабабли публицистик асарлар ҳамиша аниқ бир ғояни очикдан-очиқ ёқлаб чиқиши ва кенг мунозараларга йўл очиши, оммабоплиги ва ҳис-туйғуларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Шундай қилиб, «**публицистика**» тушунчаси анча кенг қамровлидир. Таъбир жоиз бўлса, **публицистика** – оммавий ахборот

воситаларида эълон қилинган адабиётга мансуб асар бўлиб, унинг замирида ҳолис воқелик ўз мужассамини топади. Бу воқеликни акс эттиришда, ўз навбатида, асосан ҳужжатларга таянилади.

Биз «публицистика» тушунчаси ҳақида бу қадар батафсил тўхталганимиз бежиз эмас. Чунки, аслида, «публицистика», «адабий-бадий публицистика», «журналистик публицистика», «илмий публицистика» хусусида баён этилган ана шу таъриф ва тавсифларнинг барчаси **«юридик публицистика»** тушунчасига бевосита тўғри келади.

Афсуски, дунё илм-фанида «юридик публицистика» (ёки «ҳуқуқий публицистика») тушунчаси ҳозирга қадар алоҳида ва чуқур ўрганилмаган. Жумладан, Ўзбекистонда шу вақтгача нашр этилган луғат, изоҳли луғат, энциклопедия ва юридик қомусларда ҳам ушбу тушунчага оид биронта таъриф учрамайди.

«Публицистика» тушунчасига ҳос яна бир қатор мезонлар борки, улар айнан «юридик публицистика» тушунчаси учун ҳам тааллуқли ҳисобланади. Хусусан:

биринчидан, юридик публицистик асар ҳужжатларга таянган бўлиши, ундаги далил ва рақамлар ҳолис, аниқ, текширилган маълумотларга асосланиши ҳамда шу негизда ҳужжатли-далилий ифода услуби сезилиб туриши лозим;

иккинчидан, юридик публицистик асарнинг вазмин ва расмий руҳи ундаги далиллар ҳамда ахборотларнинг муҳим аҳамияти мисолида яққол намоён бўлиши керак;

учинчидан, юридик публицистик асарда келтирилган факт ва далиллар асосида муайян ҳулоса ҳамда умумлашмалар, таҳлил ва талқинлар аниқ жумла ва баён услублари ёрдамида ифода этилиши зарур.

Ҳулоса қилиб айтганда, эътиборингизга тақдим этилаётган китобим жанрини **«юридик публицистика»** деб белгилашдан мақсадим, авваламбор, ижод оламида шундай бир услуб мавжуд эканига эътибор қаратишдир.

Қолаверса, мамлакатимизда юридик публицистиканинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти илмий-назарий ҳамда амалий негизда кенг ўрганилиши тарафдориман. Қўлингиздаги китоб худди шу жараёнда фойдали амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади, деган умиддаман.

Муаллиф

БИРИНЧИ БОБ.

МИЛЛИЙ МАРКАЗ: МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

“Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (кейинги ўринларда — Марказ) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини, миллий маърузалар тайёрланишини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришни таъминловчи давлат органи ҳисобланади”¹.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг ташкил топиши

Конституциямизнинг 93-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази² ана шу конституциявий кафолат доира-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори/<https://lex.uz/docs/4098056>.

² Изоҳ: бундан кейин матнда Миллий марказ, деб аталади.

сида, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1996 йил 31 октябрдаги Фармонига асосан ташкил этилган. Миллий марказ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларини ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича давлатга қарашли таҳлил, маслаҳат, идоралараро мувофиқлаштириш органи сифатида тузилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 ноябрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарори Миллий марказ фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Ушбу қарор орқали Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисидаги Низом ва Миллий марказ тузилмаси тасдиқланган.

Кейинчалик Ҳукуматнинг бир неча қарори билан Миллий марказ фаолиятининг муайян соҳалари изчил ривожлантириб борилди. Албатта, Миллий марказнинг ташкил этилиши ва шакллантирилишида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини демократлаштиришни қўллаб-қувватлаш дастури муҳим аҳамият касб этган.

Ўз навбатида, 2018 йил 10 декабрда – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги нишонланган кунда давлатимиз раҳбари “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Ушбу қарор инсон ҳуқуқларига доир маърузаларни тайёрлаш бўйича миллий механизмларни мустаҳкамлаш ҳамда келгусида уларнинг фаолиятини амалга ошириш бора-сида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг чақириғига муносиб жавоб бўлди.

Айни чоғда, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича муайян тизимларни ва механизмларни жорий этишдан асосий мақсадимиз қандайдир халқаро ташкилотга ёки қайсидир давлатга ёқиш, манзур бўлишдан иборат эмас. Аксинча, Миллий марказни тузиш ва фаолиятини такомиллаштириш борасидаги барча ишлар даврнинг долзарб талаби бўлгани ва бундан халқимизга манфаат етгани учун ҳам бу масъулиятли ишларни амалга оширишга қатъий бел боғлаганмиз.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги қарорига мувофиқ, Миллий марказнинг мақоми тубдан оширилди, ваколат ва фаолият кўлами янада кенгайтирилди. Миллий марказ Низоми ва штатлар жадвали қайта тасдиқланди.

Бугунги кунда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини, миллий маърузалар тайёрланишини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришни таъминловчи давлат органидир. Миллий марказ ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади.

Бундан 25 йил олдин таъсис ҳужжатларида белгиланганидек, **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг асосий мақсади:**

биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини яратиш;

иккинчидан, халқаро ва инсон ҳуқуқлари ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантириш масалалари бўйича давлат органлари ходимлари ва бутун

аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришдан иборат бўлган.

Бу бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда ўз давлат мустақиллигини эълон қилганидан сўнг орадан кўп вақт ўтмай, 1992 йил 8 декабрда мустақил Конституциямиз қабул қилинди. Асосий қонунимиз эркинлик, ижтимоий адолат, миллий давлатчилик, кадриятларни тиклаш каби эзгу орзуларни ўзида мужассамлаштирди. Конституциямиз нормаларида нафақат инсоннинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, балки уларни таъминлаш бўйича давлат идораларининг мажбуриятлари ҳам мустахкамланган.

Шу асосда Ўзбекистонда қисқа тарихий муддат ичида миллий давлатчилиқни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Барча ривожланган ҳуқуқий давлатлардаги каби мамлакатимизда ҳам давлат ҳокимияти тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишига асосланиши таъминланди.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро шартномалар, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бир қанча халқаро шартномаларни ратификация қилди. Айниқса, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг Ўзбекистон парламенти томонидан тасдиқлангани истиқдолнинг илк йилларида қабул қилинган муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Натижада мустақил Ўзбекистон давлати муайян халқаро мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажариш мажбуриятини зиммасига олди. Бошқача айтганда, навқирон давлатимиз ва жамиятимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми талаблари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига қатъий амал қилиб яшашга чоғланди.

Мана шу каби муҳим тарихий омиллар бундан чорак аср муқаддам Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини йўлга қўйишни тақозо этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, унга риоя қилиш ва ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда демократия ва инсон ҳуқуқларининг замонавий мезонларига жавоб берадиган барқарор сиёсий тизим яратилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкил топганидан сўнг яқин вақтларга қадар ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласига давлат раҳбари даражасида эътибор қаратилмаганди. Миллий марказ жамоаси салкам чорак аср давомида бошқа ташкилотга (ЎзХДП) қарашли бинодан ижара шартномаси асосида фойдаланиб келгани ҳам бу фикримизга яққол мисолдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Миллий марказ учун алоҳида Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси 15-уй манзилида жойлашган 3 қаватли бино ажратилди. Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳисобидан таъмирлангач, Миллий марказ жамоаси ушбу бинода иш бошлади.

Қарорга асосан, шунингдек Миллий марказ ходимларига Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимлари учун назарда тутилган махсус унвон — мартаба даражалари берилиши ҳамда мартаба даражалари учун устама ва кўп йиллик хизматлари учун қўшимча ҳақ тўланиши йўлга қўйилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларга содиқлигини намойиш қилиш, юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлар ва янгиланишлар даврида аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш бирламчи вазифалардан саналади. Бунда жамиятимизда мавжуд миллий институтлар ичида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг ўрни бекиёсдир.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари қонун устуворлиги ва демократия амалда бўлган барча жамиятлар қўллаб-қувватлайдиган асосий тамойилдир. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш эса – биз барпо этаётган адолатли жамиятнинг узвий хусусияти, миллий ва умуминсоний мезони. Ўз навбатида, бундан 73 йил илгари қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида акс эттирилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш вазифасини бажариш – маълум масофадан сўнг ҳаракат тўхтайдиган охирги бекат эмас, балки бу изчил давом этадиган жараёндир.

Миллий марказ ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсати

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Айниқса, кейинги йилларда Миллий марказнинг бу борадаги мувофиқлаштирувчилик фаолияти доираси янада кенгайди.

Бу ўринда мустақилликнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасини ривожлантиришнинг идоравий дастурлари мунтазам ишлаб чиқилгани ва қабул қилингани ҳолда, бу борада давлатнинг стратегик дастурий ҳужжатини тасдиқлаш тажрибаси кузатилмаганини очиқ айтиш лозим. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан тасдиқланган **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси**¹ улкан аҳамиятга эга бўлди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қи-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони// <https://lex.uz/docs/4872355?ONDATE=30.04.2021&action=compare>.

лиш механизмини такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашиш ва мавжуд бўшлиқларни, камчиликларни бартараф этиш очиқ-ойдин кўрсатилган.

Бугунги кунда мазкур дастурий ҳужжат бўйича тегишли “Йўл харитаси” ижросининг назорати билан бевосита Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази шуғулланмоқда. Миллий стратегия ва “Йўл харитаси”да 2021–2025 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган 78 та банд бўйича тадбирлар белгиланган бўлиб, уларнинг 50 фоизидан ортиғи бажариб бўлинди.

Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади”¹.

Миллий стратегия билан жами 12 та кодекс ва 33 та қонун ҳужжатларини қабул қилиш назарда тутилган бўлиб, улардан 5 таси янги кодекс, 20 таси янги қонун ҳужжати, 7 таси янги таҳрирдаги кодекс ва 9 таси янги таҳрирдаги қонундир.

Миллий стратегияда белгиланган ушбу қонун лойиҳалари бўйича бандларнинг 14 таси ижро қилинган, 19 таси ижро қилинмоқда. Шунингдек, Миллий стратегия тадбирлари доирасида 8 та халқаро шартномани ратификация қилиш белгиланган бўлиб, шундан 2 таси бугунга қадар ратификация қилинган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони// <https://lex.uz/docs/4872355?ONDATE=30.04.2021&action=compare>.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун, “Таълим тўғрисида”ги, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунларнинг янги таҳрирлари, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида”ги янги қонунлар қабул қилинди.

“Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги, “Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги, “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Бепул юридик ёрдам тўғрисида”ги, “Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида”ги, “Тенг муомала қилиш ва камситмаслик тўғрисида”ги, “Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида”ги, “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги ва бошқа қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган ҳамда уларни қабул қилиш жараёни амалга оширилмоқда.

Шунингдек, 3 та янги кодекс: Соғлиқни сақлаш кодекси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекс, Экология кодекси; 7 та амалдаги кодекснинг янги таҳрири: Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Уй-жой кодекси лойиҳалари тайёрланиб, уларни қабул қилиш жараёни амалга оширилмоқда. Иккита янги кодекс: Ахборот кодекси, Тадбиркорлик кодекси лойиҳаларини ишлаб чиқишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 3 та қарори, Президентнинг 8 та фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 6 та қарори қабул қилиниб амалга оширилмоқда. Шунингдек, 36 та банд бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш белгиланган бўлиб, улардан 12 тасининг ижроси якунланган, қолганлари бажарилмоқда.

2021 йил 27 апрель куни “�збекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун қабул қилинди. Қонунга қўра, Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига қўйидагилар киритилди:

- Бола ҳуқуқлари бўйича вакил;
- Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази;
- Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил.

Фуқаролар ва юридик шахслар, қонун уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузмоқда деб ҳисобласа ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган Парламент комиссияси томонидан Буюк Британиянинг Глобал шериклик бошқаруви жамғармаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш юзасидан 5 та модулдан иборат онлайн ўқув курслари ташкил этилди.

Шунингдек, ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги долзарб масалаларга бағишланган 2 та форум ўтказилиб, уларда Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини такомиллаштириш, ёшлар билан ишлаш ва уларнинг муаммоларини ҳал қилиш механизмлари, ёшларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича илғор тажрибаларни жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги Фармони билан “2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” тасдиқланди. Концепция инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш масалаларини ўз ичига олган.

Олий Мажлис Сенати қарори билан 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ва унинг мақсадли кўрсаткичлари белгиланди. Гендер стратегиясида БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ ҳолда барча соҳаларда хотин-қизлар ва эркеклар ўртасида тенглик тамойилини татбиқ этишга ҳамда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда гендер тенглик тарғиб қилинишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Стратегияда барча учун тенг ҳуқуқли ва сифатли таълимни таъминлаш, қишлоқ жойларида қизларнинг олий маълумотга эга бўлиши, хотин-қизлар гендер тенглигига эришиш, зўравонликка йўл қўймаслик, одам савдосининг олдини олиш каби масалалар қамраб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарорига мувофиқ, 29 та Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш маркази ташкил этилди. Хукуматнинг қарори билан тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ички ишлар органлари томонидан ҳимоя ордерини бериш тартиби белгиланди.

Шунингдек, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси фаолияти ташкил этилди. Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож oilалар, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. “Аёллар дафтари”га киритилган ва тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 68 минг 281 нафар хотин-қизга 837 млрд 931 млн сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, бандлиги таъминланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгашининг 2020 йил 25 сентябрдаги Қўшма қарорига асосан Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Рес-

публикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси тузилди ва унинг таркиби ҳамда Регламенти тасдиқланди.

Парламент комиссияси томонидан Буюк Британиянинг Глобал шериклик бошқаруви жамғармаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш юзасидан 5 та модулдан иборат онлайн ўқув курслари ташкил этилди.

Шунингдек, ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги долзарб масалаларга бағишланган 2 та форум ўтказилиб, уларда Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини такомиллаштириш, ёшлар билан ишлаш ва уларнинг муаммоларини ҳал қилиш механизмлари, ёшларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича илғор тажрибаларни жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Концепция БМТнинг “Ёшлар – 2030” стратегиясида белгиланган “Ёшлар манфаатларини кўзлаб, улар билан ишлаш” бош тамойилига асосланди. Концепцияда ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ёшларга сифатли таълим, муносиб меҳнат, тадбиркорлик, маданият, санъат, спорт фаолияти учун кенг шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш каби вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган.

2021 йилда, яъни Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги фармонига асосан Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари

бўйича вакили (Болалар омбудсмани) ҳамда Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ташкил этилди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва БМТ халқаро шартномавий органлари – Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси, Ирқий камситишни тугатиш бўйича қўмитасининг тавсияларида Ўзбекистон томонидан Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш ва тарғибот-ташвиқот фаолиятини амалга ошириш таклиф этилган.

2020 йил 15 октябрда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунда БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талаблари ҳисобга олиниб, “ногирон” сўзи ўрнига “ногиронлиги бўлган шахс” атамасидан фойдаланилди.

Ўзбекистонда истиқомат қиладиган 760 минг нафардан зиёд ногиронлиги бўлган шахс ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари билан қамраб олинган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги қарори билан “Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти” тасдиқланди.

Ушбу ҳужжатга асосан, ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга 2021 йил 1 августдан бошлаб нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 апрелдаги қарори билан Ҳукумат ҳузурида доимий фаолият юритувчи Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш ташкил қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлик соҳасида Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҳамда 600 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотилар фаолият юритмоқда. Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ногирон ишбилармон аёллар миллий ас-

социацияси, Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази, Ўзбекистондаги фалаж ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш “Умр” жамоатчилик маркази, “Инклюзив ҳаёт” ногиронлар жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон қарлар жамияти каби нодавлат ташкилотлар Конвенцияни ратификация қилишда фаол иштирок этди.

2021 йилнинг 7 июнида Ўзбекистон Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилди. Конвенциянинг ратификация қилиниши Ўзбекистонда ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун қўшимча кафолатлар яратиш имконини беради, шунингдек ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва улар учун тенг имкониятларни таъминлаш нўқтаи назаридан давлат органларининг жавобгарлигини кучайтиради. Ҳозирда Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ижроси юзасидан Миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида сўнгги икки йилда 20 дан ортиқ қонун ҳужжати, 10 га яқин “Йўл хариталари” қабул қилинди. Жумладан, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги қарори билан “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартиби тўғрисидаги низом” ҳамда “Одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга ошириш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низом” тасдиқланди.

Мазкур қарор одам савдосидан жабрланган шахсларнинг тиббий, психологик, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа турдаги

ёрдам олиш ҳуқуқларини таъминлаш механизмларини яратди. Жумладан, одам савдосидан жабрланган 1 минг 24 нафар фуқарога тиббий-ижтимоий реабилитация ва психологик қўллаб-қувватлаш чоралари кўрсатилди.

Маълумотларга кўра, бугун 1,7 млн юртдошимиз чет элда, асосан, МДХ давлатларида меҳнат қилмоқда. Мамлакат аҳолисининг 55 фоиздан ортиғи ёшлардан иборатлиги ҳамда йилига меҳнат бозорига 650 мингга яқин ишчи кучи кириб келаётгани аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнат миграцияси масаласи ниҳоятда муҳимлигидан далолат беради.

Ҳозирда фуқароларни ташқи меҳнат бозорига мувофиқ дастлабки касбий тайёргарлик, хорижий тилларга ўқитиш, хорижга ишга жойлаштириш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, иш ҳақи ва компенсациялар ундириб бериш бўйича тизимли ишлар қилиняпти. Давлат ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, уюшган ҳолда чет элга ишлашга қабул қилиш бўйича халқаро битимлар тузиш, меҳнат жойига хавфсиз бориш учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан қатъий чоралар кўрмоқда. “Ишга марҳамат” моно-марказларда ва касб-ҳунарга ўқитиш марказларида “WorldSkills” стандартлари асосида касбий малака учун баҳо бериш ҳамда муваффақиятли битирувчиларга “Skills” паспортларини бериш жорий этилди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, мамлакатдан чиқиш ва унга киришни ташкил этиш тизими ҳамда механизмларини тартибга солиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши 1990–2000 йиллардаги турли (қонуности) ҳужжатлар билан шакллантирилган ҳуқуқий асосларни унификациялаш ва чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар билан муносабатларни давр талабига мослаштиришга хизмат қилади.

Пандемия шароитида давлатнинг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги сиёсати устувор йўналиш бўлиб қолмоқда, унда аҳолининг муҳтож қатламларига моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда қашшоқликка йўл кўймаслик муҳим саналади.

2021 йилда Ўзбекистон Ижтимоий ривожланиш индексида (Social Progress Index) 174 давлат ичида 95-ўринни эгаллади (2020 йилда – 102-ўрин). Ушбу Индекс бутун дунё бўйлаб ижтимоий самарадорликнинг иқтисодий бўлмаган жиҳатларига алоҳида эътибор қаратадиган ягона ўлчов воситаси бўлиб, мамлакатларнинг ижтимоий ривожланиш соҳасидаги ютуқларини 50 дан ортиқ мезон бўйича уч гуруҳга: асосий эҳтиёжлар, фаровонлик асослари ва инсон тараққиёти имкониятларига бирлаштирилган ҳолда акс эттиради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларни бажариш миллий механизми

Мустақиллик йилларида мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи давлат ташкилотлари тизими шаклланди. Бу тизимда анъанавий судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан иборат бўлган судлов органлари билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва нодавлат ташкилотларидан иборат бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича носудлов органлари ҳам шаклланди.

Инсон ҳуқуқларини **Ўзбекистон Республикасининг суд органлари орқали ҳимоя қилиш** инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмининг таркибий ва ҳал қилувчи қисмидир. Чунки, суд бузилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш тизимида энг муҳим восита ҳисобланади. Ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг суд томонидан муҳофаза этилиши, шунингдек, давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмаларининг ноқонуний ҳаракатларидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши эълон қилинди.

Мамлакатдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими давлат ҳокимиятининг анъанавий тизими сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги иштироки беқиёс ҳисобланади.

Жумладан, **Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари** ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, шу жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида муҳим ва асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботга риоя этиш устидан назорат қиладиган давлат органи бўлган прокуратура нафақат давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш вазифасини, балки инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим ижтимоий вазифани ҳам бажаради. Айнан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини давлат органлари мансабдор шахсларини ноқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидан ҳимоя қилиш Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизимига киради. Ички ишлар идораларининг асосий вазифаларига конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, фуқароларнинг ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мулкани, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар хил жиноий тажовузлардан ва бошқа ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларнинг қисқа фурсатда тўлиқ очилишини таъминлаш, жиноятни содир этиш сабабларини аниқлаб, уларни бартараф этиш, содир этилган жиноятларни тергов қилиш, паспорт тизими фаолиятини таъминлаш (фуқароларга паспорт берилишини, уларнинг

рўйхатдан ўтиши ва чиқишини, визаларини расмийлаштириш), йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, маъмурий жавобгарлик ва жиной жазоларнинг бажарилишини таъминлаш, вояга етмаганлар билан ишлаш, фуқаролар томонидан ўқ отар қуролларини сотиб олиш, сақлаш ва олиб юриш тартибини назорат қилиш ва расмийлаштириш каби кўплаб вазифалар киради.

Ўзбекистон Республикасининг адлия органлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш тизимида муҳим аҳамият касб этиб, анъанавий тарзда ҳуқуқни қўлловчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сирасига киради. Адлия вазирлиги томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган қонунлар ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Вазирликнинг бевосита иштирокида инсон ҳуқуқларини, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари яратилди, ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил этиб бориш ва мониторинг қилиш ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш тизими жорий қилинди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда **адвокатура** институтининг роли катта ҳисобланади. Адвокатура институтининг ваколатларининг кенгайиб, фаолиятининг ривожланиб бориши инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг носудлов механизми янада такомиллашиб бораётганидан ва кучли фуқаролик жамиятининг пойдевори мустаҳкамланиб бораётганидан дарак беради.

Мамлакатдаги инсон ҳуқуқларини таъминлаш тизимида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналари** давлат органлари билан аҳоли ўртасида очик мулоқотни йўлга қўйиш орқали давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фуқароларнинг мурожаатла-

рини кўриб чиқиш орқали уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ўзига хос самарали механизмга айланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш доирасида Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги халқаро мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан давлат органлари билан ҳамкорлик қилиб, уларнинг бу борадаги фаолиятига яқиндан қўмаклашиб келмоқда.

Шунингдек, Миллий марказ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, таълим, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа ташкилотларга маслаҳат беради.

2018 йилга қадар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик муносабатларида аниқ тизим мавжуд эмас эди. Эндиликда **Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги қарорига мувофиқ:**

биринчидан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини, миллий маърузалар тайёрланишини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришни таъминловчи давлат органи ҳисобланади;

иккинчидан, Миллий марказ ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади;

учинчидан, Миллий марказ ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-

га инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади;

тўртинчидан, Миллий марказ давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш масалалари бўйича кўмаклашади;

бешинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, шу жумладан, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири – инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажаришда фаол ва бевосита иштирок этиш, идоралараро ҳамкорлик қилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маърузалар тайёрлаш ва тақдим этиш

Бу ўринда, аввало, халқаро ташкилотларнинг миллий маърузалар тақдим этиб бориладиган конвенциявий органлари ҳақида мухтасар сўз юритиш мақсадга мувофиқдир. Конвенциявий органлар муайян халқаро шартнома асосида тузилади ва мазкур шартнома қоидаларининг бажарилишини назорат қилиб боради.

Айнан ташкил қилиш асосларидан келиб чиқиб, улар “шартномавий органлар”, “имплементациявий органлар”, “конвенциявий органлар” каби номлар билан ҳам юритилади. Инсон ҳуқуқларини татбиқ этишда юқори самарадорликка эришиш мақсадида халқаро ҳамкорлик асосида яратилган бу шартномавий органлар турлича: халқаро механизмлар, халқаро назорат, имплементациявий механизмлар қабилида номланиши мумкин.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тўққизта асосий шартномаси бор. Бу шартномаларнинг ҳар бири учун махсус қўмита тузилган бўлиб, мазкур Қўмиталар шартномаларнинг иштирокчи давлатлар томонидан бажарилиш самарадорлигини назорат қилиб боради.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича институционал тизимида инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциявий (шартномавий) органлар инсон ҳуқуқлари бўйича алоҳида шартномалар асосида тузилган ва муайян шартнома қоидаларини, унга аъзо-давлатлар томонидан қандай бажариб борилаётганлигини назорат қилиб боради. Жумладан, **Ўзбекистон Республикаси қуйидаги қўмиталар билан ўз мажбуриятларини бажариши юзасидан ҳамкорлик олиб боради:**

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита – Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт бўйича;

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита – Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт бўйича;

Ирқий камситишларни тугатиш бўйича қўмита – Ирқий камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция бўйича;

Қийноқларга қарши қўмита – Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция бўйича;

Хотин-қизларни камситишларга барҳам бериш бўйича қўмита – Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция бўйича;

Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита – Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бўйича.

Шартномавий қўмиталар “Халқаро шартномаларнинг қоидаларига оид умумий тавсиялар” номли умумий шарҳларни

тайёрлаб, уларга мос келувчи конвенцияларнинг мустақил интерпретациясини амалга оширади. Шарҳлар (тавсиялар) орқали тегишли конвенция нормалари тушунтирилади ва моддаларни амалиётда қандай интерпретация қилиш зарурлиги белгилаб берилади.

Қўмиталарнинг асосий вазифаси пакт ва конвенциялар бажарилиши юзасидан аъзо-давлатларнинг қонунчилик, суд, маъмурий ёки бошқа чоралар тўғрисидаги маърузаларини кўриб чиқишдир. Барча аъзо-давлатлар Қўмиталарга ҳуқуқлар қай даражада таъминланаётгани тўғрисида миллий маърузаларни тақдим этиши шарт.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича миллий маърузалар тайёрлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракат режаларини («йўл хариталари»ни) ишлаб чиқиш Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг энг асосий вазифалари қаторига киради. Бундай миллий маърузалар 1999 йилдан буён тайёрланмоқда ва мунтазам равишда тегишли халқаро ташкилотларга юборилмоқда.

Бундан ташқари, миллий маърузаларни кўриб чиқиш якунлари бўйича аниқ механизмлар амал қилмоқда. Бу ўринда 2014–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси миллий маърузалари кўриб чиқилишининг якунлари бўйича Миллий ҳаракатлар режаси тасдиқланганини таъкидлаш лозим. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маърузалар тайёрлаш ва уларни тегишли халқаро ташкилотларга тақдим этиш амалиёти Ўзбекистон учун ғоят муҳим ва фойдали аҳамиятга эгадир. Чунки, авваламбор, ушбу масъулиятли жараёнда жамланган, таҳлил этилган ва умумлаштирилган маълумотлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсати нечоғлик тўғри ҳамда самарали эканига муносиб баҳо беришга ноёб имконият яратади.

Қолаверса, бунда миллий қонунчилик, давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилот ҳамда муассасаларнинг фаолияти инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро нормалар ва умумэтироф этилган андозаларга мослиги қиёсланади. Энг муҳими, мамлакатимизда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари қай даражада таъминланаётгани, ҳимоя этилаётгани ва қўллаб-қувватланаётгани хусусида холис ҳамда ҳаққоний ҳулосаларга эга бўламиз.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси 1977 йилда таъсис этилган. Қўмита 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг амалга оширилишини кузатиб боради. Қўмита таркиби 18 аъзодан иборат бўлиб, иштирокчи давлатлар уларни ўз фуқаролари орасидан сайлайдилар. Қўмита аъзоларининг ўз вазифаларини амалга ошириши уларнинг шахсий фазилатига асосланади¹.

Одатда, Қўмита йил давомида ҳар бири уч ҳафтага чўзилдиган сессиялар ўтказади ва бу сессиялар, қоидага кўра, баҳорда Нью-Йоркда, ёз ва кузда – Женевада ўтказилади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг бажарилиши юзасидан мониторингни амалга оширувчи Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича муҳим қўмиталардан ҳисобланади. Пакт фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг кенг доирасини ўз ичига олган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг ратификация қилган барча давлатлар инсон ҳуқуқларининг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан кўрилаётган чоралар ҳақида Қўмитага маърузалар тақдим этиши лозим. Биринчи маъруза

¹ Қаранг: Гражданские и политические права: Комитет по правам человека. Женева, ООН, 1992.

тегишли давлатга Пакт кучга киргандан сўнг бир йил ичида тақдим қилиниши лозим. Кейинги ўзгартиришлар ҳақидаги маърузалар ҳар беш йилда тақдим қилинади.

Давлат томонидан тақдим этилган маъруза, аввало, Қўмитанинг беш кишидан ортиқ бўлмаган аъзоларидан ташкил топган ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилади. Ишчи гуруҳ тегишли давлат вакиллари билан муҳокама қилинадиган муаммоларни аниқлайди. Масалаларни Қўмитада эшитишдан олдин тегишли давлат вакилларига саволлар тайёрланади. Ундан сўнг, Қўмита тўлиқ таркибда маърузани икки кун мобайнида ўрганиб чиқади.

Бу жараёнлардан сўнг, тегишли давлат вакиллари иштирокида очиқ мажлис ўтказилади. Унда ноҳукумат ташкилотларидан ва матбуотдан иштирокчилар кузатувчи сифатида қатнашишлари мумкин. Мажлис давомида давлат вакиллари Қўмита аъзоларининг саволларига жавоб берадилар. Мажлисида тегишли давлат вакиллари ўз ҳукуматидан керакли маълумотлар бўйича маслаҳат олиши учун имкониятлар яратилади. Агар Қўмита аъзоларида ўртага ташланган саволларга жавоб етарли бўлмаса, тегишли давлатга ушбу масалалар юзасидан ёзма шаклда жавоб йўллаш имконияти берилади.

Маърузани кўриб чиқиш мобайнида Қўмита аъзолари кўплаб манбаларга: БМТнинг бошқа инсон ҳуқуқлари органлари, махсус маърузачилар, ишчи гуруҳ ва ноҳукумат ташкилотлари маърузаларига таянадилар. Тажриба шуни кўрсатдики, маърузаларнинг очиқ мажлисларда кўрилиши инсон ҳуқуқларининг амалга оширилиши устидан назорат қилиш услубини ўзида тўла намоиш қилади.

Ҳар бир маърузанинг кўрилганлиги юзасидан якуний “умумий мулоҳаза”лар қабул қилинади. Ушбу “мулоҳаза”ларда тегишли давлатнинг Пактни амалга ошириши билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида Қўмитанинг фикри акс эттирилади.

Мулоҳазаларда Пактни бажаришни қийинлаштирадиган объектив омиллар, ижобий жиҳатлар, асосий муаммолар кўрсатилади. Умумий мулоҳазалар юридик кучга эга бўлмаса ҳам, ўзида ягона эксперт органи хулосасини акс эттиради. Бундай хулосаларнинг инкор этилиши ёки уларга риоя қилинмаслиги давлатнинг Пактга ҳурматсизларча қарашини билдиради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг иккинчи муҳим функцияларидан бири – бу Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга шарҳ беришдир. Агар давлатлар томонидан ушбу Пактнинг моддалари юзасидан нотўғри талқин қилиш ҳолатлари кузатилса, бу ҳолда Қўмита изоҳ беради.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг Факультатив протоколига биноан, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита алоҳида шахслардан келиб тушган шикоятларни олиш ва кўриб чиқиш ваколатига эга. “Қўмита, мазкур протоколга биноан, олинган хабарларни кўриб чиқади, бунда у ўзига алоҳида шахс томонидан ва иштирокчи манфаатдор давлат томонидан тақдим этилган барча ёзма ҳужжатларни эътиборга олади”.

Қўмита хабарларни кўриб чиқиши учун қуйидаги талаблар бажарилган бўлиши керак:

- хабарда Пактда кўрсатилган ҳуқуқлар бузилган бўлиши керак;
- хабар Пактга ва унга қўшимча Протоколга аъзо-давлат юрисдикциясидаги шахс ёки шахслар томонидан берилган бўлиши керак; агар шикоят йўлловчи шахс бевосита инсон ҳуқуқлари бузилишининг қурбони бўлмаса, унда қурбон номидан берилаётган хабарнинг аниқлигини тасдиқловчи далил келтириши керак;
- хабар аноним бўлмаслиги керак;
- агар хабар бошқа халқаро жараёнда кўрилаётган бўлса, унда Қўмита томонидан кўрилмайди.

Қўмитага хабар йўлланишидан олдин жабрланган шахс ўз давлатининг барча имкониятларидан (миллий судловнинг

барча тегишли инстанциялари томонидан кўриб чиқилган бўлиши керак) фойдаланган бўлиши керак; бу ҳоллар агар бундай воситалар сабабсиз узайтирилиши олдиндан аниқ бўлса ёки натижасиз бўлган ҳолларда истиснолидир.

Бундан ташқари, хабар яроқлилигини текшириб кўриш мақсадида Қўмита тавсия этилаётган жабрланган шахсдан ёки тегишли давлатдан қўшимча маълумотни сўраб олиши мумкин. Агар ушбу боскичда давлат олинган хабарга жавоб йўлласа, шикоят эгаси ушбу жавобга қўшимча мулоҳаза қилиш учун жавоб нусхасини олади.

Шундан сўнг, Қўмита хабар яроқли ёки яроқли эмаслиги ҳақида қарор қабул қилади. Агар Қўмита бу хабарни яроқли деб топса, тегишли давлатга ушбу масала юзасидан тушунтириш ёки ариза тақдим қилишни сўраб мурожаат қилади.

Давлат томонидан жавобни йўллаш муддати узоғи билан олти ойдир. Бундан кейин шикоят муаллифига давлат жавоби-га фикр билдириш имконияти берилади. Кейин Қўмита якуний мулоҳаза қабул қилади ва тегишли давлатга ҳамда шикоят муаллифига бу ҳақда хабар беради.

Шикоятни кўриб чиқишнинг ҳар бир боскичида ҳуқуқи бузилган шахсга ҳам, тегишли давлатга ҳам бир хил шарт қўйилади. Ҳар бир томон бошқа томон далилига нисбатан ўз фикрини бериш имкониятига эга.

Одатда, шикоятларнинг яроқли ёки яроқсизлигини тан олиш учун бир йилга яқин вақт кетади. Ишни кўриб чиқишнинг кейинги боскичи томонларнинг тайёрлигига қараб бир йилдан икки йилгача чўзилиши мумкин. Ушбу вақт оралиғида шахс ҳимояга муҳтож бўлиши мумкин. Шунда Қўмита айрим ҳолатларда тегишли давлат томонидан мажбурлов чораларининг қўлланилишини тўхтатиб туришни илтимос қилади.

Қўмита давлатни ўлим жазоси ижросини кечиктириб туришга чақирган ҳолатлар ҳам бўлган. Қўмита суд органи ҳи-

собланмайди ва унинг қарорлари “қарор” эмас, “мулоҳаза” шаклида ишлаб чиқилади.

Қўмита ваколатини тан олган ҳар қандай давлат бошқа бир худди шундай давлат устидан, Пактдаги мажбуриятларини ба-жармаяпти, дея шикоят бериши мумкин. Ушбу жараён 1979 йилдан кучга кирган бўлса-да, лекин амалиётда бундай ҳолат ҳали кузатилмаган.

Қуйида Қўмитага ариза ва шикоят билан мурожаат қилиш таомили (процедураси) берилмоқда:

- иштирокчи-давлатлар томонидан Қўмита ваколатининг эътироф этилганлиги (Факультатив протоколнинг 1-моддаси);
- давлат миқёсида амалда бўлган барча воситалардан фойдаланиб бўлинганлик (Факультатив протоколнинг 2-моддаси, 5-моддаси 2-қисми b банди);
- ариза, шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг суиистеъмол қилинмаганлигини текшириш ва уларнинг аноним тарзда берилмаслиги (Факультатив протоколнинг 3-моддаси);
- мувофиқлик (*ratione temporis, personae, loci, materiae*) (Факультатив протоколнинг 3-моддаси);
- айти шу масала бошқа халқаро муҳокама ёки тартибга солиш тартиб-қоидаларига биноан кўриб чиқиладиган ёки кўриб чиқилмаётганлиги (Факультатив протоколнинг 5-моддаси 2-қисми b-банди);
- ҳуқуқ бузилишининг муҳим элементларини ўрганиб чиқиш (Факультатив протоколнинг 2-моддасида назарда тутилган ҳолатлар).

БМТнинг бошқа шартномавий органлари фаолияти

БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитаси 1966 йилда қабул қилинган муҳим халқаро ҳужжат – Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт амалга оширилишини кузатиб боради. **Қўмитанинг дастлабки сессияси 1987 йилда ўтказилган.**

Мазкур Қўмитада ҳам аъзолар сони 18 экспертдан иборат. Уларнинг ҳаммаси ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасида тан олинган обрў-эътиборга эга ва шахсий фазилатлари асосида иш олиб борувчи кишилардир. Қўмита аъзолари мустақил мақомга эга бўлиб, Қўмита ишларида мустақил иштирок этади. Улар ЭКО-СОС томонидан 4 йил муддатга сайланадилар ва қайта сайланишлари мумкин. Қўмита ҳар бири 3 ҳафтага чўзиладиган иккита сессия ўтказади, бу сессиялар май ва ноябрь-декабрь ойларида Женевада бўлиб ўтади.

Қўмитанинг асосий вазифаси аъзо-давлатларнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга амал қилишини кузатади. Пактнинг 16–17-моддаларига биноан, аъзо-давлатлар ушбу Пактда ўрнатилган ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар юзасидан Қўмитага даврий маърузаларни тақдим этишлари шарт. Бундан ташқари, давлатлар ушбу Пактдаги ҳуқуқларнинг амалга оширилиши юзасидан тўлиқ маълумотни Қўмитага тақдим қилишлари лозим.

БМТнинг Ирқий камситишларни тугатиш бўйича қўмитаси – Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция амалга оширилишини кузатиб боради. **Қўмита, Конвенциянинг 8-моддасига биноан 1970 йилда ташкил этилган.** Бу Қўмитанинг аъзолари ҳам 18 кишидан иборат бўлиб, улар Конвенциянинг иштирокчи давлатлари томонидан тўрт йиллик муддатга сайланадилар.

Қўмита аъзолари ташқаридан ҳеч қандай топшириқ олмай, мустақил равишда ҳаракат қиладилар. Улар ўз мажбуриятларини бажаришдан четлатилмайди ва уларнинг розилигисиз ўрнига бошқа киши тайинланмайди. Конвенцияга аъзо-давлатлар тўрт йилда бир марта Қўмитага Конвенция қоидалари ўша давлат миллий қонунчилигида қандай акс эттирилаётганлиги тўғрисида маъруза тақдим этиши лозим. Икки йилда бир марта эса, мамлакатдаги янги маълумотларнинг қисқача маърузасини тақдим қилишлари зарур бўлади.

Қўмита томонидан маърузанинг кўриб чиқишиш жараёнида тегишли давлат вакили қатнашиши, сўзга чиқиши, саволларга жавоб бериши ва қилинган мулоҳазалар устидан шарҳлар бериши мумкин. Қўмита Бош Ассамблеянинг йиллик маърузасида кўрилган маърузалар натижаларини умумлаштиради ҳамда ўзининг таклиф ва тавсияларини беради.

БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси – 10 нафар экспертдан ташкил топган. Экспертларнинг ҳар бири тўрт йил муддатга сайланади. Қўмита Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг иштирокчи давлатларининг мазкур Конвенция бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариши юзасидан маърузаларини кўриб чиқади. Қоидага кўра, Қўмита ҳар йили навбатдаги иккита сессиясини ўтказади.

Конвенцияга аъзо бўлган ҳар бир давлат Қўмитага Конвенциядан келиб чиқадиган мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисида маъруза тақдим этади. Биринчи маъруза тегишли давлатга Конвенция кучга киргандан сўнг бир йил ичида тақдим қилиниши шарт. Кейинги маърузалар 4 йилда бир маротаба тақдим этилади.

Ҳар бир маърузадан сўнг, Қўмита мақсадга мувофиқ деб топса, ўз мулоҳазасини билдиради. Қисман ўша давлатга Конвенцияда кўрсатиб ўтилган мажбуриятларни бажармаганлигини ҳам айтиб ўтиши мумкин. Қийноқларга қарши қўмитанинг мулоҳазалари юридик кучга эга бўлмаса-да, лекин улар ягона эксперт органининг фикрини ўзида акс эттиради.

БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишларни тугатиш бўйича қўмитаси – Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг амалга оширилишини назорат этиб бориш мақсадида Конвенциянинг 17-моддасига биноан таъсис этилган.

Қўмита 23 экспертдан иборат. Улар юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари соҳасида билим ва тажрибаси билан ажралиб турадиган номзоди Конвенциянинг иштирокчи давлатлари томонидан кўрсатиладиган шахслардан таркиб топган рўйхатдаги номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Қўмита аъзолари тўрт йиллик муддатга сайланадилар ва ўз давлатларининг вакиллари сифатида эмас, балки мустақил фаолият юритадилар. 1982 йилда ташкил этилганидан бошлаб Қўмита аъзолари, бир нафар аъзосини (Ф.Корнелли, Нидерландия) истисно қилмаса, бутунлай аёллардан ташкил топган. Улар турли касб вакиллари (жинс (гендер) бўйича юристлар, муаллимлар, дипломатлар, экспертлар). Қўмита ўзининг мажлисларини йилда бир мартаба Женевада ёки Нью-Йоркда ўтказиши. Ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ЭКОСОС орқали Бош Ассамблеяга маърузалар тақдим этади.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси – Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 43-моддасига биноан 1991 йилда ташкил этилган. Бу Қўмитанинг биринчи сессияси 1991 йилда бўлиб ўтган. Қўмита ўн нафар экспертдан иборат. Унинг зиммасига бола ҳуқуқларини рағбатлантириш учун қурашаётган, Конвенциянинг барча иштирокчи давлатлари ўртасида мунтазам мулоқот йўлга қўйилишини таъминлаш вазифаси топширилган. Улар мустақил фаолият юритадилар. Қўмита мажлислари ҳар йили Женевада бўлиб ўтади. Қўмита фаолияти тўғрисида маъруза икки йилда бир марта ЭКОСОС орқали Бош Ассамблеяга тақдим қилинади.

БМТнинг Меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўмитаси – Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциянинг 72-моддасига биноан ташкил этилган. Қўмита ўзининг доимий

сессиясини Женевада ўтказди. Унинг расмий ҳужжатлари CMW/C/- белгиси билан белгиланади.

Конвенциянинг 73-моддасига биноан, Конвенциянинг аъзо-давлатлари Конвенцияда белгиланган нормаларни ба- жарганликларига оид чора-тадбирлар тўғрисидаги биринчи маърузасини Конвенцияга қўшилгандан сўнг, кучга кирган вақтдан бошлаб бир йил ичида тақдим этишлари лозим. Кейинги маърузаларини ҳар беш йилда бир маротаба топшира- дилар.

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитаси – аъзо-давлатлар томонидан Конвенция имплементация қили- нишини мониторинг қилувчи мустақил экспертлар органи.

Барча аъзо-давлатлар Қўмитага ҳуқуқлар қай даражада таъ- минланаётгани тўғрисида маърузалар тақдим этиши шарт. Давлатлар Конвенцияни қабул қилгандан кейин илк маъруза икки йил давомида тақдим этилиши, кейингилари – ҳар 4 йил- да тақдим этилиши керак. Қўмита маърузаларни кўриб чиқади ҳамда маъруза бўйича лозим деб ҳисоблаган таклифлар ва тав- сияларини тайёрлайди ҳамда давлатларга тақдим этади.

Конвенцияга Қўшимча протокол Қўмитага протоколга аъзо бўлган давлатлар томонидан Конвенция нормалари бузилган тақдирда индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш ваколати- ни беради. Қўмита Женева шаҳрида жойлашган ва одатда, бир йилда 2 та сессия ўтказди.

БМТнинг Зўрлик остида ғойиб бўлганлар бўйича қўми- таси – Барча шахсларни зўрлик остида ғойиб бўлишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция қоидаларини назорат қилиш мақсадида инсон ҳуқуқлари соҳасида ваколатли сифа- тида эътироф этилган ва юқори ахлоқий сифатларга эга бўлган ўн нафар экспертдан иборат Зўрлик остида ғойиб бўлганлар бўйича қўмита таъсис этилади. Улар тўлиқ ҳолислик тамойили асосида давлат вакиллари сифатида эмас, балки шахсий сифат- лари бўйича фаолият юритади.

Конвенциянинг ҳар бир аъзо-давлати БМТ Бош котиби орқали мазкур Конвенция бу давлат учун кучга киргандан сўнг, унинг қоидаларини бажариши тўғрисида маърузалар тақдим этади.

Йўқолган шахснинг қариндошлари, уларнинг қонуний вакиллари, адвокатлар ёки бошқа ҳар қандай ваколатли шахс, шунингдек қонуний манфаатдор бўлган ҳар қандай шахс йўқолган шахснинг қидируви ҳамда унинг жойини аниқлаш тўғрисида тезлик билан Қўмитага мурожаат қилиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаб, тегишли тартибда тақдим этиб келмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг халқаро стандартларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ва босқичма-босқич татбиқ этишнинг ўз модели шакллантирилди. Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига тўла мос келишини таъкидлаш лозим.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан 1996–2021 йиллар давомида норма ижодкорлиги соҳасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2010 йилга қадар 20 дан ортиқ қонун лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган бўлса, шу қонун лойиҳаларидан 6 таси Миллий марказ ташаббуси билан ишлаб чиқилган.

Кейинчалик Миллий марказнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш кўлами янада кенгайди. Ҳатто ушбу даврда Миллий марказ фаолиятига Олий суд Пленуми қарорларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш амалиёти ҳам кириб келди ва Миллий марказ томонидан 2009 йилда Олий суд Пленумининг 1 та қарори ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 2010–2014 йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштироки асосан 3 та йўналишда:

биринчи йўналиш – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида назарда тутилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

иккинчи йўналиш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг халқаро стандартларини миллий қонунчиликка имплементация қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳаларини тайёрлаш;

учинчи йўналиш – амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўналишларида амалга оширилди.

Бу даврда Миллий марказ 30 дан ортиқ қонун лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказди ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар берди. Шунингдек 10 та қонун лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этди. Миллий марказ ташаббуси билан 4 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, Олий суд Пленумларининг 12 та қарори ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди ва уларни такомиллаштириш бўйича хулосалар тайёрланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази 2015–2018 йилларда 4 та қонун лойиҳаси, шунингдек 8 та дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилишида иштирок этди. Уш-

бу давр мобайнида Миллий марказ ташаббуси билан 8 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилди. Миллий марказ томонидан 53 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган. Шу билан бирга, миллий қонунчиликнинг концептуал асосларини такомиллаштириш юзасидан 19 та ҳужжатга таклифлар берилган.

Кейинги йилларда бу йўналишдаги фаолиятимиз янада кенгайди ва фаоллашди. Хусусан, 2019 йилда Миллий марказ томонидан 16 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди ҳамда уларнинг халқаро ҳуқуқдаги инсон ҳуқуқлари нормалари билан номувофиқликларини бар-тараф этиш бўйича таклифлар тайёрланди.

Миллий марказ томонидан 8 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шундан 2 таси – қонун лойиҳаси, 2 таси – Президент фармони лойиҳаси ва яна 4 таси – Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасидир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази 2020 йил давомида 29 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиққан ҳамда project.gov.uz портали орқали келишиш учун юборган. Шундан 4 таси – қонун лойиҳаси, 8 таси – Президент фармони лойиҳаси, 1 таси – Президент қарори лойиҳаси, 11 таси – Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси ва 5 таси – Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳаси бўлиб, уларнинг барчаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган.

Миллий марказ томонидан 2020 йилда жами 60 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган. Шундан 19 таси эътирозларсиз келишилган, қолган 41 таси норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси юзасидан 300 дан ортиқ таклиф ва эътирозлар берилган ҳамда келишилган.

Ўз навбатида, 2021 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан 8 та норма-

тив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тайёрланган. Шундан 2 таси – қонун лойиҳаси, 3 таси – Президент қарори лойиҳаси, 3 таси – Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳаси бўлиб, улар ман-фаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган.

Жорий йилда Миллий марказ project.gov.uz портали орқа-ли турли вазирлик ва идоралардан келишиш учун юборилган 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказган.

Эътибор беринг: фақат 2021 йилнинг ўтган давридаёқ Мил-лий марказ томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 3 та халқа-ро шартномани ратификация қилиш ва уларнинг нормалари-ни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан:

биринчидан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги кон-венциясининг мурожаат қилиш жараёнларига тааллуқли Фа-культатив протоколига Ўзбекистон Республикасининг қўши-лиши масаласи бўйича таклифлар;

иккинчидан, БМТнинг Қийноққа солиш ва бошқа шафқат-сиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муома-ла ҳамда жазо турларини қўллашга қарши конвенциясининг Факультатив протоколига (Нью-Йорк, 2002 йил 18 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши масаласи бўйича таклифлар тайёрланди;

учинчидан, “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқа-ро конвенцияни ратификация қилиш ҳақида (Нью-Йорк, 2000 йил, 13 декабрь)”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ва тегишли тартибда тақдим этилди (ушбу Қонун 2021 йил 7 июнь куни кучга кирди).

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш бўйича комплекс чоралар қабул қилинди. Нати-жада **мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро**

стандартларни миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўзбек модели шаклланди.

Халқаро мажбуриятларни бажариш учун шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалар билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тизими яратилди: 7 та кодекс – Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, Сайлов кодекси, Солиқ кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, 1 конституциявий қонун ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясига бағишланган 700 дан зиёд қонун ҳужжати қабул қилинди. Қонун лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, очиқ маълумотлар порталига жойлаштириладиган амалиёт жорий этилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари билан ҳамкорлик

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан мамлакатимизнинг турли давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида изчил ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Бундай ҳамкорлик самараларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати билан ўзаро амалий муносабатлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Парламентлараро Иттифок тавсияларига асосан Миллий марказ билан Олий Мажлис палаталари ўртасида кенг қамровли ҳамкорлик ўрнатилган. Жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича миллий маърузалар лойиҳалари ҳамда бу маърузаларни БМТнинг шартномавий кўмиталарида кўриб чиқиш натижалари юзасидан парламент кўмиталарида мунтазам муҳокамалар ўтказиш анъанаси шакллантирилди.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларига изчил амал қилинмоқда. Хусусан, бугунги кунда бу борада миллий ҳаракатлар режаларини («Йўл хариталари»ни) бевосита Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш амалиёти жорий этилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши ва уларни чеклаш масалалари бўйича қонун лойиҳаларини Марказ билан мажбурий равишда келишиш лозим. Мазкур тартибнинг амалда татбиқ этилиши натижасида биргина 2019 йилда 15 та қонун лойиҳаси экспертизадан ўтказилди.

Жумладан, халқаро сайлов стандартларини амалга ошириш мақсадида 2019 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини алоҳида таъкидлаш лозим. Кодекс лойиҳасини тайёрлаш асносида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси, Европа Кенгашининг Венеция комиссияси, МДХ Ижроия қўмитаси каби халқаро ташкилотлардан хулоса ва фикрлар олинди.

Кодексга кейинги даврда ҳам замонавий талаблар ва демократик сайловларни ўтказиш бўйича халқаро амалиётга жавоб берадиган ўзгартиришлар киритилди. Натижада Сайлов кодекси 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ дастлабки муҳим ҳамда масъулиятли синовдан муваффақиятли ўтди.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига:

- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича миллий маърузалар лойиҳаларининг муҳокамаларини ўзларининг қўмита ва комиссияларида ўтказиш;

- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича миллий маърузаларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг устав ва шартномавий органларида куриб чиқиш якунларини заруратга қараб эшитиш;

- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракат режаларини («йўл хариталари»ни) тасдиқлаш тавсия қилинди.

Энг асосийси, ўзаро ҳамкорлик соҳасида шундай тартиб ўрнатилдики, унга мувофиқ бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни чеклаш масалалари бўйича қонун лойиҳалари Миллий марказ билан мажбурий равишда келишилмоқда.

Халқаро ташкилотларнинг тавсияларига мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси;

- Коррупцияга қарши курашиш бўйича парламент қўмиталари;

- Олий Мажлис Сенатида хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари қўмитаси;

- Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия;

- Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигида Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича Миллий комиссия ташкил этилди.

Шунингдек, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий маърузачи институти таъсис этилди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш мақсадида Ўзбекистонда биринчи марта аёл киши парламент юқори палатаси раиси этиб сайланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ривожлантириш йўлида

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи миллий институтлар тизимига асос солинди. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, **мустақилликнинг 30 йили давомида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт ҳисобланувчи 2 та ташкилот фаолият олиб борган.** Булар: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳисобланади.

Хусусан, 2020 йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) жамоатчилик фаоллари билан биргаликда карантин мажмуалари, тиббий муассасалар, жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқларининг таъминланиши ҳолатини ўрганиш мақсадида 76 та мониторинг тадбирини амалга оширган. Бутадбирларда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ мутахассислари ҳам мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Кейинги йилларда ушбу тизим изчил кенгайди ва такомиллашди. Хусусан, **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, халқона тилда айтганда, Бизнес-омбудсман ташкил этилди.**

Миллий қонунчилик, жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги Қонунда, шунингдек Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда Бизнес-омбудсманнинг мақсад ва вазифалари ҳамда ҳуқуқ ва ваколатлари белгилаб қўйилди.

Парламентнинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили – Болалар омбудсмани лавозими жорий этилиши натижасида мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ҳимоясининг ташкилий ва институционал асослари янада мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган 10 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва таълим соҳасидаги мақсадларга эришишда муҳим ролни бажармоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, ҳамюртларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, ўз навбатида, жамиятимизни янада демократлаштириш, эркинлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда изчил ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлаш лозим. Шу маънода, кейинги даврда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамияти, ижтимоий фаоллиги, умуман, улар фаолиятининг самарадорлигини кучайтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар кўрилди.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва социалиқтисодий салоҳиятини ошириш ва ушбу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Соҳани янги босқичга олиб чиқиш мақсадида **Президентимизнинг 2021 йил 4 мартдаги “2021–2025 йилларда**

фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 3 мартдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Фармоннинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда яқин истиқболда, яъни 2025 йилга қадар мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий босқич ва йўналишлари аниқ кўрсатиб берилган. Бу йўналишда тасдиқланган “Йўл харита”сида фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, давлат органлари устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Давлат раҳбарининг Фармонига асосан:

- нодавлат нотижорат ташкилотларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари ҳамда комиссиялари мажлисларида иштирок этувчи доимий вакили институти таъсис этилиши;

- нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг очиқлик индексининг жорий қилиниши;

- “Шаффоф ҳайрия” ягона интерактив порталининг ишга туширилиши;

- давлат субсидиялари, грантлар ва ижтимоий буюртмалар бериш тартибининг соддалаштирилиши каби муҳим қадамлар тадбир иштирокчилари томонидан эътироф этилди.

Хусусан, доимий вакилнинг асосий вазифалари этиб қонун лойиҳалари ва қўйи палатанинг ваколатларига кирадиган

масалалар бўйича муҳокамалар ва йиғилишларда ижтимоий шериклик, таъсирчан жамоатчилик назорати механизмлари-ни жорий қилиш ва уларни амалиётда тўғри қўллаш, нода-лат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода қилиш белгиланган. Бу янги институтнинг жорий эти-лиши, ўз навбатида, давлат органлари ҳузурида тузилган жа-моатчилик кенгашларининг фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг “Нодавлат ноти-жорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифа-лар ижроси доирасида, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилот-ларини қайта рўйхатдан ҳамда унинг рамзини давлат рўйхати-дан ўтказиш муддати 1 ойдан 15 кунгача қисқартирилди.

Янада муҳими, ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, нуронийлар, хотин-қизлар, болалар жамоат бирлашмалари рамзларини давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи ундирилмайди.

Қарорда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни молия-лаштириш учун Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқа-ролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига давлат субсидияси ажратиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби масалалар ҳам ўз аксини топган.

Бугунги кунда мамлакатнинг ҳар томонлама ва шиддат би-лан ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳоқими-яти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучай-тириш мақсадида жойларда **“Нодавлат нотижорат ташки-**

лотлари уйлари” ташкил этилмоқда. Шунингдек, “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони таъсис этилди.

Давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ҳозирги кунда Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекс лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий буюртма асосида ҳудудлардаги ҳақиқий манзарани аниқлаш, турли даражадаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, ечимини топиш ва жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқишга жалб қилинмоқда. Бунда, биринчи навбатда, таълим, маданият, тиббиёт, экология, қурилиш, кадастр, транспорт, коммунал хизматлар, бандлик, ижтимоий хизматлар каби соҳаларга эътибор қаратилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларидан бири сифатида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли ҳам кейинги пайтларда, алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бугун Ўзбекистонда мавжуд фуқаролик жамияти институтларини фаол равишда мустаҳкамлаш ва янги фуқаролик жамияти институтларини яратиш жараёни бормоқда. Шу тариқа фуқаролик жамияти институтлари халқ манфаатини илгари сурувчи, халқ дарди билан яшовчи улкан кучга айланмоқда.

Инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантириш – давр талаби

Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари давлат фаолиятининг

муайян шаклларида, жумладан, барча турдаги ва даражадаги таълим тизими, яъни университетлар, мактаблар, коллежлар ва лицейлар, малака ошириш тизимлари инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятида ифодаланади. Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан биридир.

Шу нуқтаи назардан, Миллий марказ аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўмаклашиш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. **Миллий марказ ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракатлар дастури парламент томонидан тасдиқланди.** Шу асосда “Йўл харитаси”да белгиланган тадбирлар бажарилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 августдаги қарорига асосан Инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курслари фаолияти йўлга қўйилган. Унда БМТнинг устав ва шартномавий органларига инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий маърузаларини, шунингдек муқобил маърузаларни тайёрлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмалар сўровларига жавоблар юбориш юзасидан давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллариининг малакаси мунтазам ошириб боришмоқда.

Шу ўринда **2020 йил ноябрь ойидан буён Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази халқаро ҳамкорлар билан биргаликда “Инсон кадр-қиммати – энг олий қадрият” махсус ўқув модули машғулотларини ўтказиб келмоқда.** Мазкур ўқув модули мамлакат

миз судлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари раҳбар ходимлари учун мўлжалланган.

Машғулотлар Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятлари ижроси доирасида ташкил этилди. Жумладан, бу БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ҳамда Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича Махсус маърузачиси тавсиялари тақозосидир.

БМТ Тараққиёт дастури билан бирга таъсис этилган «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-оммабоп журнали ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилади. Журналнинг 1998–2021 йилларда 92 та сони нашр этилган.

Миллий марказ «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журнаlining ҳаммуассиси ҳисобланади. Ҳар чорақда ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этиладиган ушбу журналнинг 1998–2021 йилларда 95 та сони нашрдан чиққан.

Миллий марказ ҳузурида инсон ҳуқуқлари бўйича оммавий кутубхона ташкил этилган. У инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ноёб адабиётларни ўзида жамлаган Марказий Осиё минтақасидаги ягона кутубхона ҳисобланади.

Бугунги кунга қадар Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 80 та халқаро шартномадан 51 таси давлат тилига таржима қилинган ва нашр этилган.

Миллий марказ ташаббуси билан чорақ асрда чоп этилган китоблар сони 407 тани ташкил этади. Шундан, ўзбек тилида – 177 та, рус тилида – 185 та, инглиз тилида – 80 та, немис тилида – 9 та, француз тилида – 7 та, словак тилида – 1 та, чех тилида – 1 та, қорақалпоқ тилида – 5 та ва Брайл алифбосида 2 та та китоб нашр этилган.

Миллий марказнинг Матбуот хизмати

Яқин вақтларга қадар Миллий марказ тизимида матбуот соҳаси билан боғлиқ штат бирлиги кўзда тутилмаганди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабр-

да қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган **Миллий марказнинг штатлар жадвалига Матбуот котиби лавозими киритилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июнда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Миллий марказ директорининг 2019 йил 9 октябрдаги буйруғига кўра Ғ.Мирзаев Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси этиб тайинланди.

Матбуот котиби ушбу лавозимга тайинланишдан олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги комиссияси суҳбатидан ўтди. Матбуот котиби бир вақтнинг ўзида Миллий марказ матбуот хизматининг бошлиғи саналади.

Давлат раҳбарининг ҳар икки қарори ижросини таъминлаш ҳамда соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишлар тўғрисида кенг қамровли маълумотларни аҳолига ўз вақтида тақдим этиш ҳамда жамоатчиликни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар билан тизимли равишда таништириб бориш мақсадида бугунги кунда Миллий марказ Матбуот хизмати иши такомиллаштирилмоқда.

Шу муносабат билан Матбуот хизмати Низоми ва Матбуот котибининг лавозим йўриқномаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Матбуот хизматини замонавий моддий-техника воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқаси, телевизор, фото-ва видео ёзиб олиш воситалари, диктофон, юқори тезликда-

ги Интернетдан фойдаланиш имконияти ҳамда барча зарур дастурий маҳсулотлар билан таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда Матбуот хизмати Миллий марказнинг фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар учун хабар, маълумот, шарҳ, интервью ва турли ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш, шунингдек матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан мамлакат ва жаҳон жамоатчилигига мунтазам, тўлиқ ҳамда тезкор ахборот тақдим этиш борасида изчил иш олиб бормоқда.

Хусусан, Миллий марказнинг веб-сайтида (*insonhuquqlari.uz*) маълумотларни кунига камига бир марта ўзбек, шунингдек имкон қадар инглиз ва рус тилларида жойлаштириб борилмоқда.

Матбуот котиби тайинланиши ва матбуот хизмати тузилгунига қадар, яъни 2019 йилнинг дастлабки олти ойида Марказ сайтига жами 119 та матнли ахборот жойлаштирилган бўлса, иккинчи ярим йилда 805 та ахборот жойлаштирилган.

Қиёс учун: биргина сентябрь ойида сайтга жойлаштирилган ахборотлар миқдори 179 тани ташкил этди. Бу бир ойлик кўрсаткич 2019 йилнинг дастлабки 6 ойи давомида киритилган ахборот сонидан 60 та кўпдир.

2021 йилнинг 1-ярми давомида Марказ фаолиятига доир жами 1 минг 444 та ахборот расмий сайтга жойланди. Жумладан, 474 та матн шаклидаги ахборот, 925 та фото ва 22 та видео ахборот, шунингдек 55 та инфографика тайёрланган. Бу, албатта, тарқатилаётган ахборотнинг сони кескин ошгани билан бир қаторда, ахборот турлари ҳам кенгайганини кўрсатади.

Сайтга материаллар учта асосий руқн – “Марказ янгиликлари”, “Ўзбекистон янгиликлари” ва “Хориж янгиликлари” рубрикалари бўйича жойлаштирилади.

“Марказ янгиликлари” рукни Марказнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёти жараёнларидаги иштирокидан аҳолини ҳар томонлама хабардор қилишга қаратилган ахборотларнинг даврийлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу рукнда Марказ раҳбарияти ва ходимларининг мақолалари, интервью, шарҳ ва ҳисоботлари ҳам бериб борилмоқда.

“Ўзбекистон янгиликлари” рукнида мамлакат ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларга доир ахборот инсон ҳуқуқлари мавзуси билан боғлиқ ҳолда ёритилмоқда. Шунингдек, ОАВнинг Марказ фаолияти ҳақида эълон қилган материаллари мазкур рукнда эълон қилиб борилади.

“Хориж янгиликлари” рукнида БМТ ва унинг тузилмалари, ЕХХТ каби халқаро ташкилотларнинг фаолияти ёритиб борилмоқда. Дунёнинг турли мамлакатларидаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ воқеликларга доир ахборотлар тақдим этилмоқда.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ахборот хизматлари билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда кенг аҳоли қатламларининг иштирокини таъминлаш мақсадида экспертлар гуруҳини шакллантириш устида иш олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда **матбуот хизмати томонидан қарийб 20 та ОАВ вакилларида иборат пресс-пул тузилган.** Ушбу ОАВ сафида ЎЗА, Jahon news, UzDaily.uz каби Миллий марказнинг доимий ахборот ҳамкорлари бор.

Матбуот хизмати ходимларининг малака ошириш учун хорижга сафарлари ҳам йўлга қўйилган. Миллий марказ директорининг матбуот котиби 2019 йил декабрь ойида Москва шаҳрида “Евроосиё маконида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари: Омбудсманлар ўртасида илғор тажрибалар-

ни алмашиш” мавзусида ўтказилган Учинчи халқаро конференцияда иштирок этди. Учрашув доирасида ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

2020 йил февраль ойида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази делегацияси таркибида Миллий марказ директорининг матбуот котиби ҳам Лондон шахрига ташриф буюрди. Бир ҳафталик сафар асносида қатор расмий мулоқотларда қатнашди.

Бундан ташқари, 2021 йил ноябрь ойида Миллий марказ директорининг матбуот котиби Ўзбекистон делегацияси таркибида Женевада сафарда бўлди. Бу ерда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Тараққиёт ҳуқуқи бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳ 22-сессияси доирасида ташкил этилган тадбирларда иштирок этди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш

Бу ўринда, биринчи навбатда, Миллий марказга 2016–2021 йиллар давомида келиб тушган мурожаатлар таҳлилига тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Ҳаракатлар стратегияси ижро этилган ушбу даврда Миллий марказга:

- 2016 йилда – 2 минг 574 та;
- 2017 йилда – 2 минг 54 та;
- 2018 йилда – 2 минг 26 та;
- 2019 йилда – 2 минг 259 та;
- 2020 йилда – 867 та;
- 2021 йилда (10 ойда) 1 минг 47 та мурожаат келиб тушган.

Жами 10 минг 827 та мурожаатнинг аксарияти атрофлича кўриб чиқилган ва фақат 547 таси маълум қонун асосида кўрмасдан қолдирилган.

Хусусан, 10 минг 280 та мурожаат тааллуқлилиги бўйича тегишли идораларга кўриб чиқиш учун юборилган. Шундан

1 минг 993 та мурожаат бўйича тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Мурожаатларнинг 3 минг 347 таси, яъни 32,5 фоизи фуқаролардан тўғридан-тўғри қабул жараёнида, 6 минг 945 таси – 67,5 фоизи алоқа воситалари, асосан почта алоқа тармоғи орқали келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 5 минг 930 таси – 57,4 фоизи ариза, 4 минг 377 таси – 42,3 фоизи шикоят ва 31 таси – 0,3 фоизи таклифлардир.

Таҳлилларга қараганда, энг кўп мурожаатлар Тошкент шаҳри – 2 минг 795 та (25,8 фоиз); Қашқадарё – 1 минг 245 (11,5 фоиз); Тошкент вилояти – 1 минг 722 (15,9 фоиз) ва Самарқанд вилоятидан – 821 та (7,6 фоиз) келиб тушган.

Яна бир жиҳат: коронавирус пандемияси сабабли 2020 йилда мурожаатлар сони бошқа йилларга таққослаганда кескин камайган.

Беш йил давомида келиб тушган мурожаатларнинг 5 минг 84 таси (49,2 фоизи) шахсий, 4 минг 445 таси (43 фоизи) ижтимоий-иқтисодий, 436 таси (4,2 фоизи) сиёсий ва 373 таси (3,6 фоизи) маданий ҳуқуқларга оид мурожаатларни ташкил қилади.

Марказ томонидан кўриб чиқилган мурожаатларнинг:

- 1 минг 311 таси – суриштирув ва дастлабки тергов органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларидан, шунингдек қарорларидан норозилик шикоятлари;
- 2 минг 342 таси – фуқароларнинг одил судловга оид ҳуқуқларига тааллуқли мурожаатлари;
- 1 минг 751 таси – маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари қарорларидан норозилик шикоятлари;
- 1 минг 480 таси – бошқа давлат идоралари, муассасалари ва ташкилотларининг қарорлари ҳамда мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларидан норозилик шикоятлари;
- 429 таси – суд қарорлари ижроси билан боғлиқ мурожаатлардир.

Маълумки, Ўзбекистонда одил судлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят-процессуал кодекс ва “Судлар тўғрисида”ги қонун талабларига биноан фақат судлар томонидан амалга оширилади, уларнинг фаолиятига аралашиб тақиқланади. Шунингдек, дастлабки тергов ва суриштирув органларининг фаолияти юқори турувчи орган ҳамда прокурорлар томонидан назорат қилиниши Жиноят-процессуал кодекс ва “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Миллий марказ томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2016–2021 йиллар давомида 557 та мурожаат бўйича фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, 917 та ҳолатда фуқароларга ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишда амалий кўмак берилди, 1 минг 993 та ҳолатда фуқароларга қонун ҳужжатлари талаблари бўйича тегишли ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар берилди. Шу билан бирга, 1 минг 466 та мурожаатда кўрсатилган фактлар тасдиқланмади.

Бундан ташқари, 2020 йил давомида Миллий марказ томонидан телефон орқали мурожаат қилган 20 минг 500 нафардан ортиқ фуқарога ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг суд идораларига ўзларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб мурожаат қилишлари учун барча ҳуқуқий воситалар етарли даражада таъминланган.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига биноан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Шунингдек, бу кафолат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 3-моддаси, 23¹-бобида янада мустаҳкамланган.

Суд тизимининг жиноят, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий судларга ихтисослашуви фуқароларнинг қайси ҳуқуқлари бузилишига қараб тегишли судларга мурожаат қилиш ҳуқуқини беради.

Кейинги салкам 10 йилда 50 дан ортиқ турли тоифадаги суд ишларида Миллий марказ вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этди. Миллий марказ вакиллари қатнашган 24 та иш бўйича судларнинг қонуний қарорлари қабул қилиниши таъминланиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тикланди.

Ушбу давр мобайнида Миллий марказнинг суд ва прокуратура органларига киритган ёзма хулосаси асосида 18 та жиноят иши бўйича 23 нафар фуқаронинг ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилганлиги аниқланиб, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларига асосан оқланишига (реабилитация қилинишига) эришилди.

Оқланган (реабилитация қилинган) 8 нафар шахсга етказилган 2 млрд. 200 млн. сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарар суммалари ундириб берилди.

Бундан ташқари, 5 та жиноят иши бўйича 13 нафар судланган шахснинг жазо турлари ўзгартирилди ва муддатлари қисқартирилди.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича тегишли судларнинг ҳукмлари билан судланган шахсларнинг жиноятларига алоқаси бўлмаган 8 нафар шахснинг кўчмас мулклари ноқонуний равишда давлат эгалигига ўтказилгани аниқланди. Миллий марказнинг тегишли босқич судларига киритган хулоса ва тавсиялари асосида мол-мулк ўз қонуний эгаларига қайтарилиши таъминланди.

“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятида, умуман, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқлари учун рағбатлантиришни кўзда

тутадиган алоҳида мукофот мустақилликнинг ўтган 25 йили давомида мавжуд бўлмаган. Ҳолбуки, халқ таълими, прокуратура, ёшлар ташкилоти ва бошқа шу каби кўплаб тизимларда бундай мукофотлар таъсис этилган.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан 2018 йил 10 декабрда “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони таъсис этилди. Эндиликда ҳар йили 10 декабрь – Халқаро инсон ҳуқуқлари кунида “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони совриндорлари Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан тантанали равишда тақдирлаб борилади.

Илк бор ушбу мукофот 2020 йил 10 декабрда Миллий марказнинг махсус комиссияси томонидан қуйидаги йўналишлар бўйича танланган “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишонининг 12 нафар соҳибига топширилди:

I. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги амалий ишлари учун:

1. Рашидова Сайёра Шарафовна – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига қўшган салмоқли ҳиссаси учун;

2. Кабулова Диловар Насимовна – пандемия даврида аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий ёрдамга муҳтож қатламларига ёрдам беришда кўрсатган фаоллиги учун.

II. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги нодавлат ташкилотлардаги фаолияти учун:

3. Республика “Истиқболли авлод” ижтимоий-ахборот маркази – одам савдоси ва зўравонликнинг бошқа турларининг олдини олиш, одам савдосидан жабрланганлар, мигрантлар ва аҳолининг заиф қатламларига ёрдам беришдаги фаоллиги учун;

4. Исаев Маҳмуджон Ниматович – Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларини мониторинг қилиш, жумладан, болалар ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти учун.

III. Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қўшган ҳиссаси учун:

5. «Сабр» Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази – тушкунликка учраган аёллар ва болаларга психологик, ижтимоий, ҳуқуқий ҳамда тиббий кўмак кўрсатишдаги фаоллиги учун;

6. “Меҳрли қўллар” имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази – имконияти чекланган ёшлар ва болаларга кўмак кўрсатишдаги фаоллиги учун.

IV. Инсон ҳуқуқлари тарғиботи ва маърифий фаолияти учун:

7. Шамсутдинов Рустамбек Темирович – қатағон қурбонлари тўғрисидаги маърифий тадбирларни амалга оширишдаги фаоллиги учун;

8. Абдреймова Наргул Сансизбаевна – инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқ тарғиботи ва коррупцияга қарши кураш соҳасидаги долзарб мақолалари учун.

V. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва илмий тадқиқотлари учун:

9. Бобоев Ҳалимбой Бабаевич – Ўзбекистонда биринчи “Инсон ҳуқуқлари” курсини олий ўқув юртларига киритишдаги алоҳида ҳиссаси учун;

10. Мўминов Абдулхай Рашидович (марҳум) – “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” дарслиги, “Инсон ҳуқуқлари” фани бўйича ўқув дастурларини яратишдаги алоҳида хизматлари учун.

VI. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун:

11. Москалькова Татьяна Николаевна (Россия) – пандемия даврида мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги самарали фаолияти учун;

12. Перта Дойблер-Гмелин (Германия) – Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари ва коррупцияга қарши курашиш соҳаларидаги самарали тадбирлари учун.

Эътибор беринг: ҳар 5 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эълон қилинган кун – 10 декабрда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтади. Ушбу мукофот 1966 йилда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга улкан ҳисса қўшган инсонларни тақдирлаш учун ташкил этилган. Бинобарин, Ўзбекистон ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича ўз мукофотини таъсис этди.

ИККИНЧИ БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲОЛАТИ: ТАҲЛИЛ ВА МОНИТОРИНГ

“Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъозлаш биз барпо этаётган очиқ, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир”¹.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Қийноқларнинг олдини олиш

Миллий марказ инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсиялари бажарилишини мониторинг қилиш билан ҳам бевосита шуғулланади.

Шунга кўра, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича миллий мониторинг тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу борадаги алоҳида амалий мисолларга мурожаат қиламиз.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси// <https://president.uz/uz/3119>.

Аслида, инсонни қийноққа солишдан мақсад унинг шахси ва шаънини оёқости қилиш, ор-номуси ва қадр-қимматини топташ ҳамда ҳўрлашдир. Шунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланувчи Ўзбекистон ҳам қийноқларни муайян одамлар томонидан бошқаларига нисбатан қўлланадиган энг ғайриинсоний қилмиш сифатида ҳар доим қоралаб келади.

Халқаро ҳуқуққа кўра, қийноқлар – инсониятга қарши жиноятдир. Бу борада қабул қилинган барча ҳужжатларда қийноқлар қатъиян тақиқланади ва қийноққа солиш ҳолатини оқлашга ҳеч қачон ва ҳеч қандай йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси талабига кўра, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Бу ҳақда сўз борганда, БМТ Бош Ассамблеяси 1997 йилда 26 июнь – Қийноқ қурбонларини қўллаб-қувватлаш халқаро куни, деб эълон қилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур халқаро санада дунё микёсида қийноқларга бутунлай барҳам бериш ҳамда БМТнинг Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларига қарши конвенцияси янада самарадор ишлашини таъминлашга қаратилган турли тадбирлар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини 2021 йил 26 июнь – Қийноқ қурбонларини қўллаб-қувватлаш халқаро куни нишонланган муҳим санада имзолагани бежиз эмас.

Бу воқелик Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида шиддатли ва аниқ тизимли ислоҳотларни амалга ошириш асносида, мазкур йўналишдаги синовдан ўтган халқаро тажриба ҳамда дунё андозаларига ҳар томонлама уйғунлашишга қатъият билан интилаётганининг яна бир яққол далолатидир.

Яъни, ушбу Қарор Президентимизнинг парламентга тақдим этган Мурожаатномалари, дастурий маъруза ва нутқлари, шунингдек Миллий стратегия ҳамда Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида қабул қилинган. Қарордан кўзланган мақсад – БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталари тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмларни такомиллаштиришдан иборат.

Бу ўринда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузурида тузиладиган Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз, деб ҳисоблайман. Жамоатчилик гуруҳлари таркибига Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ экспертлари, тиббиёт ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари жалб этилади.

Бунда ана шу мутахассисларнинг мониторинг ташрифлари ни амалга ошириш учун касбий малакаси ва амалий билимларга эга бўлиши ҳамда гендер тенглиги таъминланиши ҳисобга олинади.

Жамоатчилик гуруҳларининг асосий вазифалари ҳам Президент Қарорида кўзда тутилган. Булар, асосан, гауптвахта, махсус қабулхона, вақтинча сақлаш ҳибсхонаси, тергов ҳибсхонаси, жазони ижро этиш муассасаси, интизомий қисм, мажбурий даволаш муассасаларида қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича мониторинг ташрифларини мунтазам равишда амалга оширишдан иборатдир.

Эътибор беринг: Қарорда ушбу махсус муассасаларга нисбатан **“ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойлар”** деган ягона атама қўлланган.

Эндиликда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга жойлаштирилган шахсларнинг ягона электрон реестрини юритиш амалиёти йўлга қўйилади. Би-

нобарин, “Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларнинг ягона реестри” электрон тизими ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларнинг яқин қариндоши, қонуний вакили ва адвокати шахс сақлаб турилган жой ва вақт билан боғлиқ маълумотларни олишини таъминлайди.

Бундай амалиёт, шунингдек ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни белгиланган муддатдан ортиқча вақт давомида ушлаб туриш, ушлаб туриш бошланган вақтни кечиктириб кўрсатиш, ғайриқонуний равишда ушлаб туриш каби салбий иллатларнинг олдини олиш имконини беради.

Бундан ташқари, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар томонидан қийноқлар бўйича амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда, адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали мурожаат қилиш амалиёти янада такомиллаштирилади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил 22 февралда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида Ўзбекистон Республикаси Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини ратификация қилиши ҳақида баёнот берганди. Қарорда бу борада бир қатор муҳим вазифалар кўзда тутилган.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Омбудсман ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда БМТнинг Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларига қарши конвенциясининг Факультатив протокоliga Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши масаласи бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиши зарурлиги белгиланган.

Маълумки, Нью-Йоркда 2002 йил 18 декабрда қабул қилинган Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларига қарши конвенциянинг Факультатив протоколини ўтган давр-

да дунёнинг 91 та давлати ратификация қилган. Ўз навбатида, Арманистон, Озарбайжон, Эстония, Грузия, Литва, Молдова, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон, Афғонистон, Чехия, Финляндия, Франция, Германия, Италия, Польша, Испания, Туркия каби ўндан ортиқ давлат ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатни имзолаган.

Шу маънода, Ўзбекистон Президентининг “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори Ўзбекистонда қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий тизимни умумэтироф этилган халқаро-ҳуқуқий стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон бугунги кунда БМТ Тараққиёт дастурининг Инсон камолоти индексида 106-ўринни, Жаҳон банкининг бошқарув сифати индикаторларининг сиёсий барқарорлик ва зўравонлик йўқлиги субиндикатори бўйича 136-ўринни, “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқаро ноҳукумат ташкилотининг ҳуқуқ устуворлиги индексининг асосий ҳуқуқларнинг таъминланганлиги индикатори бўйича эса 110-ўринни эгаллаб турибди.

Президентимиз қарорида назарда тутилган янгиланишлар амалиётга ўз вақтида ва тўлиқ жорий қилиниши, шубҳасиз, мамлакатимизнинг ушбу йўналишдаги ислоҳотларига халқаро ҳамжамиятнинг ижобий фикрларини шакллантиришга хизмат қилади. Бинобарин, бир томондан, юртимизда қийноққа солиш ҳолатларига узил-кесил барҳам берилса, иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг халқаро имижи янада ортади.

Ўзбекистон Президенти 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилишини таъкидлар экан, тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш зарурлигига эътиборни қаратганди. Нега деган-

да, афсуски, мазкур соҳада қийноққа солиш ҳолатлари ҳали ҳам учраб турибди.

Масалан, қийноққа солиш жинояти 2017 йилда – 7 та, 2018 йилда – 10 та, 2019 йилда – 16 та, 2020 йилда ҳам 16 та қайд этилган. Бу ачинарли ҳол фуқароларда жиддий эътирозларни келтириб чиқараётгани ва мамлакатимизнинг халқаро нуфузига салбий таъсир кўрсатаётгани айна ҳақиқат бўлиб, Юртбошимиз бунга бефарқ қараб туролмасди.

Давлат раҳбари, авваламбор, Олий Мажлис палаталари ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ зиммасига қийноқларнинг олдини олиш бўйича Омбудсман ваколатларини кенгайтириш, шунингдек жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан ўз таклифларини ишлаб чиқиш вазифаларини юклади. Бунда Омбудсман томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига “мониторинг ташрифлари” тизими йўлга қўйилиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Шунингдек, Олий Мажлис палаталари ҳар йили Омбудсманнинг қийноқларнинг олдини олиш бўйича маърузасини эшитиб, бу иллатга бутунлай барҳам бериш бўйича зарур чоратадбирларни белгилаши кўрсатиб ўтилди. Бу муҳим вазифалар айна пайтда изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июнда қабул қилинган “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан:

- қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш бўйича қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқлаштириш;

- ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга юборилган мурожаатларнинг муассаса маъмурияти томонидан кўздан кечирилмаслигини ҳамда қабул қилувчига зудлик билан юборилишини қатъий таъминлаш;

- қийноққа солиш ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатларнинг тезкор ва ҳолисона кўриб чиқилиши ҳамда айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарликка тортилиши механизмини такомиллаштириш;

- қийноққа солишдан жабрланганларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатилишини ҳамда уларга етказилган зарарнинг компенсация қилинишини таъминлаш;

- қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш фаолиятига фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг давлат органлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

- қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича фаолият натижалари тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш;

- қийноққа солишнинг олдини олиш борасида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг миллий институтлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш устувор вазифалар этиб белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш, жумладан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига мутлақо йўл қўймаслик мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ислохотларнинг амалдаги босқичи қийноққа солишнинг барвақт олдини олиш, у билан боғлиқ мурожаатларни тезкор равишда ҳолисона кўриб чиқиш, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга

мониторинг ташрифларини мунтазам амалга ошириш бўйича самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш ишларини давом эттириш масаласини кун тартибига қўйди.

Мазкур долзарб масала Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида ўз аксини топди. Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида ҳам бу борада аниқ вазифалар назарда тутилди.

Маҳкумлар ҳуқуқи

Ўзбекистон халқаро мажбуриятларни бажаришининг ёрқин мисолларидан бири сифатида тергов ўтказишда суд назоратини кучайтиришга қаратилган “Хабеас корпус” процедурасини имплементация қилишни келтириш мумкин. Жумладан, 2018 йилдан буён қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини кескин қисқартириш йўлидан борилмоқда.

Судларнинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномаларни қондиришдан бош тортиши яхши анъанага айланмоқда. Инсонпарварлик тамойили асосида мутлақо янги амалиёт жорий этилмоқда. Яъни, жиноят йўлига адашиб кириб, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган кексалар, аёллар, навқирон йигит-қизлар Ёшлар иттифоқи, маҳаллалар ва хотин-қизлар қўмиталарининг кафилиги билан жазодан озод қилинмоқда.

Шу билан бир қаторда, давлатимиз раҳбарининг қарори билан Жаслиқ кўрғонида жойлашган, халқ орасида ёмон ном қозонган жазони ижро этиш колонияси ёпилиши нафақат миллий кўламда, балки халқаро миқёсда ҳам катта акс садо берди. Бунга қадар ҳам мамлакатда иккита қамоқхона ёпилганди. Ана шундай инсонпарвар сиёсат туфайли қисқа даврда мамлакатда маҳбуслар сони икки баробар камайишига эришилди.

Айни чоғда, 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди ҳамда Жиноят-ижроия кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқилди.

Айблов далили сифатида ноқонуний усуллар билан олинган маълумотлардан фойдаланиш учун қатъий жавобгарлик белгиланди. Жиноят кодексининг 235-моддаси қийноқлар масаласига бағишланган бўлиб, у БМТнинг Қийноқларга қарши конвенциясининг 1-моддасига мувофиқлаштирилди.

Жазони ижро этиш муассасаларида қамоқда сақланаётган шахсларга нисбатан зўравонлик, қийноқлар ва рухсат этилмаган хатти-ҳаракатларнинг ўз вақтида олдини олиш ва уларни бартараф этиш алоҳида назоратга олинди. Шу мақсадда мазкур муассасаларда 2 минг 800 дан ортиқ видеокузатув камераси, шундан 1 минг 920 таси жазони ижро этиш колонияларида, 880 таси тергов ҳибсхоналарида ўрнатилди.

Маҳкумлар ва қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини мустаҳкамлаш мақсадида, БМТ шартномавий ва устав органларининг тавсияларига мувофиқ, "Омбудсман-Плюс" моделига асосланган қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм яратилди.

Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Бизнес-омбудсман ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини олдини олиш борасидаги роли кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги қарори билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига жазони ижро этиш муассасаларига, қамоқда сақлаш ва махсус қабулхоналарга монеликсиз кириш ҳуқуқи берилди. Ушбу ҳуқуқлар Миллий марказнинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими масъул ходимлари томонидан амалга оширилмоқда.

Конун ҳужжатлари билан берилган ваколат доирасида ҳамда Миллий марказнинг тегишли иш режаларига мувофик, 2019–2020 йиллар ва 2021 йилнинг 9 ойи мобайнида бевосита ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузуридаги жамоатчилик гуруҳи таркибида ҳаракатланиш эрки чекланган шахслар сакланадиган муассасаларда 12 маротаба мониторинг ташрифи ўтказилган. Бу жараёнларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар билан юз-ма-юз учрашилган, эрки чекланган шахсларни кизиқтирган саволларга ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар берилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва ижтимоий мослаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Пробация хизмати Ёшлар иттифоқи, бандликка қўмаклашиш марказлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликда профилактик тадбирларни амалга оширмоқда.

Пробация бўлинмалари томонидан 61 минг 53 нафар шахс назорат остига олинган бўлиб, шундан: ахлоқ тузатиш ишларида – 20 минг 21 нафар, шартли ҳукм қилинганлар – 2 минг 340 нафар, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар – 6 минг 925 нафар, озодлиги чекланганлар – 9 минг 767 нафар, мажбурий жамоат ишларида – 137 нафар ва шартли озод қилинганлар – 21 минг 863 нафарни ташкил этади.

Кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган профилактик тадбирлар натижасида назорат остидаги 53 минг 393 нафар шахс ҳисобдан чиқарилди, 25 минг 431 нафар назоратдаги шахс жазодан муддатидан илгари шартли озод этилди. Бунинг натижасида ҳисобга олинган назоратдаги 61 минг 53 нафар шахснинг 85 фоизи, яъни 51 минг 790 нафари тузалиш йўлига ўтишига эришилди.

Пробация хизматининг фаолиятида халқаро тажрибалар асосида янги инновацион тизимни яратиш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижро этилишида жамоатчилик назоратини мустаҳкамлаш мақсадида “Пробация хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш департаментининг маълумотларига кўра, 2016–2021 йилларда 5 минг 180 шахсга нисбатан афв этиш тўғрисида 17 та Президент фармони қабул қилинган. 2020–2021 йилларда 1 минг 71 шахс афв этилиб, 2 минг 647 нафари жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган.

Шундан 49 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилган бўлса, 513 нафари муддатидан илгари шартли озод этилган. 96 нафар шахснинг ўталмаган жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 413 нафар шахснинг ўталмаган жазоси қисқартирилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар, маҳкумлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, афв қўллаш асослари ва тартибини белгилаш масалалари “Афв этиш тўғрисида”ги алоҳида қонунда мустаҳкамланишини таъминлаш истиқболдаги муҳим вазифалардан биридир.

Коррупцияга қарши курашиш

Ўзбекистон коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим институционал-ҳуқуқий ислохотларни амалга оширди. Мамлакат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси, шунингдек, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул Ҳаракат режасини ратификация қилган.

Мамлакатимизда сўнгги беш йилда коррупцияга қарши кураш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Шу

мақсадда Сенат Раиси раҳбарлигида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ташкил этилди.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури изчил бажарилди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркиби янгиланди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича парламент қўмиталари ташкил этилди. Бу амалий қадамлар барча даражадаги давлат муассасаларида коррупцияга қарши курашни тубдан кучайтиришга ёрдам беради.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги фармони алоҳида аҳамият касб этди.

Фармон асосида Коррупцияга қарши кураш агентлиги ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад – коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга оширишдан иборат.

Айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада, жумладан, жамоатчилик ва парламент назорати механизмлари такомиллаштирилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди.

Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан ҳам муносиб баҳолаб борилаётганлиги эътироф этилди. Хусусан, Жаҳон одил судлов лойиҳаси томонидан юритиладиган Ҳуқуқ устуворлиги индексининг 2021 йил ҳисоботида Ўзбекистон 19 поғонага, 139 та мамлакат орасида 89-ўриндан 70-ўринга кўтарилгани алоҳида эътиборга сазовор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрда қабул қилинган **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори бу борада алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ушбу ҳужжат мамлакатимизда ҳуқуқни қўллаш амалиёти қонунчилик ҳужжатларида коррупцияга шароит яратувчи нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш тизимининг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган.

Қарорга кўра, қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат харидлари соҳаларини тартибга солувчи 75 та қонунчилик ҳужжатидаги 302 та коррупциявий омилни бартараф этиш кўзда тутилган.

Бу ҳақда сўз борганда, жумладан, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ва унинг “Қурилишдаги назорат” қуйи тизими ишлаб чиқилиб, 2021 йилдан реал вақт режимида мамлакат миқёсида жорий қилинганини таъкидлаш лозим. Бу тизимларни татбиқ қилишдан мақсад – қурилиш объектларини назорат қилиш жараёнларида коррупциявий омилларни камайтириш ва шу жараёнларнинг шаффофлигини таъминлашдир.

Мазкур тизим:

- Қурилиш соҳасида электрон давлат харид портали;
- Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинги;
- “Қурилиш назорати” ахборот тизими;
- “Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизими;

- “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ахборот тизими;
- Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш электрон платформасидан иборат.

Ўз навбатида, олий таълим соҳасида коррупциоген ва инсон билан боғлиқ омилларни камайтириш мақсадида бир қатор хизматлар рақамлаштирилган. Хусусан, олий таълим муассасаларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида “Рақамли университет” лойиҳаси босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Олий таълим тизимини рақамлаштириш мақсадида “Олий таълим жараёнларини бошқариш – NEMIS” ахборот тизими ишлаб чиқилиб, 50 та олий таълим муассасасида жорий этилган. Бу ахборот тизими орқали талабалар шахсий варақаси, гуруҳ журнали, рейтинг дафтарчаси, дарс жадвали, давомат ва ўзлаштириш қайд варақалари рақамлаштирилади.

Мазкур тизимда 30 минг 402 нафар ўқитувчи ва 656 минг 502 нафар талаба тўғрисидаги маълумотлар базаси мавжуд.

Бунга қадар олий таълим тизимида ёшларни адолат тамойили асосида ўқишга қабул қилиш механизми жорий этилиб, бир вақтнинг ўзида 5 тагача олий таълим муассасаси танловларида иштирок этиш имконияти яратилгани ҳам муҳим аҳамият касб этди. Чунки бунинг натижасида 170 минг 655 нафар ёш йигит-қиз олий таълим билан қамраб олинди.

Бошқача айтганда, бу кўрсаткич 2016 йилда атиги 9 фоиздан иборат бўлган эса, эндиликда 28 фоизга ортди. Талабаларнинг ўқишини кўчириш тартиби ҳам соддалаштирилди.

Олий таълим, соғлиқни сақлаш, капитал қурилиш ҳамда давлат харидлари соҳаларини “коррупциясиз соҳа”га айлантириш бўйича “йўл хариталари” қабул қилиниб, улар устидан таъсирчан парламент назорати ўрнатилди. Хусусан, олий таълим ва капитал қурилиш соҳаларидаги бир қатор тартиб-таомиллар соддалаштирилди, инсон омили камайтирилди, айрим хизматларнинг рақамлаштирилиши ҳисобига коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи омиллар бартараф этилди.

Шу билан бирга, “коррупциясиз соҳа” лойиҳаларини амалга оширишга доир “йўл хариталари”даги айрим бандлар белгиланган муддатда ва талаб даражасида бажарилмагани билан боғлиқ салбий ҳолатлар ҳам мавжуд. Бу, ўз навбатида, янги муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Мисол учун, “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг ижро этилмаслиги ва қонунчилик ҳужжатларида коррупциявий омилларнинг сақланиб қолаётганлиги олий таълим соҳасини чинакам “коррупциясиз соҳа”га айлантириш имконини бермаяпти. Оқибатда олий таълим тизимида коррупция ҳолати юқорилигича қолмоқда.

Бу ўринда “Ижтимоий фикр” маркази томонидан ўтказилган сўров натижаларини ушбу фикрларнинг тасдиғи сифатида келтириш мумкин. Гап шундаки, ижтимоий сўров натижаларига кўра, 2020 йилда респондентларнинг 28,9 фоизи олий таълим муассасаларида коррупция кенг тарқалган деган фикрни билдирган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 38,8 фоизни ташкил этган.

Соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотларга қарамай, коррупция билан боғлиқ жиноятчилик ортиб бораётгани ташвиш уйғотмай қолмайди. Бинобарин, жиноятга жазо – муқаррар, дейдилар.

Шу маънода, 2020 йилда коррупциявий жиноятларни содир қилганликда айбдор деб топилган 2 минг 270 нафар шахсга нисбатан 1 минг 502 та жиноят иши кўриб чиқилган. Аммо, 2021 йил 9 ойининг ўзида ушбу кўрсаткич икки баробар ортган.

Коррупциявий жиноятлар содир этилиши оқибатида етказилган моддий зарар ҳажми ҳам 1,5 баробарга кўпайган. Яъни, 2020 йилда жами 500 миллиард сўм зарар етказилган бўлса, шу йилнинг 9 ойи давомида бу кўрсаткич 782 миллиард сўмни ташкил этган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу борада айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан чекланиб қол-

масдан, тизимли превентив чораларни кўриш зарур. Коррупциянинг нафақат оқибатларини, балки сабабларини олдиндан бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар амалга оширилиши талаб этилади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президенти томонидан яқинда илгари сурилган “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида келгуси беш йилда амалга ошириладиган 7 та устувор вазифалар, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш масалаларига эътибор қаратилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олингани диққатга сазовордир.

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишлаб ўтказилган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида таъкидлаганидек, **“Бундан буён ҳам тараққиёт кушандаси бўлган ушбу иллатга барҳам беришга давлат ва жамиятнинг барча куч ва воситаларини сафарбар этамиз”.**

Аслида ҳам, фақат давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар ва ҳуқуқий чоралар билангина коррупция балосига қарши самарали курашиб бўлмайди. Бунинг учун, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев қайд этганидек, **“бутун жамиятимизда, аввало, ёшлар онгида бу иллатга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, барча соғлом кучларни бирлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга”.**

Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш

Мамлакатимиз кейинги йилларда болалар меҳнатини тўлиқ бартараф этишга муваффақ бўлди. Яна бир муҳим ютуқ – мажбурий меҳнат шакллари тугатишда сезиларли натижаларга эришдик.

Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг 19 та конвенцияси, жумладан, Болалар ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича конвенциясини ратификация қилди.

Халқаро ташкилотларнинг тавсияларига мувофиқ, Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия ташкил этилди.

2020 йил 22 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига иккита янги модда киритилди. Булардан бири, яъни 148¹-модда – вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш ҳақида бўлса, иккинчиси, 148²-модда – меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш хусусидадир.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг бандида фуқароларни, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, бошқа бюджет ташкилотлари ходимлари, таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларини мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг барча турлари чекланганлиги қайд этилган.

АҚШ Меҳнат вазирлиги 2018 йил 20 сентябрь куни Болалар меҳнатининг энг ёмон шакли бўйича йиллик хулосаларининг 17-нашрини эълон қилди. Ҳисоботда қайд этилишича, Ўзбекистон ҳукумати томонидан пахта теримида болалар мажбурий меҳнатини сафарбар этиш сезиларли камайиши натижасида биринчи марта мўтадил тараққиётга эришилди. АҚШ Меҳнат вазирлиги ўзбек пахтасини “болалар меҳнати ёки мажбурий меҳнат билан ишлаб чиқарилган товарлар рўйхати”дан чиқариб ташлади.

Халқаро меҳнат ташкилоти эълон қилган Ўзбекистонда 2020 йилги пахта терими бўйича мониторинг натижаларига

кўра, ўтган йилги пахта йиғим-теримида юртимизда болалар ва мажбурий меҳнат ҳолатлари тизимли равишда кузатилмаган. Шу билан бирга, баъзи вилоятлар ва туманларда мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир ислоҳотларни жорий қилиш билан боғлиқ айрим қийинчиликлар кўзга ташланмоқда.

Давлатимиз раҳбари “Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йили” деб эълон қилган жорий йилда Ўзбекистонда Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонун қабул қилинишига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратгани шуни англатадики, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам беришда қонун асосида кутилган мақбул натижаларга эришамиз.

Айни вақтда Халқаро меҳнат ташкилотининг замонавий талаблари ва тавсияларига жавоб берадиган янги Меҳнат кодекси қабул қилинди.

Халқаро ташкилотларнинг тавсияларини амалга ошириш мақсадида вақтинчалик ёки доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлмаган ёхуд яшаш жойида рўйхатдан ўтмаган фуқароларни ишга қабул қилишни тақиқлаш бекор қилинди. Шу билан бирга, вақтинчалик ёки доимий пропискасиз ёки турар жойида ҳисобга олинмаган фуқароларни ишга қабул қилиш учун иш берувчининг жавобгарлиги бекор қилинганини ҳам таъкидлаш лозим.

Янги қабул қилинган “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонун ходимларни танлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи нодавлат ташкилотлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга, шунингдек иш изловчиларга меҳнат бозорида ва бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилгандир.

Мамлакатда меҳнат миграцияси масалаларига муносабат тубдан ўзгарди. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилди.

Шунга қарамай, ҳудудлардаги меҳнат бозорида юқори даражадаги кескинлик сақланиб қолмоқда. Доимий иш ўринларини яратиш, ёшлар, аёллар, кам таъминланган оилалар аъзола-

ри, айникса, кишлок жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш масалалари талаб даражасида ҳал этилмаяпти.

Одам савдосига қарши курашиш

Сўнгги 15 йил ичида дунёда одам савдоси қурбонлари орасида болаларнинг улуши уч барабарга ошган, аёллар ушбу жиний ҳаракатнинг асосий нишони бўлиб қолмоқда. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда **дунё бўйича 40 миллиондан ортиқ одам қўлликнинг замонавий шаклларига дучор этилган бўлиб, уларнинг 71 фоизини аёллар ва қизлар ташкил этади.**

Халқимиз қадр-қиммати, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлашда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари катта аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, Миллий стратегия ижроси доирасида 2020 йил 17 августда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилингани диққатга сазовордир. Ушбу Қонун расман эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

Янги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланди. Қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, одам савдосидан жабрланган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди, жиноятларнинг олдини

олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар жорий этилди. Мазкур чора-тадбирлар одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мамлакатда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини берди.

АҚШ Давлат департаментининг 2020 йилда одам савдосига қарши курашнинг дунё бўйича ҳолати таҳлилига бағишланган маърузасида Ўзбекистон бу борада 2021 йилда иккинчи тоифага (Tier 2) ўтказилгани таъкидланди. Бу ўзгариш мамлакатимизнинг айти йўналишда ижобий натижага эришганини кўрсатади.

Илгари, 2018-2020 йиллар давомида Ўзбекистон иккинчи гуруҳ таркибида (Tier 2 Watch List) бўлиб келган. Бу гуруҳдаги мамлакатларга нисбатан алоҳида назорат олиб борилади.

Маърузада таъкидланганидек, “Ўзбекистон одам савдосига барҳам бериш учун сезиларли даражада саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Ҳукумат ҳисобот даврида, COVID-19 пандемия шароити унинг одам савдосига қарши курашиш борасидаги имкониятларига салбий таъсир кўрсатганига қарамай, айти соҳада ҳал қилувчи ютуқларга эришди; шунинг учун Ўзбекистон Назоратнинг 2-тоифаси рўйхатига ўтказилди”.

Маърузада Ўзбекистон қонунчилигидаги ўзгаришлар, хусусан, одам савдосига қарши курашиш тўғрисида янги қонун қабул қилингани, Жиноят кодексига болалар меҳнати учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган ўзгартиришлар киритилгани, ушбу соҳада жиноятларни аниқлашга оид ҳуқуқни қўллаш амалиёти такомиллаштирилгани алоҳида қайд этилган.

Шунингдек, Сурия, Ироқ ва Афғонистоннинг қуролли можаролар давом этаётган ҳудудларига бориб қолган аёллар ва болаларни ҳимоя остига олиш ҳамда жамиятга мослаштириш, бундан ташқари, пандемия шароитида меҳнат мигрантларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратилган.

Маърузада Ўзбекистоннинг фуқаролик жамияти институтлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигига ижобий баҳо берилган. Хусусан, ўзаро ҳамкорликда ҳар йилги пахта йиғим-терими мавсумида мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳолатлари кескин камайгани таъкидланган.

Ўзбекистоннинг яна бир ютуғи сифатида маърузада Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссиянинг мувофиқлаштирилган фаолиятига урғу берилган. Шунингдек, мамлакатда одам савдоси жабрдийдаларини аниқлаш (идентификация қилиш) ва қайта йўналтириш миллий механизмига асос солингани эътироф этилган.

Маърузада айтилиб соҳадаги вазиятнинг таҳлили билан бир қаторда, Ўзбекистон назоратнинг навбатдаги, яъни АҚШ қонунчилигида қўлланадиган талабларга мос тоифаси рўйхатига (Trafficking Victims Protection Act – TVPA) киритилиши учун зарур бўлган жуда муҳим тавсиялар ҳам тақдим этилган.

АҚШ Давлат департаментининг бу борадаги йиллик маърузасида жаҳон давлатлари, шу жумладан, Америка Қўшма Штатлари, 2000 йилда АҚШда қабул қилинган Одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ ҳолда, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бора-сида амалга оширган саъй-ҳаракатлар таҳлил қилинади. Бунда мамлакатлар Палермо протоколининг “Уч П” минимал андозалари асосида баҳолаб борилади. Бу ўринда “Уч П” тушунчаси – одам савдосига қўл урган шахсларни таъқиб этиш, одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилиш ва одам савдосининг олдини олишга доир стандартларни аниқлатади.

Давлат департаменти маърузасида мамлакатлар учта тоифага ажратилади.

Биринчи тоифага (Tier 1 List) – TVPA талабларини тўла бажарётган давлатлар, иккинчи тоифага (Tier 2 List) – ана шу талабларга мос келишга интилаётган мамлакатлар киритилади.

Иккинчи тоифа таркибида алоҳида назоратга олинган мамлакатлар гуруҳи (Tier 2 Watch List) ҳам мавжуд бўлиб, улар қаторидан тегишли талабларга жавоб беришга астойдил интилаётган мамлакатлар жой олади.

Учинчи тоифага (Tier 3 List) TVPАнинг энг кам талабларига ҳам мос келмайдиган мамлакатлар киритилади. Бунда тегишли мамлакатларнинг вазиятни ўзгартириш учун сезиларли ҳаракат қилмаётганидан келиб чиқилади.

Миллатлараро тотувлик ва бирдамлик

Кейинги йилларда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли катта ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилган кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидалари турмушга фаол татбиқ этилмоқда, бу қоидалар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари миллатидан қатъи назар Ўзбекистон халқини ташкил этишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ўзининг ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, уларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилишини эълон қилади ва кафолатлайди”¹.**

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 ноябрда қабул қилинган “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // <https://xs.uz/uzkr/post/millatlararomunosabatlar-sohasida-ozbekiston-respublikasi-davlat-siyosati-kontseptsiyasini-tasdiqlash-toghrisida>.

Чиндан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддасида Ўзбекистон халқи ушбу Конституцияни, жумладан, **“фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида”** қабул қилгани алоҳида таъкидланган. Шу маънода, Асосий Қонуниimiz – биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, керак бўлса, ушбу заминда истиқомат қилаётган, жинси, ирқи, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳуқуқий ҳимоя ҳисобланади.

Конституциямизнинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили экани мустаҳкамлангани баробарида, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши қайд этилган. Шу асосда ҳозирги вақтда мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқиш 7 тилда олиб борилаётгани, газета ва журналлар 10 дан ортиқ тилда чоп этилаётгани, теле-радио кўрсатувлари ва эшиттиришлари эса 12 тилда эфирга узатилаётгани жуда муҳимдир.

Бош Қомусимизнинг 8-моддасида **“Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”** деган норма белгилаб қўйилган. Ана шу конституциявий талабдан келиб чиқиб, ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида ҳалол ва виждонан меҳнат қилаётган, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фуқаролиги бўлмаган шахсга айланиб қолган фуқароларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз фуқаролигига қабул қилиш, чегара муносабатларини тартибга солиб, оға-ини, қардош-биродар бўлиб яшаган халқларнинг азалий муносабатларини қайта тиклаш,

уйсизларга уй бериб, мухтожларга мурувват кўрсатиш, давлат идораларини тула-тўқис халқ учун хизмат қилдириш каби узоқ йиллар давомида ўз ечимини кутган бундай оғриқли муаммоларни ҳал этиш осон кечгани йўқ. Табиийки, буларнинг барчаси — юксак ақл-идрок, донишмандлик, оқилона сиёсат, фидоийлик ва матонат маҳсули.

Конституциямизнинг 18-моддаси талабига кўра, “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар». Ҳозирги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила бўлиб яшамоқда. Улар барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуришга ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Чиндан ҳам, Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин энг катта бойлик, энг юксак қадрият – жамиятда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир. Зеро, бугунги даврда ҳаётнинг ўзи турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ҳукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз бўлган Ватанимиз ва жамиятимиз, ҳар биримизнинг оила-рўзгоримиз, фарзандларимиз келажагини таъминлашга эришиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган ва 2017 йил 7 февралда тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Бу дастуриламал ҳужжатнинг бешинчи устувор йўналиши **“Ҳавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли**

ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш”¹ деб номлангани бежиз эмас.

Чунки давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини, минтақамизда хавфсизлик, барқарорлик ҳамда аҳил қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятида юртимизнинг нуфузини ошириш йўлида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада кучайтириш, мамлакат атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик муҳитини яратишга қаратилган ўзаро манфаатли ва амалий сиёсат юритиш давр талабидир.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида инсонпарварлик қадриятларини, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этди. Шу сабабли давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 майда **“Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги² фармони қабул қилинди.

Юртбошимиз ташаббуслари асосида кейинги даврда мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотлар суръати ва самараси, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий жиҳатдан эркинлаштириш ва жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларида эришилган салмоқли муваффақиятлар таҳлили Ўзбекистон халқи ягона ғоя – Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича олижаноб мақсадлар ва ғоят муҳим вазифаларга эришишдан иборат ягона мақсад атрофида бирлашганлигини таъкидлаш учун барча асосларни беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.

² Халқ сўзи, 2017 йил 23 май.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 15 ноябрда **“Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”**ги Фармон¹ қабул қилингани айни муддао бўлди.

Давлатимиз раҳбари айни соҳада имзолаган икки ҳужжат, яъни 2017 йил 19 майдаги ва 2019 йил 15 ноябрдаги фармонлари бир-бирини қайси жиҳатлар билан тўлдиради, деган савол туғилиши табиий.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 19 майдаги Фармони жамиятда барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш, фуқаролар онгида катта, кўп миллатли ягона оилага мансублик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга қаратилган таъсирчан ташкилий-институционал чора-тадбирларни ўзида қамраган.

Бу ҳақда фикр юритганда, авваламбор, шу пайтга қадар фаолият юритиб келган иккита йирик тузилма – **Республика байналмилал маданият маркази ва Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси** ташкил этилганини таъкидлаш лозим.

Бунинг натижасида Республика байналмилал маданият маркази, **138 та миллий-маданий марказ**, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шунингдек, **34 та дўстлик жамияти**

¹ <https://xs.uz/uzkr/post/millatlararo-munosabatlar-sohasida-ozbekiston-respublikasi-davlat-siyosati-kontseptsiasini-tasdiqlash-togrisida>.

ягона **Қўмита негизида бирлашди.** Эндиликда ушбу Қўмита жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, тинчликсевар сиёсатни, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида эришилган ютуқ ва муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш, халқаро ҳамжамият, шу жумладан, чет элдаги ҳамюртларимиз диаспораси билан дўстликни мустаҳкамлашга доир давлат сиёсатини изчил амалга оширмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари тегишли ҳудудларда миллатлараро муносабатларни ривожлантириш ва хорижий мамлакатлар билан дўстона алоқаларни йўлга қўйиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш билан шуғулланмоқда.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 15 ноябрдаги фармони асосида миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ва янада такомиллаштиришга доир энг муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу истиқболли вазифалар 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари доирасида амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қуйидагилар миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Биринчидан, Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси тасдиқланди.

Иккинчидан, 2019–2021 йилларда Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Бугунги кунда мазкур Концепция ва “Йўл харитаси”нинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштириш

ҳамда мониторинг қилиш билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси изчил шуғулланмоқда. Бунда Президентимиз Фармони доирасида ушбу Қўмитанинг тузилмаси янада такомиллаштирилгани муҳим аҳамият касб этди.

Бу ўринда, аввало, Қўмита таркибида **Миллатлараро муносабатлар бўйича илмий-амалий тадқиқотлар маркази** ташкил этилгани ҳақида гап бормоқда. Бугунги кунда янги Марказ миллатлараро муносабатлар соҳасида тизимли асосда илмий, шу жумладан, ижтимоий тадқиқотлар, шунингдек, мазкур йўналишдаги жараёнлар ривожининг мониторингини олиб бормоқда.

Бундан ташқари, **Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга оширишни таъминлаш бўйича комиссия** тузилди. Комиссиянинг асосий вазифаси жамиятда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқодлари, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдидаги тенглигини таъминлашга қаратилган миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ва тартибга солишдан иборат.

Айни пайтда Комиссия миллатлараро муносабатлар соҳасида ишлар ҳолатининг жойларга чиқиб тизимли ўрганилишини ташкиллаштиришмоқда. Концепция ва “Йўл харитаси”ни амалга оширишда Қўмита, шунингдек вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, қилинган ишлар тўғрисида уларнинг раҳбарлари ҳисоботларини доимий равишда эшитиш ишлари тизимли асосда йўлга қўйилганида, шубҳасиз, соҳадаги ана шу туб янгиланишлар улкан ўрин тутади.

Яна бир муҳим жиҳат: Президентимиз 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида жамиятда

миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини қайд этиб, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан **ҳар йили 30 июль – Халқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланиши**, шу боис, мазкур санани **Ўзбекистонда “Халқлар дўстлиги куни”** деб белгилашни таклиф этгани юртимизда истиқомат қилувчи кўп миллатли фуқароларимизни бениҳоя қувонтирди.

Эндиликда **Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 10 февралдаги Қонунига асосан, мамлакатимизда 30 июль – Халқлар дўстлиги куни этиб белгиланган**. Бу Қонун ҳудудида 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари ўзаро аҳилликда истиқомат қиладиган ҳамда 153 та миллий-маданий марказ, 38 та “Дўстлик” жамияти вакиллари тенг ҳуқуқлилик ҳамда ҳамжиҳатлик шароитида фаолият олиб бораётган Ўзбекистон жамиятида халқлар ва давлатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилгани билан жуда муҳимдир.

Президентимиз 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида жаҳон ҳамжамяти олдида турган долзарб масалаларга тўхталиб, “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш бўйича таклиф билдирганди. 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессияси 51-йиғилишида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси 193 та аъзо мамлакат томонидан яқдиллик билан қабул қилинди.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқирилишида ўзига хос рамзий маъно бор. Бугун миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлаш борасидаги Ўзбекистон намунаси жаҳон ҳамжамяти томонидан эътироф этилмоқда. Бинобарин, она заминимизда динлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик чуқур тарихий илдиэларга эга.

Жамиятимизда дўстлик ва аҳиллик, тинчлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлаш, ҳеч шубҳасиз, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий соҳаларда шиддатли ислоҳотларни изчил амалга ошириш ҳамда халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузини янада юксалтиришнинг муҳим омили ва зарур шarti ҳисобланади. Бу ҳаётий ҳақиқат амалда ўз тасдиғини топмоқда.

Энг муҳими, Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан миллатлараро муносабатлар, мамлакатимизда яшаб келаётган турли миллат ва элат вакилларининг тили, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар самаралари халқаро ташкилотлар, қолаверса, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда. Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари, бир томондан, Конституция ва Ҳаракатлар стратегияси, иккинчи томондан, мамлакатимиз қўшилган халқаро шартномалар, жумладан, БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадларига тўла ҳамоҳангдир.

Виждон ва дин эркинлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 ноябрдаги фармони билан **Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси** тасдиқланди. Концепция инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, Ўзбекистоннинг бирлиги ва яхлитлигини мустаҳкамлашга, унинг ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг этник-маданий ўзига хослигини сақлашга, жамиятда миллатлараро бағрикенглик, тотувлик ва тинчликни сақлаб туришга йўналтирилди.

Фуқароларни камситиш ва нафрат асосидаги жиноятлардан ҳимоя қилиш мақсадида виждон эркинлиги ҳуқуқини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

2018 йил 11 декабрь куни АҚШ Давлат котиби Майкл Помпеонинг қарори билан диний эркинликлар бузилаётган “алоҳида ташвиш уйғотадиган” мамлакатлар рўйхатидан Ўзбекистон расман чиқарилди. 2018–2019 йилларда Ўзбекистон делегацияси диний эркинликларни илгари суриш бўйича Вазирлар конференцияларида мунтазам иштирок этди. Мазкур анжуманларда Ўзбекистоннинг диний эркинликлар соҳасидаги ютуқлари ижобий баҳоланди.

Парламент томонидан тасдиқланган Дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” доирасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул килинди;

- Диний ташкилотларни рўйхатга олиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва фаолиятини тугатиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди;

- “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги қонун қабул килинди;

- давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада мақбуллаштириш ва соддалаштириш мақсадида диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи миқдори беш баробар камайтирилди;

- диний ташкилотларнинг рўйхатга олувчи орган олдида ҳисобот бериш тартиби соддалаштирилди;

- рўйхатга олувчи органнинг ваколатлари доирасидан диний ташкилотларни тугатиш ҳуқуқи чиқариб ташланди, уларнинг фаолиятини тугатишнинг суд тартиби белгиланди.

Диний таълим ва маърифат, ўқув жараёнини йўлга қўйиш, имомлар ва руҳонийларни тайёрлаш жамиятнинг маънавий-ахлоқий янгиланишида муҳим омил бўлмоқда. 2018–2019 ўқув йилида Ўзбекистон Халқаро ислом академиясида “Қуръоншунослик ва ҳадисшунослик”, “Ислом тарихи ва манбашунослик”, “Ақида” ва бошқа кафедралар очилди. Мазкур дин-

шунослик мутахассисликлари бўйича 100 нафар талаба ўқишга қабул қилинди.

Аҳоли ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган катор йирик тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, “Дунёвий давлат: уни ҳозирги босқичда амалга ошириш принциплари ва механизмлари” мавзусида давра суҳбати, АҚШнинг алоҳида топшириқлар бўйича элчиси С.Браунбек иштирокида “Диний бағрикенглик: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси” ҳамда “Қонун устуворлиги ва дин” мавзуларидаги Ўзбекистон-АҚШ семинарлари шулар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрда қабул қилинган **“Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарорига кўра, дин ишлари соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатларини ҳимоя қилиш бўйича янги тизим жорий этилди. Ушбу тизим доирасида Дин ишлари бўйича кўмитанинг янгиланган асосий вазифалари белгиланди.

Аёллар ҳуқуқлари

Ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси аёлга бўлган муносабати билан белгиланади. Мамлакатимизда фаол гендер сиёсати доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш бўйича жадал иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида қайд этганидек, **“Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди”**¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3851>.

Ҳақиқатан ҳам, Олий Мажлисга бўлиб ўтган охириги сайловлар натижасида биринчи маротаба Ўзбекистон парламентида аёллар сони бўйича БМТ тавсиялари (камида 30 фоиз) тўлиқ бажарилди. **Қонунчилик палатасига 32 фоиз, яъни 48 нафар аёл-депутатлар сайлангани, ўз навбатида, дунёдаги 190 парламент ичида Ўзбекистон парламентининг 37-ўринга кўтарилишини таъминлади.**

Ўтган йилдан бошлаб давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ижтимоий ҳимояга муҳтож қизларнинг билим олиш имкониятлари янада кенгайтирилиб, олий таълим муассасаларига 4 фоизли давлат грантлари ажратилди. Мазкур янги тизим асосида 2020 йилда 950 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар ўқишга қабул қилинди. Барча вазирлик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари фаолияти ташкил этилди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш мақсадида Ўзбекистонда биринчи марта аёл киши Парламент юқори палатаси раиси этиб сайланди. Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ҳамда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси фаол ишламоқда. Янада муҳими, Президентимиз парламентга тақдим этган Мурожаатномасида Сенат Раиси раҳбарлигида Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этилди.

Биргина шу далил ва рақамларнинг ўзи ҳам юртимиз аёлларининг жамиятда ҳақиқий ўрнини эгаллаб бораётганидан далолат бериб турибди. Бинобарин, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш Ўзбекистон Президенти олиб бораётган адолатли сиёсатнинг устувор йўналишларидандир.

Ўзбекистон Президенти БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги чиқишида мамлакатимизда гендер сиёсати қатъий давом эттирилишини таъкидлагани бежиз эмас.

Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилди. Комиссиянинг асосий вазифаси жамият ҳаётининг барча соҳаларида гендер тенглигини таъминлаш ва қарор қабул қилиш жараёнида аёлларнинг улушини ошириш, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқларини камситишнинг барча шаклларини бартараф этиш бўйича умумэтироф этилган халқаро нормаларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Кейинги 5 йилда мамлакатимизда 2 та муҳим қонун – 2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунлар хотин-қизларни турмушда, иш жойларида, таълим муассасалари, бошқа жойларда тазйиқлар ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш ҳамда эркалар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш, жинси бўйича камситилишининг ва тенгсизлигининг олдини олиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилди.

Бундан ташқари, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Меҳнат кодексига хотин-қизларни ҳар қандай камситиш ва таъқиблардан ҳимоя қилишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди. Шунингдек, 2021 йил 28 майда Олий Мажлис Сенатининг “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди.

2020 йилнинг ўзида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқат ва жамиятдаги ролини оширишга, уларнинг бандлигини таъминлашга, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ва муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Бу билан хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг тегишли механизмлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғига биноан бугунги кунгача ўтказилган “Меҳр–1, 2, 3, 4, 5” операциялари доирасида Сурия, Ироқ ва Афғонистонда оғир аҳволга тушиб, чорасиз қолган 531 нафар аёл ва болалар Ўзбекистонга олиб келинди.

Жумладан, “Меҳр” инсонпарварлик операцияси доирасида 2019 йилда Суриядан 156 нафар ўзбекистонлик, асосан, аёллар ва болалар, (“Меҳр–2”) 2019 йилнинг октябрида Ироқдан 64 нафар ўзбекистонлик бола, (“Меҳр–3”) 2020 йилнинг декабрида Суриядан 25 нафар аёл ва 73 нафар бола, 2021 йилдаги “Меҳр–4” операциясида 24 нафар фуқаро, 2021 йил “Меҳр–5” операцияси доирасида 93 нафар ўзбекистонлик — 24 нафар аёл ва 69 нафар бола Суриядан Ўзбекистонга қайтарилди.

Ушбу инсонпарварлик ҳаракати инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий халқаро ҳужжатлар, шунингдек халқаро гуманитар ҳуқуқ тамойилларига мувофиқ равишда амалга оширилди.

Бола ҳуқуқлари

Ўзбекистон учун болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш устувор вазифалардан биридир. Мамлакатимиз кейинги йилларда бола ҳуқуқларини рағбатлантириш борасида муайян ютуқларга эришди.

Давлат томонидан соғлом оналик ва болаликни қўлаб-қувватлаш, болаларни мактабгача ва мактаб таълимига тўлиқ қамраб олиш, болаларни маънавий ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга улкан эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва ушбу Конвенциянинг икки Факультатив баённомаси талабларига риоя этилишини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

БМТ шартномавий органлари тавсияларига мувофиқ, эркаклар ва аёллар учун никоҳ тузишнинг энг кам ёши 18 ёш этиб белгиланди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг Қуролли тўқнашувларда болаларнинг иштироки билан боғлиқ факультатив баённомаси қоидаларини бажариш мақсадида Жиноят кодексига ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсни ёлланма сифатида ишга олиш, жумладан уни ўқитиш, молиялаштириш ёки моддий таъминлаш, қуролли тўқнашувларда ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш, шунингдек болалар савдоси учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан 2019 йил 22 апрель куни Ўзбекистон Президентининг **“Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини имплементация қилишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган болалар ҳуқуқларининг ҳақиқий кафолатларини таъминлашда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича бир қатор ҳуқуқий ва ташкилий чоралар амалга оширилди. Хусусан:

- ота-она қарамоғисиз қолган болаларга муниципал ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги ўзлари яшаб турган турар жойларни улар «Меҳрибонлик уйлари»га жойлаштирилган, васийлик ёки ҳомийлик органининг розилигига кўра васийликка ёки ҳомийликка олувчи билан бирга яшаётган бутун вақт мобайнида, 18 ёшга тўлгунга қадар бронлаштириш ҳуқуқи берилди;

- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг рўйхатда туриш жойи ва фуқаролигидан қатъи назар, уларга барча ижтимоий хизматлар кўрсатилмоқда;

– болаларнинг давлат органларига бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқиш кафолатланади ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги важдари билан бу турдаги мурожаатларни кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди;

– ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга мурожаат қилмаган ҳолларда 14 ёшга тўлган бола ўзининг таъминоти учун ота ёки онадан ёхуд ота-онаси билан бирга яшамаётган бўлса, бир вақтнинг ўзида ота-онанинг ҳар иккаласидан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли;

– болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилган даъвогар давлат божи ва бошқа тўловларни тўлашдан озод қилинади.

БМТ шартномавий органларининг тавсияларига мувофиқ, эркаклар ва аёллар учун никоҳнинг энг кичик ёши – ўн саккиз ёш деб белгиланди. Ўн саккиз ёшга тўлмаган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни, агар унинг ота-онасидан бири, васийликка ёки ҳомийликка олган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосга кўра яшаш ҳуқуқига эга бўлса, уларни қонунда белгиланган ҳолларда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборишга йўл қўйилмайди.

Президентимизнинг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилиши натижасида мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ҳимоясининг ташкилий ва институционал асослари янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 майдаги **“Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратад-**

бирлар тўғрисида”ги қарорида Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари белгиланди.

Ёшлар ҳуқуқлари

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессияси минбаридан туриб яна бир бор барча-барчани БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақиргани бежиз эмас. Конвенция лойиҳаси бутун дунё жамоатчилиги томонидан алоҳида эътироф этиляпти. Жумладан, 2020 йили ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумида бу конвенция лойиҳаси бўйича ижобий фикрлар билдирилди.

Ўзбекистон нафақат ушбу конвенция лойиҳасини тайёрлаш ташаббуси билан чиқди, балки ёшлар масаласини бугун давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарди. Мамлакатимизда Ёшлар ишлари бўйича агентлик ташкил этилди, фондлар тузилди, навқирон йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича доимий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Женевадаги нутқида Ўзбекистонда жорий йилнинг "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилинганини маълум қилар экан:

биринчидан, БМТ шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;

иккинчидан, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

учинчидан, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси институтини таъсис этиш ташаббусларини илгари сурди.

Ушбу ташаббусларнинг биринчиси аллақачон амалга оширилди: 2021 йил 11–13 август кунлари Тошкентда “Глобал ҳаракатларга ёшларни жалб қилиш” мавзuidaги Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси ўз ишини давом эттирди. Халқаро анжуман якунида Тошкент Ёшлар декларацияси қабул қилинди.

Декларациянинг “Пандемия ва ёшлар”, “Ёшлар – Барқарор ривожланиш мақсадларининг “драйвер”и”, “Ёшларнинг таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имконияти”, “Ёшлар ва бандлик”, “Ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари” номли қисмларининг ҳар бирида ёшлар ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган тегишли ташаббус, таклиф ҳамда тавсиялар қайд этилган.

Бутунжаҳон конференциясининг асосий ташкилотчилари – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳисобланади. Ушбу нуфузли халқаро анжуман БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТнинг Ўзбекистондаги жамоаси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ва Ф.Эберт номидаги жамғарма билан ҳамкорликда ўтказилди.

Агар ҳозирги кунда дунёда инсоният тарихида кузатилмаган даражада кўп – 2 миллиарддан зиёд ёшлар мавжудлиги ҳисобга олинса, Ўзбекистон Президентининг бу ғоялари ниҳоятда долзарб ва фойдали эканини яққол англаш мумкин.

Ёшлар – Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 60 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистон мавжуд халқаро механизмларни мустаҳкамлаш ва ёшлар олдида турган муаммоларни ҳал этишнинг янги усулларини ўрганиш, ёшларни ўқитиш ва маърифат асосида кучайтириш, касбий тайёргарликни таъминлаш, ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтириш ва мустақиллик даражасини оширишга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқишга кўмаклашиш борасидаги саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ва 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида” амалга ошириш бўйича Давлат дастури, шунингдек Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси доирасида бу борада қатор муҳим вазифалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси, уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди. Концепцияда ҳал этишга қаратилган асосий вазифалар қаторидан жисмонан соғлом, маънан ривожланган йигит-қизларни тарбиялаш, уларнинг илмий ва ижодий салоҳиятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ислохотларга фаол жалб этиш масалалари ўрин олган.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш масаласи бугунги ва эртанги кун ёшларига бевосита боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар ҳуқуқларини янада кенг таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича ташаббуслари кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Масалан, Ўзбекистон томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилиш тўғрисида илгари сурилган ташаббус нафақат мамлакатимиз фуқаролари, балки жаҳоннинг икки миллиарддан ортиқ ёшлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳам катта аҳамиятга моликдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Ўзбекистон ташаббуси билан ёшлар ҳуқуқлари бўйича «Дўстлар гуруҳи» ташкил этилди. Озарбайжон, Албания, Жазоир, Арманистон, Афғонистон,

Бахрайн, Жибути, Колумбия, Қирғизистон, Ливан, Марокаш, БАА, Салвадор, Сингапур, Тожикистон, Туркменистон, Туркия давлатларини ўзида жамлаган ушбу гуруҳнинг асосий вазифаси ёшлар сиёсати соҳасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракатларни рағбатлантиришдан иборат.

2020 йил август ойида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган ва ёш авлод ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайдиган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми бўлиб ўтди. Форумда Ўзбекистон томонидан тайёрланган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси лойиҳаси муҳокама қилинди.

Форум якунида БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тақдим этилган **“Ёшлар — 2020: глобал бирдамлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари”**, деб номланган Самарқанд резолюцияси қабул қилинди. Ушбу резолюция А/74/998 рақами остида БМТнинг расмий ҳужжатлари тизимига жойлаштирилган.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Доимий кенгашида Самарқанд резолюцияси ЕХХТнинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. Шунингдек, бу ҳужжат Ислон ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатларига юборилиб, МДХнинг расмий веб-сайтида ҳам эълон қилинди.

Ёшлар масаласи, чиндан ҳам, янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Охирги парламент сайловида Қонунчилик палатасига 30 ёшгача бўлган 9 нафар депутат сайлангани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Бугун парламентимиз қуйи палатаси таркибининг 6 фоизини ёшлар ташкил этмоқда, жаҳон миқёсида эса бу кўрсаткич атиги 2 фоиздир.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари

Ўзбекистон томони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2021 йил 22 февралда бўлиб ўтган 46-сессиясида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш ташаббусини илгари сурганди. Зеро, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, жисмоний имконияти чекланган шахсларга тўлақонли ҳаёт кечириш учун шароит яратиш масаласи бугунги куннинг муҳим вазифалиридан бири ҳисобланади.

Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 29 май куни бўлиб ўтган мажлисида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ишлаб чиқилган “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси муҳокама этилди ва тасдиқланди. Қонун 2021 йил 7 июнда қабул қилинди.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция Ўзбекистон учун 2021 йил 28 июль кунидан бошлаб кучга кириши тўғрисидаги БМТ Бош котибининг хабарномаси олинди.

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглиги, ҳуқуқлари, айниқса, аёллар ва болаларнинг таълим олиши, саломатлигини сақлаши, меҳнат қилиши, ўзи ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлишининг ҳуқуқий кафолатларини белгиловчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрда қабул қилинган ва 2008 йил 3 майда кучга кирган. 2021 йил февраль ҳолатига кўра, БМТнинг 192 аъзо-давлатидан 182 таси ушбу халқаро ҳужжатни ратификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси 2009 йил 27 февралда БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни имзолаган

ва келгусида ратификация қилишга ишонч билдирган. Жорий йил 7 июнда ушбу ишонч амалий тасдиғини топди.

Конвенция инсонларнинг турли-туманлиги ва кадр-қиммати принципларини ўзида мужассамлаштирган. Унинг асосий ғояси шундан иборатки, ногиронлиги бўлган шахслар барча инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан камситишларсиз фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

Ўзбекистонда кам таъминланганлар, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёшлар, аёллар ва қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси томонидан ноёб тажриба қўлланилди. Яъни, халқаро-ҳуқуқий ҳужжат дастлаб миллий қонунчиликка имплементация қилиниб, шундан кейин ратификация қилинди.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш мақсадида Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилди. Миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ шакллантирилди.

Миллий марказ томонидан Миллий ҳаракатлар режасининг дастлабки лойиҳаси ишчи гуруҳ аъзолари таклифлари асосида ишлаб чиқилди. Лойиҳа 20 дан зиёд вазирлик ва идора, 10 дан ортиқ нодавлат ноtijорат ташкилотига таклифлар олиш юзасидан юборилди.

Миллий ҳаракатлар режаси лойиҳаси халқаро ташкилотлар – БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлинмаси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги

Лойиҳалари мувофиқлаштирувчисига юборилди. Олинган таклифлар асосида лойиҳа янада такомиллаштирилди.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини амалга ошириш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида замонавий усуллар ва халқаро стандартларни жорий этиш имкони ортади. Бу, шунингдек Барқарор ривожланиш мақсадларининг “Ҳеч кимни ортда қолдирманг” тамойилини амалга оширишга ёрдам беради.

Конвенция қоидаларини амалга ошириш натижасида, биринчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини халқаро норма ва стандартларга мувофиқлаштириш; иккинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича халқаро ташкилотларнинг мақсадли ресурсларини жалб қилиш имкони кенгайтириш мумкин бўлади. Бундан ташқари, Конвенция қоидаларининг бажарилиши мамлакатимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги ижобий халқаро иможи янада яхшиланишига хизмат қилади.

Айни чоғда, мамлакатимизда 2020 йил 15 октябрда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. 2021 йил 17 январдан кучга кирган ушбу Қонун 2008 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг ўрнини босади.

Қонун ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини белгилайдиган асосий қонун ҳужжати ҳисобланади. **Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 700 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан, 100 мингдан ортиқ 16 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар истиқомат қилиши эътиборга олинса, мазкур Қонуннинг долзарблиги ва аҳамияти яққол намоён бўлади.**

Давлат ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оилаларга моддий, маслаҳатга оид ва бошқача тарзда ёрдам

беради, содда қилиб айтганда, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида айтилганидек, Ўзбекистонда ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос “ижтимоий модели”га босқичма-босқич ўтилади.

Мухтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича янги тизим жорий этилади. Бу имкониятдан қарийб 50 минг киши фойдаланиши мумкин бўлади.

Президентимизнинг бу борадаги янги ташаббуси – имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузиш таклифи ҳам шу каби эзгу мақсадларга қаратилган.

Мигрантлар ҳуқуқлари

Бугунги кунда миграция ва мигрантлар барча давлатлар иқтисодиёти, эркин савдо ва инновация жараёнларида сезиларли мавқега эга. Шу сабабли халқаро ҳамжамият 2018 йилда Марокаш шаҳрида **“Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция тўғрисида Глобал шартнома”**ни маъқуллади.

Ўзбекистонда мигрантлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўналишида халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, миллий қонунчилик ва механизмларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Зеро, глобал фалокатга айланган пандемия шароитида бутун дунёда ишсизликнинг кескин ошиши, даромадларнинг қисқариши, мамлакатлараро ҳаракатнинг чекланиши туфайли шундай ҳам ночор ҳолатда бўлган миллионлаб инсонлар, хусусан, меҳнат мигрантлари янада оғир шароитларга тушиб қолганини афсус билан қайд этиш лозим.

Яшаш учун восита қидиришга уриниш шафқатсиз эксплуатацияга тушиб қолиш хавфини янада кучайтиради. Ноқонуний

мигрантлар ва мавсумий ишчилар ўта хавфли иш шароитларига тўқнаш келмоқда. Бу эса уларнинг жиноий гуруҳлар қўлига тушиб қолиш хатарини оширади.

БМТ маълумотларига кўра, **ҳозирги вақтда жаҳонда меҳнат мигрантлари ва қочоқлар сони 272 млн кишини ташкил қилади. Улардан 70 млн киши ноқонуний мигрантлардир.** Пандемиянинг дастлабки босқичида кўрилган карантин чоралари туфайли уларнинг маълум бир қисми меҳнат қилиш учун борган мамлакатларида ижтимоий ҳимоясиз, истеъмол маҳсулотларисиз, турар жойсиз ва ўз Ватанига қайтиш имкониятисиз қолган.

БМТ Бош котиби **Антониу Гутерриш** таъкидлаганидек, **“Ҳеч бир мамлакатнинг якка ўзи пандемияни ва унинг оқибатида келиб чиққан миграция инқирозини бартараф эта олмайди. Бу вазият энг ночор ҳолатда бўлган мигрантларга кучли зарба беради. Шунинг учун давлатлар миграция жараёнини тартибга соладиган чораларни ҳамкорликда кучайтиришлари керак”.**

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев**нинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурган БМТ шафелигида **Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни** ишлаб чиқиш бўйича таклифи замирида COVID-19 пандемияси шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат мигрантлари манфаатларини ҳимоя қилиш, қашшоқликни юмшатиш масалаларида давлатларнинг ҳамкорлиги ва мажбуриятлари масаласи ўз ифодасини топгани бежиз эмас. Бундай халқаро ҳужжат мигрантлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўналишидаги ишлар самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2020 йил 22 июндаги Фармони билан тасдиқланган **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ва унинг “Йўл харитаси”да меҳнат миграциясини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифаси белгиланган.** Шу асосда мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар изчил такомиллаштирилмоқда.

Бугунги кунда Миллий стратегия ижроси доирасида 2021 йилда **“Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун**ни ишлаб чиқиш ва Меҳнат кодексининг янги таҳририни қабул қилишга тайёргарлик кўрилмоқда. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Меҳнаткаш-мигрантлар тўғрисида”ги 97-сонли конвенциясини Ўзбекистонда ратификация қилиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 4 июнь куни “Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисидаги 187-сонли конвенциясини ратификация қилиш ҳақида”ги Қонунни имзолади. Конвенциянинг асосий мақсади ишлаб чиқаришда шикастланишлар, касбий касалликлар ва инсонлар ўлимининг олдини олиш учун доимий равишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини такомиллаштиришдан иборат.

Бу борада Президентимиз томонидан 2019 йил 20 августда **“Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги фармон, 2020 йил 14 сентябрда эса “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинган.**

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 23 августда “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни тасдиқлади. Бу соҳада бошқа яна бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 августда қабул қилинган Фармони билан меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларга молиявий ёрдам бериш, тиббий хизмат кўрсатишнинг ишончли механизмлари яратилди. Шунингдек, меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифалар ижросини мувофиқлаштириш мақсадида **Бош вазир раислигида Ташки меҳнат миграцияси масалалари бўйича Республика комиссияси ташкил этилди.**

Ўз навбатида, Президентимизнинг 2020 йил 14 сентябрдаги қарори билан Ўзбекистонда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш белгиланди. Қарор асосида меҳнат қилгани хорижга кетмоқчи бўлган фуқаролар учун янги механизм яратилган бўлиб, у қуйидаги уч асосий босқични ўз ичига олган:

Биринчидан, хорижга ишлашга бормоқчи бўлган фуқароларни тайёрлаш ишлари ташкил қилинмоқда. Бундай фуқароларни касбий ва тил бўйича тайёрлаш ишларини мамлакатимиздаги 14 та **“Ишга марҳамат”** иш билан банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатиш **мономаркази**да, 30 та касбий тайёргарлик марказида, 136 та маҳаллада, 24 та коллеж ва 13 та техникумда амалга ошириш йўлга қўйилди.

Иккинчидан, меҳнат мигрантларига хорижда ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги **Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси** ташкил қилинди.

Хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга хизмат кўрсатиш мақсадида Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Новосибирск, Самара ва Уфа шаҳарлари ҳамда Жанубий Кореянинг Кванджу шаҳрида **Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентликлар** ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Бош консуликлари ҳузурида Меҳнат миграцияси масалалари бўйича атташе лавозими жорий этилди.

Айни вақтда меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Россияда – 21 та, Қозоғистонда – 6 та, Туркияда – 3 та ва Жанубий Кореяда – 1 та юридик хизмат билан шартномалар тузилган.

Учинчидан, Ўзбекистонга қайтган меҳнат мигрантларининг жамиятга қайта мослашувиға ёрдам кўрсатилмоқда. Бандликни қўлаб-қувватлаш марказларида айни масала билан шуғулланадиган инспекторлар фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатга қайтиб келган ва ижтимоий ночор бўлган меҳнат мигрантларига квоталанган иш ўринлари назарда тутилган. Уларнинг бандлигига кўмаклашиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси воситалари ҳисобидан субсидиялар ва грантлар шаклида молиявий ёрдам бериш хизмати жорий этилган.

Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида бу борада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги белгиланган. Бу ҳақда сўз борганда, биринчи навбатда, Ўзбекистонда **БМТнинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадлари** ижроси доирасида мигрантлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим.

Қолаверса, мамлакатимизда **“Одам савдосини, айниқса, аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда улар учун жазолаш тўғрисида”**ги Палермо

протоколи қабул қилинганининг 20 йиллиги кенг нишонлангани замирида ҳам айна шу эзгу мақсад мужассамдир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Халқаро миграция ташкилоти билан ҳамкорликда мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш йўналишида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан:

ахборот-таҳлилий йўналишда – “Одам савдосига қарши курашиш ва мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича миллий тизим таҳлилий” яқунланди;

тадбирлар, жумладан, тренинглар йўналишида – жами 6 та қўшма тадбир ўтказилди. Бу тадбирлар доирасида 166 нафар мутахассиснинг касбий малакаси оширилди. Марказ ходимлари Халқаро миграция ташкилотининг Ўзбекистонда ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида ўтказилган тадбирларида тренер ва эксперт сифатида ҳам иштирок этган;

нашрлар йўналишида – “Меҳнат мигрантлари учун одам савдосига қарши курашиш бўйича амалий қўлланма”, айна шу мавзуда қорақалпоқ тилида ҳам қўлланма тайёрланган;

ахборот-ресурс таъминоти йўналишида – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг Ахборот-ресурс марказида “Одам савдосига қарши курашиш” мавзуида алоҳида бўлинма ташкил этилган. Ҳозирги кунда **“Мигрантлар ҳуқуқлари” бўйича ахборот марказини** ташкил этиш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Шу мақсадда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига 25 номдаги 100 га яқин махсус адабиёт келтирилди. Ўз навбатида, Марказ беғараз равишда Халқаро миграция ташкилоти билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрида ва Андижон вилояти Олтинқўл туманида ташкил этилган “Маҳалла ахборот-ресурс маркази”га 500 дан ортиқ китоб ва журналлар тақдим этган;

хорижий тажрибани ўрганиш йўналишида – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марка-

зи вакиллари Халқаро миграция ташкилоти томонидан ташкил этиладиган хорижий ўқув-танишув сафарларида иштирок этиб келмоқда. Хусусан, Марказ вакили Корея Республикаси ва Филиппин давлатларига 2017 йили амалга оширилган сафарда иштирок этди. Кейинги йилларда Марказ вакиллари Марказий Осиё мамлакатларида ўтказилган минтақавий тадбирларда ҳам қатнашдилар.

Ўзаро фаолиятимизнинг яна бир муҳим қирраси: Халқаро миграция ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида ночор мигрантларга ёрдам бериш; хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция ғояларини рўёбга чиқариш; мигрантлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ижтимоий шерикчиликни ривожлантиришга доир қатор тавсиялар тайёрланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази 2020 йилда ўтказган **“Рақамли иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тадқиқотлар” мавзусида республика танлови**да 80 дан ортиқ иштирокчи ўз ижодий ишлари билан фаол қатнашди. Мазкур танловда халқаро ҳамкоримиз бўлган Халқаро миграция ташкилотининг минтақавий ваколатхонаси миграция масалалари бўйича алоҳида номинация ғолибларини муносиб тақдирлашда ташаббус кўрсатганини қадрлаймиз.

Ўзбекистон билан Халқаро миграция ташкилоти ҳамкорлигининг истиқболлари масаласи Президентимизнинг 2021 йил 3 февралдаги Фармони билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да ўз аксини топганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Айни вақтда Давлат дастури ижроси доирасида **“Ўзбекистон Республикаси билан Халқаро миграция ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича 2021–2023**

йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Чора-тадбирлар режасида, жумладан:

- 2030 йилгача бўлган давр учун, меҳнат мигрантларини ижтимоий ҳимоя қилишда кафолатланган тенглик мезонларига эришишни назарда тутадиган **Ўзбекистон Республикасининг миграция соҳасидаги давлат сиёсати концепциясини** ишлаб чиқиш;

- ташқи меҳнат миграцияси соҳасига Миграцияни бошқариш кўрсаткичлари тизимини (*Migration Governance Indicators*) татбиқ этиш;

- Ўзбекистон фуқаролари бўлган меҳнат мигрантларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳолатини доимий равишда мониторинг қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларнинг сифатини яхшилаш;

- чет эллардаги меҳнат мигрантларининг ҳуқуқий, ижтимоий ва маданий кўникмасини ошириш бўйича курслар ўтказиш;

- хорижий давлатлардан фуқароларимизни қайтариш жараёнини ташкил этиш;

- оғир аҳволга тушиб, Ватанга қайтиб келаётган мигрантларнинг реинтеграцияси бўйича ёрдам кўрсатиш;

- мигрантлар ҳуқуқи бўйича халқаро шартномалар мазмунини давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли вакилларига етказиш;

- меҳнат миграциясини самарали бошқариш, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши курашиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари малакасини ошириш учун тренинглар ўтказиш;

- мигрантлар ҳуқуқи бўйича халқаро шартномаларнинг давлат тилига таржимасини амалга ошириш, Ўзбекистон қўшилган миграцияга доир халқаро шартномаларнинг матни тўплами ва қўлланмасини чоп этиш;

- “Миграция ҳуқуқи” дарслигини тайёрлаш ва нашр қилиш каби тадбирлар назарда тутилган.

Марказ томонидан Халқаро миграция ташкилоти билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш борасида изчил мулоқотлар олиб борилмоқда. Бу ўринда, жумладан, 2021 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг Халқаро миграция ташкилотининг Марказий Осиё бўйича минтақавий мувофиқлаштирувчиси **Зейнал Гаджиев** билан учрашуви бўлиб ўтганини қайд этиш мумкин.

Учрашувда одам савдосига қарши кураш соҳасида Халқаро миграция ташкилоти билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек одам савдоси қурбонларини реабилитация қилишда ёрдам кўрсатишнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди. Мулоқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 46-сессиясида илгари сурган ташаббуслари доирасида ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар юзасидан атрофлича фикрлар алмашилди.

2021 йил 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Халқаро миграция ташкилоти билан ҳамкорликда **“COVID-19 пандемиясининг мигрантлар ҳаракати ва ҳимоясига таъсири” мавзусида халқаро тадбир** ўтказди. Тадбирда ХМТ экспертлари билан бугунги кунда Ўзбекистонда жорий этилаётган Миграция индикаторларини бошқариш (MGI) тизимини ташқи меҳнат миграцияси соҳасига татбиқ этишга доир масалалар ҳам муҳокама этилди.

2021 йилнинг 28 апрелида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Халқаро миграция ташкилоти билан ҳамкорликда **“Мигрантлар ва оила аъзоларининг пул маблағларини кўчириш ва банк маҳсулотларига доир сиёсат соҳасидаги эҳтиёжлари” мавзусида онлайн учрашув** ўтказилди.

2021 йил 17–21 май кунлари А.Саидов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси Россияга ташриф буюриб, меҳнат мигрант-

ларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилиниши ҳолатини ўрганди. Ташриф давомида Россия Федерацияси Президенти маслаҳатчиси, Россия Президенти ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш кенгаши раиси В.Фадеев, Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Т. Маскалькова, Россия Давлат думасининг Қўмита раиси В.Шаманов ва бошқалар билан учрашувлар ўтказилди.

Ўзбекистоннинг Россиядаги меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон-Россия Форуми ўтказилди. Форум ишида Давлат думаси депутатлари, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш кенгаши вакиллари, Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Россия Ички ишлар вазирлиги ходимлари, олимлар, юристлар, адвокатлик фирмалари вакиллари иштирок этди.

Офлайн ва онлайн шаклларда ташкил этилган Форумда, шунингдек Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги Бош консули, Халқаро миграция ташкилотининг Тошкентдаги вакили, Ташки меҳнат миграцияси агентлиги раҳбарияти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ходимлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) қатнашди.

Форум давомида меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳолати, хавфсиз, тартибли ва қонуний миграцияни ташкил қилиш, меҳнат мигрантларининг Россияда тартибли истиқомат қилиши бўйича ҳукумат томонидан қўрилаётган чоралар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон фуқаролари билан қуйидаги учрашувлар ўтказилди:

- 2021 йил 17 май куни Москва шаҳридаги чет эл фуқароларини вақтинча сақлаш марказида сақланаётган 17 нафар Ўзбекистон фуқаросининг мамлакатга қайтиши масаласи муҳокама қилинди;

- 2021 йил 18 май куни Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида фуқаролар қабули ташкил этилиб, 20 дан ортиқ меҳнат мигранти ва уларнинг оила аъзоларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди;

- 2021 йил 19 май куни Санкт-Петербург шаҳридаги чет эл фуқароларини вақтинча сақлаш марказида сақланаётган 152 нафар фуқароларимизнинг Ўзбекистонга қайтиши масаласи ўрганилди.

Суҳбат ва муҳокамалар вақтида Ўзбекистонга қайтиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнини тезлаштириш, банк кредитлари ва жарималар бўйича қарздорликни қоплаш, жарроҳлик амалиётларини ўтказишда моддий ёрдам бериш, шахсни тасдиқловчи ва меҳнат қилиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашиш, Ўзбекистон фуқароларининг Россиядан чиқиши учун суд томонидан ҳужжатларни таржима қилиш муддатини қисқартириш, уларнинг Ватанга қайтишдан олдин ПЦР-тестлар топширишлари учун молиявий воситалар ажратиш каби масалалар кўриб чиқилди.

Фуқаросизликка барҳам бериш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотлар туфайли мамлакатимизда фуқаросизликка барҳам бериш борасидаги вазият кейинги беш йилда тубдан ўзгарди. БМТ Бош қотиби Антониу Гутерришнинг фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш билан боғлиқ чақириғига жавобан биргина кейинги йилнинг ўзида 56 минг 751 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссарининг бошқармаси томонидан мамлакатимизнинг юридик факультетлари талабалари учун фуқаросизлик маса-

лалари юзасидан ўтказилган онлайн-дарсда шу ҳақда фикр юритилди. Мазкур тадбирда “#Ibelong” (“#Мен мансубман”, “#ЯПринадлежу”) кампаниясининг 7 йиллиги ва БМТнинг 1961 йилги Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенциясининг 60 йиллигига бағишлаб ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов ва БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича вакили ўринбосари Думитру Липкану талабаларга ўз табриklarини йўллади.

Бундай тадбирни ўтказишдан мақсад талабаларнинг фуқаросизлик сабаблари ва оқибатлари, дунёда, жумладан, Марказий Осиёда фуқаросизлик билан боғлиқ вазият ҳақидаги билимларини оширишдан иборат. Шунингдек, ёшларни инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг Фуқаросизлик тўғрисидаги 1954 ва 1961 йилги конвенциялари билан таништиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Кейинги даврда янгиланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, мамлакатимизда камида 15 йил давомида яшаб турган ва доимий яшаш жойида рўйхатдан ўтган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўғридан-тўғри фуқаролик берилишининг янги тартиби ўрнатилди.

Бундан ташқари, БМТ Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг 2024 йилгача фуқаросизликка барҳам бериш бўйича Глобал ҳаракатлар режасига кўра, Ўзбекистонда туғилиш ҳолатларини ялпи рўйхатга олишни таъминлаш мақсадида чақалоқларни, шу жумладан, ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ота-оналардан туғилган болаларни расмийлаштириш амалиётига ўзгаришлар киритилган. Айни вақтда расмийлаштирилмаган барча туғруқ ҳолатларини рўйхатга олиш бўйича миллий кампания давом этмоқда.

2014 йилда БМТ Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси “#Мен мансубман” деб номланган фуқаросизликка 10 йил ичида барҳам бериш кампаниясини амалга оширишга киришганди. Бу кампания фуқаросизлик билан боғлиқ вазиятни ҳал этиш ва келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган ўнта амалий қадамдан иборат дастурни ўзида қамраган Глобал ҳаракатлар режасига асосланади.

Шундан сўнг, 2019 йилда дунёдаги барча мамлакатларнинг олий даражадаги вакиллари иштирокида бўлиб ўтган Фуқаросизлик масалалари бўйича Юқори даражадаги сегмент мажлисида “#Мен мансубман” кампанияси доирасида дастлабки беш йилда эришилган натижалар муҳокама этилди ва баҳоланди.

Маълумки, яқинда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Ушбу сайловда кейинги даврда Ўзбекистон фуқаролигини олгани учун илк бор сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган минглаб катта ёшли юртдошларимиз ҳам овоз берди.

Миллий ва халқаро экспертлар томонидан ёшларнинг эътибори жорий йилда нишонланадиган айна мавзуга тааллуқли халқаро саналарнинг моҳияти ва аҳамиятига қаратилди. Бу йил БМТнинг Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинганига 60 йил тўлмоқда. 1961 йилда қабул қилинган мазкур Конвенция фуқаросизлик муаммоларини ҳал этишга бағишланган алоҳида ва энг асосий иккита халқаро шартноманинг биридир.

Тадбир доирасида таъкидланганидек, БМТнинг 1961 йилги Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенциясига қўшилар экан, ҳукуматлар фуқароликка бўлган устувор ҳуқуқни ҳимоя қилишга содиқлигини намоён этади. Зеро, инсон қадри – улуг, инсон ҳуқуқлари бардавомдир.

Шахснинг фуқароликка эгаллиги жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этиш, хусусан, сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш,

сайловда иштирок этиш, мулк ҳуқуқидан фойдаланиш, меҳнат, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳуқуқларини қонуний асосда кенг рўёбга чиқариш имкониятларини кафолатлайди. Фуқаролик, шунингдек инсоннинг мамлакат ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, мамлакатга келиш ва ундан чиқиб кетиш каби бошқа бир қатор ҳуқуқларини ҳам таъминлайди.

Сайлов ҳуқуқи

2021 йилда мамлакатимизда энг муҳим ижтимоий-сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Ушбу сайлов Ўзбекистонни, таъбир жоиз бўлса, бутун Марказий Осиё минтақасини ўрта ва узоқ истиқболда янада барқарор ривожлантириш йўлида ҳал қилувчи ўрин тутадиган ғоят муҳим қадам бўлди.

Кейинги йилларда Ҳаракатлар стратегияси доирасида Янги Ўзбекистоннинг демократия йўлида изчил ривожланиши, ташқи дунёга очиклиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш доирасида улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакат фуқароларининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланишга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги изчил ислохотлар шулар жумласидандир.

Авваламбор, умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан эркин ва адолатли сайловларни очик ҳамда шаффоф тарзда ўтказишга тааллуқли ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга қаратилган узвий чора-тадбирлар кўрилди. Чунки эркин ва очик, қонуний ва адолатли, холис ва шаффоф сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг юзи ҳамда ҳозирги замон демократик сайлов тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг ажралмас белгиси ҳисобланади.

Бу ўринда Ўзбекистон сайлов қонунчилиги мунтазам ўтказиб келинаётган сайловлар давомида тўпланган миллий сай-

лов амалиёти негизда жадал суръатларда такомиллаштирилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу жараёнда, албатта, халқаро талаблар ва андозалар, фуқароларнинг сиёсий онги ва сайлов (электорал) маданияти ўсиб бориши, жорий демократик янгиланишларнинг талаб ҳамда мезонлари ҳам ўз вақтида ҳисобга олинмоқда.

Шу нуқтаи назардан, бугунги **Янги Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тараққиётида уч босқични** ажратиб кўрсатиш мумкин.

Қонунчиликни кодификациялаш, яъни кодекслаштириш – амалдаги қонун ҳужжатларини чуқур ва ҳар томонлама қайта ишлаш йўли билан тизимлаштирилган ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатни яратиш бўйича амалга ошириладиган фаолиятдир. Бунда, бир томондан, эскирган норматив-ҳуқуқий меъёрлардан воз кечилса, иккинчи томондан, миллий ҳуқуқий тизимни ялпи ривожлантиришга қаратилган янги ҳуқуқий қоидалар ишлаб чиқилади.

Хорижий давлатларда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари одатдаги қонунлар, конституциявий қонунлар ёки сайлов кодекслари қабул қилиниши орқали тартибга солинади. Бунда дунёнинг 30 дан ортиқ давлатида сайловларни Сайлов кодекси асосида тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий амалиёт (модель) қўлланилишини таъкидлаш лозим.

Янги Ўзбекистонда ҳам сайлов қонунчилигини кодекслаштириш йўли танланди. 2019 йилда илгари сайлов тизимизда амалда бўлган 5 та қонун (1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонун; 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонун; 1994 йил 5 майда қабул қилинган “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонун; 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонун; 1994 йил 5 майда

қабул қилинган “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун) ўрнига ягона Сайлов кодекси қабул қилинди. **Сайлов кодекси** мамлакатимизнинг барча ижтимоий-сиёсий кучлари – сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари иштирокида, умумхалқ муҳокамаси негизида ишлаб чиқилди.

Бу жараёнда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) ҳамда Европа Кенгашининг Венеция комиссияси тавсиялари, шунингдек Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) каби бир қатор халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловларни кузатишда иштирок этган хорижий кузатувчилар миссияларининг тегишли хулоса ҳамда фикрлари ҳам ҳисобга олинди.

Хусусан, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистонда 2016–2019 йилларда бўлиб ўтган сайловлар яқунлари бўйича ўз тавсияларини тақдим этганди. Миллий сайлов қонунчилигига шу тавсияларнинг 29 таси – тўлиқ, 8 таси – қисман имплементация қилинди, бошқалари эса экспертлар томонидан ўрганилмоқда.

Сайлов кодексининг қабул қилиниши Янги Ўзбекистоннинг жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш, фикрлар хилма-хиллиги ҳамда кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш йўлидан қатъий одимлаётганининг ёрқин ифодаси бўлди. Сайлов кодексининг энг муҳим янгиликлари, жумладан, қуйидаги хусусиятларида кўринади:

биринчи хусусияти: миллий сайлов қонунчилигига сайлов тўғрисидаги халқаро ҳужжатларнинг парламент палаталаридан ҳеч бўлмаганда биттасига тўғридан-тўғри сайлов ўтказилишини таъминлашга қаратилган асосий қоидалари тўла имплементация қилинди. Қонунчиликдан парламент қуйи палатасида депутатлик ўринлари учун Ўзбекистон Экологик ҳа-

ракати вакилларига квота ажратиш институти чиқариб ташла-
ниб, бунда Қонунчилик палатасида амалдаги депутатлик ўрин-
лари (150 ўрин) сақлаб қолинди;

иккинчи хусусияти: сайловчиларга сайловда биттадан
ортиқ партия иштирок этишини қўллаб-қувватлаш имкония-
ти берилди. Яъни, сиёсий партиялар томонидан имзо йиғиш
жараёнида сайловчиларнинг бир ёки бир нечта партияни қўл-
лаб-қувватлаб имзо қўйиш ҳуқуқи мустаҳкамланди;

учинчи хусусияти: қонунчиликда Президентликка ном-
зодларни, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни
илгари суриш ҳуқуқига сиёсий партиялар эга экани белгилан-
ган. Бунда сиёсий партиялар ўз партияси аъзоларини ёки пар-
тиясизларни номзод сифатида кўрсатиш ваколатига эга;

тўртинчи хусусияти: ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва
унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этгани учун озодлик-
дан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг сай-
ловда иштирок этишини чекловчи норма чиқариб ташланди;

бешинчи хусусияти: номзодларга сиёсий партиялардан
бириктириладиган ишончли вакиллар сони кўпайтирилди.
Эндиликда Президентликка номзодлар учун – 15, парламент
депутатлигига номзодлар учун – 10, Халқ депутатлари вилоят
Кенгаши депутатлигига номзодлар учун – 5, туман ва шаҳар
Кенгаши депутатлигига номзодлар учун – 3 киши ишончли ва-
кил бўлиши мумкин;

олтинчи хусусияти: сиёсий партиялардан қўйиладиган
кузатувчиларнинг сайловлар ошкора ва демократик руҳда ўти-
шини таъминлашдаги роли кучайтирилди. Улар сайлов комис-
сияси овозларни санаш якунлари бўйича баённома тузганидан
сўнг дарҳол сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатлар нусха-
ларини олишлари мумкин. Сайлов комиссиясининг овозларни
санаш якунлари бўйича баённомасини кўпчиликнинг танишиб
чиқиши учун камида 48 соат муддатга сайлов участкасига зуд-
лик билан илиб қўйиш тартиби ўрнатилди;

еттинчи хусусияти: сайловларни ташкил этиш, ўтказиш ва якунларини чиқаришга доир масалалар юзасидан жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг сайлов комиссиялари томонидан кўриб чиқилиши тартиби белгиланди. Бундан ташқари, эндиликда номзод ё кузатувчи сайлов жараёнларининг ҳар қандай босқичи, шу жумладан, овозларни қайта санаб чиқиш ёки сайлов натижаларини ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Сайлов комиссиялари, шу жумладан, Марказий сайлов комиссияси қарорлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи узил-кесил мустаҳкамлаб қўйилди. Бу борада судга ариза берган шахслар ўз мурожаатининг кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга ҳисобланади;

саккизинчи хусусияти: илгари Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низом бекор қилиниб, Сенат аъзоларини қонунчилик даражасида сайлаш тартиби белгиланди;

тўққизинчи хусусияти: Сайлов кодексида сиёсий партиялар ва номзодлар томонидан сайловолди тарғиботини амалга ошириш турлари, шакллари ва усуллари қатъий белгилаб қўйилди;

ўнинчи хусусияти: кузатувчилар, партияларнинг ваколатли вакиллари, оммавий ахборот воситалари фаолияти масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Сайлов кодексида сайлов жараёни ушбу иштирокчиларининг ҳуқуқлари доираси мустаҳкамланди. Зеро, уларнинг иштироки туфайли **сайлов жараёни шаффофлиги** таъминланади.

Сайлов комиссиялари мажлисларида сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотчилар кузатувчилари иштирок этиши мумкин. Сайлов комиссияларининг мажлислари очиқ тарзда ўтказилади. Сай-

лов комиссияларининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ёки Сайлов кодексида белгиланган тартибда оммалаштирилади;

ўн биринчи хусусияти: Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш кўзда тутилган бўлиб, давлат ахборот ресурси ҳисобланадиган ушбу рўйхатда сайловчи-фуқаролар, уларнинг доимий яшаш манзиллари ва вақтинча турар жойлари ҳақидаги маълумотлар жамланади.

Бир сўз билан айтганда, 2019 йилда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлар даврида Сайлов кодекси синовдан яхши ўтди. Ушбу Кодекс фуқароларнинг сайловга тааллуқли конституциявий ҳуқуқларига демократия ва адолат, холислик ва очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик принциплари асосида сўзсиз риоя этилишига, сайловчиларнинг сайловда эркин иштирок этиши учун зарур шароитлар яратилишига, сиёсий партиялар ва номзодларга эса сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар тақдим этилиши таъминланишига хизмат қилиши ўз тасдиғини топди.

Мамлакат сайлов қонунчилиги ва сайлов тизимини демократлаштиришнинг иккинчи босқичи 2021 йил феврилида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани билан бевосита боғлиқдир. Бунда, жумладан, қуйидаги устувор вазифаларни ҳал этишга асосий эътибор қаратилди.

БИРИНЧИ УСТУВОР ВАЗИФА – сайловларда барча фуқароларнинг фаол иштирок этишини ҳамда қаерда жойлашгани ва вақтинча яшаб турганидан қатъи назар, уларнинг сайлов ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаш.

Қонунчилигимизда илк бор хорижда яшаётган Ўзбекистон фуқароларини, уларнинг дипломатик ваколатхоналарда консуллик рўйхатига олингани-олинмаганидан қатъи назар, сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, хорижий мамлакатлардаги ҳамюртларимизнинг яшаш ёки иш жойи бўйича кўчма сайлов қутиларида овоз беришлари учун ҳуқуқий асослар яратилди.

ИККИНЧИ УСТУВОР ВАЗИФА – сайлов ташкилотчиларининг барча тизимлари, яъни Марказий сайлов комиссияси бошчилигида барча даражалардаги сайлов комиссиялари мустақиллигини янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилди, бинобарин, бу демократик сайловларнинг зарурий ва муҳим шартидир.

Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси ва сайлов комиссиялари аъзоларининг мақоми қонуний асосда белгиланди. Сайлов ташкилотчиларининг фаолиятига хос бўлмаган вазифалар чиқариб ташланди. Хусусан, бундан буён сайлов комиссиялари ўз ваколатига кирмайдиган иш – номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этиш билан шуғулланмайди.

Сайлов комиссиялари тизими ҳам мақбуллаштирилди. Туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари институти қискартирилди. Бундай мақбуллаштириш туфайли 5 минг 739 та ортиқча округ сайлов комиссияси тугатилиб, натижада катта миқдордаги мутахассислар захираси – 54 мингдан зиёд инсон кераксиз вазифалардан озод этилди.

Шу тариқа сайлов комиссиялари давлат ҳокимиятининг барча органларидан мустақил фаолият юритиши учун тегишли ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Бугунги кунда сайлов ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий даражаси, сайлов натижаларининг қонунийлиги асосан сайлов жараёни барча субъектлари қонунчилик талабларига нечоғлик аниқ амал қилишига боғлиқдир.

УЧИНЧИ УСТУВОР ВАЗИФА – сиёсий партиялар тарғибот олиб бориши, умумпартиявий сайлов тадбирлари, жумладан, сайлов кампанияси доирасида оммавий тарғибот тадбирларини ташкил этиши учун имкон қадар қулай ҳуқуқий шароитлар яратиш.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тегишли конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида эмас, балки октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

Сайлов ўтказишнинг конституциявий муддатини бошқа санага қўчиришдан олдин, албатта, ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни демократик асосда, холис ва адолатли тарзда ташкил этишни таъминлаш борасидаги миллий, хорижий ва халқаро амалиёт синчиклаб ўрганилди ҳамда бу борадаги энг илғор тажрибаларга таянилди.

ТЎРТИНЧИ УСТУВОР ВАЗИФА – сайлов кампанияси даврида давлат ресурсларидан фойдаланилишига йўл қўймаслик.

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг турли аъзо-давлатлардаги сайловларни кузатиш миссиялари ўз якуний маърузаларида, одатда, бир аниқ устувор тавсияни билдиради. Бу ҳам бўлса, “маъмурий ресурсларнинг суиистеъмол килинишига йўл қўймаслик ва/ёки бундай суиистеъмолликларга йўл қўйилгани ҳолати бўйича шикоятларни самарали ва ўз вақтида қўриб чиқиш механизмини яратиш” тўғрисидаги амалий тавсиядир.

Бу борадаги миллий ва хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда ҳам давлат хизматчиси (агар у ишончли вакил ҳисобланмаса), шунингдек ҳарбий хизматчилар, диний ташкилотлар ходимлари ва судьяларнинг сайлов даврида тарғибот билан шуғулланиши қонуний асосда тақиқланган. Ушбу омил сайловларни холис, қонуний ва адолатли асосда ўтказиш йўлидаги яна бир муҳим кадам ҳисобланади.

Иккинчи босқичнинг энг муҳим янгиликлари ҳақида сўз борганда, сиёсий партиялар ва уларни молиялаштириш тўғрисидаги қонунчиликнинг Сайлов кодекси талабларига

мослаштирилгани, Президент ва парламент сайловлари, шунингдек маҳаллий вакиллик органларига сайловларни давлат томонидан молиялаштириш тартиби ўрнатилгани, сайлов комиссияларининг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш муддати 10 кундан – 5 кунга қисқартирилгани каби ҳолатларни алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Энг асосийси – мамлакат сайлов қонунчилиги ва сайлов тизимини демократлаштиришнинг иккинчи босқичи фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган сайлов ҳуқуқлари янада тўлиқ амалга оширилишига, уларнинг сайловлардаги иштироки кенгайишига кўмаклашади, демократик сайловлар ўтказиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Янги Ўзбекистоннинг замонавий сайлов тизими – кўп йиллик тадрижий тараққиёт ва кўп томонлама сиёсий мулоқот самарасидир. Зотан, сайлов қонунчилиги сайлов жараёнини такомиллаштиришга қаратилган қанчадан-қанча ўзгартиришларни бошидан ўтказди.

Модомики, ушбу ўзгартиришларнинг энг кичиги, арзимас бўлиб туюлганининг ортида ҳам катта ва оғир меҳнат, олдинги сайлов кампанияларининг чуқур таҳлили ва шу асосда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдек мураккаб жараёнлар ётибди.

Шундай қилиб, сайлов тизими йиллар давомида изчил суръатларда ривожланиб борди. Ўз навбатида, ушбу янгиланишлар мамлакатни сиёсий-ҳуқуқий ривожлантиришнинг узвий ва мантиқий давоми сифатида намоён бўлди.

Бу ўринда, албатта, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари Сайлов кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси билан чиққани ҳақида сўз бормоқда. Ушбу қонунчилик ташаббуси сайлов қонунчилиги ва сайлов амалиётини янада такомиллаштириш, халқаро андозаларга мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда том маънода демократик сайловлар ўтказиш борасидаги энг мақбул амалиётлар-

га мослаштиришга қаратилгани билан алоҳида диққатга сазовордир.

Бу борада бир қатор масалаларда янгиланишлар кўзда тутилган.

Биринчидан, давлат ҳокимиятининг таъсис этувчи (яъни, Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги сайлов комиссиялари тизими) ва суд ҳокимияти тармоқлари фаолиятида тийиб туриш ҳамда ўзаро мувозанатни таъминлаш мақсадида улар ўртасидаги ваколатларни тақсимлаш ишларини давом эттириш.

Авваламбор, жорий этилган ўзгартириш ва қўшимчалар, бир томондан, участка сайлов комиссияларининг қарорлар қабул қилиш борасидаги мустақиллиги ва масъулиятини кучайтиришни назарда тутди. Иккинчи томондан, сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қабул қилган қарорлари юзасидан фуқаролар ҳамда сайлов жараёнлари бошқа иштирокчиларининг мурожаатлари ва шикоятларини кўриб чиқиш борасида судларнинг ролини оширишга хизмат қилади.

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, Сайлов кодексида шундай муҳим бир норма мустаҳкамландики, унга кўра Марказий сайлов комиссияси сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қабул қилган қарорлари юзасидан сайловчилар ҳамда сайлов жараёнлари бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқмайди.

Шу йўл билан ариза ва мурожаатлар тақдим этишнинг “қўшалок” тизимига, демакки, Марказий сайлов комиссияси билан суднинг бир-бирига зид қарорлар қабул қилиши эҳтимолига ҳам барҳам берилди. Бу масалалар фақат судларнинг ваколатига киритиладиган бўлди.

Айни чоғда, фуқароларнинг сайловга тааллуқли ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятлари сезиларли даражада кучаймоқда. Бугунги кунда Сайлов кодексига мувофиқ:

- ҳар қандай фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқликлар юзасидан участка сайлов комиссиясига мурожаат қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси мурожаатни 24 соат ичида ўрганиб, хато ёки ноаниқликларни бартараф этиши ёхуд мурожаатчига мурожаатининг кўриб чиқилмаслигини асосланган жавоб орқали билдириши зарур. Бунда участка сайлов комиссиясининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин;

- сайлов комиссияларининг қарорлари устидан сиёсий партиялар органлари, уларнинг номзодлари, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар томонидан судга шикоят қилиниши мумкин;

- Марказий сайлов комиссияси қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Сайлов кодексида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичларида қабул қилинган қарорлар устидан сайлов ҳуқуқи субъектлари томонидан шикоят қилинишининг аниқ тартиб-қоидалари кўзда тутилган. Кодексида сайлов комиссиялари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг сайловга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва сайлов якунларига доир масалалар бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби белгилаб қўйилган.

Буларнинг барчаси фуқароларнинг одил судловга бўлган ажралмас ҳуқуқлари амалга оширилишига хизмат қилади. Яъни, низоли ҳолатларни фақатгина суд кўриб чиқиши ва адолатли қарорлар чиқариши лозим.

Таъсис этувчи ҳокимият фақат сайловларни ташкил этишга доир вазифалар билан шуғулланиши зарур. Улар фуқароларга сайловда ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун шароит яратиб бериши даркор. Сайлов комиссияларининг бу жараёндаги ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини баҳолаш эса судларнинг вазифасига киради.

Иккинчидан, сайлов даврида сиёсий партиялар томонидан ташкил этиладиган оммавий йиғинлар, митинг ва намоишлар учун хабардор қилиш тартибини татбиқ этиш.

Гап шундаки, 2019 йилда бўлиб ўтган парламент сайловлари арафасида сиёсий партиялар томонидан бутун мамлакат бўйича 800 тадан зиёд оммавий митинг ўтказилган. Бунга ҳеч қандай тўсқинлик қилинмаган ва партиялар томонидан ўзларининг оммавий тадбирлар ўтказишга доир ҳуқуқлари бузилгани тўғрисида бирон-бир мурожаат бўлмаган.

Аммо, ўшанда қонунчиликда бу борада бўшлиқ мавжуд бўлганидан кўз юмолмаймиз. Шунинг учун Сайлов кодексида шундай норма мустаҳкамландики, унга кўра партиялар оммавий тадбирлар ўтказишдан камида уч кун олдин – ҳокимликларни ушбу тадбирни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида барвақт хабардор қилишлари зарур. Яъни, бунда “рухсат кутиш” эмас, балки “хабардор этиш” тартиби амал қилади.

Учинчидан, Президент сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари салоҳиятини мустаҳкамлаш.

Ҳозирги вақтда, қонунчиликка мувофиқ, сайловга камида етмиш кун қолган даврда Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси ташкил этилади. Комиссия таркиби унинг раиси, раис ўринбосари, котиб ва 6–8 нафар бошқа аъзолардан иборат бўлади.

Лекин бунда бир ҳолатни ҳисобга олиш керак. Яъни, парламент сайлови учун битта сайлов округи доирасида 70 тадан – 120 тагача участка сайлов комиссияси шакллантирилса, Президент сайлови даврида қарийб 1000 та участка сайлов комиссияси тузилади.

Демакки, Президент сайлови даврида участка сайлов комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси анчагина мураккаблашади. Шу му-

носабат билан Сайлов кодексида участка сайлов комиссиялари аъзоларининг сони 11–18 нафарга оширилган.

Бундан ташқари, учинчи босқичда олдинги сайловлар даврида аниқланган техник ва ташкилий масалаларни ҳал этишга қаратилган бошқа бир қатор янгиликлар ҳам назарда тутилган. Буларнинг барчаси, адолатли ва ҳақиқий демократик сайловлар ўтказишнинг умумэътироф этилган халқаро принципларини ҳисобга олган ҳолда, миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётини демократлаштиришга қаратилгани билан ғоятда аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик янгилаНИШЛАР, шунингдек фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг тобора юксалиб бораётган сиёсий ҳамда ҳуқуқий онги даражаси – мамлакатимиз сайлов тизимини янада такомиллаштириш учун муҳим ва мустаҳкам замин ҳисобланади.

Яқинда Ўзбекистон Парламенти БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди. Конвенциянинг 29-моддасига кўра, иштирокчи-давлатлар ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий ҳуқуқларга эга бўлишини ва бу ҳуқуқларидан бошқалар қатори фойдаланишини кафолатлайди. Шунингдек, ногиронлар сиёсий ва ижтимоий ҳаётда бевосита ёки ўзлари эркин сайлаган вакиллари орқали самарали ва ҳар томонлама иштирок этишини, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлишини ҳамда овоз бериш имкониятидан фойдаланишини таъминлаш мажбуриятини зиммасига олади.

Сайлов кодексида ногиронлиги бўлган шахсларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида овоз бериш йўли билан иштирок этишга доир ҳуқуқларини амалга оширишнинг барча механизмлари ўз мужассамини топган. Хусусан, ушбу Кодекс талабига биноан, овоз бериш биносида жисмоний имкониятлари чекланган шахслар учун пандус мавжуд бўлиши ҳисобга олиниши зарур. Овоз бериш хоналаридаги технологик ускуналар – столлар, овоз бериш кабиналари ва қутилари – буларнинг бар-

часи ногиронлик аравачасида овоз бериш учун келадиган сайловчиларнинг талабларини инобатга олган ҳолда ўрнатилиши даркор.

2019 йили Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловлар даврида турли даражалардаги сайлов комиссиялари ногиронлиги бўлган 4 минг 158 нафар шахс билан иш олиб борганди. 2021 йил май ойида Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон карлар жамияти ва Ўзбекистон ногиронлари ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзолади.

Шу асосда сайлов комиссиялари томонидан ногиронлиги бўлган сайловчиларга имкон қадар енгил ва қулай шароитлар яратиш учун бир қатор ташкилий тадбирлар ўтказилади ҳамда зарур ахборот материаллари тайёрланади. Сайлов участкаларининг ахборот стендларида мамлакат Президенти лавозимига номзодлари рўйхатдан ўтган шахслар ҳақидаги маълумотлар тегишли тартибда жойлаштирилади.

Масалан, кўриш қобилияти бўйича ногиронлиги бўлган сайловчи тўлдирилмаган бюлетенни Брайл алифболи қолипга жойлаштириб, бармоқлари кўмагида рўйхатдан ўтган номзоднинг исм-фамилиясини топиши ва тегишли туйнукчадаги каттак ичига исталган белгини қўйиши мумкин бўлади. Эшитиш қобилияти суст ва қар сайловчилар учун талабнома келиб тушган тақдирда, сайлов куни сайлов участкасига сурдотаржимонлар таклиф этилиши ҳам мумкин.

Сайловолди телекўрсатувлари сурдотаржимон ва субтитр (изоҳловчи ёзувлар) билан бирга намойиш этилади. Кўзи ожизлар учун эса Брайл алифбосида махсус журналлар нашрдан чиқарилади.

Бу амалий чораларнинг барчаси, шубҳасиз, ногиронлиги бўлган шахслар сайловда ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифода этишларига яқиндан ёрдам беради. Бинобарин, ногиронлиги

бўлган шахслар бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчилари ҳисобланади.

Сайловчиларнинг сайлов маданияти ва фаоллигини ошириш, уларнинг сайлов институтига бўлган ишончини мустаҳкамлаш бугунги давр талабидир. Янги Ўзбекистон жамиятида давлат ҳокимиятини шакллантириш ҳамда янгича шароитларда конституциявий принципларни рўёбга чиқаришнинг ягона замонавий ва демократик механизми – бу сайлов экани ҳақида комил ишонч мустаҳкам қарор топиши тақозо этилади.

Бу муҳим омиллар фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқлари амалга ошишининг зарурий шартидир. Ана шу мақсадларга эришиш учун, жумладан, қуйидаги вазифаларни мутлақо янгича негизда бажариш лозим:

биринчидан, сайлов ташкилотчиларининг касб кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тизимини такомиллаштириш, бу ишларнинг аниқ мақсадли, очиқ ва комплекс тарзда амалга оширилишига эътибор қаратиш;

иккинчидан, сайлов жараёнининг турли тоифадаги иштирокчилари, айниқса, ёшларнинг ялпи ҳуқуқий ва сайлов маданиятини ошириш;

учинчидан, оммавий ахборот воситалари билан ишлашни яхшилаш, журналистларнинг сайлов жараёни тўғрисидаги билимларини ошириш, уларни сайловнинг барча босқичларида ишончли ахборот тарқатиш жараёнига жалб этиш, шунингдек жамиятда медиамаданиятни юксалтириш;

тўртинчидан, фуқаролик жамияти институтларини сайлов жараёнининг демократик асосларда, қонуний ва адолатли ўтказилишини таъминлашга жалб этиш, давлат органларининг

сайлов жараёни барча иштирокчилари, сайловчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятида уларнинг имкониятларидан ҳам унумли фойдаланиш даркор.

Бунда, жамоатчилик фикрини чуқур ўрганган ҳолда, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, давлат аҳамиятига эга қарорлар қабул қилиш ва жамият учун ўта муҳим чораларни амалга оширишда аҳоли фаоллигини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш ўринлидир. Масалан, regulation.gov.uz ёки [Mening fikrim](http://Meningfikrim.uz) порталлари фаолияти орқали аҳолини шундай ижтимоий ишларга жалб этиш жуда муҳим;

бешинчидан, янги ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-ҳуқуқий таълим ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш лозим.

Энг муҳими, ушбу чораларнинг барчаси, бир томондан, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини ифода этиш кафолатини таъминлайди, иккинчи томондан, фуқароларда ватанпарварлик ва дахлдорлик туйғуларини кучайтиради, учинчи томондан, жамиятда сиёсий барқарорликни мустаҳкамлайди, тўртинчи томондан эса, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширади.

Шуни унутмаслик керакки, сайлов тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёни, худди сайлов тўғрисидаги қонунчилик сингари ҳали тўла якунига етмаган. Зеро, дунё тажрибаси кўрсатишича, деярли ҳар бир навбатдаги сайлов кампанияси янги муаммоларни очиб бермоқда.

Биз айни пайтда тараққиётнинг шундай бир босқичида турибмизки, зарур ҳолларда тўплаган тажрибамиздан унумли фойдаланиб, таклиф қилинаётган ўзгартиришлардан қайси бири қандай ҳолатда ва қай тарзда самарали қўлланилиши мумкинлигини чамалаб, шу асосда дадил иш тутишимиз тақозо этилади.

Сайлов ташкилотчилари қонунларни яхши билиши ва қонунларга таяниб иш кўриши шарт. Парламентимиз томонидан тайёрланган **Аҳолининг сайлов маданиятини ошириш**

бўйича миллий ҳаракат дастури бу борада муҳим кўмакчи бўлади, деб ҳисоблаймиз. Муҳими – касбий малакани оширишга, қонуннинг маъно ва мазмунини теран англаган ҳолда, айнан қонунга хизмат қилиш учун астойдил интилишдир.

Шундай қилиб, Янги Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва амалиёти тараққиётининг уч босқичи жамиятни сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан янгилаш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар билан уйғунликда қуйидаги натижаларга олиб келади:

биринчи натижа: мамлакатда реал кўппартияли тизим сезиларли даражада ривожланади ва мустақамланади. Бинобарин, юртимизда **партиялараро соғлом рақобат** муҳити яратилган бўлиб, барча сиёсий партиялар учун сайлов кампанияларини ташкил этиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағларни адолатли тарзда тақсимлаш, овоз беришни ҳаққоний ва сайловларни қонуний асосда ўтказиш борасида тенг шароитлар муҳайё этилган.

Бошқача айтганда, **бўлажак Президент сайлови кўппартияли муҳитда, номзодларнинг беллашувлари, очиқлик, фикр эркинлиги ва ҳақиқий сайлов талаблари асосида бўлиб ўтади**, деб ишонч билан таъкидлаш учун барча асослар мавжуд;

иккинчи натижа: сайловларда фуқаролик жамияти институтлари, кўнгилчиларнинг иштирок этиш имкониятлари кенгайди ва роли кучаяди, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар суръатларини баҳолаш борасидаги талабчанлиги ҳамда дид-савияси сезиларли равишда ортади;

учинчи натижа: Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, маҳаллий ва хорижий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари сайлов кампанияси давомида ўз ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини амалга оширишлари учун зарур бўлган барча ҳуқуқий шарт-шароитлар юзага келади;

тўртинчи натижа: сайлов жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланиш ва уларни ҳукукий тартибга солиш имкониятлари кенгайди;

бешинчи натижа: коронавирус пандемияси инсон ҳаётининг барча соҳаларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳозир сайловлар янгича шароитларда ўтказилмоқда, яъни дунё сайлов тизими тарихида биринчи мартаба сайловчилар сайлов участкаларига қатъий равишда ниқоб таққан ва антисептик воситалардан фойдаланган ҳолда киритилмоқда. Шунинг учун пандемия шароитида сайлов жараёнини ташкил этишда муайян жиҳатларга эътибор қаратиш керак бўлади.

Биринчи жиҳат – сайловнинг умумий ташкилотчилиги ишларига тааллуқли. Яъни, овоз бериш бинолари ва хоналарини пандемия шароитига мослаш, масофадан ҳарорат ўлчаш, сайловчилар оқимини тартибга солиш, ижтимоий масофани сақлаш, ниқоб тақиш ва санитайзерлардан фойдаланиш каби омилларга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Иккинчи жиҳат – сайловчиларга қўйиладиган талаблар. Сайловчилар, албатта, ниқоб тақиши, антисептиктдан фойдаланиши ва масофа сақлаши зарур.

Учинчи жиҳат – сайлов жараёни иштирокчилари фаолияти билан боғлиқ. Овоз бериш куни узоқ муддат сайлов участкаларида бўлиши тақозо этиладиган кишилар, яъни сайлов комиссияси аъзолари, кузатувчилар, ишончли вакиллар ҳам пандемия шароити талабларига қатъий амал қилишлари даркор.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган сайловлар том маънода давлат ҳокимиятини шакллантирадиган ва унинг ўтувчанлиги, яъни изчиллигини намоён этадиган ҳамда мамлакатда сиёсий барқарорликни таъминлайдиган самарали механизмга айланмоқда.

УЧИНЧИ БОБ.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ: ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК, ҲАМЖИХАТЛИК ВА БИРДАМЛИК

“Жаҳон тақдири билан боғлиқ ушбу муҳим жараёнларда айнан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг етакчилик ролини янги мазмун ва сифат билан давом эттириши зарур. Биз Бош қотибнинг халқаро муносабатлар тизимида ҳамжиҳатлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш, ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ва шаффоқлигини оширишга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз”¹.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлик

Халқаро универсал ташкилот сифатида **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)** доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг универсал халқаро механизм мавжуд бўлиб, у кўп тармоқланган тузилмадан иборат.

БМТнинг устав органлари ҳам, шартномавий органлари ҳам у ёки бу даражада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тааллуқли масалалар билан шуғулланадилар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4632>.

БМТ Бош Ассамблеяси инсон ҳуқуқлари соҳасида резолюциялар қабул қилиш орқали аъзо-давлатлар эътиборини инсон ҳуқуқлари борасидаги муаммоларга қаратади ва бу борада ҳамкорлик қилишга даъват этади.

Бош Ассамблеянинг асосий вазифаларидан бири инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ирқи, жинси, тили ва динини ажратмаган ҳолда амалга оширишга қўмаклашиш мақсадига инсон ҳуқуқлари масалаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини уюштириш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Бош Ассамблея инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциялар, декларациялар ва турли резолюциялар қабул қилади ва БМТ органларининг ҳисоботларини қабул қилади ва кўриб чиқади.

Бугунги кунда инсоният ўз тараққиёт йўлининг туб бурилиш даврини бошидан кечирмоқда, халқаро муносабатларнинг табиати кескин ўзгармоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқида қайд этганидек, тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга трансмиллий таҳдидлар тобора кучаймоқда, иқлим жадал ўзгармоқда, оммавий миграция оқимлари кўпаймоқда, анъанавий қадриятлар заволят топмоқда.

Бундай мураккаб шароитда БМТ ва унинг ихтисослашган тузилмаларининг дунё миқёсидаги аҳамияти ва ўрни тобора ортиб бораётгани тайин. Ўзбекистон Президенти таъбири билан айтганда, **“Жаҳон тақдири билан боғлиқ ушбу муҳим жараёнларда айнан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг етакчилик ролини янги мазмун ва сифат билан давом эттириши зарур. Биз Бош котибнинг халқаро муносабатлар тизимида ҳамжиҳатлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш, ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ва шаффофлигини оширишга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз”¹.**

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4632>.

Маълумки, 2018 йилда жаҳон жамоатчилиги инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигини ва Вена декларацияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳаракатлар дастурининг 25 йиллигини тантанали равишда нишонлади. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ушбу биринчи универсал халқаро ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама тарғиб қилиш, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, янги халқаро шартномаларга қўшилишга қаратилган махсус Давлат дастурини қабул қилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ташаббуслари БМТ даражасида изчил қўллаб-қувватланмоқда. Президентимиз 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб масалаларга тўхталиб, **“Маърифат ва диний бағрикенглик”** деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш бўйича таклиф билдирганди. 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессияси 51-йиғилишида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси 193 та аъзо мамлакат томонидан яқдиллик билан қабул қилинди.

Мазкур резолюциянинг айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқишида ўзига хос рамзий маъно бор. Бугун миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлаш борасидаги Ўзбекистон намунаси жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бинобарин, она заминимизда динлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик чуқур тарихий илдизларга эга.

БМТ Бош Ассамблеясининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таъминлаш ва ривожлантириш соҳасига дахлдор деярли барча резолюцияларини Ўзбекистон қўллаб-қувватламоқда ҳамда уларга муаллифлик қилиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ўз тараққиётининг янги даражасига чиқаётгани ва халқаро шартномалар

тузиш ташаббускори, халқаро норма ижодкорлигининг фаол иштирокчисига айланаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2018 йил 4 майдаги Қўшма қарори билан дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича БМТнинг Махсус маърузачиси А.Шаҳиднинг Ўзбекистонга (2017–йил 2–12 октябрь) ташрифи якунлари, шунингдек инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича тавсияларни амалга ошириш мақсадида дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди. “Йўл харитаси”даги 52 та тадбир тўлиқ амалга оширилди.

БМТ Махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян Ўзбекистонга ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қабулида бўлди, мамлакатнинг 3 та вилоятига ташриф буюрди. Олий Мажлис палаталари, вазирлик ва идоралар, олий суд органлари раҳбарлари билан 40 дан ортиқ учрашув бўлиб ўтди. Шунингдек, судьялар, адвокатлар фуқаролик жамияти институтлари фаоллари билан суҳбатлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан брифинг ўтказилди.

Ташриф якунлари бўйича Махсус маърузачи Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифининг дастлабки якунларини тақдим этди. БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масаласи бўйича Махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича 2020 йил июнь ойида якуний тавсиялари олинди. Бугунги кунда ушбу тавсиялар асосида суд ва адвокатура тизимида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича махсус маърузачиси Фионнуала Ни Аолайн 2021 йил 28 ноябрь – 7 декабрь кунлари мамлакатимиз-

га ташриф буюрди. БМТ Махсус маърузачиси Ўзбекистон Президенти билан мулоқоти, шунингдек кенг жамоатчилик иштирокидаги матбуот анжумани ва брифингларда Ўзбекистоннинг “Меҳр” операцияси доирасида фуқароларни мамлакатга қайтариш, реабилитация ва реинтеграция қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Шунингдек, БМТ Қийноққа қарши курашиш масаласи бўйича Махсус маърузачисининг Ўзбекистонга ташрифи 2022 йил апрелида бўлиб ўтади.

Самарқанд шаҳрида 2018 йил ноябрь ойида БМТ ташкил этилганидан кейинги 70 йил давомида Осиё минтақасида биринчи марта Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми бўлиб ўтди. Форумда БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессияси ҳужжати сифатида тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Ўзбекистон парламенти инсон ҳуқуқларининг “Самарқанд руҳи”ни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлади.

Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессияси минбаридан Тошкент шаҳрида пандемиядан кейинги даврда жаҳон иқтисодиётини қайта тиклаш муаммоларини ўрганиш, камбағалликни қисқартириш бўйича илғор тажрибаларни ҳаётга татбиқ этишга бағишланган халқаро конференция ўтказиш ҳамда қадимий Самарқанд шаҳрида **Инсон ҳуқуқлари таълими бўйича Глобал форум** ташкил этиш таклифларини ҳам билдирганини таъкидлаш лозим.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон дунёдаги жами ҳамкор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли, узоқ муддатли ва кўпқиррали шерикликни ривожлантиришга доимо тайёрлиги ҳамда шу эзгу мақсад йўлида астойдил интилаётганининг ёрқин ифодасидир. Шу маънода, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда тузилмалар, хорижий мамлакатлар миллий институтлари билан ҳамкорлик алоқалари ҳам изчиллик касб этмоқда.

Ўзбекистон 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Шу тариқа юртимиз халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли субъектига айланди.

Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасида 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан, БМТнинг 7 та асосий шартномаси ва 4 та Факультатив протоколига қўшилган. Бу халқаро ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан миллий маърузалар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ҳамда шартномавий қўмиталарига доимий равишда тақдим этиб борилмоқда.

Ўтган чорак аср давомида Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича мажбуриятлари бажарилиши юзасидан **БМТнинг устав ва шартнома органларига 41 та миллий маъруза тайёрланиб, тақдим этилди.** Хусусан:

- Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция – 6 та маъруза;

- Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция – 12 та маъруза;

- Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши – 5 та маъруза;

- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва факультатив протокол – 7 та маъруза;

- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт – 5 та маъруза;

- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт – 3 та маъруза;

- Универсал даврий таҳлил – 3 та маъруза.

Ўтган даврда Ўзбекистон делегацияси БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгаши органлари томонидан ташкил этилган 30 дан зиёд сессияда иштирок этган.

БМТ кўмагида ва Ўзбекистон Ҳукумати таклифига кўра, мамлакатимизга 2017 йил июнида – БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, 2017 йил октябрида – БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича Махсус маъ-

рузачиси Аҳмад Шаҳид ҳамда 2019 йил сентябрида – БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича Махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян ташриф буюрди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўтган даврда БМТнинг ихтисослашган органлари билан самарали ҳамкорликни амалга оширди. Бу борада, аynиқса, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг бошқармаси, БМТ Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссарининг бошқармаси ҳамда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг Минтақавий бошқармаси билан ҳамкорлик алоқаларимиз изчиллиги ва самарадорлиги билан ажралиб туради.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши билан ҳамкорлик

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгаши 2006 йил 5 март куни БМТ Бош Ассамблеясининг 60/251-резолюцияси билан ташкил этилган. У инсон ҳуқуқларини қўпол тарзда ва мунтазам равишда бузиш ҳоллари билан боғлиқ воқеалар ва амалиётни муҳокама этиб боради.

Мазкур резолюция асосида Кенгаш ҳар бир давлатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлари бажарилишининг Универсал даврий таҳлилини амалга оширади ҳамда шу орқали универсал миқёсда ва барча давлатларга бир хил муносабатни таъминлайди. Яъни, барча давлатлар Универсал даврий таҳлил доирасида инсон ҳуқуқларининг барча соҳалари бўйича миллий маърузаларини ҳар 4 йилда Кенгашга тақдим этади.

Кенгаш бирор-бир фарқларсиз ва адолатли ҳамда тенглик асосида барча учун инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини умумҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш ишига қўмаклашиши, инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни

кўриб чиқиши ҳамда улар бўйича ўзининг тавсияларини ишлаб чиқиши керак.

Кенгаш доирасида, дунёнинг ҳар қандай ҳудудида ва ҳар қандай ҳолатда бўлишидан қатъи назар, содир этилган ва тизимли ҳамда ишончли равишда тасдиқланган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг барча қўпол бузилиши ҳолатларини кўриб чиқиш мақсадида шикоятларни кўриб чиқиш тартиботи ўрнатилди.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачилари — инсон ҳуқуқлари бўйича муайян мамлакатдаги вазият ёки аниқ бир мавзунинг ўрганиш ва бу ҳақда маърузалар тақдим этиш учун БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши томонидан тайинландиган мустақил экспертлардир. **Бугунги кунда БМТ тизимида инсон ҳуқуқларининг турли соҳаларига ихтисослашган 44 нафар махсус маърузачи мавжуд.**

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш қароргоҳи Женева шаҳрида жойлашган. Кенгаш БМТ Бош Ассамблеясининг органи ҳисобланади ва унинг бош вазифаси – эркинлик, қонун устуворлиги ва адолатни тарғиб қилишдир.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши жаҳон бўйлаб бу борадаги вазиятни назорат қилиб, ҳукуматларга кўрсатма ва тавсиялар бериб боради. Энг муҳими, мазкур Кенгашга аъзо ҳар бир давлат ўз мажбуриятларини ёдда тутиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ мезонларга амал қилишда намуна бўлиши лозим.

2020 йил 13 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига уч йил муддатга – 2021–2023 йилларга сайланди. Мамлакатимиз учун БМТга аъзо 191 давлатдан 169 таси овоз берди.

Мустақилликнинг қарийб 30 йили давомида Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари учун масъул бирон-бир тузилмасига аъзо бўлиб ки-

риши ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Аксинча, ушбу ташкилотлар Ўзбекистонни инсон ҳуқуқлари борасида ҳар доим танқид қилиш билан банд эди.

Эндиликда Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзолигига сайланди ва 2021 йил 1 январдан бу борадаги вазифасини бажаришга киришди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг нуфузли халқаро ташкилотнинг олий минбаридан туриб ўзбек тилида илгари сурган миллий, минтақавий ва халқаро ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланди ва изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда.

Хусусан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг баҳорги сессияси доирасида 2021 йил 22–24 февраль кунлари Женева шаҳрида бўлиб ўтган Юқори даражадаги сегмент ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу Кенгашга аъзо давлат раҳбари сифатида биринчи марта иштирок этди ва сўзга чиқди. Юқори даражадаги сегмент Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг йил давомидаги энг асосий сиёсий тадбири ҳисобланади.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг БМТ органига аъзолик учун интильгани бежиз эмас. Бу самарадор саъй-ҳаракат давлатимиз БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзосига юклатиладиган мажбуриятларни астойдил бажариш ва инсон ҳуқуқларини глобал миқёсда ҳимоя қилишга қатъий бел боғлаганидан далолатдир.

Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси бўлишидан кўзлаган мақсади эзгу ва холис. Биз мамлакатимизда ҳам, жаҳон миқёсида ҳам ҳуқуқ ва қонун устувор бўлиши, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳар томонлама таъминланиши, ҳимоя қилиниши ва рағбатлантирилиши тарафдоримиз.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорлик

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти учун асосий масъулият юки-

ни Бош котибнинг раҳбарлиги ва раҳнамолиги остида олиб боради. Олий комиссар ўз вазифасини бажарар экан, Бош Ассамблея, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг умумий ваколатлари, вазифалари доирасида ва қарорлари асосида иш олиб боради.

Олий комиссар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳар қандай муаммони кўриб чиқиш ва инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган дунё миқёсидаги фаолиятда фаол иштирок этади.

Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг самарали ва мустақил фаолият юритишини қўллаб-қувватлайди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси бюджетига 100 минг АҚШ доллари миқдорида ихтиёрий ҳисса қўшди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2017 йил 16 июндаги Қўшма қарори билан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар режаси тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари ва махсус тартиб-қоидалар томонидан берилган тавсияларни маъқуллаб, тегишли тизимларни мустаҳкамлаш учун йўл-йўриқ сифатида фойдаланади.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари ва БМТнинг дин ва эътиқод эркинлиги масалалари бўйича Махсус маърузачиси тавсияларини амалга ошириш бўйича мамлакат парламенти томонидан “Йўл хариталари” қабул қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкент шаҳридаги ваколатхонасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришни таъминлаш бўйича умумий стратегияни амалга ошириш мақсадида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси дастурларининг миллий координатори лавозими ташкил этилди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси делегациялари 2017–2021 йилларда юртимизга 4 марта ташриф буюрган. Шу даврда Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси офиси билан ҳамкорликда 4 та халқаро конференция, 3 та вебинар ва давлат органлари вакиллари учун 15 та семинар-тренинг ўтказдик.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Олий комиссар бошқармаси офиси вакиллари ўрта-сида 14 марта учрашув ва мулоқотлар ташкил этилди.

Шу ўринда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг 2020 йилдаги фаолияти ҳисоботида Ўзбекистон билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлик муносабатлари ижобий баҳоланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мамлакатимиз демократлаштириш, БМТнинг устав ва шартномавий органлари доирасида инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича зиммасига олган халқаро мажбуриятларини бажариш, шунингдек қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш соҳаларида эришган натижалари билан халқаро майдонда тез-тез эътироф этилаётган илғор давлатлар сафидан жой олгани таъкидланган.

БМТ Олий комиссари Ўзбекистонда Маърузалар тайёрлаш ва БМТ тегишли институтларининг тавсияларини бажариш бўйича миллий механизм яратилганини юқори баҳолаган. Ўзаро ҳамкорликда ва фуқаролик жамияти вакиллари иштирокида ишлаб чиқилган ННТ фаолияти тўғрисидаги кодекс лойиҳасига ҳам ижобий баҳо берилган.

Энг асосийси, **пандемия шароитига қарамай, мамлакатимизда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликда 2020 йилда тегишли хизматлар ходимларининг малака ва салоҳиятини ошириш ишлари изчил давом эттирилгани алоҳида қайд этилган.** Хусусан:

биринчидан, 200 та миллий субъект – карантин чоралари амал қилган шароитда одил судлов имкониятларидан фойдаланиш;

иккинчидан, 25 нафар ҳуқуқшунос – эркинлик ҳуқуқи, одил судлов, қийноқлардан холи бўлиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмларидан фойдаланиш ва миллий судларда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш;

учинчидан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг 400 нафар ходими – БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси хабарномалари билан ишлаш тартиб-таомилларини ўрганиш;

тўртинчидан, 44 нафар мутахассис – инсон ҳуқуқлари соҳаси билан шуғулланадиган фуқаролик жамияти ташкилотларининг фаолияти ҳисобдорлиги ва мониторингини амалга ошириш борасида тажриба оширган;

бешинчидан, 180 нафар киши – Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция ва Барқарор ривожланиш мақсадларини амалда татбиқ этиш доирасида ўтказилган семинарларда иштирок этган.

Ҳисоботда Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси кўмагида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Универсал даврий ҳисоботи механизми доирасида берилган тавсияларнинг бажарилиши бўйича ўз оралиқ маърузасини тайёрлашга эришган саноқли давлатлардан бири экани ҳам эътироф этилган.

БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорлик

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва БМТ Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси 2020 йилнинг ноябрида 2021 йил учун Қўшма иш режасини тасдиқлаган.

Шу асосда Универсал даврий таҳлил доирасида Ўзбекистон Республикаси Учинчи миллий маърузасининг қўриб чиқилиши

якунлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга оширишга оид “Йўл харитаси”нинг ижроси, шунингдек мамлакатимизнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиши билан боғлиқ ҳолда, қочоқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида 11 та ҳамда фуқаролик ва фуқаросизлик масалалари мавзусида 10 та қўшма тадбир ўтказилди.

Қочоқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлигимизнинг амалий натижалари ҳақида фикр юритганда, авваламбор, инсон ҳуқуқлари бўйича тренинг дастурининг қочоқларни ҳимоя қилишга оид модули ишлаб чиқилганини таъкидлаш лозим. Давлат органлари ходимлари учун мўлжалланган ушбу модуль асосида ўқитувчиларни тайёрлашга қаратилган тренинг ҳам ўтказилди.

Шунингдек, 1951 йилги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция бўйича 3 та қўшма семинар-тренинг ташкил этилди. БМТнинг ушбу соҳага оид 3 та муҳим ҳужжати: 1951 йилги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция ва 1967 йилги унинг Протоколи; Қочоқларни халқаро даражада ҳимоя қилиш ва бошпана беришнинг давлат тизимини яратиш масалаларига оид Раҳбарий қоидалар (Парламент аъзолари учун қўлланма); Қочоқлар мақомини белгилаш тартиб-таомиллари ва мезонлари бўйича Раҳбарий қоидалар ўзбек тилига таржима қилинди.

Ўзaro ҳамкорликдаги фаолиятимиз асосида фуқаросизлик масалалари бўйича ҳам бир қатор амалий натижаларга эришилди. Хусусан, Фуқаролик ва фуқаросизлик бўйича модул асосида ўқитувчиларга таълим бериш дастури ишлаб чиқилди.

Марказий Осиёда фуқаросизликни камайтириш ва тугатиш масалаларига бағишланган 3 та қўшма тадбир ташкил этилди. БМТнинг 1954 йилги Апатридлар мақоми тўғрисидаги конвенцияси ва 1961 йилги Фуқаросизликни қисқартириш тўғрисидаги конвенцияси ҳамда Фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳимоя

қилиш бўйича Раҳбарий қоидалар ўзбек тилига таржима қилинди.

Кейинги уч йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси вакиллари билан 6 марта учрашув бўлиб ўтди. Бу рақам ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз тобора фаоллашётганини кўрсатади.

Халқаро миграция ташкилоти билан ҳамкорлик

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Халқаро миграция ташкилоти билан 2015 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келади. Ўтган даврда 9 та қўшма тадбир ўтказилган. Шундан 3 таси – миграция ҳуқуқига оид минтақавий семинар-тренинг; 4 таси – мамлакатимиз вазирлик ва ташкилотлари вакиллари учун ўқув машғулотли; 2 таси – Миллий марказ ходимлари малакасини оширишга қаратилган хорижий ўқув-танишув сафаридир.

Бош вазир томонидан 2021 йил 15 июнь куни “Ўзбекистон Республикаси билан Халқаро миграция ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича 2021–2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси” тасдиқланди. Режа лойиҳасини Миллий марказ экспертлари манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тайёрлаган.

Маълумки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида Ўзбекистон билан Халқаро миграция ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш вазифаси белгиланди. Чора-тадбирлар режасини тайёрлаш ва тасдиқлаш билан боғлиқ ишлар ана шу вазифа ижроси доирасида амалга оширилди.

Бугунги тобора глобаллашиб бораётган дунёда ва COVID-19 пандемиясига ўхшаган таҳдидлар кучайиб бораётган бир дав-

рда мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш устувор вазифалардан бири бўлиб турибди. Чора-тадбирлар режаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида хавфсиз, тартибли ва қонуний миграцияни таъминлаш ва мигрантлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган сиёсатнинг таркибий қисмидир.

Халқаро миграция ташкилоти билан ҳамкорлик мигрантларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича 2023 йилгача амалга оширладиган ташкилий, амалий, ўқув-маърифий ва тарғибот тадбирларини ўз ичига олади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ Чора-тадбирлар режасини ижро этиш бўйича тадбирларни бошлаб юборди. Жумладан, Миллий марказда Мигрантлар ҳуқуқлари Ахборот-ресурс маркази ташкил қилиниб, унинг базасига мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва миллий нашрлар ва бошқа ахборот ресурслари жойлаштирилмоқда.

БМТнинг ихтисослашган муассасалари ва бошқа тузилмалари билан ҳамкорлик

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг универсал механизмига кирувчи тузилмалардан бири – **Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС)** инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя этишни ва ҳурмат қилишни таъминлаб беради.

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳурмат қилиниши ҳамда уларга риоя этилишини рағбатлантириш мақсадида тавсиялар бериши ва ёрдамчи органлар – қўмиталар ва комиссиялар тузиши мумкин.

Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссия хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, фуқаровий, ижтимоий соҳалар ва таълим соҳасидаги ҳуқуқларини рағбатлантириш тўғрисида Иқтисодий ва ижтимоий кенгашга тавсиялар ва маърузалар тайёрлаш, шунингдек эркаклар билан хотин-қизларнинг

тенг ҳуқуқлилиги тамойилини амалга ошириш мақсадида хотин-қизлар ҳуқуқлари соҳасидаги энг муҳим муаммолар бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш тўғрисида тавсиялар ва таклифлар тайёрлаш вазифалари киради.

“БМТ – аёллар” – бу гендер тенглиги ва хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳамда иқтисодий имкониятларини кенгайтириш борасида фаолият олиб борувчи БМТнинг тузилмасидир. Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи “БМТ–аёллар” тузилмаси бутун жаҳонда уларнинг муҳтожликлари ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида ташкил этилган. Мазкур тузилма БМТнинг аъзо-давлатларига, уларнинг гендер тенглигига жаҳон стандартлари даражасида эришишига ёрдам беради ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқларига оид қонунларни, сиёсат стратегияларини, дастурларни ишлаб чиқишда мамлакатларнинг ҳукуматлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ишлайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан БМТ Тараққиёт дастури ўртасидаги ҳамкорлик 2000 йилда бошланган. Ўтган даврда БМТ ТД вакиллари билан биргаликда 47 та қўшма тадбир, шу жумладан, 12 та халқаро конференция ва 9 та давра суҳбати ўтказилган. Икки томонлама ҳамкорлик доирасида ташкил этилган 32 та семинар-тренингларда мамлакатимиз вазирлик ва ташкилотлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билим ва малакасини оширишга эътибор қаратилган.

БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) ўз фаолиятида болаларни ҳимоя қилиш ва камол топтириш тўғрисидаги умумжаҳон декларациясини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар режасига амал қилади.

Миллий марказ билан ЮНИСЕФ муносабатлари Ўзбекистон Ҳукумати билан мазкур халқаро ташкилот ўртасида бола ҳуқуқларини рўйбга чиқариш соҳасида мамлакатимизга қўмаклашишга оид ҳамкорлик дастури доирасида амалга оши-

риб келинмоқда. ЮНИСЕФ билан ҳамкорлик доирасида бола ҳуқуқлари бўйича халқаро экспертларнинг Ўзбекистонга 5 та ташрифи амалга оширилди.

Шунингдек, ЮНИСЕФ вакиллари билан биргаликда 43 та қўшма тадбир, жумладан, 4 та халқаро конференция ва форум, 21 та давра суҳбати ва 18 та семинар-тренинг ўтказилган. ЮНИСЕФ 12 марта мавзули давра суҳбатларига Миллий марказ вакиллари таклиф этган. Миллий марказ томонидан ЮНИСЕФ вакиллари иштирокида ҳамкорлик истиқболларига бағишлаб 16 марта учрашув ташкил этилган.

БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқини татбиқ этишга қаратилган фаолият ўтказди. ЮНЕСКО ўз фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланган таълим соҳасида саводсизликка қарши кураш дастурларини изчил амалга ошириб келмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилоти меҳнат ва ҳаёт шароитини яхшилаш, иш билан таъминлаш соҳасидаги имкониятларни кенгайтириш бўйича халқаро чора-тадбирлар ва дастурларни ишлаб чиқади. Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенция ва тавсиялари, ўз навбатида, аъзо-давлатларга мўлжалланган, яъни улар ХМТнинг миллий қонунчиликка тегишли нормаларини киритиш лозимлиги тўғрисидаги хоҳишни акс эттиради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти инсоннинг соғлиққа бўлган ҳуқуқининг тарғиб этилиши ва ҳимоя қилинишидаги асосий ихтисослашган ташкилот бўлиб ҳисобланади.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ўзаро муносабатлар

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) хавфсизликни таъминлаш масалалари билан бир қаторда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам муҳим ишлар-

ни амалга оширмоқда. У БМТ томонидан инсон ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилишга доир барча ҳужжатларни эътироф этиш ҳамда уларда белгиланган тамойилларни амалга оширишга интилоқда. Унинг БМТ билан бу борадаги ҳамкорлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар кўламининг ошиб боришига ёрдам бермоқда.

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайловларда кузатувчилик вазифасини бажаради ва миллий сайлов органларининг вужудга келишида кўмаклашади, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ривожланишига кўмаклашади ва техникавий ёрдам беради, турли мамлакатларда нодавлат ташкилотларининг ташкил этилиши ва фуқаролик жамиятининг шаклланишига ёрдам беради.

Низоларнинг олдини олиш ва тугатилишида *ЕХХТнинг кам сонли миллатлар бўйича олий комиссари* институтининг ҳам роли катта. Олий комиссар низоларнинг иложи борида барвақт таҳлил қилиниши ва бартараф этилиши чораларини кўради. Маслаҳатлашувлар ўтказиш ва тавсиялар бериш йўли билан низодаги томонларни тўқнашувларга бормасликка қақиради.

ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг ҳар йили ўтказиладиган сессияларида ташкилот фаолиятига тегишли масалалар муҳокама этилади, минтақада хавфсизлик ва ҳамкорликни кучайтириш борасида декларация, тавсия ва таклифлар тайёрланади.

ЕХХТга 1992 йил 30 январда аъзо бўлган Ўзбекистон мазкур нуфузли ташкилотнинг барча тузилма ва институтлари, шу жумладан, ЕХХТнинг мамлакатимиздаги Лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакиллари ўтган даврда ЕХХТ томонидан ташкил этилган 25 та қўшма тадбирда иштирок этган. Ўзбекистон делегацияси таркибида Миллий марказ вакиллари ҳар йили қатнашадиган ЕХХТ Кенгаши мажлислари шундай муҳим тадбирлар жумласига киради. Бу мажлисларда ЕХХТга аъзо

давлатлар инсонийлик мезонлари соҳасида зиммасига олган мажбуриятларининг бажарилиши ҳолати кўриб чиқилади.

ЕХХТ билан ҳамкорлик доирасида Чехия ва Словакияга, шунингдек Вильнюс (Литва), Варшава (Польша), Брюссель (Бельгия) ва Вена (Австрия) шаҳарларига Ўзбекистон вакилларининг ташрифлари амалга оширилган. Бу ташрифлар доирасидаги тадбирларда ЕХХТга аъзо мамлакатлар инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва инсоннинг асосий эркинликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда фуқаролик жамияти барпо этиш борасида дуч келган муаммолар атрофича муҳокама этилган.

Биргина 2008-2021 йилларда ЕХХТ вакиллари билан 30 та икки томонлама учрашув ўтказилган. Миллий марказ ЕХХТ учун мунтазам равишда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масалаларига оид ахборот тайёрлаб, тақдим этиб келмоқда.

Шу даврда Миллий марказ ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Ло-йиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан қуйидаги учта йўналишда самарали ҳамкорликни амалга оширди:

биринчи йўналиш – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимини такомиллаштириш истиқболлари соҳасида Ўзбекистон учун долзарб бўлган мавзуларда халқаро экспертлар иштирокида 55 та тадбир, шу жумладан 11 та халқаро конференция, 18 та давра суҳбати, 21 та семинар-тренинг, 1 жамоатчилик эшитуви, 3 та миллий маслаҳатлашув ва 1 та миллий мулоқот ўтказилди. Шунингдек, икки томон вакиллари ўртасида 15 та учрашув ташкил этилди;

иккинчи йўналиш – инсон ҳуқуқларига оид муҳим маълумотлардан аҳоли, давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари хабардорлигини ошириш йўлида турли китоб ва рисоалар, халқаро ҳужжатлар таржималари тўплами ва ўқув-услубий қўлланмалар ўзаро ҳамкорликда тайёрланди ҳамда нашр этилди;

учинчи йўналиш – давлат органлари, жумладан, Миллий марказ вакилларининг халқаро анжуманларда иштирок этиши

ва хорижий танишув сафарларига боришини ташкил этиш борасида ҳамкорликда иш олиб борилди.

Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ДИИХБ) билан 2009 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган даврда ЕХХТ ДИИХБ вакиллари Ўзбекистонга 5 марта ташриф буюрган.

Икки томонлама ҳамкорлик доирасида ЕХХТ Инсон меzonлари бўйича кенгашининг 2014–2019 йилларда ўтказилган йиллик мажлисларида Ўзбекистон делегацияси таркибида Миллий марказ вакиллари ҳам иштирок этган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси ўртасида имзоланган икки томонлама англашув меморандуми ҳамкорлик алоқаларини янги bosқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Миллий марказ 2009–2021 йилларда ЕХХТ ДИИХБ билан ҳамкорликда давлат органлари вакиллари учун 6 та тадбир ўтказган. Шунингдек, ҳамкорликда 6 та халқаро конференция ташкил этилган. Шу даврда 16 та ўзаро учрашув ва мулоқотлар бўлиб ўтган.

Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Европа парламенти ўртасидаги алоқалар Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишув асосида йўлга қўйилган. Мазкур ҳужжатда парламент даражасидаги сиёсий мулоқотлар Парламент ҳамкорлиги қўмитаси доирасида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Шунга мувофиқ, 1999 йилда Ўзбекистон – Европа Иттифоқи парламент ҳамкорлиги қўмитаси ташкил этилди. Олий Мажлис ва Европарламент ҳамкорлигини, хусусан, Ўзбекистон – Европа муносабатларини фаоллаштириш унинг муҳим вазифаси

ҳисобланади. Шунингдек, Қўмита мамлакатимизнинг турли даражадаги ташаббусларини Европа парламенти ҳамда Европа Иттифокида илгари суришда қўмаклашади.

Қўмита воситасида Европа парламенти депутатлари Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлардан хабардор қилинмоқда. Қўмита Ўзбекистон парламенти ҳамда Европарламент томонидан ташкил этиладиган турли халқаро тадбирларни ўтказишда ҳам ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Европа парламентида 2021 йил 29 апрель куни “Европа Иттифоқи – Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи очилди. Янги тузилган “Европа Иттифоқи – Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи сиёсий, ишбилармон доиралар, шунингдек фуқаролик жамияти вакиллари ўртасида юқори даражадаги мулоқотни таъминлаш орқали Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқаларни янада яқинлаштиришда мустақил платформа бўлиб хизмат қилади.

Дўстлик гуруҳи фаолияти маданият, таълим, илм-фан соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни, шунингдек фуқаролар ўртасида алоқаларни ривожлантириш, кенг доирадаги конструктив учрашувлар ва парламент дипломатияси орқали Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни кучайтиришга қаратилган.

Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорлик

Парламентлараро Иттифоқ – халқаро ташкилотлар орасида ёши энг улуғидир. 1889 йилда таъсис этилган мазкур Ташкилот ўтган даврда том маънода парламентлараро халқаро бирдамликнинг ёрқин ифодасига айланди.

Бу нуфузли Ташкилот дунё парламентларининг етакчи халқаро органи сифатида 179 мамлакатни ўзида бирлаштирган. Минтақавий парламентлараро бирлашмаларнинг 13 таси ҳам Парламентлараро Иттифоқнинг уюшган аъзолари ҳисоб-

ланади. 1971 йилдан буён бош қароргоҳи Женевада жойлашган.

Аъзо парламентлар ва уларнинг депутатлари ўртасида юксак кадриятларни илгари сурадиган ушбу Ташкилот барча миллатлар ўртасида ҳамкорлик ва мулоқотни рағбатлантириб келмоқда. Айни вақтда тинч ва ҳамжиҳат келажакни таъминлаш учун самарали қарорлар қабул қилиш йўлида хизмат қилмоқда.

Парламентлараро Иттифоқ дунё мамлакатларининг қонун чиқарувчи органлари учун глобал мулоқот майдони ҳисобланиб, унинг доирасида муҳокама қилинган масалалар жаҳон ҳамжамияти эътиборига етказилади. Парламентлар ўртасидаги алоқаларни рағбатлантириш ва халқаро тинчлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишида биргаликда фаолият кўрсатиш учун уларни бирлаштириш мазкур Ташкилотнинг асосий вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда Парламентлараро Иттифоқнинг овози дунё бўйлаб тобора баланд янграмоқда. Мазкур Ташкилот фаолияти мисолида ҳозирги замон халқаро муносабатлари мезонларининг самарадорлиги баралла кўринмоқда.

Ўтган йиллар давомида Парламентлараро Иттифоқ кўплаб халқаро ва минтақавий парламентлараро ташкилотлар юзага келиши учун намуна бўлиб хизмат қилди. Бундай ташкилотларнинг сони айни вақтда 100 тадан ошади.

Парламентлараро Иттифоқ БМТ билан яқин ҳамкорлик қилади ва унинг мақсадлари ҳамда вазифаларини қўллаб-қувватлаб келади. Парламентлараро Иттифоққа БМТнинг Бош Ассамблеяси қошидаги кузатувчи-ташкилот мақоми берилган.

Ўзбекистон Республикаси Парламентлараро Иттифоққа 1992 йилда аъзо бўлган. Мамлакатимиз 2017 йил 13 октябрдан мазкур Ташкилотдаги аъзолигини қайта тиклади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Парламентлараро Иттифоқ билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

2019 йил 17 октябрда Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор мамлакатимиз вакили Парламентлараро Иттифоқ Ижроия қўмитасининг аъзоси бўлди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов 2020–2023 йиллар оралиғидаги муддатга ушбу юксак лавозимга сайланди.

Кейинчалик А.Саидов Парламентлараро Иттифоқ Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари этиб тайинланди. Шунингдек, Ташкилотнинг Молия бўйича кичик қўмитасига аъзо бўлди.

2020 йилда Парламентлараро Иттифоқ Олий Мажлиснинг коронавирус пандемияси давридаги фаолиятини юқори баҳолади. Бу ҳақдаги баёнот Ташкилотнинг расмий сайтига жойлаштирилди.

Парламентлараро Иттифоқнинг 2021 йили бўлиб ўтган 142-ассамблеясида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты А.Асланов Парламентлараро Иттифоқнинг Ёш парламентарийлар форуми аъзолигига қабул қилинди.

Парламентлараро Иттифоқнинг 142-ассамблеясида иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қўмита раисининг ўринбосари Н.Тилаволдиев Парламентлараро Иттифоқнинг Демократия ва инсон ҳуқуқлари бўйича доимий қўмитаси аъзолигига сайланди.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты М.Баратова Парламентлараро Иттифоқнинг Барқарор таъриқийёт бўйича доимий қўмитасига аъзо бўлди.

Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев илгари сурган **БМТ Бош Ассамблеясининг “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида парламентларнинг ролини ошириш тўғрисида”-ги резолюциясини қабул қилишга доир ташаббусини халқаро ташкилотлар раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган.**

Ислом ҳамкорлик ташкилоти билан алоқалар

Яна бир муҳим халқаро ҳамкоримиз – Ислом ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) Инсон ҳуқуқлари бўйича Мустақил доимий комиссиясидир. ИХТнинг мунтазамлик асосида фаолият олиб борадиган мазкур мустақил тузилмаси ИХТга аъзо мамлакатлар Ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг 2011 йил 28–30 июнь кунлари Астанада бўлиб ўтган 38-сессиясида қабул қилинган резолюцияга мувофиқ тузилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Мустақил доимий комиссия ИХТга аъзо-давлатларнинг хотин-қизлар, ёшлар ва эҳтиёжманд кишиларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Бу борада иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги ҳуқуқларни таъминлаш, барча шаклдаги зўравонлик ва камситишларга барҳам бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратади.

Комиссия ИХТнинг низом ва декларацияларида, шунингдек, инсон ҳуқуқлари борасида умум эътироф этилган ҳужжатларда қайд этилган ҳуқуқларни ислом қадриятлари билан мувофиқ ҳолда мустаҳкамлаб бориш билан шуғулланади. У, шунингдек давлатлараро мулоқотни ривожлантиришга хизмат қилади.

ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 2017 йил 10–11 июль кунлари Кот д’Ивуарда бўлиб ўтган 44-сессияси доирасидаги сайловда ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Мустақил доимий комиссиясига Осиё китъасидан Ўзбекистон вакили – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори (Акмал Саидов) аввал аъзоликка, бир йилдан сўнг, яъни 2018 йилда эса Комиссия раиси этиб сайланган.

Ўзбекистон томони билан 2018–2019 йилларда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси ўзаро ҳамкорликда куйидаги ишларни амалга оширган:

– Комиссия сессияларида Ўзбекистон делегацияси мунтазам қатнашмоқда;

– 2018 йил 17–19 декабрь кунлари Жидда шаҳрида ИХТ Котибияти томонидан ўтказилган Ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг кенгашида Ўзбекистон делегацияси иштирок этди;

– Самарқандда ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумида ИХТ Комиссияси раиси ва ижрочи директори иштирок этди;

– 2019 йил июлда ИХТ Комиссияси ижрочи директори бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди;

– 2019 йил 7–8 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Мустақил доимий комиссиясининг “Тинчликсевар, демократик жамиятлар барпо этиш ва барқарор ривожланиш йўлида ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти” мавзусидаги Йиллик 6-семинари бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли семинар якунлари бўйича **Ислом ҳамкорлик ташкилоти аъзо мамлакатларида ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Тошкент Декларацияси қабул қилинди;**

– 2019 йил 6-7 ноябрь кунлари Жидда шаҳрида ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияси лойиҳасини муҳокама қилиш ва маромига етказиш юзасидан Ҳукуматлараро ишчи гуруҳининг 3-мажлисида Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

Ўзбекистоннинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Мустақил доимий комиссияси билан ҳамкорлиги фаоллашди. Ўзбекистон **Ислом ҳамкорлик ташкилоти-нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича декларациясини** тайёрлашда фаол иштирок этди ва Декларацияда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим тўғрисидаги нормаларни киритишни таклиф этди.

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича декларациясида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормалар ва ислом қадриятлари ўз мужассамини топган. Янги ҳужжат ислом дининг инсон ҳуқуқларига доир энг асосий назарияларини ўзида акс эттиради.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ИХТ дунёда мусулмонлар истиқомат қилувчи давлатларнинг энг йирик халқаро ташкилоти ҳисобланади. Бугунги кунда ИХТга икки миллиардга яқин аҳолига эга 57 давлат аъзодир.

Бу кенг миқёсдаги ҳамкорлик муқаддас ислом қадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, мусулмон халқлари ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, ташкилотга аъзо мамлакатлар халқларининг ривожланиши ва фаровонлигига кўмаклашишдек эзгу мақсадларга эришиш йўлида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Халқаро ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорлик

Ўтган даврда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳам фаоллашди. Ўзбекистонга “Хьюман Райтс Вотч”, “Амнести Интернейшнл”, “Коттон Кампейн”, Норвегия Хельсинки қўмитаси, Халқаро юристлар комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик каби халқаро ташкилотларнинг делегациялари ташриф буюрди.

Хусусан, “Хьюман Райтс Вотч” делегацияси мамлакатимизга 2017 йил 29 август – 11 сентябрь кунлари ташриф буюрган. Ташриф дастури доирасида делегация аъзолари Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори билан учрашди. Умуман олганда, Миллий марказ ва ушбу ташкилот вакиллари ўртасида 2016–2021 йилларда беш марта учрашув бўлиб ўтган.

Миллий марказ яна бир халқаро ноҳукумат ташкилот – “Амнести Интернейшнл” билан 2015 йилдан буён ҳамкорлик қилади. Ҳамкорлигимизнинг асосий йўналишлари мазкур ташкилотнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори билан учрашувларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ва ҳимоя қилиш истиқболларини муҳо-

кама этиш ҳамда соҳадаги ҳолатни яхшилаш бўйича тавсиялар тақдим этиш нуқтаи назаридан ўзаро ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини белгилаб олиш, шунингдек айна мақсадда қўшма тадбирлар ўтказишдан иборат.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг “Минтақавий мулоқот” халқаро ноҳукумат ташкилоти билан ҳамкорлиги ҳам асосан мазкур ташкилот вакиллари билан инсон ҳуқуқларига бағишланган ахборот-маърифий тадбирлар ва халқаро анжуманлар доирасидаги учрашувлар йўли билан ривожланмоқда. Ташкилот филиали директори М.Север билан 2014 йил 24 февраль ва 19 май кунлари бўлиб ўтган учрашувлар бунни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 2 июндаги Фармони билан мамлакатимиз нуфузининг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичларини яхшилаш масаласи кун тартибига қўйилди. Фармон ижроси доирасида 2020 йил 12 июнь кунини Ўзбекистоннинг Вашингтондаги Элчихонасида “Фридом Хауз” халқаро ноҳукумат ташкилотининг Европа ва Евроосиё дастурлари бўйича директори М.Берендт билан маслаҳатлашув ўтказилди.

Шунингдек, 2018 йил 6–19 май кунлари “Коттон Кампейн” халқаро коалицияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи амалга оширилди. 2011 йил 10 февралда эса Олий Мажлис Сенатида Германия халқаро ҳамкорлик бўйича жамияти билан ҳамкорликда “Қонун ижодкорлиги ҳамда қонунчилик тартиб-таомиллари муаммолари ва истиқболлари” мавзуида қўшма давра суҳбати ташкил этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази халқаро ва хорижий шерикларнинг 19 таси билан ҳамкорлик алоқаларини икки томонлама имзоланган англашув меморандумлари асосида ривожлантириб келмоқда. Бу ҳамкорларимиз сафида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, халқаро ташкилотлар ва таълим муассасалари бор.

ТҶҲТИНЧИ БҲБ. ПАНДЕМИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

“Афсуски, пандемиянинг салбий таъсиридан Ўзбекистон ҳам чет-да қолаётгани йўқ. Бу хатарли касалликка қарши кураш, шундай оғир шароитда яшаш ва меҳнат қилиш биздан катта куч ва маблағ, юксак ирода ва қатъий интизомни талаб этмоқда...

Шу мақсадда ҳар бир хонадон ва маҳаллада, бутун юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, жаҳон ҳамжамияти билан дўстлик ва ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган стратегик йўлиминини янада изчил давом эттирамиз”¹.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

COVID-19 вируси – жамиятимиз жипслигинини синайдиган жиддий имтиҳон

2021 йил 18 март куни маҳалла ва оила масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев коронавирус муаммосига тўхталар экан, вазият тўлиқ назорат остида эканини алоҳида таъкидлаб, халқимизга мурожаат қилди.

¹ Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи/<https://president.uz/uz/lists/view/4743>.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, “Бу ҳаётнинг кўп оғир синовларини ва яхши-ёмон кунларини бошидан кечирган халқимиз ҳаммасини тўғри тушуниб, масалага онгли ёндашмоқда. Муфтият раҳбарлигида диний улаомлар юртимизга тинчлик-хотиржамлик, беморларга шифо тилаб, дуои фотиҳалар қилишмоқда. Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳаммамиз якдилмиз ва ишонамизки, бу қийинчиликлар, албатта, ўтиб кетади”¹.

Маълумки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2020 йил 11 март куни янги коронавирус – COVID-19 вирусининг эпидемия ҳолатидан, яъни бир ҳудуд чегарасидан чиқиб, сайёрамизнинг 150 дан ортиқ мамлакатига тарқалиб улгурган пандемияга айланганини эълон қилди.

БМТ Бош қотиби **А.Гутерриш** жаҳон жамоатчилигини коронавирусга қарши курашишга даъват этар экан, “**пандемия бизнинг инсоният оиласи барча аъзолари ўртасида мустаҳкам ва узилмас ришталар мавжуд эканини кўрсатди**” деб таъкидлади. Шу маънода, COVID-19 вируси янада кенг тарқалишининг олдини олиш инсониятнинг умумий ва якдил вазифаси экани алоҳида қайд этилди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари **Мишель Бачелет** 2021 йил 13 март кунги баёнотида “**COVID-19 коронавируси тарқалишига қарши чораларни жорий этаётган ҳукуматлар бундай чораларнинг инсон ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган салбий оқибатларини камайтириш юзасидан бир қатор қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириши зарур**” лигини уқтирди. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари, шунингдек COVID-19 вирусига чалиниш ҳоллари қайд этилган мамлакатлар ҳукуматларини тоқатсизлик ва камситиш (дискриминация) ҳолатларига қарши курашиш учун барча зарур чораларни кўришга чақирди.

¹ Президент коронавирус билан боғлиқ вазият бўйича халққа мурожаат қилди // <https://uza.uz/uz/posts/prezident-koronavirus-bilan-bo-li-vaziyat-b-yicha-khal-a-mur-18-03-2020>.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Тедрос Адханом Гебрейесус 2020 йил 16 март куни COVID-19 вируси бўйича ўтказилган матбуот анжуманида шундай деди: **“Олдимизда турган кунлар, ҳафталар ва ойлар бизнинг қатъиятимиз, илм-фанга нисбатан ишончимиз ва ўзаро бирдамлигимизни синовдан ўтказиш даври бўлиши тайин... Бу даврда инсоният бирдамлигининг ушбу ҳайратомуз руҳи дунё бўйлаб вирусдан кўра кенгроқ ёйилиши керак. Гарчи бир-биримиздан маълум муддатгача жисман узоқроқ бўлишимиз эҳтимоли мавжуд бўлса-да, биз шу вақтгача мисли кўрилмаган миқёсда бирлашиш имконияти олдида турибмиз”**.

Бугунги кунда Ўзбекистон Ҳукумати коронавирус инфекцияси мамлакатимиз ҳудудида кенг тарқалмаслиги учун барча зарур чораларни кўрмоқда. Бу ўринда вазият олдиндан тўғри баҳоланиб, Президентимиз топшириғига мувофиқ Республика махсус комиссияси тузилганини алоҳида қайд этиш лозим. Шу боис Ўзбекистонга касалликнинг оммавий кириб келиши ва кенг тарқалишининг олди олинди.

Мамлакатимиз раҳбари халққа мурожаатида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш билан боғлиқ учта муҳим масалага тўхталди.

Биринчидан, шифокорлар тавсияларига амал қилиб, шахсий гигиена ва санитария қоидаларига ҳар биримиз ўз оиламиз, болаларимиз билан уйимизда, ишхонамизда ва борадиган жойларимизда қатъий амал қилишимиз зарур.

Иккинчидан, Давлат солиқ қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент озиқ-овқат ва бошқа кундалик истеъмол маҳсулотларининг нархи ошиб кетмаслиги учун барча чораларни кўриши керак.

Учинчидан, мажбурий таътил пайтида фарзандларимиз ўқув машғулотларини давом эттиришлари учун Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ёшларнинг бўш вақтини маз-

мунли ўтказиш учун тарихимиз, бой маданиятимизга оид кўрсатув ва эшиттиришлар, ёшларимиз учун фойдали ва қизиқарли бадий дастурлар, кинофильмларни кўпайтириши лозим.

Ана шу муҳим вазифалар ижроси доирасида Бош вазир А.Арипов раҳбарлигидаги Республика коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича махсус комиссияси томонидан ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди.

Хусусан, 16 мартдан бошлаб барча таълим даргоҳларида таътил эълон қилинди ва 80 минг нафар талаба марказлашган ҳолда уйларига жўнатилди. Одамлар гавжум жойларда оммавий тадбирларни ўтказиш чекланди. Ўзбекистон жаҳоннинг бошқа давлатлари билан транспорт алоқаларини тўхтатмоқда. Хориждаги юртдошларимиз чартер авиарейслари орқали Ватанимизга қайтарилмоқда.

Тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди. Сихатгоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди. Тиббиёт масканлари дори-дармон, ҳимоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди.

Телевидение, радио, Интернет, ижтимоий тармоқлар, мобил алоқа операторлари ва бошқа шу каби илғор оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, аҳоли ўртасида самарали санитария-тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бунда коронавирус инфекцияси тарқалишига олиб келадиган сабаблар ва шароитлар, шунингдек унинг олдини олиш чоралари ҳақида фуқароларга атрофлича тушунтириш берилмоқда.

Инсоннинг яшаш, соғлигини сақлаш ва ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қонунчилик талаблари доирасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Вирусга қарши курашишнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга таъсирини юмшатиш бўйича аниқ вазифалар бажарилмоқда.

Жумладан, 16 мартдан эътиборан **ягона фавқулодда алоқа тизими (1003 рақамда)** ишга туширилди. Шунингдек,

Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик агент-лигига қуйидаги рақам бўйича мурожаат қилиш мумкин: **71-276-49-66.**

Ҳар бир ҳудудда ҳокимлар раҳбарлигида махсус штаблар ташкил этилган. Эпидемиологик вазият бўйича ҳар соатлик ва кунлик маълумот таҳлил қилиниб, тезкор чоралар кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари кенг жамоатчилик эътиборини яна бир муҳим масалага, яъни ҳозирги вазиятда айрим масъулиятсиз, ҳақиқий ҳолатдан беҳабар ва ўзини “пиар қилиш”ни яхши кўрадиган одамлар турли миш-миш ва уйдирмаларни тарқатишга уринаётганига қаратди. Аммо, **“саросима ёки ваҳима кайфиятига берилмаслик керак. Матбуот ва ижтимоий тармоқларда нотўғри, асосланмаган маълумотларни тарқатишга йўл қўймаслигимиз зарур. Бу масалани ҳукуқ-тартибот идоралари ҳам алоҳида назоратга олиши лозим”**¹, деди Президентимиз.

Чиндан ҳам, кейинги вақтларда ижтимоий тармоқларда ҳатто коронавирус инфекциясига чалинган кишиларнинг шахсий маълумотларига доир ахборотлар ҳам тарқалгани кузатилди. Ваҳоланки, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, бемор **“тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлиғининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши”** ҳуқуқига эга.

Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг қуйидаги чақириқларига жамоатчилигимиз эътиборини қаратади:

– COVID-19 вируси тарқалишига доир вазият ва ундан ҳимояланиш чоралари бўйича **маълумотлардан фойдаланишда ишончли ахборот манбаларига таяниш;**

¹ Президент коронавирус билан боғлиқ вазият бўйича халққа мурожаат қилди // <https://uz.uz/uz/posts/prezident-koronavirus-bilan-bo-li-vaziyat-b-yicha-khal-a-mur-18-03-2020>.

– ўзаро ғамхўрлик кўрсатиш ва бирдамликни намоёйиш этиш, **яқинлар ва қариндош-уруғлар билан доимий мулоқотда бўлиш**;

– пандемияга қарши курашнинг бошида турган **тиббиёт ходимларининг шу кунлардаги фидойи хизматларини ёдда тутиш**;

– инфекцияга чалинганларга нисбатан, масалан, **“коронавирус қурбонлари”** каби ҳар хил **“атамалар”**ни қўллашдан тийилиш;

– **инсонийликни намоён этиш**: бинобарин, коронавирус қандайдир миллат ёки ирққа мансуб касаллик эмас; ушбу инфекцияга чалинганлар сизу бизга ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмайди – улар мададимиз ва ҳамдардлгимизга лойиқдирлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбари раислигида 2020 йил 19 март куни коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юшатиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Худди шу куни Ўзбекистон Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони имзоланди. Шунингдек, 2020 йил 23 мартда Вазирлар Маҳкмасининг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда ушбу мажлис ва расмий ҳужжатларда белгиланган муҳим вазифаларнинг ижроси қатъий таъминланмоқда.

Мухтасар айтганда, COVID-19 вируси – жамиятимизнинг жипслигини синайдиган жиддий имтиҳондир. Бинобарин, ҳар биримиз коронавируснинг тарқалишига қарши биргаликда аҳиллик билан курашиш асносида ушбу синовдан муваффақиятли ўтишни ўрганамиз ва зарур кўникмалар ҳосил қиламиз. Президентимиз таъкидлаганидек, **“Кўпни кўрган халқимиз**

янада жипслашиб, ахил ва ҳамжиҳат бўлиб, бу мураккаб синовларни ҳам енгиб ўтади”¹.

Коронавирус – ўткинчи, инсон ҳуқуқлари – барҳаёт

Бугунги кунда бутун дунёга коронавирус инфекцияси жиддий хавф солиб турибди. Шу муносабат билан БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар тимсолида жаҳон ҳамжамияти барча давлатларни COVID-19 вируси пандемиясига қарши кураш ша-роитларида аҳоли соғлиғини ҳимоя қилиш ва бу борадаги ин-сон ҳуқуқларини таъминлашга чақирмоқда.

Хусусан, коронавирус инфекцияси аниқланган мамла-катларда инсонларнинг яшаш ва соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, барча эҳтиёжмандларнинг ҳеч қан-дай камситишларсиз тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконига эга бўлишини таъминлаш юзасидан тегишли чоралар кўрили-ши сўралмоқда. Аҳолининг COVID-19 хатари олдида нисбатан заиф қатламлари, яъни кексалар, ногиронлар, аёллар, муҳо-жирлар, бошпанасиз кишиларга мунтазам ғамхўрлик кўрса-тиш зарурлигига аҳамият қаратилмоқда.

Ҳаракатланишни ялпи чеклаш чоралари жорий этилган мамлакатларда ҳукуматлар болалар ва ўсмирларни масофадан ўқитиш учун барча восита ҳамда имкониятларни ишга солиш-лари лозим. Бундан ташқари, давлатлар ҳеч кимни ғамхўрлик ва эътибордан четда қолдирмаслик учун аҳолининг эҳтиёж-манд гуруҳларини асосий товарлар ва хизматлар билан таъ-минлаб туриши тақозо этилади.

Яқинда БМТ тарихида илк бор коронавирусга қарши ку-раш бўйича резолюция қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бош Ассамблеяда 188 та давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам ҳаммуаллиф ҳисобланувчи ушбу резолюция бўйича овоз

¹ Президент коронавирус билан боғлиқ вазият бўйича халққа мурожаат қилди // [https:// uza.uz/uz/posts/prezident-koronavirus-bilan-bo-li-vaziyat-b-yicha-khal-a-mur-18-03-2020](https://uza.uz/uz/posts/prezident-koronavirus-bilan-bo-li-vaziyat-b-yicha-khal-a-mur-18-03-2020).

бериш пандемия сабабли йиғила олинмаётгани учун янги қоидалар бўйича ўтказилди.

БМТга аъзо давлатлар қабул қилган ва кучга кирган мазкур резолюцияда коронавируснинг жамиятга вайронкор таъсири, иқтисодийга жиддий зарар етказаётгани, глобал сафарлар ва савдога эътибор қаратилган. Унда халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва БМТнинг пандемияга қарши глобал курашда марказий роль ўйнаши, ночор ва пандемиядан энг кўп жабр кўрган давлатларга кўмак кўрсатиш зарурлиги таъкидланган.

Бундан ташқари, БМТ ҳужжатида коронавирусга қарши курашда таҳқирлаш ва ксенофобиянинг ҳар қандай туридан воз кечиш ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш лозимлиги белгилаб қўйилган. Ҳужжат, шунингдек халқаро ҳамжамиятни коронавирусга қарши курашдаги маълумотлар, билимлар ва ютуқлар билан бўлишишга чақиради.

Бугунги воқелик шундан далолат берадики, коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатида тобора кўпроқ мамлакатлар инсон ҳуқуқларига бевосита таъсир қиладиган қатъий чораларни, жумладан, ҳаракатланиш ва шахсий ҳаёт эркинлигига дахл қиладиган чекловларни қўлламоқда. Бинобарин, фавқуллодда ҳолат ва хавфсизликни таъминлаш бўйича карантин билан боғлиқ бошқа ҳар қандай чора-тадбирлар албатта инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципига таяниши шарт.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бир қатор ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар COVID-19 вирусига қарши курашнинг инсон ҳуқуқларига, айниқса, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга кўрсатадиган таъсирини юмшатишга қаратилган муҳим чораларни татбиқ этаётганини қутлади.

Бу ҳақда фикр юритганда, мамлакатимизда ушбу хатарни бартараф этиш учун барча зарур чоралар кўрилаётганини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Энг муҳими, бунда, аввало, инсон манфаатларининг ҳар нарсадан устунлиги талабидан келиб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда ўтган оз фурсат ичида эпидемияга қарши курашиш доирасида нима ишлар қилишга муваффақ бўлинди? Таниқли сиёсатшунос, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қудратилла Рафиқов **“Қудратимиз – бирликда, биз ғалаба қозонамиз”** номли мақоласида санаб ўтган етакчи омилларнинг қуйидаги мухтасар баёни ушбу саволга муносиб жавоб бўлишига аминмиз:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев коронавирус пандемиясининг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича стратегик режани ўз вақтида ва жуда қисқа фурсатда қабул қилди;

иккинчидан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатда минтақалар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эпидемияга қарши курашишнинг самарали тизими яратилди;

учинчидан, Президентимиз жамият барқарорлигини ҳимоя қилишга қаратилган тезкор чораларни амалга оширди;

тўртинчидан, Ўзбекистон Президенти мунтазам равишда ахборот-тарғибот ишларини кенгайтиришга чақирмоқда;

бешинчидан, Президентимиз ижтимоий масалалар, айниқса, кишиларнинг талабларига дарҳол эътибор қаратмоқда ва юзага келган муаммоларнинг зудлик билан ечим топишига фаол кўмаклашмоқда;

олтинчидан, Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги фаолияти халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланиши йўлида изчил иш олиб бормоқда.

Энг асосийси, Ўзбекистоннинг коронавирус пандемиясининг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича стратегик режасида кўзда тутилган умумий мақсад – қатъият билан касаллик тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг кучи шундаки, бутун мамлакат ушбу пандемияга қарши курашда ягона режага амал қилиши зарур. Ушбу йўналишдаги асосий жиҳатлар инфекция манбасини назорат қилиш ва унинг тарқалиш йўллари ёпишдан иборат.

Шу маънода, коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича 2021 йил 3 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Президенти яна бир бор халқимизга мурожаат қилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Давлатимиз раҳбари бугунги кунда бутун дунё, инсоният мураккаб даврни бошидан кечираётганига эътиборни қаратиб, мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни жиловлаш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча чоралар кўриляётганини таъкидлади.

Йиғилишда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш борасидаги ишлар танқидий таҳлил қилинди. Давлат томонидан кўриляётган чоралар одамларимизнинг касалликни юқтириб олиш эҳтимолини имкон қадар чегаралаш, вирусли инфекциянинг тарқалишини жиловлашга қаратилгани қайд этилиб, аҳолини ижтимоий ва тиббий муҳофаза қилиш, шунингдек шундай қийин вазиятда иқтисодиётимизни, тадбиркорларни фаол қўллаб-қувватлашнинг долзарб вазифалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 3 апрель куни “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонни имзолагани ҳам жуда муҳимдир. Бу давлатимиз раҳбарининг пандемия шароитида қабул қилинган иккинчи Фармони ҳисобланади.

Фармонда иқтисодиёт ва бизнес соҳаларига етказилган асоратларни давлат маблағи ҳисобига енгиллаштиришга доир муҳим вазифалар кўзда тутилган. Унда, шунингдек кам даромадли инсонлар ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоялаш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ долзарб чоралар ўз аксини топгани ғоят аҳамиятлидир.

Мазкур қонун карантин тўғрисида аҳоли орасида асоссиз ваҳима тарқалишининг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мутасадди идораларнинг нормал фаолият юритиши учун шароит яратиш, қолаверса, бу борада олиб борилаётган ишларни тўлақонли амалга ошириш ҳамда ушбу соҳада жавобгарликни кучайтириш мақсадида қабул қилинган. Аксарият хорижий давлатлар тажрибаси ҳам янги қонун талабларининг ҳаётга татбиқ этилиши бутун дунёда глобал муаммо бўлиб турган пандемия тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этишини тасдиқламоқда.

Энг асосийси, мазкур касаллик жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир этаётган ҳозирги шароитда одамлар саломатлигидан иқтисодиётни устун қўйган давлатларнинг аччиқ тажрибаси бу йўлнинг нечоғлик нотўғри эканини кўрсатмоқда. Шу боис мамлакатимизда инфекциянинг кенг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда касалликни даволашга барча куч ва воситалар сафарбар қилингани алоҳида эътиборга лойиқ.

Хорижий давлатлардаги касаллик қайд этилган фуқароларимиз бегона юртларда ўз ҳолига ташлаб қўйилмасдан, чартер рейслар билан олиб келинмоқда. Бу давлатимизнинг халқона меҳрибонлик сиёсатигина бўлиб қолмасдан, юртимиз фуқароларининг ҳар бири Ўзбекистон фарзанди сифатида қаерда бўлишидан қатъи назар давлатимиз эътиборида, қарамоғида эканининг тасдиғидир. Ушбу беморларда тўлиқ даволаш муолажалари ўтказилиб, жиддий асоратларнинг олдини олиш имконияти борлиги давлатимизда олиб борилаётган инсонпарвар сиёсатнинг яққол намоишидир.

Бошқача айтганда, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон халқи ўз давлатининг қудрати ва руҳини, улкан масъулият ва онглиликни намоён этмоқда, бу халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Нафақат ўзбек халқининг, балки бутун Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг хавфсизлиги ва соғлигини таъминлаш бўйича аниқ чоралар кўрилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 26 март куни коронавир-
ус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш
масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Прези-
дент Шавкат Мирзиёев мутасаддиларни айни пайтдаги ҳолатга
фавқулодда вазият деб қарашга чақирди. Давлат раҳбари таъ-
кидлаганидек, коронавирусга қарши курашишда фавқулодда
вазият ҳолатидаги каби ишласак, шунда кутилган натижаларга
эриша оламиз.

Давлатимиз раҳбари 26 мартда “Ўзбекистон Республикасида
коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга
доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ҳамда “Коронавирус
инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб килинган
тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини
қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”,
27 мартда эса “Аҳолининг дори воситалари, тиббий буюмлар,
тиббий техника ва энг зарур товарларга бўлган эҳтиёжини таъ-
минлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор-
ларни имзолади.

Бугунги кунда ушбу йиғилишлар ва расмий ҳужжатларда
белгилаб берилган муҳим вазифаларнинг ижроси жойларда ва
барча тармоқларда қатъий таъминланмоқда. Жумладан, Инсон
ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази
коронавирус инфекциясининг тарқалишига йўл қўймаслик,
карантин режимини бузишнинг барча салбий оқибатларини
аҳолига тушунтириш бўйича ўз вазифа ва ваколатлари доира-
сида изчил иш олиб бормоқда.

Карантин талабларидан келиб чиққан ҳолда, бу муҳим
ишларни асосан масофадан бажаришга тўғри келмоқда. Бунда
Марказнинг расмий сайти ва ҳамкор оммавий ахборот восита-
лари муҳим роъ ўйнаётганини қайд этиш лозим. Мисол учун,
мамлакатда коронавирус инфекцияси аниқлангани расман
эълон қилинган вақтдан буён ўтган даврда сайтимизда айни
мавзуда 100 тадан ортиқ ахборот, видеолавҳа ва инфографика
жойлаштирилди.

Юртимизда 2021 йилнинг 28–29 май кунлари Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 2020 йил 11 мартда COVID-19 коронавирусининг пандемия деб эълон қилиниши муносабати билан, шунингдек коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ушбу форумни кейинга қолдиришга қарор қилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бу қарордан халқаро, хорижий ва миллий ҳамкорларимизни ўз вақтида хабардор қилди. Дунёдаги эпидемиологик вазият тез орада ҳал этилишига умид қиламиз. Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасида янада самарали ҳамкорлик қилишга тайёرمىз.

Коронавирус инфекциясининг тарқалиш хавфи давом этаётганлиги сабабли Миллий марказда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш вақтинча тўхтатилди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари INFO@NHRC.UZ электрон почтаси орқали қабул қилинди.

Айни вақтда Марказ биносининг ичкараси ва атрофи дезинфекция қилиниши, ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари, жумладан, ниқоблар тақиб юриши, бир жойда 2-3 нафардан зиёд кишининг тўпланмаслиги, мажлислар ўтказмаслик, ҳужжатларни электрон шаклда қабул қилиш қатъий йўлга қўйилган. Ходимларимизнинг бир қисми ҳақ тўланадиган таътилга чиқарилган бўлса, яна бир қисми масофадан, яъни уйда ишлаш тартибига ўтказилди.

Ҳамжиҳатлик, инсонпарварлик ва саховатпешалик – халқимизга хос улуғ қадрият. Барчамиз учун синовли бўлган ушбу даврда вазиятга бефарқ бўлмаган ҳолда, юртдошларимизга марказлашган тартибда маънавий ва моддий ёрдам тақдим этаётган, муҳтожларга ёрдам қўлини узатаётган, вақти ва ҳа-

ракатларини аямаётган ташкилотлар, турли даражадаги депутатлар, саховатпеша инсонларнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир.

Айни мураккаб вазиятда ўзбек халқига хос бўлган ҳам-жиҳатлик ва саховатпешалик фазилатлари коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида ташкил этилган “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондига келиб тушаётган беминнат маблағлар мисолида ҳам намоён бўлмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журнали таҳририяти ходимлари ҳам ушбу фонд маблағлари кўпайишига ихтиёрий равишда ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жамоаси оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг барча ватандошлар, меҳнаткашлар, фахрийлар, аёллар ва ёшларга Мурожаатини тўла қўллаб-қувватлади.

Биз ҳам жамики ватандошлар, ишчи-хизматчилар, фахрийлар, аёллар ва ёшларни халқимиз томонидан яқдиллик билан сайланган муҳтарам Миллатимиз Сардори Шавкат Мирзиёевнинг даъватлари йўлида бирлашишга ва бошимизга тушган жиддий синовни тезроқ енгиб ўтиш учун барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этишга чақирамиз.

Янги Ўзбекистон ҳаётининг бош тамойилини ҳеч қачон унутмаймиз: **“Ўзбекистонда ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимиз эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмайди”**. Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳаммамиз янада жипслашиб, сабр-матонатли бўлсак, шифокорлар тавсияларига тўлиқ амал қилсак, албатта, ушбу касалликни тезроқ енгиб ўтамиз. Бу курашда тиббий чоралар билан бирга юксак тафаккур, қатъий интизом, сабр-тоқат ва улкан масъулият кўрсатишимиз лозим.

Ёлгон маълумот – коронавирусдан ҳам кўра хавфли

Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган ўнинчи ялпи мажлисида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун билан мазкур кодексларга ёлгон ахборот тарқатганлик учун жавобгарлик белгилаш тўғрисида янги моддалар киритилгани долзарб ва муҳимдир.

Бу ҳақда сўз борганда, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНЕСКО каби ҳукуматлараро ташкилотлар томонидан очилган бир қатор веб-сайтларда пандемия ҳақидаги ишончли ахборотлар жойлаштириб борилаётганига қарамай, коронавирус ҳақида ёлгон ахборотлар тарқалиши билан боғлиқ ташвишли ҳолат жаҳон миқёсида ниҳоятда кенг тус олганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунинг учун халқаро ҳамжамият COVID-19 ҳақидаги ёлгон маълумот вируснинг ўзидан ҳам кўра хавфли эканига қайта-қайта эътибор қаратиб, барчага расмий манбалардан фойдаланишни тавсия этди.

БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш таъкидлаганидек, бутун дунё нафақат коронавирусга қарши, балки COVID-19 ҳақида нотўғри ахборот кўпайишига қарши ҳам курашмоқда. Бош қотибнинг фикрича, мамлакатлар мунтазам расмий маълумотларни эълон қилиб боришлари зарур. Чунки ҳозирги вақтда пандемияга қарши энг яхши қурол – бу ишончли ахборотдир.

БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш 2020 йил 14 апрель куни халқаро жамоатчиликни COVID-19 билан боғлиқ дезинформация, яъни ёлгон ахборотлар тўлқинига тўсиқ қўйишга чақирди. БМТ Бош қотиби бу борада янги ташаббусни илгари сурди: **Интернетдаги миш-мишу уйдирмаларга қарши илмий ва асосли далилларни тақдим этиш керак.**

Антониу Гутерриш ўз видеомурожаатида ҳозирги кунда дунё аҳли Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр мобайнида кузатилмаган ўта жиддий инқирозни келтириб чиқарган COVID-19 пандемиясига қарши курашиш учун жипслашганини қайд этди. “Аммо бугун биз яна бир хавфли эпидемия – уйдирма ахборотлар эпидемиясига дуч келиб турибмиз”, – деб таъкидлади у.

БМТ Бош котиби таъбири билан айтганда, бугун ҳамма жойда турли маслаҳатгуйлару эмчилар кўпайиб кетди. Бундайлар томонидан тавсия этилаётган ҳар хил “дори-малҳамлар” пировардида инсон соғлигига тузалмас зиён-заҳмат етказиши мумкин.

Ҳаво тўлқинларида ҳам очикдан-очик ёлғон маълумотлар тарқатилмоқда. Интернет тармоқлари касалга қарши қайтариқ қилиш, афсун ўқиш ва шу каби сафсаталарга тўлиб-тошган. Фитна, нафрат, алоҳида инсонлар ва бутун бошли гуруҳларни ноҳақ айблаш ва қоралаш ҳолатлари тобора авж олмоқда.

“Бутун дунё мана шу хасталикка қарши курашиш йўлида ҳам бирлашиши даркор. Бу касалликнинг энг мақбул давоси – ишончдир”, – деди. Илм-фанга, масъул институтларга, инсонлар ўртасида ўзаро ишонч жуда муҳимдир.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ижтимоий тармоқлардаги жамоатчиликни янглиштирадиган уюм-уюм мақола ва муносабатлар орасидан аниқ далилларни уйдирмалардан ажратиб, алоҳида саралаб тақдим этаётган журналистларнинг хизматини эътироф этди.

Шу билан бирга, унинг фикрича, ижтимоий тармоқларга эгалик қилувчи компаниялар COVID-19 пандемияси билан боғлиқ адоватли ва зарарли баёнотларга янада қатъиятлироқ қарши туришлари зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақил, профессионал журналистика инқироз ҳақида аниқ, ҳаққоний далилларга асосланган ахборотларни тарқатиш орқали ҳар хил ёлғон-яшиқларни фош этишда етакчи роль ўйнаши мумкин.

Матбуот эркинлиги қадрли неъмат эканига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас ва ҳар қачон – айниқса, ҳозирги қалтис даврда ушбу неъматни топтамаслик, аксинча, имкон қадар асраб-авайлаш тақозо этилади.

Давлат ташкилотлари эса фуқароларнинг ишончини қозониши учун, биринчидан, ўз фаолиятига ўта масъулият билан ёндашиши, иккинчидан, ишончли ахборотга таяниши тақозо этилади. Бош котибнинг таъкидлашича, ҳозирги инқирозни енгиб ўтишда ўзаро ҳурмат ва инсон ҳуқуқларига амал қилиш мезонлари барчамиз учун йўлчи юлдуз вазифасини ўташи лозим.

Антониу Гутерриш БМТнинг янги ташаббусини эълон қилар экан, бундан буён “Интернетни аниқ далиллар ва илмий асосланган маълумотларга тўлдириб ташлаш”га чақирди. Шундагина “дезинформация тўлқини”га бас келса бўлади.

БМТ Бош котиби уйдирма ва ёлғон ахборотга нисбатан «оғу» таърифини қўлади. Дарҳақиқат, оғу билан ёлғон ахборотнинг салбий таъсири ўхшашдир. Иккаласи ҳам инсоннинг соғлигига путур етказиши, ҳатто ҳаётига зомин бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда, 2020 йил 15 апрель ҳолатига кўра, карантин қоидаларига амал қилмаслик бўйича 42 минг 782 та ҳуқуқбузарлик аниқланган бўлса, ушбу ҳуқуқбузарликларнинг атиги 10 таси ижтимоий тармоқларда ваҳима чиқарувчи ёки асоссиз маълумотлар тарқатиш билан боғлиқдир.

Аммо, COVID-19 ҳақидаги нотўғри ва чалғитувчи маълумотлар коронавирусдан ҳам хавфли экани эътиборга олинса, бундай ҳуқуқбузарликнинг асоратлари қанчалик жиддийлигини англаш қийин эмас.

COVID-19 ҳақидаги нотўғри ва чалғитувчи маълумотлар коронавирусдан ҳам хавфли эканини эътиборга олган ҳолда, илгор халқаро тажриба ва хорижий амалиётга таяниб, Ўзбекистонда ҳам сохта ахборотларга раддиялар учун мўлжалланган бир қатор янги Интернет сайтлари, жумладан, “Antifake.uz” деб номланган Telegram канали ташкил этилди.

“Antifake.uz” каналида асосан ижтимоий тармоқларда тарқалаётган коронавирус билан боғлиқ “фейк” хабарлар ҳақида доимий равишда маълумот бериб борилмоқда. Бундай ташаббуслар Интернетда тарқатиладиган ҳар хил миш-мишларни фош этиш, шунингдек ёлғон ва ноҳолис ахборотларга қарши курашиш учун жуда муҳимдир.

Айни чоғда, порнографик, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотлар кишининг ҳуқ-атворида салбий таъсир этиб, ёш авлоднинг ахлоқий ва ҳуқуқий онги бузилишига сабаб бўлишини ҳам унутмаслик керак. Афсуски, ушбу маҳсулотларни ОАВ, телекоммуникация ёки Интернет тармоқлари орқали тарқатиш ҳоллари тобора кўпаймоқда.

Шу жиҳатдан, порнографик, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, уни реклама қилиш, тарқатиш ҳамда ОАВ, телекоммуникация ёки Интернет тармоқларига жойлаштириш учун ҳам жавобгарлик белгиланди. Ўз навбатида, бу борадаги ҳуқуқбузарлик учун жазо чораси ҳам кучайтирилди.

Энг муҳими, халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдончасига, эркин фикр минба-рига айланиш учун астойдил интилмоқда.

Бинобарин, бу борада юксак натижадорлик қўлга киритилган тақдирдагина жамиятимиз ва давлатимиз янги Ўзбекистонни бунёд этиш, Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини қўйиш ҳамда дунёнинг 50 та энг ривожланган давлати сафидан жой олишдек ўз олдига қўйган улуғвор мақсадларига том маънода эриша олади.

Бир неча йилдан буён Ўзбекистон ҳам коронавирус пандемиясига қарши ҳар томонлама изчил кураш олиб бормоқда. Мамлакатда илгари дуч келинмаган синовларни енгиб ўтиш

ва тараққиётнинг тадрижий босқичларини давом эттириш асносида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳаларининг барча тизимларида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Ҳукумати коронавирус инфекцияси мамлакатимиз ҳудудида кенг тарқалмаслиги учун аввалбошданок барча зарур чораларни кўрди. Бу ўринда вазият олдиндан тўғри баҳоланиб, Президентимиз топшириғига мувофиқ Республика махсус комиссияси тузилганини алоҳида қайд этиш лозим. Шу боис Ўзбекистонга касалликнинг оммавий кириб келиши ва кенг тарқалишининг олди олинди.

Мамлакатимиз раҳбари халққа мурожаатида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш билан боғлиқ учта муҳим масалага тўхталди.

Биринчидан, шифокорлар тавсияларига амал қилиб, шахсий гигиена ва санитария қоидаларига ҳар биримиз ўз оиламиз, болаларимиз билан уйимизда, ишхонамизда ва борадиган жойларимизда қатъий амал қилишимиз зарур.

Иккинчидан, Давлат солиқ қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент озиқ-овқат ва бошқа кундалик истеъмол маҳсулотларининг нархи ошиб кетмаслиги учун барча чораларни кўриши керак.

Учинчидан, мажбурий таътил пайтида фарзандларимиз ўқув машғулотларини давом эттиришлари учун Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун тарихимиз, бой маданиятимизга оид кўрсатув ва эшиттиришлар, ёшларимиз учун фойдали ва қизиқарли бадий дастурлар, кинофильмларни кўпайтириши лозим.

Республика коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича махсус комиссияси томонидан ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар доирасида таълим муассасаларида зарур ҳолларда масофадан ўқитиш тизими йўлга қўйил-

ди. Тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди. Сихатгоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди. Тиббиёт масканлари дори-дармон, химоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди.

Телевидение, радио, Интернет, ижтимоий тармоқлар, мобил алоқа операторлари ва бошқа шу каби илғор оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, аҳоли ўртасида самарали санитария-тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бунда коронавирус инфекцияси тарқалишига олиб келадиган сабаблар ва шароитлар, шунингдек, унинг олдини олиш чоралари ҳақида фуқароларга атрофлича тушунтириш берилмоқда.

Инсоннинг яшаш, соғлигини сақлаш ва ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қонунчилик талаблари доирасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Вирусга қарши курашишнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга таъсирини юмшатиш бўйича аниқ вазифалар бажарилмоқда.

Давлатимиз раҳбари кенг жамоатчилик эътиборини яна бир муҳим масалага, яъни ҳозирги вазиятда айрим масъулиятсиз, ҳақиқий ҳолатдан беҳабар ва ўзини «пиар қилиш»ни яхши кўрадиган одамлар турли миш-миш ва уйдирмаларни тарқатишга уринаётганига қаратди. Аммо, **“саросима ёки ваҳима кайфиятига берилмаслик керак. Матбуот ва ижтимоий тармоқларда нотўғри, асосланмаган маълумотларни тарқатишга йўл қўймаслигимиз зарур. Бу масалани ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам алоҳида назоратга олиши лозим”**, деди Президентимиз.

Чиндан ҳам, кейинги вақтларда ижтимоий тармоқларда ҳатто коронавирус инфекциясига чалинган кишиларнинг шахсий маълумотларига доир ахборотлар ҳам тарқалгани кузатилди. Ваҳоланки, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, бемор **“тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлигининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва да-**

волаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши” ҳуқуқига эга.

Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг қуйидаги чақириқларига жамоатчилигимиз эътиборини қаратади:

- COVID-19 вируси тарқалишига доир вазият ва ундан ҳимояланиш чоралари бўйича **маълумотлардан фойдаланишда ишончли ахборот манбаларига таяниш;**

- ўзаро ғамхўрлик кўрсатиш ва бирдамликни намойиш этиш, **яқинлар ва қариндош-уруғлар билан доимий мулоқотда бўлиш;**

- пандемияга қарши курашнинг бошида турган **тиббиёт ходимларининг шу кунлардаги фидойи хизматларини ёдда тутиш;**

- инфекцияга чалинганларга нисбатан, масалан, **«корона-вирус қурбонлари»** каби ҳар хил **«атамалар»**ни қўлашдан тийилиш;

- **инсонийликни намоён этиш:** бинобарин, коронавирус қандайдир миллат ёки ирққа мансуб касаллик эмас; ушбу инфекцияга чалинганлар сизу бизга ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмайди – улар мададимиз ва ҳамдардчилигимизга лойиқдирлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбари расмий раёсидида 2020 йил 19 март куни коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юшатиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Худди шу куни Ўзбекистон Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони имзоланди. Шунингдек, 23 мартда Вазирлар Маҳмадининг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бир сўз билан айтганда, бу соҳада муҳим вазифалар ва устувор йўналишлар ўз вақтида ҳамда белгилаб олинди. БМТ тузилмалари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларини ҳисобга ошган ҳолда ва эпидемиологик вазиятни халқаро амалият асосида самарадорлик билан назорат қилиниши эвазига ишлаб чиқилган ва амалда татбиқ этилган тизимли чора-тадбирлар ўз ижобий натижаларини берди.

Бошқа айрим мамлакатларда коронавирус оқибатида касаллик ва ўлим ҳолатлари кескин ортган бўлса, Ўзбекистонда бундай кескинликларнинг олди олинди. Хусусан, дунё миқёсида ҳар 1 миллион нафар кишига касалланиш миқдори 848 нафар ва ўлим сони 50 нафарни ташкил этгани ҳолда, Ўзбекистонда бу кўрсаткичлар тегишинча 110 ва 0,5 нафардан ошмади, яъни 9-10 баравар кам бўлди.

Мухтасар айтганда, COVID-19 вируси – жамиятимизнинг жипслигини синайдиган жиддий имтиҳондир. Бинобарин, ҳар биримиз коронавируснинг тарқалишига қарши биргаликда аҳиллик билан курашиш асносида ушбу синовдан муваффақиятли ўтишни ўрганамиз ва зарур кўникмалар ҳосил қиламиз. Президентимиз таъкидлаганидек, **“Кўпни кўрган халқимиз янада жипслашиб, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, бу мураккаб синовларни ҳам енгиб ўтади”**.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормалари ва пандемияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари

COVID-19 пандемияси, Бухоро, Сирдарё, Жиззах вилоятларида содир бўлган табиий ва техноген ҳалокатлар миллий қонунчилиқни такомиллаштириш жуда ҳам зарурлигини кўрсатди. Бу ўринда фавқулодда вазиятларда давлат органлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда муайян ҳолатларда чеклашга доир ҳуқуқий асослар яратиш зарурати ҳақида сўз бормоқда.

Бунда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар тимсолида жаҳон ҳамжамиятининг пандемия шароитида аҳоли соғлигига хавф соладиган таҳдидларга қарши курашиш бўйича давлат томонидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар амал қилиши ҳолатида инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашга доир тавсияларига таянилди.

Хусусан, БМТнинг 2020 йил 2 апрелда қабул қилинган 74/270-сонли 2019 йилда коронавирус (COVID-19) касаллигига қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги резолюциясида белгиланганидек, барчанинг яшаш, соғлигини сақлаш ва тиббий хизматдан фойдаланишга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқса, бу борада аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ҳисобланувчи кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар, мигрантлар ва бошпанасиз кишиларга ҳеч қандай камситишларсиз алоҳида эътибор қаратиш юзасидан зарур чоралар кўрилди.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12-моддасида белгиланганидек, “Мазкур Пактда иштирокчи давлатлар ҳар бир кишининг жисмоний ва руҳий саломатлик жиҳатдан олий даражага етиши ҳуқуқини эътироф этади”. Шунингдек, ушбу Пактда иштирокчи давлатлар зиммасига “юқумли, эндемик, касбий ва бошқа касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳамда уларга қарши курашиш” мажбурияти юкланган.

Соғлиққа бўлган ҳуқуқ, ўз навбатида, инсоннинг Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро биллда қайд этилган бошқа ҳуқуқлари, хусусан, озиқ-овқат, бошпана, меҳнат, таълим, шаън ва қадр-қиммат, яшаш, камситилмаслик, тенглик, қийноқларга дучор этилмаслик, шахсий ҳаёт, ахборотдан эркин фойдаланиш, шунингдек жамоат бирлашмаларига уюшиш, йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш ҳамда эркин ҳаракатланиш ҳуқуқлари билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир. Инсоннинг бу каби барча ҳуқуқ ва эркинликлари соғлиққа бўлган ҳуқуқининг таркибий унсурлари билан бевосита боғланиб кетган.

Фавқулудда вазиятлар, эпидемия ва пандемиялар шароитида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳуқуқий тартибга солишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари, илғор хорижий ва миллий тажриба негизида қисқа фурсатда 70 дан ортиқ қонун, Президент фармон ва қарорлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу ҳужжатлар одамларга касаллик юқишининг эҳтимолини камайтириш, Ўзбекистонда корона-вирус инфекцияси кенг тарқалишини чеклаш ва бунинг олдини олиш, мазкур инфекция тарқалишига қарши курашиш учун жалб этилган тиббиёт ходимлари ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлаш, мақбул санитария-эпидемиология осойишталиги ва аҳоли хавфсизлигини сақлаб туриш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг дори-дармон, тиббий восита ва буюмлар, тиббиёт техникаси ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур товарлар билан таъминлаш, шунингдек фуқароларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодиёт ва тадбиркорларни фаол рағбатлантиришга қаратилгани жуда муҳим.

Айни мақсадлар йўлида қабул қилинган ҳужжатларнинг айримлари ҳақида мухтасар тўхталамиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлда қабул қилинган “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 12 ноябрда қабул қилинган “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари¹, 2020 йил 26 мартда қабул қилинган “Ўзбекистон

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.07.2020 й., 06/20/6035/1115-сон; 13.11.2020 й., 06/20/6110/1512-сон.

Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари шулар жумласига киради. Давлат раҳбари, шунингдек, 2020 йил 25 июлда мамлакатда коронавирус пандемияси кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги фармойиши ва бошқа ҳужжатларни ҳам имзолаган.

Президентимиз томонидан қабул қилинган ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида, авваламбор, мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлашнинг яхлит тизими яратилди. Бу тизим фаолияти учун зарур санитария-эпидемиология хизматини яқин орада ва истиқболда ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини замонавий лабораториялар, асбоб-ускуналар, махсус техника ва жиҳозлар, тест-тизимлар, ҳимоя воситалари билан мустаҳкамлаш, соҳага малакали мутахассисларни жалб этиш ва зарур кадрларни тайёрлаш масалалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикасига коронавирус кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси фаолияти йўлга қўйилди. Бош вазир раҳбарлик қиладиган ушбу комиссиянинг қуйидаги устувор йўналишлар бўйича фаолияти йўлга қўйилди:

- умумжаҳон, минтақа ва мамлакат миқёсидаги эпидемиологик ҳолатни мунтазам таҳлил ҳамда мониторинг қилиб бориш, мамлакатда коронавирус билан боғлиқ эпидемиянинг

тарқалиш тенденциялари ва вазиятнинг ёмонлашиши эҳтимолларини прогноз қилиш;

- коронавирусни ўз вақтида аниқлаш ва ялпи олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирларни ташкил этиш, касалланиш хавфини камайтириш ва хасталарга малакали тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган профилактика ва эпидемияга қарши тизимли чораларни амалга ошириш;

- коронавирус муаммолари бўйича тадқиқотларни мувофиқлаштириш, ушбу касалликнинг олдини олиш, уни аниқлаш ва даволашга доир энг замонавий ҳамда самарадор усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- ташхис воситалари, вирусга қарши препаратлар ва индивидуал ҳимоя воситалари захирасини ғамлаш ҳамда ушбу воситалар билан ихтисослашган тиббиёт муассасалари ва аҳолини зарур миқдорларда таъминлаш;

- эпидемик жиҳатдан номақбул мамлакатларда вақтинча яшаётган ва коронавирус юқиши хавфи кучли бўлган ҳудудларда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларига ҳар томонлама зарур ёрдам кўрсатиш;

- халқаро тузилмалар, хорижий мамлакатларнинг тегишли давлат тузилмалари билан коронавирус тарқалишининг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинувини йўлга қўйиш;

- замонавий оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение, радио, Интернет, ижтимоий тармоқлар, мобил алоқа операторларини жалб этган ҳолда, аҳоли орасида коронавируснинг тарқалишига олиб келадиган сабаб ва шароитлар, унинг олдини олиш йўллари тушунтиришга қаратилган самарали санитария-тарғибот ишларини амалга ошириш.

Иккинчидан, тегишли халқаро шарнома ва битимлар нормалари ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, ўзини ўзи ихоталаш ва каран-

тин чораларини амалга ошириш тартибининг ҳуқуқий асосини ривожлантирадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Бу ўринда БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши 1984 йилда қабул қилган Сиракуз принциплари ҳамда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси қабул қилган фавқулодда вазиятларда эркин ҳаракатланиш тартибларига доир умумий мазмундаги тавсиялар алоҳида аҳамияга эга. Бу ҳужжатларда, жумладан, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида ёки фавқулодда ҳолат шароитларида давлатлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш борасида қўлланадиган чоралар юзасидан муҳим тавсиялар берилган. Энг асосийси, аҳоли соғлигини сақлаш мақсадида ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш борасида қўлланадиган ҳар қандай чоралар қонуний, зарурий ва мутаносиб бўлиши шарт.

2020 йили 90 дан зиёд мамлакатда коронавирус пандемияси билан боғлиқ ҳолда, фавқулодда ҳолат режими эълон қилинди. Ўзбекистонда карантин чекловлари қатъий чегараланган, вақти аниқ белгиланган тарзда жорий этилди. Мамлакат минтақалари турли рангдаги – “қизил” (энг хавфли), “сарик” ва “яшил” (вирусдан ҳоли) зоналарга ажратилди. Мазкур зоналарга мансуб шаҳар ва туманлар рўйхати мунтазам янгилаб турилгани ва касалликка қарши ўз вақтида кураш олиб борилгани касалхоналар мижозлари оқимининг кескин ортиб кетиши ҳамда соғлиқни сақлаш тизими ишини фалаж қилиб қўйишининг олдини олишга хизмат қилди.

Учинчидан, 2020 йил 3 март куни “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлигини яна бир бор амалда намоён этди.

Конун карантин туфайли аҳоли ўртасида асоссиз хавотирлар тарқалишининг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва тегишли муассасаларнинг меъёрида фаолият юртиши учун шароитлар яратиш, шунингдек бу соҳадаги ишларни тўлақонли бажариш ҳамда ҳисобдорликни кучайтиришга катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон ва бошқа кўплаб хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни яққол кўрсатдики, қонун талабларининг бажарилиши пандемия тарқалишининг олдини олишда жуда муҳим роль ўйнайди.

Тўртинчидан, 2020 йил 1 декабрда “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти бунга қадар, яъни 2020 йил 19 мартда “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони имзолаганди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар макроиқтисодий барқарорликни ҳамда иқтисодий соҳа ва тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Натижада коронавирус пандемияси тарқалишига қарши курашиш даврида ва бошқа глобал таҳдидлар шароитида аҳолини самарали ижтимоий ҳимоя қилиш имкониятлари кенгайди ҳамда юртдошларимизнинг даромадлари кескин камайиб кетишига йўл қўйилмади.

Бунда, айниқса, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, унинг ҳисобида 10 триллион сўм миқдоридagi маблағ жамлангани катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки бу маблағлар бевосита соғлиқни сақлаш тизими, ижтимоий инфратузилмалар, аҳоли ва корхоналарни моддий-молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Пандемия ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш

Коронавирус пандемияси бутун дунёни қамраб олди, давлат, жамият ва фуқаролар олдига катта ва мураккаб синовлар қўйди, барча соҳаларга ўзининг таъсирини кўрсатди, энг асосийси, янги ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирди. Ҳар бир давлат пандемиянинг кенг тарқалишини олдини олиш, касалланганларни даволаш, аҳоли соғлиғи ва ҳаётини асраш, иқтисодиётга келтирилаётган зарарларни юмшатиш каби жуда мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ўз олдига қўйган.

Пандемия ва унинг бутун жаҳон ҳамжамияти учун, шу жумладан, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасидаги ноҳуш ижтимоий, иқтисодий ва молиявий оқибатлари бу борада мувофиқлаштирилган глобал жавоб чораларини кўриш, ижтимоий-иқтисодий, илмий, инновацион, технологик ва тиббий салоҳиятни сафарбар этиш зарурлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган **Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодекс** БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинди. Ушбу Кодексда пандемияларга қарши кураш жараёнидаги халқаро ҳамкорлик бирдамлик, очиқлик, ўзаро ёрдам ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш тамойилларига асосланишининг муҳимлиги таъкидланган.

Бутунжаҳон пандемияси инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, болалар, аёллар, кексалар, имконияти чекланган шахслар каби аҳолининг ҳимояга муҳтож гуруҳлари турли муаммоларга дуч келмоқда. Дунё мамлакатларда аҳолининг айрим гуруҳларини мажбурий эмлашни талаб қиладиган “эмлаш сиёсати” мунозарали бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, кўплаб мамлакатлар аҳоли учун COVID-19 учун эмлашлар ва тест натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган “соғлиқни сақлаш паспортлари”ни жорий қилмоқда.

Пандемия шароитида жамиятни ҳимоя қилишга қаратилган жамоавий ҳаракатлар оқибатида шахсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш муаммосига дуч келмоқда. Бир томондан, турли сабаблар туфайли эмланмаганларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши, иккинчи томондан, соғлиқ ва хавфсизликка оид шахсий ва жамоавий ҳуқуқларни таъминлашимиз керак.

Ўзбекистонда COVID-19 пандемияси вақтида инсон саломадлиги, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор чора-тадбирлар қабул қилинди. Мазкур вазифаларни амалга оширишда 50 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент ва Ҳукуматнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди. Бутун мамлакат миқёсида карантин тизими жорий этилди. Бу борадаги масалаларда аҳолининг масъулиятини ошириш учун қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилди, шунингдек ногўри ахборот тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Коронавирус инфекциясига қарши кураш бўйича ҳаракатлар миллий дастури қабул қилиниб, Бош вазир раҳбарлигида иккита – Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси ҳамда Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси тузилди. Бу эса Ҳукумат ва фуқаролик жамияти саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, ресурсларни сафарбар этиш, энг асосийси – одамлар ҳаётини сақлаб қолиш имконини оширди.

Ўзбекистонда воқеалар фожиаи йўналишда ривожланишига йўл қўйилмади. COVID-19 бўйича ўлим кўрсаткичлари жаҳон миқёсида энг паст даражалардан бирини ташкил этишига эришилди.

Пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини енгиллаштириш мақсадида аҳоли ва бизнесга ёрдам тариқасида кенг қўламли чора-тадбирлар мажмуаси қабул қилинди, аҳо-

лини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор енгилликлар ҳамда имтиёзлар жорий этилди. Жумладан, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдамлар, мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати узайтирилди. Кредитлар бўйича қайтарилиши лозим бўлган маблағларни қайтариш муддати кечиктирилди, шунингдек тиббиёт ходимларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови жорий этилди.

Хорижда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларини қайтариш чоралари кўрилди. Жумладан, 600 мингдан ортиқ фуқаро мамлакатга қайтарилди, хорижда қийин ҳаётини ахволда қолган 100 мингга яқин фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ҳужжатларни алмаштириш муддатларини, чет эл фуқароларининг мамлакатимизда бўлиш муддатларини бузганлик учун жарима солмасдан туриб, ушбу муддатлар узайтириш тартиби киритилди.

Пандемия даврида инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири – таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, 110 дан ортиқ давлатда мактабларнинг ёпилиши оқибатида “ўқув жараёнининг узилиши” рўй бериб, бу бутун жаҳонда ўқувчиларнинг ярмидан кўпига таъсир қилган бўлса, Ўзбекистонда бундай узилишнинг олдини олишга муваффақ бўлинди. Масофавий таълим тизимини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уни таълим муассасаларида (мактаблар, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртлари, мактабдан ташқари таълим муассасалари ва бошқаларда) жорий этиш чоралари кўрилди.

Таълим олиш шакли ўзгариши, таълимнинг масофавий шаклга ўтказилиши мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг тўлақонли ҳамда сифатли таълим олиш ҳуқуқларига риоя этилиши борасида бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди.

Хусусан, таълим олиш тизимидаги туб ўзгаришлар, масофавий ўқишга ўтиш натижасида қуйидаги муаммолар юзага чиқди:

- академик ҳамжамиятнинг иш куни давомийлиги ошиши, меҳнат шароитларининг ўзгариши;

- ўқитувчиларнинг катта қисмида масофавий ўқитишни ташкил этиш учун зарур бўлган шароитлар, тўлақонли масофавий ишлаш учун техник жиҳозлар ва ахборот технологиялар ёрдамида ишлаш бўйича профессионал кўникмалар мавжуд эмаслиги;

- тиббиёт, муҳандислик ва ижодий (муסיқачилар, дизайнерлар ва бошқалар) мутахассислик талабалари учун амалий машғулотлар, ўқув-лаборатория ишларини ташкил этиш имкониятининг йўқлиги.

Пандемия давлат органлари, суд органлари фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Дунёнинг 90 дан ортиқ давлатида фавқулодда ҳолатлар эълон қилиниб, инсон ҳуқуқларига оид қонунлар ва суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича чекловлар ўрнатилди. БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича Махсус маърузачиси коронавирусга қарши курашиш ҳолатида ҳам одил судловга оид ҳуқуқларни таъминлаш муҳимлигини эътироф этди.

Судларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсатининг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Карантин даврида судларда фуқароларнинг шахсий қабули тўхтатилган бўлишига қарамай, процессуал ҳужжатлар судларга почта орқали ва электрон шаклда тақдим этилди.

Шу билан бирга, карантин даврида адвокатларнинг транспортдан фойдаланиши чекланганлиги фуқароларнинг ҳимояга оид ҳуқуқларини таъминлашда муаммолар келтириб чиқариши натижасида адвокатлик ҳамжамияти томонидан мурожаатлар ҳам билдирилди.

Ўзбекистонда пандемия шароитида давлат органлари фаолиятида ахборот технологиялардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. Парламент, Ҳукумат фаолиятида ҳам рақамлашти-

риш жараёни бошланди. Шунингдек, давлат хизматлари кўрсатишда онлайн тизимни таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда аҳолига 150 турдан ортиқ қарийб 25 млн. давлат хизматлари кўрсатилган.

Давлат хизматларини кўрсатиш агентлиги тез ва сифатли хизмат кўрсатишда камчиликларга йўл қўйган давлат идораларига тегишли жавобгарлик чораларини қўллашига қарамасдан, улар томонидан идоралараро ўзаро электрон ҳамкорликни ташкил қилиш, уларни “Электрон ҳукумат” тизимига интеграция қилиш ишлари етарлича йўлга қўйилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан давлат хизматлари кўрсатилиши ҳолати ўрганилиши шунини кўрсатдики, давлат органлари томонидан аҳолидан ва тадбиркорлик субъектларидан айрим маълумотлар ортиқча талаб қилинишига чек қўйилганлиги билан бирга, давлат хизматларини кўрсатишда идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви (интеграция) йўлга қўйилмаганлиги, давлат органлари томонидан ахборот тизимлари ҳамда архив маълумотлари тўпламларини рақамлаштириш масалалари, шунингдек чет давлатларда фаолият юритаётган фуқаролар учун ушбу хизматлардан фойдаланиш масалалари очиқ қолган.

Амалдаги қонунчиликда давлат идоралари томонидан амалга ошириладиган тартиб-таомиллар қонуности ҳужжатларда белгиланганлигини инобатга олиб, фуқароларни давлат хизматларидан фойдаланишда ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек давлат органлари масъулияти ва жавобгарлигини ошириш мақсадида **“Давлат хизматлари кўрсатишни ташкил этиш асослари тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш** мақсадга мувофиқ. Қонуннинг қабул қилиниши давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ барча асосий қоидаларни ягона ҳуқуқий ҳужжатга жамлаш ва давлат хизматлари кўрсатиш институти орқали давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини такомиллаштиришга хизмат қилади.

2020 йил ижтимоий ҳимоя соҳасида, ҳеч муболағасиз, бурилиш йили бўлди. Пандемия шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга, фуқароларни озиқ-овқат, дори-дармон ва зарур тиббий маҳсулотлар ҳамда бошқа ҳаётий зарур товарлар билан узлуксиз таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Имконияти чекланган шахсларга, кам таъминланганларга ва аҳолининг заиф қатламларига беғараз манзилли ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилди. Жумладан, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ҳар бир фуқарони камбағалликдан чиқариш бўйича “мотивация, кўникма ва молиявий кўмак” таъмоийли асосида янги механизм жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

2020 йилда ижтимоий нафақа олувчилар сони икки баравар – 1,2 миллион кишига кўпайди. Бу мақсадлар учун 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилганлигига қарамай, ижтимоий нафақа, моддий ёрдам миқдорини ва бандлик даражасини ошириш учун давлат бюджетидан қўшимча яна 2,6 трлн сўм ажратилди.

Бу жараёнда нодавлат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик ҳам фаол иштирок этди. Хусусан, фуқаролар фаол иштирок этган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида 800 мингдан ортиқ кам таъминланган оилага 1 триллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Коронавируснинг олдини олиш бўйича махсус комиссия қарори билан **Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ пандемия шароитида БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш учун масъул** этиб белгиланди. Марказ пандемия шароитида инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро тузилмаларнинг (БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ва шартномавий қўмиталари, ЖССТ, ХМТ, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ЕХХТ) тавсияларида кўтарилган масалаларга

давлат органлари эътиборини қаратди. Хусусан, мигрантлар, маҳкумлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат нормаларига риоя этиш, одил судловга оид ҳуқуқларни таъминлаш каби масалаларга ҳамкорликда ечим изланди.

Россия Федерациясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳамда Россия Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари кенгаши билан ҳамкорликда пандемия даврида мингдан ортиқ ватандошимиз юртимизга қайтиб келишига, Россия фуқароларининг ўз ватанига, жумладан, махсус авиақатнов орқали қайтишига кўмаклашилди.

2020 йил июнь ойида БМТ ва ЕХХТнинг Ўзбекистондаги расмий вакиллари билан биргаликда Тошкент вилояти Юкори чирчиқ туманидаги **“Ўртасарой карантин маркази”га ташриф** уюштирилди. Ташриф доирасида карантин ҳудудларида инсон ҳуқуқларига амал қилиниши ўрганилиб, унинг натижалари “Пандемия ва инсон ҳуқуқлари: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги миллий мулоқот доирасида муҳокама қилинди. Унда Ўзбекистоннинг COVID-19 пандемиясига қарши курашиш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид миллий чораларни амалга ошириш борасидаги тажрибаси муҳокама қилиниб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Миллий мулоқот тадбирида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТнинг Қийноққа қарши кичик қўмитаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Мулоқот якунлари бўйича карантин марказларидаги ҳолатни, халқаро тиббий-санитар нормалар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлар нуқтаи назаридан яхшилаш бўйича чоралар кўришга қаратилган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Шунингдек, коронавирус билан курашиш пайтида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш борасида бир қатор услубий қўлланмалар, видеороликлар ишлаб чиқилди.

Таҳлиллар COVID-19 пандемияси шароитида фавқулодда чора-тадбирлар кўриш соҳасида айрим қонунларда аниқ механизмларнинг акс этмаганлиги, ҳаволаки нормаларнинг мавжудлиги сабабли соҳанинг асосан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинганлиги, шунингдек қонунларни бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш лозимлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритиши белгиланган. Бунда фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади.

Бу, ўз навбатида, “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш заруратини юзага келтирмоқда. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб, фавқулодда ҳолатни жорий этиш ҳолатлари ва тартиби, фавқулодда ҳолатда қўлланиладиган чоралар ва чеклашлар, фавқулодда ҳолат амал қиладиган давр учун жорий этиладиган махсус давлат бошқарув органлари, фавқулодда вазият шароитида жисмоний ва юридик шахсларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари кафолатлари, фавқулодда ҳолат шароитларида судларнинг, Омбудсман, Болалар омбудсмани, Бизнес-омбудсман ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг фаолиятини тартибга солувчи ва бошқа махсус қоидалар мустаҳкамланиши зарур.

БЕШИНЧИ БОБ. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

“Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси етти йўналишдан иборат этиб белгиланди. Бу – бежиз эмас. Зеро, аجدодларимиз етти рақамини бахт-саодат ва омад келтирадиган, эзгу ниятни рўёбга чиқарадиган хосиятли тимсол, деб билганлар”¹.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс: маъно-моҳияти, зарурати ва муштараклиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг яқинда “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” тушунчалари кенг ва фаол қўлланди. Энг муҳими, ҳар икки тушунчанинг аксарият ўринларда ёнма-ён, уйғун ва ҳамоҳанг келганини кузатиш мумкин.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, халқаро тажрибада жаҳон сиёсий атамашунослигини янги тушунчалар билан бойитадиган давлат ва жамоат арбоблари кам топилишини

¹ Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи/<https://president.uz/uz/lists/view/4743>.

таъкидлаш лозим. Шу нуқтаи назардан, **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” тушунчасини дунё сиёсати луғатига киритгани беқиёс илмий аҳамиятга эга.**

Янги Ўзбекистон – бу ибора Миллат Сардори илгари сурган ва бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган эзгу ғоядир. Бу ғоя замирида:

бир томондан, бугунги ва эртанги авлодларимизнинг “Учинчи Ренессанс” пойдеворини қўйишдек эзгу мақсад-муддаолари;

иккинчи томондан, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи Уйғониш даврларига асос солган улуғ аجدодларимиз, аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари;

учинчи томондан, бунёдкорлик, яратувчанлик, ҳар доим ўқиш ва изланишга даъват ўз мужассамини топган.

Янги Ўзбекистон меъмори ва ташаббускори ҳисобланувчи Президентимиз қайд этганидек, “Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”.

Аввало, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “янги” деган сўзнинг биз учун алоҳида аҳамияти бор. Шу маънода, бундан беш йил олдин қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифаларни стратегик мақсад қилиб қўйганимиз бежиз эмас.

Президентимизнинг интервьюсида биз интилаётган ана шу эзгу ғояни рўёбга чиқариш йўлида ҳаётимизнинг турли соҳала-

рида қўлга киритилган юксак натижалар ва бу борада олдимизда турган масъулиятли вазифалар ҳақида сўз борган.

Ўз навбатида, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад этиб белгиланди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз”.**

“Ренессанс” сўзи – французча “Renaissance”, италянча – “Rinascimento” – қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ, қайта тирилиш, уйғониш – деган маъноларни англатади.

“Уйғониш” истилоҳи илк бор XVI асрда меъмор, мусаввир ва санъат тарихчиси Жорж Вазари (1511–1574) томонидан Ғарбий Европада буржуа муносабатлари ривожланишининг дастлабки босқичи билан шартланган тарихий даврни тавсифлаш учун қўлланилган. Ушбу истилоҳнинг ҳозирги маъноси фаранг тарихчиси Жюль Мишле (1798–1874) томонидан XIX асрда жорий қилинди.

Тарих фанига “Мусулмон Ренессанси” тушунчаси таниқли Австрия шарқшуноси Адам Мец (1876–1946) томонидан XX аср бошларида, янада аниқроғи, 1909 йилда киритилган. Олим “Шарқ” атамасини тарихий мазмунда ишлатиб, бунда Ўрта ер денгизидан то Европа қитъасигача бўлган юртларни ва бу ҳудудларда IX–XII асрларда маданият юксакларга кўтарилганлигини кўзда тутган. Мазкур ўлкалар қадимий цивилизация бешигидир.

Собиқ совет даврида тарих ва ўқув адабиётларида фақат Ғарб Уйғониш даври ҳақида гап борарди. Шарқдаги Уйғониш жараёни ҳақида лом-лим дейилмасди. Чунки тарих фанида европоцентризм ғояси ҳукмрон, “Ғарб – илғор, Шарқ – қолоқ” ақидаси устувор эди.

Ваҳоланки, улуғ аجدодларимиз тарихда бир эмас, иккита Маърифий Ренессансга асос солганлар.

Биринчи Шарқ Уйғониш даври – IX-XII асрларда минтақамизда юз берган “Маърифий Ренессанс” ҳисобланади.

Биринчи Маърифий Уйғониш даврида буюк алломалар, қомусий билим соҳиблари, машхур мутафаккирлар етишиб чиққан. Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, фалсафа соҳасида Абу Наср Форобий, Ибн Рушд, Муҳаммад Ғаззолий, Азизиддин Насафий, тиббиёт соҳасида Абу Али ибн Сино, тилшуносликда Маҳмуд Замахшарий, шеърятда Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, рассомчиликда Камолиддин Беҳзод баракали ижод қилган. Уларнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига мислсиз ҳисса қўшган.

Тарихий манбаларда **“Ислом маданиятининг олтин асри”** деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуғ мутафаккирлар бутун мусулмон оламига донг таратган.

Иккинчи Шарқ Уйғониш даври – XIV–XVI асрлардаги “Темурийлар Ренессанси”дир. Бунда Амир Темуր бунёд этган улуғ салтанатнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Соҳибқирон бобомиз илм-фан ва маданият равнақига кенг имкониятлар яратган, дин пешволари, олимлар, санъатшунослар, ёзувчилар, шоирларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатган. Бу маънавий-маърифий сиёсат натижасида Шарқ Уйғониш даврининг иккинчи босқичига асос солинган.

Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар,

Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандалар, муסיқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилган.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессансни XX асрда маърифат-парвар жадидлар амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этганлар.

Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилганлар ҳамда **“Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас”** деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билганлар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-ҳунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблаганлар.

Бу даврда Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Иброт домла, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Ашурали Зоҳирий, Ҳожи Муин ва бошқа яна юзлаб улуғ инсонлар Миллий уйғониш ва Миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларида турган. Улар янги усул мактаблари билан бир қаторда, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартиришга қаратилган газета-журналлар, нашриёт ва кутубхоналар, театрлар ташкил этганлар.

Жадидларимиз ўз олдида қўйган эзгу мақсадларни амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермади. Улар ўша даврнинг турли кимсаларининг тухмат-маломатларига дучор бўлди. Дастлаб Рус подшоҳлиги, кейинчалик шўролар ҳукумати уларни аёвсиз қувғин ва қатағон қилган.

Оқибатда миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати Ватанимиз учун ёрқин хотира сифатида қолди. Юртимиз озодлиги ва халқимиз бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган жадид-

ларнинг илмий-маърифий, адабий-бадий мероси ҳозирги даврда ҳам катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда биз Учинчи Уйғониш даври остонасида турибмиз. Агар Ўзбекистон Президентининг кейинги беш йилда ҳаётимизнинг биргина йўналиши, яъни маърифат, таълим ва илм-фанни ривожлантириш йўлида имзолаган қонун, фармон ва қарорлари, тасдиқлаган Давлат дастурлари, илгари сурган янгидан-янги ташаббусларининг мағзини тўла қақиб кўрсак ҳам, навбатдаги Маърифат Ренессансининг маркази Янги Ўзбекистон эканига ҳеч кимда шубҳа қолмайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айти ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”.**

Албатта, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс каби Учинчи Ренессанс ҳам узоқ давом этадиган жараён. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёни беш-ўн йил эмас, анча катта ва машаққатли даврни талаб қилади. Бунинг учун, аввало, минглаб истеъдодли кадрлар, иқтидорли замонавий ёшлар, фидойи инсонлар ниҳоятда зарур.

Президентимиз раҳнамолигида юртимизда улуғ ниятлар билан пойдевори қўйилаётган Янги Уйғониш даврининг ёрқин саҳифаларга бой буюк тарихи яратилмоқда. Бу оламшумул самаралар келгуси авлодларга муносиб мерос қолдиришга хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Янги Ўзбекистонда Президент сайлови: яқунлари ва хусусиятлари

Мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунларига кўра, Ўзбекистон Ли-

берал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёев ишончли ғалаба қозонди: 80,1 фоиз овоз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига иккинчи муддатга сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқимиз нафақат давлат бошлиғини сайлади, балки Янги Ўзбекистонимизнинг келажагини танлади. Эл-юрт истиқболи учун овоз берди.

Қолаверса, сайловда халқимиз ўтган беш йил давомида амалга оширган кенг қўламли ва самарадор ислохотларимизни муносиб баҳолади. Юртдошларимиз Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги шиддатли ва демократик ислохотларга ҳақиқий баҳо берди: **халқимиз ушбу стратегик дастур муаллифи ва ташаббускори, ҳақиқий ватанпарвар ва фидойи инсон Шавкат Мирзиёевдан рози эканини амалда тасдиқлади.**

Бу ҳақда фикр юритганда, ушбу сайловнинг бир қатор алоҳида хусусиятларини санаб ўтиш ўринли, деб ҳисоблаймиз.

• Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгартиришга мувофиқ, **Президент сайлови илк марта октябрь ойида ўтказилди.** Илгари аҳолининг сайлов овозига эга 6–7 миллион нафар вакили бу даврда пахта йиғим-терими мавсуми билан банд бўлиши ҳисобга олиниб, Асосий Қонунимизда сайловларни декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказиш белгиланганди.

Бу, бир томондан, жойлардаги сайлов участкаларини қишнинг совуқ ва қор-қировли кунларида овоз бериш учун тайёрлашда қўплаб муаммоларни келтириб чиқарса, иккинчи томондан, фуқароларнинг сайловда иштирок этиш фаоллигига ҳам муайян даражада салбий таъсир кўрсатмай қолмасди. Шу маънода, бу галги Президент сайлови октябрь ойида ўтказилгани бундай муаммоларга осон ечим топиш имкониятини яратди.

Натижада сайловчилар рўйхатига киритилган **20 миллион 158 минг 907 нафар сайловчидан Президент сайлови-**

да, чет элларда овоз берган ватандошларимиз билан бирга ҳисоблаганда, 16 миллион 212 минг 343 нафар сайловчи иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 80,4 фоизидан иборатдир. 421 минг 176 нафар сайловчи жорий йилнинг 14 октябридан – 20 октябригача ўтказилган муддатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди.

- Сайлов участкаларида пандемия шароитида аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур барча шарт-шароитлар яратилди. Сайлов коронавирус карантини талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда ўтди.

Округ ва участка сайлов комиссияларига 12 миллион 700 минг донга бир марта қўлланиладиган тиббий ниқоб, 21,5 минг литр антисептик восита ва бошқа турдаги ҳимоя ҳамда дезинфекция воситалари етказиб берилди. Сайлов комиссияларининг 142 минг нафардан зиёд аъзоси коронавирусга қарши вакцина билан тўлиқ эмланди.

- Президент сайлови илк маротаба 2019 йилда қабул қилинган Сайлов кодекси асосида ўтказилди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси амалда жиддий синовдан муваффақиятли ўтди.

Бу ўринда сўнгги беш йил мобайнида мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз берганига эътибор қаратиш лозим. Халқаро ва хорижий экспертлар таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди.

Хусусан, сайлов қонунчилигига жорий йилнинг 8 февраль ва 31 май кунлари ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу асосда, аввало, сайлов жараёни иштирокчилари, яъни сайловчилар, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари, оммавий ахборот воситалари ҳамда миллий ва халқаро кузатувчиларнинг

ҳуқуқлари ва кафолатлари кенгайтирилди. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати тузилди.

Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали сайлов жараёнларини бошқариш ахборот тизими янада такомиллаштирилди. Хусусан, мамлакатнинг барча, яъни 207 та туман ва шаҳарларида жойлашган сайлов участкаларида 414 та кузатув камераси ўрнатилди. Бу 2019 йилги парламент сайлови давридаги кўрсаткичдан 147 фоиз кўпдир.

Бундан ташқари, барча сайлов участкалари видеокузатув камералари билан таъминланиб, овоз бериш жараёнларини онлайн шаклда намойиш этиш йўлга қўйилди. Бу жараён, аynиқса, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов портали ва Матбуот хизмати биносидаги улкан экранда, шунингдек “Ўзбекистон-24” телеканали орқали тўғридан-тўғри ҳамда узлуксиз тарзда кўрсатиб борилди.

- Сайлов демократик руҳда, очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида бўлиб ўтди. Партияларaro қизгин кураш муҳитида ўтган сайловда ҳар бир партия номзоди ўз дастури билан ҳамда номзодларнинг ишончли вакиллари фаол қатнашди, барча ҳудудларда сайловолди ташвиқот-тарғибот тадбирларини ўтказди.

Президентликка номзодларнинг ҳар бири учун “Ўзбекистон-24”, “Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Маҳалла” ҳамда “Маданият ва маърифат” телеканалларида 210 дақиқа бепул эфир вақти ажратилди. Ҳар бир телерадиоканалда сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотиға оид телекўрсатувлари ва радиоэшиттиришлари 150 сонияли блокда 4 мартадан эфирға узатиб борилди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси 13 та минтақавий телеканалда эса шу мақсадлар учун 1 минг 900 дақиқа вақт ажратилди.

- Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятини Сайлов кодекси талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш

бўйича асосий тадбирлар дастури ҳамда Календарь режасига биноан, қонунийлик, мустақиллик, холислик, очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик тамойилларига тўла амал қилган ҳолда ташкил этгани сайловнинг сифати ҳамда савиясига бевосита ижобий таъсир кўрсатди.

Бунда, айниқса, сиёсий партиялар ва Президентликка номзодлар учун сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқоти учун тенг ва кенг имкониятлар яратилгани муҳим аҳамият касб этди.

- Сайлов жараёнлари оммавий ахборот воситалари ва Интернет орқали кенг ёритиб борилди. Бу борада, айниқса, ижтимоий тармоқлар ниҳоятда фаол бўлди. Ушбу омиллар, ҳеч шубҳасиз, Президент сайлови халқаро мезонлар ва стандартларга мос миллий сайлов қонунчилигига, унда белгиланган очиқлик, ошкоралик, эркинлик ва адолат каби умумэътироф этилган демократик принципларга тўла мос ҳолда, кўтаринки руҳда ўтказилишига яқиндан хизмат қилди.

Сайловолди ташвиқоти даврида Президентликка номзодларнинг ҳар бири учун мамлакат аҳамиятига молик даврий нашрлар – “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталари 5 саҳифадан, шунингдек, “Овози тожик” ва “Нурли жол” газеталари 5,5 саҳифадан жой ажратди. Ҳудудлардаги 26 та маҳаллий газета ҳар бир номзодга 42 саҳифадан жой тақдим этди.

- Илк бор номзодларнинг вакиллари ўртасида теледебатлар ўтказилди. Теледебатлар сайловчиларга ҳар бир сиёсий партия илгари сураётган ғояларни таққослашга имкон берган бўлса, партияларга эса давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришларга доир қарашларини, янги таклиф ва ташаббусларини эркин ифода этиш имконини берди.

Президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайлов дастури акс этган 847 минг 370 дона ташвиқот плакати ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида ҳамда илк маротаба тожик, қозоқ,

туркман ва қирғиз тилларида чоп этилди. Номзодлар ҳақидаги маълумотлар мамлакат бўйлаб ўрнатилган 421 та электрон мониторинг мунтазам намоиш этилди.

- Имконияти чекланган фуқароларнинг сайловда тўлақонли иштирок этиши учун тарғибот материаллари ва сайлов бюллетенлари Брайль алифбосида чоп этилиб, аудио-ёзувда тарқатилди, сурдо-таржима билан таъминланди.

- Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, миллий-маданий марказларнинг кўп минг сонли вакиллари ҳамда волонтерлар сайлов кампаниясининг барча босқичларида кенг ва фаол иштирок этди.

- Сайлов жараёнларини 197 та маҳаллий оммавий ахборот воситасининг 1 минг 439 нафар вакили ва 140 дан ортиқ нуфузли хорижий оммавий ахборот воситасининг 233 нафар журналисти ёритиб борди. Шу мақсадда рўйхатдан ўтказилган жами оммавий ахборот воситалари вакилларининг сони 1 минг 672 нафарни ташкил этди.

Сайлов кампанияси давомида хорижий ва миллий нашрларда 76 мингдан зиёд материаллар эълон қилинди. Бу 2019 йилги парламент сайлови давридаги кўрсаткичдан 34 мингтага кўп, деганидир.

- Сайловни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси ҳамда Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши, Туркий кенгаш Парламент Ассамблеяси ҳамда Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби 20 га яқин нуфузли халқаро ташкилотдан 631 нафар халқаро кузатувчи бевосита кузатиб борди.

Шунингдек, дунёнинг 50 га яқин давлатидан 340 нафар хорижий кузатувчи ташриф буюрди ва сайлов жараёнларини ку-

затишда фаол иштирок этди. Сайлов жараёнларини кузатишда жами 971 нафар халқаро ва хорижий кузатувчи қатнашди.

- Сайловда иштирок этган бешта сиёсий партиядан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 64 минг 450 нафар вакил миллий кузатувчи сифатида сайлов жараёнида фаол иштирок этди.

- Биринчи марта мамлакатимизнинг туман ва шаҳарларидаги 207 та сайлов участкасига ўрнатилган 414 та видеокамера орқали узатилган онлайн намоёиш миллионлаб одамлар овоз бериш жараёнларини тўғридан-тўғри кузатиб бориши учун қулай имконият туғдирди.

- Ватандошларимиз учун 37 та давлатда ташкил этилган 54 та сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилган 299 минг 780 нафар фуқароларимизга овоз бериш имконияти яратилди. Авваллари фақат консулик ваколатхоналаридан расман рўйхатдан ўтган Ўзбекистон фуқароларигина сайловларда қатнашарди.

Бу галги сайловда мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхоналари томонидан мавжуд бўлмаган 11 та мамлакатда ҳам хориждаги юртдошларимиз учун зарур шароитлар яратиб берилди. Яъни, дунёнинг 149 та шаҳрида жами 380 та қўшимча кўчма сайлов участкаси ташкил этилди.

- Ушбу сайловда илк бор овоз бериш кўрсаткичлари ҳам анча салмоқли бўлгани кузатилди. Бунда, бир томондан, биринчи маротаба конституциявий ҳуқуқидан фойдаланган 887 минг 686 нафар ёш йигит-қиз, иккинчи томондан, кейинги даврда Ўзбекистон фуқаролигини олгани учун илк бор сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган минглаб юртдошларимизнинг улуши кўзда тутилмоқда.

Буларнинг барчаси сўнгги йилларда жамиятимизда тобора мустақамланиб бораётган очиқлик ва ошкоралик руҳининг сайлов жараёнида ҳам яққол намоён бўлганини исботлайди. Бинобарин, бугун халқчил ва демократик тамойилларга асос-

ланган Янги Ўзбекистон улуғ аجدодларимизнинг миллий ва тарихий анъаналарини давом эттириб, янада бойитиб, ҳар томонлама муттасил ривожланаётган замонавий демократик давлат сифатида бутун дунёнинг эътиборини тортмоқда.

Шу маънода, **Президент сайлови халқимиз юксак тафаккури ва донишмандлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Ушбу сайлов Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда, жумладан, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий йўналишларда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг узвий ва мантиқий давомидир.**

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтган қисқа даврда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Давлат раҳбари изчиллик билан олиб бораётган халқпарвар ички ва ташқи сиёсат натижасида жонажон Ватанимиз изчил тараққий этиб, халқимизнинг бахти тўқис ва ҳаёти тобора фаровон бўлиб бормоқда.

Мамлакатимизда демократик тамойиллар асосида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий муносабатларни қонунчилик йўли билан мувофиқлаштириш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини янада оширишга қаратилган ислохотлар ўз амалий самарасини бермоқда.

Сайловчилар билан учрашувларда: “Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун, энг аввало, одамларимизнинг саломатлиги ва яшаш шароитини яхшилашимиз керак”, “Инсон қадри учун” тамойилининг муҳим бўғини – барча учун сифатли таълим олишга имконият ва шарт-шароитлар” деган фикрлар кўп такрорланди. Буларнинг барчаси юртимизда инсон ҳуқуқлари, инсон қадри тобора устувор аҳамият касб этаётганидан далолат беради.

Чиндан ҳам, бугун Ўзбекистонда **“Инсон қадри учун!”** шиори кенг амал қилмоқда. Бунда, авваламбор, **“Халқ – давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган тамойил ҳаётимизга изчил жорий

этилаётгани муҳим ўрин тутмоқда. Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси ташкил этилгани инсонни кадрлаш, кадр-қиммати ва иззат-обрўсини жойига қўйиш учун унинг муаммоларига ечим топиш, ташвишларини ҳал этиш ва дардига малҳам бўлиш, бир сўз билан айтганда, инсон манфаатларини таъминлаш жуда муҳим эканини амалда кўрсатди.

Дунёда дўстларимиз ва яқин ҳамкорларимиз янада кўпаймоқда. **Мингдан ортиқ халқаро ва хорижий кузатувчилар, жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократия ва рақобат руҳида, қонуний ва адолатли, очиқ ва шаффоф, холис ва ошқора асосда бўлиб ўтганини эътироф этди.**

Сайловда Ўзбекистон халқи, бир томондан, Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида амалга оширилган ҳар томонлама эътиборга лойиқ шиддатли ислохотларимиз самараларига юксак баҳо берди. **Иккинчи томондан,** сайловчилар ана шу ибратли ишларнинг давоми бўлган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига комил ишонч билдирди.

Халқимиз Миллат сардори Шавкат Мирзиёев билан ҳамиша биргалигини – биргаликда ягона ва яқдил Янги Ўзбекистонни бунёд этишга тайёр эканини тасдиқлади. Сайловчилар Ўзбекистон Президентининг Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги эзгу ва ғоятда масъулиятли ишларини яна бир бор ўз овозлари ёрдамида фаол қўллаб-қувватлади.

Энг асосийси, Президент Шавкат Мирзиёевнинг **“Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида** баён этилган ва халқимиз юксак ишонч билдирган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида бугун ўзбекистонликлар ўз олдига жуда катта марраларни белгилаб олди. Ушбу эзгу йўлда халқимизни жипслаштирсак, барчамиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, кўзлаган марраларимизга албатта эришамиз.

Экология соҳасидаги инсон ҳуқуқлари ҳимояси: миллий ва халқаро тажриба

Сўнгги ойларда дунёнинг барча минтақаларида иқлим ўзгариши билан боғлиқ турли фожиали ҳодисалар – ададсиз ўрмон ёнғинлари, фавқулодда сув тошқинлари, узоқ муддатли қурғоқчиликлар юз берди. Оқибатда инсоният беаёв йўқотишлар ва вайронкорликларга тўқнаш келди.

Бугунги кунда экологик таҳдидлар – бир томондан, ҳозирги даврга хос глобал хатарлар ҳисобланса, иккинчи томондан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жиддий муаммолар қаторига киради.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ўз тарихида илк бор мусаффо, соғлом ва барқарор атроф муҳит – бу инсон ҳуқуқларининг узвий қисми, деб эътироф этгани ҳамда бу соҳада Махсус маърузачи мақомини таъсис қилгани худди шу омиллар билан изоҳланади.

Бу ўринда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 48-сессиясида Инсоннинг соғлом ва тоза атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи тўғрисида, шунингдек БМТ Кенгашининг Иқлим ўзгаришлари шароитида инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича Махсус маърузачисини 3 йил муддатга тайинлаш ҳақида алоҳида резолюциялар қабул қилганини таъкидлаш лозим.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 48-сессиясида сўзга чиққан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мишель Бачелет асосли равишда сайёравий кўламдаги учта таҳдидни санаб ўтди. Булар – иқлим ўзгариши, атроф муҳитнинг ифлосланиши ва табиатнинг бузилиши бўлиб, ҳозирги даврда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг жиддий муаммолардир.

Шу маънода, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши томонидан инсоннинг соғлом, тоза ва барқарор атроф муҳит-

га эга бўлиш ҳуқуқи қатъият билан эътироф этилгани аввало инсонлар ва сайёрамизни – ўзимиз нафас олаётган ҳавомизни, ичаётган сувимизни, тановул қилаётган овқатимизни муҳофаза қилишга қаратилгани билан жуда муҳим.

Айни чоғда, ушбу эътироф ер юзининг турли ҳудудларида истиқомат қиладиган барча инсонларнинг ҳаёти ва тирикчилиги таъминоти учун зарур аҳамиятга эга табиат тизимларини асраб-авайлаш ҳамда изчил ривожлантиришни кўзда тутати.

Шу нуқтаи назардан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари таъбири билан айтганда, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг янги қарорлари инсонлар ва табиатни муҳофаза қилиш борасида янгича, новаторона иқтисодий, ижтимоий ва экологик сиёсат олиб боришнинг мустаҳкам пойдеворига айланиши учун қатъий қадамлар қўйиш талаб этилади.

БМТ Бош котиби ўринбосари ва БМТнинг Атроф муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) ижрочи директори Ингер Андерсон ҳам БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши инсоннинг соғлом, тоза ва барқарор атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи юзасидан қабул қилган қарорини қўллаб-қувватлади. И.Андерсон таъкидлаганидек, “Бу ҳуқуқ 1972 йилги Стокгольм декларациясида мустаҳкамлаб қўйилган. Орадан қарийб эллик йил ўтгач, ушбу ҳуқуқ БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг резолюциясида глобал даражада расман эътироф этилди”.

БМТнинг Атроф муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) маълумотларига қараганда, Ер юзи аҳолисининг тахминан 92 фоизи ҳаво таркиби Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти белгиланган нормадан ортиқ даражада ифлосланган ҳудудларда истиқомат қилмоқда. Ҳар йили етти миллион киши атроф муҳитнинг ифлосланиши оқибатида вафот этмоқда.

Шунга қарамай, дунё мамлакатларининг учдан бир қисми ҳалигача ҳаво сифати стандартларини белгилаб берадиган бирон-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатга эга эмас. Ваҳоланки,

соғлом атроф-муҳит, жумладан, тоза сувга эга бўлиш ҳуқуқи БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг таъзимини ҳисобланади.

Аммо, бугун инсонларнинг нобоп ҳаракатлари ва ножоиз ҳаракатсизликлари туфайли бу борада юзага келган умумсайд-равий инқироз инсон ҳуқуқларининг кўплаб соҳаларига, жумладан, мақбул даражада овқатланиш, тоза сув истеъмол қилиш, таълим олиш, уй-жойли бўлиш, соғлиқни сақлаш, ривожланиш ва, ҳатто яшаш ҳуқуқига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Глобал офатга айланган COVID-19 пандемияси дунё давлатларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги кўп томонлама шартнома ва битимлар, жумладан, 2030 йилгача даврдаги Кун тартиби, Париж битими каби ўзаро келишувларда зиммасига олган мажбуриятлари бажарилишига жиддий ҳалал берди. Аксарият мамлакатларда ушбу йўналишдаги вазифаларнинг молиялаштирилиши ва бажарилиши зарур даражада таъминланмаяпти.

Марказий Осиё мамлакатларига келсак, минтақамиз ҳам иқлим ўзгаришлари ва экстремал об-ҳаво ҳодисалари олдида заиф экани сезилди. Ҳозирги вақтда сув тақчиллиги экинларни суғориш имкониятларини чекламоқда, оқибатда бўлажак ҳосил бой берилмоқда. Бу, ўз навбатида, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланишини хавф остига қўймоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда иқлим ўзгаришларига қарши курашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва биохилма-хилликни асраб-авайлаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, 2021 йил май ойида БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияси қабул қилингани ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Зеро, ҳозирги даврнинг ўтқир экологик муаммоларидан бири бўлмиш

Орол фожиасининг оқибатларига барҳам бериш бугунги ва келажак авлод олдидagi эзгу инсоний бурчимиздир.

Мамлакатимизда қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2030 йилга қадар иқтисодиётимизнинг энергия самардорлигини 2 баробарга ошириш, қайта тикланадиган энергия улушини 25 фоизга етказиш, экологик тоза транспортни ривожлантириш кўзда тутилмоқда. 2025 йилга қадар умумий қуввати 2900 мега-ваттга тенг бўлган янги қуёш ва шамол электр станцияларини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Париж битими доирасида 2030 йилга қадар иссиқхона газларни атмосферага чиқаришни қисқартириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришга қатъий бел боғлаган. Шу муносабат билан “яшил” технологияларни кенг жорий қилиш ва “яшил” энергетика соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистонда яқин ўн йилда қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 3 баробардан зиёдга кўпайтириш имконини беради.

Бу ҳақда сўз борганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқида ушбу йўналишда илгари сурган қуйидаги янги ташаббусларга тўхталиш тақозо этилади:

биринчи ташаббус – Ўзбекистон 2022 йилда Оролбўйи ҳудудида, яъни Нукус шаҳрида “яшил” энергетика бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда юқори даражадаги халқаро Форум ўтказди;

иккинчи ташаббус – мамлакатимиз Биохилма-хиллик бўйича Глобал ҳадли дастурнинг яқин истиқболда қабул қилинишини қўллаб-қувватлайди ва келгусида Биохилма-хиллик конвенцияси иштирокчиларининг йиғилишларидан бирини ўз ҳудудида қабул қилишга тайёр;

учинчи ташаббус – БМТ шафелигида глобал экологик сиёсатнинг устувор йўналишларини батафсил муҳокама қилиш мақсадида 2023 йили Ўзбекистонда Атроф-муҳит бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юқори даражадаги Олтинчи Ассамблеясини ўтказиш таклиф қилинди;

тўртинчи ташаббус – ана шу Ассамблеяда БМТнинг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон экология хартиясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари суриш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон ушбу ташаббуслари тимсолида барча ҳамкорларини маррани баланд олиш ва юксак мақсад-муддаолар сари астойдил интилишга чорлайди. Чунки, донишмандлар айтганидек, “Йўл юрган – манзилга етар”.

Улуғ ҳинд сиёсатчиси ва файласуфи Маҳатма Ганди: “Дунёни янгилашга енг шимарган инсон аввало ўзи янгиланиши керак”, деганидек, бугун мамлакатимизда иқтисодий, маданий-маърифий ва маънавий янгиланиш жараёнлари шиддат билан кечмоқда. Бунёдкор халқимиз тилида “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” деган янги тушунчалар аллақачон урфга айланди, ушбу атамалар академик ҳамжамият томонидан ҳам изчил истифода этилмоқда.

Ана шу янгиланишлар талабидан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ижроси доирасида Экология кодексининг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази томонидан “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўрак нишони билан тақдирланадиган фаоллар сафи жорий йилда “Экология ҳуқуқи ҳимоячиси” номинацияси ғолиблари ҳисобига кенгаймоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим барчанинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурмати ва рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда бирламчи аҳамият касб этади. Бундай таълим демократик жамият куриш мақсадида ҳуқуқлар, эркинликларни англаб етиш ва улардан фаол фойдаланиш, мажбуриятларга амал қилишни назарда тутувчи инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим инсонларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жабҳаларда, умуман, ўз ҳаётига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилишнинг барча жараёнларида тўлақонли иштирокини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда ҳам муҳимдир.

Маълумки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эълон қилингандан сўнг халқаро ҳамжамят инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олди ҳамда уларга риоя этилишини халқаро инсон ҳуқуқлари меъёрлари ва механизмлари орқали тарғиб қилишни бошлади. Ушбу ҳуқуқлардан бири – таълим олиш ҳуқуқи – инсоннинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиш учун бошланғич нуқтадир.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга инсон ҳуқуқлари бўйича таълим, ушбу ҳуқуқлар тўғрисида билиш ҳуқуқи ва жамоаларимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда тарғиб қилишнинг усуллари ва воситалари киради. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия барча ёшларни қамраб оладиган ҳаётий жараёндир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим нормалари кўплаб халқаро ҳужжатларга киритилган. 2011 йил декабрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан **БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси** қабул қилинган. Мазкур Декларацияда белгиланганидек:

биринчидан, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси таълим олиш ҳамда ўқитиш орқали инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишга қўмаклашиши лозим;

иккинчидан, ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга ва таълим инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга, кадр-қимматини ҳис этишга, барча кишиларга эркин жамиятнинг фойдали иштирокчилари бўлишига, барча миллатлар, ирқий, этник ёки диний гуруҳлар ўртасида ўзаро тушуниш, бағрикенглик ва дўстликни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Декларация аъзо-давлатларга инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбияни таъминлаш масъулиятини юклайди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қабул қилингунига қадар, яъни 2004 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан **Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастури** эълон қилинган. Бундан мақсад – барча давлат органлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва бизнес секторида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим дастурларини амалга оширишга қўмаклашишдир.

Ҳозирги вақтгача ушбу Дастурнинг қуйидаги учта босқичи амалга оширилди:

биринчи босқич: 2005–2009 йиллар – мактабларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим жараёнларини қамради;

иккинчи босқич: 2010–2014 йиллар – олий таълим тизими, шунингдек ўқитувчи-мураббийлар ва давлат хизматчилари учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга бағишланди;

учинчи босқич: 2015–2019 йиллар – оммавий ахборот воситалари вакилларига инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим берилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида, шу жумладан, ушбу йўналишдаги таълимни такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Инсон ҳуқуқлари соҳаси-

даги таълим Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Олий Мажлис томонидан 2019 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури қабул қилинган. Қонунчилик палатаси ва Сенат Кенгашлари томонидан 2019 йил 15 июлда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури ижроси юзасидан “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Инсон ҳуқуқларининг умумий маданиятини шакллантириш мақсадида қабул қилинган мазкур “Йўл харитаси” 24 та банддан иборат. Ушбу қўшма ҳужжат ижросини 2021 йилнинг декабрига қадар таъминлаш назарда тутилган.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси тасдиқланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг ижросини таъминлашга қаратилган “Йўл харитаси” 78 та банддан иборат бўлиб, 2020–2025 йилларда амалга оширилиши белгиланган. Миллий стратегия ижроси доирасида, жумладан, олий ўқув юртлари учун инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари жорий этиш вазифаси кўзда тутилган.

2020 йил августида БМТ шафелигида ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Самарқанд халқаро форуми муваффақиятли ўтказилди. Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида илгари сурган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш ташаббуси халқаро ҳамжамят томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Ўз навбатида, **2020–2024 йилларда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилмоқда.** Янги босқич инсон ҳуқуқлари соҳаси-

да таълим бериш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурини амалга оширишнинг янги босқичи доирасида:

биринчидан, инклюзив, тинч жамиятни яратишга имкон берадиган тенг ҳуқуқлилиқ, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва камситмаслик руҳида ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш;

иккинчидан, хотин-қизлар ва болаларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, 2030 йилгача Барқарор ривожланиш кун тартибидаги “ҳеч кимни ёддан чиқармаслик” мақсадига мувофиқ аҳолининг заиф қатламлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиш;

учинчидан, педагог кадрлар, шу жумладан, болалар ва ёшлар билан ишловчи тарбиячилар учун инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ташкил этиш;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида тегишли тадқиқотлар ўтказиш, баҳолаш, илғор тажриба ва олинган сабоқлар билан ўртоқлашиш кўзда тутилган.

Шу маънода, Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 7 июндаги Фармойишига мувофиқ, **Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия** ташкил этилгани долзарб ва тарихий аҳамиятга эгадир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида ташкил этилган Миллий комиссия аъзолари сафида Олий Мажлис Сенати, Ташқи ишлар, Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари, Ёшлар ишлари агентлиги, Омбудсман, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, ННТ ва ОАВ вакиллари, шунингдек ҳудудлардаги раҳбарлар бор.

Миллий комиссияни тузишдан кўзланган асосий мақсад – барча учун универсал бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш нормалари ва тамойиллари, инсон ҳуқуқлари ва асосий

эркинликларини ҳимоя қилишнинг халқаро кафолатлари тўғрисидаги хабардорликни, шунингдек ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширишдир.

Президент Фармойишида Миллий комиссиянинг барча вазифа ва ваколатлари аниқ белгилаб берилган. Жумладан, халқаро шартномалар нормалари ва стандартлари, БМТнинг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи тузилмалари тавсиялари ҳамда Ўзбекистон жамиятининг тарихий, миллий ва маданий қадриятларини инобатга олган ҳолда, **Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури**ни ишлаб чиқиш масаласи кун тартибига қўйилган.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ижросини таъминлашга қаратилган ҳар икки “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижроси устидан доимий мониторинг олиб борилаётгани ҳақида қисқача тўхталиш лозим, деб ўйлайман.

Хусусан, 2021 йилнинг апрель-май ойларида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташаббуси билан **олий ўқув юртларида, лицей ва техникумларда “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари” ва “Бола ҳуқуқлари”га оид ўқув курслари ва дарсликлар жорий этилганлиги ҳолати ҳамда мазкур мавзуларнинг ўқитилиш сифатини ўрганиш мақсадида мониторинг ўтказилди.**

Мониторинг Наманган, Хоразм, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида фаолият олиб бораётган муайян олий ўқув юртлари ҳамда техникум ва академик лицейларни қамраб олди. Ушбу таълим муассасаларининг 248 нафар профессор-ўқитувчиси ва 456 нафар талаба ўртасида мониторинг сўровида бир қатор муаммолар аниқланди.

Биринчидан, “Инсон ҳуқуқлари” махсус курсини олий таълим тизимида ҳуқуқшунос мутахассислар эмас, балки асосан тарихчилар ёки фалсафа ўқитувчилари ўқитиб келмоқда.

Иккинчидан, афсуски, олий ўқув юртларининг айримларида “Инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича махсус ўқув курси”-ни ўқитиш юзасидан молиявий манбалар ҳалигача белгиланмаган.

Учинчидан, мониторинг анкетасига киритилган “Аёл ҳуқуқлари” ва “Бола ҳуқуқлари” асосан қайси фанлар (курслар) доирасида ўрганилади?” деган саволга 96 нафар респондент умуман бу мавзулар ўқитилмаслигини маълум қилган.

Тўртинчидан, мониторингда иштирок этган профессор-ўқитувчиларнинг 54,8 фоизи, яъни 135 нафари мавжуд дарсликлар, мультимедиа ресурслари “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёл ҳуқуқлари” ва “Бола ҳуқуқлари” фанлари бўйича таълимни ташкил этиш учун етарли эмаслиги ҳақида фикр билдирган.

Бешинчидан, анкетанинг “Малака ошириш курсларида инсон ҳуқуқларига оид мавзулар ўқитилганми?” деган саволига 60,4 фоиз респондент бундай мавзулар ўқитилмаслигини билдирган. Яъни, бундан шундай хулосага келиш мумкинки, педагогик кадрлар малакасини ошириш институтларида ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича дарс соатлари ёки курслар ҳалигача ташкил этилмаган.

Шу нуқтаи назардан, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичида иш сифатини яхшилашимиз ва кўламини янада кенгайтиришимиз талаб этилади. Зеро, 2020–2024 йилларда давлатлар ва тегишли манфаатдор ташкилотлар ушбу Дастурнинг аввалги уч босқичини амалга оширишга қаратган саъй-ҳаракатларини янада фаоллаштиришга даъват этилаётгани бежиз эмас.

Пандемия даврида ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги резолюция – ҳамжиҳатлигимиз меваси

Ҳақиқатан ҳам, халқаро муносабатлар тизимида ҳамжиҳатлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш аввало ҳозирги пандемия замонида халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва тотувлик, мам-

лакатлараро аҳиллик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштиришга қаратилгани билан жуда муҳим ва долзарбдир. Жорий йилда, хусусан, Тошкент шаҳрида 12–13 август кунлари “Глобал ҳаракатларга ёшларни жалб қилиш” мавзuida ўтказилган Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси, шунингдек 15–16 июль кунлари ташкил этилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференция мисолида бунга қайта-қайта амин бўлдик.

Ушбу халқаро анжуманларда ўнлаб ҳамкор мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари, шунингдек, БМТ, МДХ, ШХТ, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши каби 30 га яқин халқаро ва минтақавий халқаро ташкилот раҳбарлари, жаҳоннинг етакчи молия институтлари, нуфузли хорижий илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари экспертлари фаол иштирок этди. Ҳар икки анжуман бутун Евроосиё маконида доимий ва барқарор ривожланишга эришиш йўлида қўйилган ғоят муҳим қадам бўлди.

Яқинда, яъни 2021 йил 8 октябрь куни Женева шаҳрида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 48-сессияси доирасида Ўзбекистон ташаббуси асосида Ёшларнинг инсон ҳуқуқларига COVID-19 пандемияси таъсирининг оқибатлари тўғрисидаги резолюция қабул қилингани ҳам, албатта, муайян маънода ана шундай халқаро форумларнинг самараси билан бевосита боғлиқдир.

Резолюцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббусини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 22 февраль куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида илгари сурган. Давлатимиз раҳбари ўша нутқида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмларини мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Зеро, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг кечаги сессиясида Ўзбекистон киритган Резолюция матни БМТ Кенгаши-

га аъзо барча, яъни 47 та давлат томонидан бир овоздан қўлаб-қувватланди. Шунингдек, Ўзбекистон илгари сурган халқаро ҳужжат лойиҳасига дунёнинг 37 мамлакати ҳаммуаллифлик қилди.

Бу, бир томондан, давлатимиз раҳбари халқаро ҳамжамият эътиборини қаратган мазкур умуминсоний муаммо нечоғлик долзарблигини яна бир бор яққол намоён этмоқда. Иккинчи томондан, бу – Ўзбекистон Президентининг халқаро ташаббуслари ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар дастурини жаҳон жамоатчилиги кенг қўлаб-қувватлаётганининг ёрқин далолати ҳамдир.

Конституциявий ислохот – давр талаби

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, “Барча номзодларнинг сайловолди учрашувларида электорат вакиллари томонидан бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, ислохотларимиз мантиғи талаб этаётган яна бир муҳим таклиф илгари сурилди. У ҳам бўлса, мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга оширишдан иборат. Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислохотлар амалга оширилганини кўрамиз. Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий Қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак”¹.

Ҳақиқатан ҳам, 2021 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг тарғибот-ташвиқот жараёнлари доирасида

¹ Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4743>

фуқароларимиз, кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар томонидан сиёсий-ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, шунингдек суд ва қонун устуворлиги масалалари бўйича чуқур ва тизимли ислоҳотларни янада жадаллаштириш бўйича аниқ таклифлар берилди. Ушбу таклифларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, жамият ва давлатни ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ҳамда мулкдорни ҳимоя қилиш, келажак авлод учун табиат ресурсларини муҳофаза қилиш каби масалаларни ислоҳотларнинг янги босқичида юксак даражага кўтариш учун уларнинг конституциявий асосларини ҳам такомиллаштириш зарур.

Сайловчилар томонидан берилган таклифлар Конституциямизга бир қатор янги норма ва институтларни киритишни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, бундан салкам 30 йил олдин қабул қилинган Асосий Қонунимизни жамиятимиз ривожланишига мослаштиришни, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустақам конституциявий-ҳуқуқий пойдевор яратишни тақозо этади.

Жаҳон ҳамжамияти ўз тараққиётида кескин бурилиш даврини бошдан кечирмоқда. Инсоният иқтисодий ва инновацион ўсиш, инсон ва жамият ҳаёт сифатини яхшилаш учун улкан янги имкониятлар яратадиган технологик даврга қадам қўймоқда.

Халқаро муносабатлар тизимида коронавирус пандемияси ва жаҳон иқтисодиёти бошидан кечираётган чуқур инқироз оқибатида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Ахборот технологияларининг жамият ва давлатнинг барча соҳаларига кириб бориши ижтимоий меҳнат тузилмасининг тубдан ўзгаришига олиб келмоқда.

Фан, таълим, янги мутахассисликлар бўйича мутлақо янги йўналишлар пайдо бўлмоқда. Замонамизнинг бу ва бошқа қатор вазифалари бутун давлат бошқарув тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишни, яъни “Янги шахс – Янги фуқаролик жамияти – Янги демократик бошқарув тизими”-

га ўтишни талаб қилмоқда. Бу эса муқаррар равишда тизимли **конституциявий ислоҳот зарурлигини** кун тартибига долзарб ва устувор вазифа қилиб қўймоқда.

Янги Ўзбекистон сари амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади **“Инсон кадри учун”** ҳамда **“Давлат – инсон учун”** тамойилларини реал ҳаётимизга татбиқ этишдир. Бу масалада қонунчиликка киритилаётган янгиликлар, ўзгартириш ва қўшимчалар демократик жараёнларнинг мустаҳкам ҳуқуқий базасини яратмоқда.

Шу билан бирга, барчамиз учун Асосий қонун бўлмиш Конституциямизга сўнгги 5 йил ичида Ҳаракатлар стратегияси доирасида 9 маротаба, яъни 21 та моддага 32 та ўзгартириш кириштишга тўғри келди.

Конституциямиз қабул қилинганидан буён эса унинг учдан бир қисмига, янада аниқ қилиб айтганда, жами 128 та модданинг 37 тасига 79 та ўзгартириш киритилган. Энг кўп ўзгаришлар Олий Мажлис, Президент ва Ҳукумат ваколатларига оид моддаларига тааллуқлидир.

Ҳуқуқий давлатда Конституция билан жамоатчилик ривожланишида узилиш бўлмаслиги керак. Бу умумэътироф этилган қоида ҳисобланади. Дунё мамлакатлари ривожланиши ҳам шуни кўрсатадики, албатта, конституциявий қонунчилик изчил ва муттасил такомиллашиб бориши одатий жараёндир.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги янги босқичида юртимизда амалга оширилаётган янгиланишлар самарадорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан шиддатли ислоҳотларимизнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш билан узвий боғлиқдир. Бу ўринда, биринчи навбатда, давлат бошқаруви соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ҳақида сўз бормоқда.

Гап шундаки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг олтига бўлимидан тўрттаси – “Асосий принциплар” номи Биринчи бўлим, “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқла-

ри, эркинликлари ва бурчлари” номли Иккинчи бўлим, “Маъмурий-худудий ва давлат тузилиши” номли Тўртинчи бўлим ҳамда “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши” номли Бешинчи бўлим бевосита ва билвосита давлатга тегишли ҳуқуқларга бағишланган. Бош Қомусимизнинг фақат битта бўлими, яъни “Жамият ва шахс” номли Учинчи бўлимидагина айнан жамиятга тааллуқли ҳуқуқлар мустаҳкамланган.

Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шу вақтга қадар давлат Конституцияси бўлиб келди. Биз энди “шахс ва жамият” Конституциясини яратишимиз керак бўлади.

Янги Ўзбекистонда мутлақо янги миллий ҳуқуқий тизим шаклланаётган, **“инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, кадрлари – энг муҳим кадрлар”** сифатида эътироф этилаётган тарихий даврда Ватанимизга бугунги кунга мос равишда янги **Асосий қонунимизни ишлаб чиқиш** вақти келди. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

БИРИНЧИДАН. Миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётимизда **“шахс – жамият – давлат” тамойилини** мустаҳкамлаш керак. Истиқлолнинг ўтган йиллари давомида амал қилиб келган **“давлат – жамият – инсон”** тамойили Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида **“шахс – жамият – давлат”** тамойилига ўзгартирилмоқда.

Халқ билан бевосита мулоқот қилиш, юртдошларимизнинг дарду ташвишлари, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича мутлақо янги демократик тизим – Халқ қабулхоналари ўтган беш йилдан буён самарали фаолият юритиб келмоқда ва ўзини оқлади. Барча давлат органларининг **“халқ дардига қулоқ солиш”**, муаммоларни жойида ҳал этиш ва халқни рози қилиш бўйича изчил амалий ишлари ҳам ўз ижобий натижаларини бермоқда.

“Халқ қабулхоналари”га конституциявий мақом бериш тўғрисидаги таклифлар кенг жамоатчилигимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда. Президент вазифаларини амалга

оширишнинг конституциявий механизмларини яратиш учун жамият ва давлатни ривожлантириш стратегиясининг самарали бажарилиши устидан назоратни таъминлаш, мутлақо янги-ча моҳиятга эга “шахс – жамият – давлат” тамойили асосида Халқ қабулхоналари институтининг ваколатлари ва масъулиятини янада кенгайтириш зарур.

ИККИНЧИДАН. Янги Ўзбекистонда “**инсон манфаатлари – иқтисодий ислохотларнинг бош мезони**” шиори ҳам Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган асосий мақсадларимиздан бири – **халқпарвар давлат** барпо этишнинг энг муҳим шартидир.

Хусусий мулкни ҳурмат қилиш, эркин бозор иқтисодиёти қоидаларига қатъий амал қилиш тамойиллари асосида ерга эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам жорий этилмоқда. Ривожланган давлатлардаги каби юртимизда ҳам ерга хусусий мулк сифатида эгалик қилиш имкониятлари очилмоқда. Бу эса, илгари фақат давлат ерга эгалик қилган эскирган конституциявий қоида ўз аҳамиятини йўқотаётганини англатади.

Хусусий мулкнинг дахлсизлиги конституциявий асосда кафолатланиши, айниқса, ерга эгалик қилиш ҳуқуқининг Конституцияда мустаҳкамланиши иқтисодий ислохотларни амалга оширишни янги инқилобий босқичга олиб чиқади.

УЧИНЧИДАН. “**Жамият – ислохотлар ташаббускори**” ғояси доирасида Асосий Қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий даражага кўтариш зарур.

Оммавий ахборот воситалари – бугун халқ овозига айланиб, том маънода тўртинчи ҳокимият мақоми сари юксалмоқда. Бу соҳада балки ҳали энг баланд чўққиларга етганимиз йўқдир, лекин қатъий интилиш ва олға силжишларни инкор қилиш ҳам мумкин эмас. Бугунги кунда **Янги Ўзбекистонда сўз эркинлиги – инсон тараққиётининг ажралмас ва муҳим омилидир.**

Сўнги 5 йилда амалга оширилган демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш жараёнида жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида жуда кўп ишлар қилинди.

Янги Ўзбекистонни кучли ва адолатли фуқаролик жамияти маконига айлантириш ғояси асосида фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш вазифалари ҳам истиқболли мақсадлар сари олдинга чорлайди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ва ролини ошириш керак. Шу муносабат билан давлат, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга кўмаклашадиган **Жамоатчилик палатасига** конституциявий орган мақомини бериш таклиф этилади.

Бу, ўз навбатида, Жамоатчилик палатаси зиммасига юклатилган энг муҳим вазифалардан бири – Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлис палаталарига ва Ҳукуматга қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тақдим этишдек масъулиятли ишни тўлақонли амалга ошириш имконини беради.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида маҳалла институтининг ўрни беқиёс бўлиб, ушбу тизим жамиятнинг энг долзарб масалалари ечимида фаол иштирок этиб келмоқда. Айни пайтда бу ноёб тузилма ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини изчил кучайтириш, бошқарув функцияларининг аксариятини халқнинг ўзига, фуқаролик жамияти институтларига бериш жараёнларида фаол иштирок этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, **маҳалланинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатларини конституциявий даражада мустаҳкамлаш зарур**. Бу билан тарихан ташкил топган миллий демократик институтни Янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган ис-

лохотлар жараёнида янада фаол иштирок этишга жалб этиш имконияти тубдан ортади.

ТЎРТИНЧИДАН. Оилаларни, миллатлараро тотувлик ва бой миллий маданий меросимизни ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда соғлом, фарзандлари комиллик сари интиладиган оилалар жамиятимиз ҳаётида ғоят муҳим ўрин тутати. Чунки айрим давлатларда, бир томондан, оила институтига катта путур етатган бўлса, иккинчи томондан, оила тушунчасига нисбатан қўлланаётган турли ёндашувларга нисбатан эътирозлар бор.

Ўзбекистондаги бағрикенглик сиёсати туфайли ҳозирги кунда юртимизда ягона оила бўлиб яшаётган миллат ва элат вакилларига ўз она тили, урф-одат ва қадриятларини ривожлантиришлари учун барча шароитлар муҳайё. Юртимизда миллатлараро тотувлик муҳити яратилган бўлиб, бошқа миллатларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Барча миллатлар вакиллари ўзига хос маданияти, тили, урф-одат ва анъаналарини, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириб, юртимиз фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Лекин, дунёнинг турли минтақаларида миллатлараро кескинлик кучайиб бораётгани, хусусан, қўшни ҳудудлардаги жиддий ва ташвишли воқеалар айни соҳа ривожига бефарқ қараб бўлмаслигини кўрсатмоқда.

Янги Ўзбекистонда бизнинг энг катта бойлигимиз – халқимизнинг улкан маданий мероси, интеллектуал салоҳиятидир. Бугунги кунда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси ва Номоддий маданий мероси рўйхати-га Ўзбекистондаги қадимий ва тарихий объектларни киритиш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Асосий Қонунимизда **анъанавий оила институтини ривожлантириш, бой тарихий ва маданий меросимизни**

келгуси авлодлар учун муносиб сақлаб қолиш, қолаверса, юртимиздаги миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш вазифалари конституциявий-ҳукукий нормалар сифатида белгиланиши зарур.

БЕШИНЧИДАН. Ёшлар сиёсати – мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишидир. Бугунги жадал ислохотларда, бутун халкимиз қатори **ёшларимиз – Янги Ўзбекистон бунёдкорларидир!**

Мамлакатимиз ёшлари мустақил ва эркин фикрлаши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, муносиб меҳнат қилиши ҳамда етук мутахассис бўлиб етишиши учун барча шароитлар яратилмоқда.

Шу билан бирга, Конституцияда ёшлар ҳуқуқлари ва ёшлар сиёсати ҳақида бирорта норма тугул, битта сўз ҳам йўқ. **Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституциясида ёшларнинг ҳуқуқлари алоҳида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Ёшларнинг салоҳиятини қўлаб-қувватлашга йўналтирилган, мувофиқлаштирилган ёшлар сиёсати** масаласи конституциявий мақомга эга бўлиши шарт.

ОЛТИНЧИДАН. Янги Ўзбекистон – ижтимоий макон, унда инсон қадри бирламчидир. Шу эзгу ғоя асосида ўтган 5 йиллик даврда юртдошларимизнинг иш ҳаки, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалари сезиларли миқдорларда ўсмоқда.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашнинг ноёб тизими яратилди. Ижтимоий ҳимояга ва моддий ёрдамга муҳтож фуқароларимизга, айниқса, пандемия даврида кўмак бериш борасида давлатнинг ижтимоий масъулияти яна бир бор яққол намоён бўлди.

Бугун юртимиз наинки ижтимоий, айти чоғда, адолатли жамият сари илдам қадам ташламоқда. Шундай экан, **“Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат”** тамойилига доир муҳим нормалар Конституциямизда мустаҳкамланиши зарур.

ЕТТИНЧИДАН. Сўнги йилларда Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масаласи энг устувор йўналишга айланди. Буни қабул қилинаётган қонунлар, суд мустақиллигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Энг асосийси, мамлакатимизда **болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат бартараф этилди.** Халқаро ва миллий ҳамкорлар билан пахта йиғим-терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик юзасидан **Миллий мониторинг тизими** яратилди. Бу натижаларимизнинг барчасини жаҳон ҳамжамияти кузатиб бормоқда ва тан олмоқда. Жумладан, жорий **Болалар меҳнатига барҳам бериш Бутунжаҳон йилида** ҳам доимий ҳамкорларимиз, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти айна соҳадаги ютуқларимизни алоҳида эътироф этмоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш – конституциявий ислоҳотларнинг ажралмас қисмидир. Дунёдаги бир қатор мамлакатлар конституциялари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий шартномалар нормаларини ўз ичига олганини кузатиш мумкин.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини мустаҳкамлаш мақсадида **Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституциясида болалар меҳнатига барҳам бериш, ногиронлар, кекса авлод вакиллари**нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини мустаҳкамлаб қўйиш лозим. Шунингдек, **унда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг** мақоми ва ваколатлари тўғрисидаги қоидалар (парламент омбудсмани, болалар омбудсмани, Бизнес-омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази) ўз аксини топиши керак.

САККИЗИНЧИДАН. Бундан ярим аср илгари Орол денгизи дунё миқёсида тўртинчи ёпиқ, аммо мавжуд денгиз эди. Бир авлод ҳаёти давомида унинг қуриши оқибатида нафақат ба-

лиқлар, балки ҳайвонот ва ўсимликлар оламининг қўлаб ноёб турлари ҳам бой берилди.

Эндиликда Орол денгизининг қуриган майдонидан 100 миллион тоннагача туз ва чанг кўтарилмоқда. Энг ёмони, тарқалаётган туз ва чанг аҳоли саломатлиги, минтақа табиати ва иқтисодиётига мислсиз зарар етказмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг юқори минбарларидан дунё ҳамжамиятини Орол денгизи қуриши натижасида келиб чиқадиган оқибатларни бартараф этиш учун халқаро саъй-ҳаракатларни фаол тарзда бирлаштиришга чақириб келмоқда. Натижада БМТнинг Инсон ҳавфсизлиги бўйича қўшериқлик Траст фонди фаолият юрита бошлади. Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция қабул қилинди.

Бугунги глобал иқлим ўзгаришлари жараёнида аксарият ривожланган давлатлар ўзларининг Конституцияларига экологияга оид махсус боблар киритмоқда. Бинобарин, **Янги Ўзбекистон Конституциясида ҳам экологик ҳуқуқлар ҳамда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масалалари устувор аҳамият касб этадиган фурсат етди.**

ТЎККИЗИНЧИДАН. Янги Ўзбекистон пойдеворини яратишда илм-фан, маънавий ва маданий фаолият, таълим-тарбия соҳаларини кенг ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш асосий мақсадларимиздан биридир. Юртимизни ривожланган давлатлар қатори илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар асосида модернизация қилиш ва янгилаш муҳим вазифага айлангани айтиш мумкин.

Бугун ҳеч бир соҳада илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни амалиётда қўлламасдан туриб тараққиётга эришиб бўлмайди. Бу соҳадаги ислохотлар дастури кенг ва замонавий билимга эга кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш каби долзарб вазифаларни олдимизга қўймоқда.

Бинобарин, **Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси бўлмиш боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фанни ривожлантириш масалаларини ҳам конституциявий даражада мустаҳкамлаш вақти келди.**

ЎНИНЧИДАН. Келажак авлодлар учун ғамхўрлик дунёнинг барча маданиятларида кенг тарқалган. Бу умуминсоний қадрият саналади. Бу муҳим қадрият Германия, Кения, Норвегия, Эквадор, Жанубий Африка ва бошқа мамлакатлар конституцияларида ҳамда халқаро шартномаларда асосий норма сифатида мустаҳкамланган. Зеро, дунё халқларининг кундалик ҳаётида диний эътиқод, урф-одат ва маданият таъмоили сифатида намоён бўладиган ушбу қадрият иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Бутун дунёда инсонлар ўз фарзандлари ва набиралари олдида қонуний бўлмаса, ҳеч бўлмаганда, маънавий жиҳатдан масъулиятли эканига шубҳа қиладиганлар камдир. Бу масъулият халқимиз сиёсий тафаккурида ҳам намоён эканини ҳисобга олиб, мамлакатимиз **Конституциясига “Келажак авлод” деган алоҳида боб** киритиш зарур, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”.

Айни чоғда, **Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун бизга Янги Конституция зарур.**

Амалдаги Конституциямизни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда бевосита қатнашган инсон сифатида қўлимни кўксимга қўйиб, комил ишонч билан айта оламанки, биз бундан қарийб

30 йил олдин ўз даври учун энг пешқадам ва замонавий Конституцияга эга бўлди. Демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яратишдек буюк тарихий жараёнда иштироким борлигидан сўзсиз фахрланаман.

Шу билан бирга, биз ўша даврда, айтайлик, Американинг Конституциясидек ҳар томонлама етук ва барқарор Конституция ёза олмаганимизни, аччиқ бўлса ҳам, очиқ айтаман. Чунки юз йилдан ортиқ муддат мустабид салтанатнинг мустамлакаси бўлган юрт фарзандлари ўшанда бирданига ҳар томонлама қойилмақом даражадаги Конституция яратишга укув ва тажрибамиз, тушунча ва кўникмамиз, билим ва салоҳиятимиз маълум маънода етарли бўлмаганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Қолаверса, Конституция – догма, яъни қотиб қолган, янгилаш мумкин бўлмаган қоида эмас. Франциялик атоқли давлат ва жамоат арбоби Шарль де Голль эса бундай деган: **“Солон айтганидек, Конституция бир халққа муайян бир пайтда яхши. Уни мумиёлаштирмаслик лозим”.**

Бу фикрлар кун кеча Ўзбекистонда бўлиб ўтган Президент сайлови арафасида деярли ҳар бир номзод тилга олган, барча сиёсий партиялар фаоллари эътибор қаратган, халқимизнинг ҳаёлидан кечиб турган фикр-мулоҳазаларга жуда яқин.

Таҳлилларга қараганда, 1789 йилдан ҳозирги кунга қадар дунёда 3 минг 500 тадан ортиқ конституция қабул қилинган бўлиб, аксарият демократик конституциялар ҳатто «балогат ёши»га ҳам етиб келмагани кузатилади. Бу конституцияларнинг ўртача умри атиги 17 йилни ташкил қилган.

Ушбу кўрсаткич, яъни демократик конституциялар умрининг ўртача давомийлиги Биринчи жаҳон урушигача 21 йил бўлган. Кейинги даврда эса 12 йилга тушиб кетган.

Шу маънода, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қарийб 30 йилдан буён яшаётгани, дунё қаричи билан ўлчаганда, оз муддат эмас. Энг муҳими, ушбу Конституция

халқимизга ларзаларсиз бир ижтимоий-сиёсий тизимдан бошқа тизимга ўтишга ёрдам берди.

Эндиликда Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишдек ўта масъулиятли ва тарихий вазифани нафақат ана шу ўттиз йиллик бой миллий амалиётдан келиб чиқиб, балки илғор халқаро ва хорижий тажрибага ҳам таяниб амалга оширишимиз керак бўлади. Энг муҳими, Янги Ўзбекистонни бунёд этиш асносида конституциявий ислохотни амалга оширишдан кўзланаётган мақсад – Ватанимиз тараққиёти, халқимиз бахти ва фаровонлигига эришишдир.

Замонавий конституционализм: миллий ва хорижий тажриба

Маълумки, жорий йил октябрь ойида бўлиб ўтган **Ўзбекистон Президенти сайловида барча номзодларнинг сайловолди учрашувларида электорат вакиллари томонидан мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга ошириш таклифи илгари сурилган эди.** Шу муносабат билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллий ва жаҳон конституциявий тажрибасини чуқур ва пухта ўрганиш лозимлигини таъкидлаганди: **“Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислохотлар амалга оширилганини кўрамиз. Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий Қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак”.**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Конституциямиз мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустақам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди. Бир пайтнинг

ўзида у яшаётган давримиз, халқимиз ва ҳаётнинг ўзи, ислохотлар талаби ва эҳтиёжидан келиб чиқиб такомиллаштириб борилади. Зеро, ҳар қандай демократик ислохотлар мустақкам конституциявий-ҳуқуқий асосга эга бўлсагина бардавом ва самарали бўлади.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида Конституциямизнинг 21 та моддасига 9 мартаба, 32 та ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов давридаги электорат таклифларини умумлаштириб, Президентимиз мамлакатимиз Конституциясининг 29 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригида Асосий Қонунимизни янада такомиллаштиришнинг 9 та йўналишини белгилаб берди.

Конституция ва Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Аввало, таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда **Янги Ўзбекистонни барпо этиш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган** ўзаро боғлиқ ва моҳиятан бир-бирини тақозо этувчи туб демократик сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат ва конституциявий тизим, жамиятда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда ўта муҳим ўзгаришлар кузатилмоқда.

Шу билан бирга, глобаллашув, рақамлаштириш, иқлим ўзгариши ва жадал ўзгариб бораётган ҳаёт мамлакатимизни янада модернизация қилиш, тинчлик, барқарорлик ва миллий мустақилликни мустақкамлаш борасида янги ва янги ечимини кечиктириб бўлмайдиган, ўта долзарб вазифаларни қўймоқда.

Шу боис ҳам **Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида** ўта аҳамиятли ва жиддий вазифалар белгиланган. **Мамлакатни модернизация қилишнинг етти йўналиши бўйича 50 дан ортиқ кодекслар, қонунлар, стратегиялар, концепция ва дастурларни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган, 100 дан ортиқ бошқа ташаббуслар илгари сурилган.** Стратегия қонунчилик, ҳуқуқни англаш, ҳуқуқий тафаккур

ва ҳуқуқни қўллаш тизимини, жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини умуминсоний қадриятлар ҳамда барқарор ривожланиш тамойилларига йўналтиради.

Жаҳон конституциявий жараёни: ХХІ аср тажрибаси. Жаҳон амалиёти ислоҳотларни изчил амалга оширишда айнан жамият ва давлатни модернизация қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатмоқда.

Бугун дунёда бирор-бир Конституция илк бор қабул қилинган таҳририда сақланиб қолмаган. Биргина **ХХІ асрда дунёнинг 90 га яқин давлатида конституциявий ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилди, 57 тасида янги Конституция қабул қилинди.** Бу борада Конституцияга энг кўп ўзгартириш ва қўшимчалар киритган ўнта давлатлар сирасига Мексика, Янги Зеландия, Бразилия, Швейцария, Австрия, Исроил, Чили, Колумбия, Грузия ва Ҳиндистон киради.

Бунда турли мамлакатлардаги конституциявий ўзгаришлар асосан ташқи ва ички таҳдид ҳамда хатарларни инобатга олиб, уларга жавоб беришга қаратилганлиги билан ўзаро ўхшашлигини таъкидлаш жоиз. Замонавий конституциялар бундан юз йил олдин унчалик кўзга ташланмаган янгидан-янги — атроф-муҳит, гендер тенглиги, инсон, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар, келажак авлод ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалаларни қамраб олган. Уларда, шунингдек, ахборотлашган жамиятни шакллантириш, шахсий рақамли маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, илмий-технологик ва инновацион ривожланиш, тўғридан-тўғри электрон демократия ва халқ қонунчилиқ ташаббуси элементларини жорий этиш каби бошқа замонавий масалалар ҳам ўрин олган.

Конституциявий ислоҳот: мазмуни ва йўналишлари. Конституциявий ислоҳот бугунги ва истиқболдаги муваффақиятли ва барқарор тараққиётнинг зарурий ҳуқуқий шарти

ва асосидир. Хусусан, у “самарали ва яхши бошқарув” тизимини жорий этишнинг муҳим воситаси сифатида ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимини мустаҳкамлаш, ҳисобдорлик, очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни оширишга ёрдам берувчи конституциявий “қоидалар”ни ўрнатади. Бошқарув сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган ушбу ўзгаришлар сиёсий тизим барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётни ривожлантиришга фойда келтириб, натижада сармоя киритиш ва тараққиётни таъминлаш учун қулай ва барқарор муҳит яратади.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг ҳаётга тизимли ва изчил татбиқ этилиши демократик ислохотларни янги сифат босқичига олиб чиқмоқда. Бу, биринчи ўринда, **“Инсон қадри учун”** деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқаришни назарда тутати. Қайд этиш лозимки, **“инсон қадри”** — фуқароларнинг тинч ва хавфсиз ҳаётини, асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, босқичма-босқич муносиб турмуш шароитини таъминлаш ва замонавий инфратузилмани яратиш, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя ва соғлом экологик муҳитни яратиш демакдир.

Бунга, энг аввало, **“Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат”** ғояси ва **“инсон — жамият — давлат”** тамойилини ҳаётга фаол татбиқ этиш, Президент, парламент ва ҳукумат ўртасида ваколатларни аниқ тақсимлаш, ҳокимиятлар бўлиниши тизимида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни мустаҳкамлаш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, замонавий халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиш орқали эришилади.

Фуқаролик жамияти институтлари, парламентаризм, кўп-партиявийлик тизимини шакллантириш ва ривожлантириш ҳақиқий демократия тимсоли ҳисобланади. Тараққиёт страте-

гиясида жойлардаги муаммоларни ҳал этишда маҳаллий бошқарув ҳокимияти органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш, давлат функцияларининг аксарият қисмини марказдан ҳудудларга ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Хусусан, ҳудудларни ривожлантиришда маҳаллий Кенгашларнинг ролини ошириш, фуқаролик институтларининг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратишга эътибор қаратилади. Биргина **2021 йилнинг ўзида маҳаллий Кенгашлар томонидан фуқароларнинг 29 мингдан ортиқ муаммолари ижобий ҳал этилганлигини инобатга оладиган бўлсак**, улар фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш “Халқпарвар давлат” ғоясини янада кенг ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади.

Ўзини ўзи бошқариш институти ҳар қандай конституциявий тузум ва фуқаролик жамиятининг асосий устунларидан бири бўлса, оила жамиятнинг энг муҳим бўғинидир. Шу маънода, ушбу институтларнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш инсон, жамият ва давлат, маънавий-ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, фуқаролар фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий давлатнинг Конституциявий концепцияси. Тараққиёт стратегиясида “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” **принципини ҳаётга татбиқ этиш бўйича конституциявий нормани мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.**

Бунда жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, “**ижтимоий давлат**” тушунчаси фақатгина “**ижтимоий таъминот**” билан чекланиб қолмайди, балки ижтимоий фарқлар (мулкий тенгсизлик, жамоавий, умумий неъматлардан фойдаланиш — таълим, соғлиқни сақлаш) ва низоларни (меҳнат ва капитал ўртасидаги ва бошқалар) минималлаштиришни ўз ичига олган кенгроқ талқинни талаб қилади.

Давлат — ижтимоий муносабатларнинг субъекти бўлган инсон муаммосини ҳал этиш масалалари устувор вазифага айланган, ижтимоий муаммолар ечимини топишда жамиятнинг барча сиёсий ва иқтисодий тизими иштирок этиши учун зарур шароитлар яратилган, шахснинг ижтимоий эҳтиёжларини ҳимоя қилиш учун норматив-ҳуқуқий база яратилган ва амалда фаолият кўрсатган тақдирдагина ижтимоий давлатга айланади. Шубҳасиз, давлат ўз фуқароларига ғамхўрлик қилиши шарт. Зеро, ижтимоий давлатнинг мазмун-моҳияти ҳам айнан шундан иборат.

Кучли ижтимоий сиёсатни олиб бориш ижтимоий муносабатлар тизимини тартибга солувчи ҳокимият институти бўлиши давлатнинг табиатига хосдир. Бу моҳиятан давлатнинг ўз фуқароларига ижтимоий ғамхўрлигини назарда тутди. Бу вазифа масъулият ва мажбуриятга айланса, давлат ижтимоийлашади.

Ижтимоий давлат — бу бозор иқтисодиёти, турли пандемия ва эпидемиялар шароитида ўз фуқароларига маълум бир минимал фаровонликни кафолатлайдиган давлат. Бу — жамият тузилмасини ташкил этишнинг муайян бир шакли бўлиб, унда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар юқори даражада ривожланган бўлиб, унинг мақсади инсоннинг шахс сифатида имкониятларини тўла рўёбга чиқариш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш. Яъни **давлат ўз фуқароларига, жумладан, пандемия шароитида ҳам ижтимоий кафолатлар тақдим этиши учун жавобгарлигини англатади.**

Халқаро сиёсий ва ҳуқуқий қарашларда ижтимоий давлат ғояси ўз ифодасини икки асосий тушунчада акс этади — “**умумфаровонлик ва хуррамликни таъминловчи давлат**” (Буюк Британия) ва “**ижтимоий ҳуқуқий давлат**” (1949 йилда Германиянинг Асосий қонунида мустаҳкамланган). Кейинчалик ушбу ғоя 1958 йилда Франция Конституциясининг 1-мод-

дасида ҳам мустаҳкамланган бўлиб, унда “Франция ажралмас, дунёвий, демократик ва ижтимоий Республикадир...”, деб таъкидланган. Ҳозирда **“Ижтимоий давлат”** атамаси Европа, Осиё, Африка, Лотин Америкаси давлатларининг кўплаб конституцияларида мавжуд. Бироқ, уларнинг аксариятида фақат “ижтимоий давлат” атамаси мавжуд бўлиб, унинг мазмун-мақсадлари тўлиқ ёритилмаган.

Асосий қонунларида фақат “ижтимоий давлат” ибораси мавжуд бўлган кўплаб мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Россия Конституциясида унинг мазмуни қуйидагича белгиланган: **“Россия Федерацияси — сиёсатининг мақсади инсоннинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий давлатдир”**. Бир томондан, бундай таъриф сиёсий мақсад сифатида берилган бўлса, иккинчи томондан, унда ижтимоий давлатнинг устувор асослари: **инсоннинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланиши кўрсатиб ўтилган**.

Конституция ва хусусий мулкчилик. Хорижий мамлакатларнинг конституциявий ислохотларида **“бирдамлик” таъминлини ҳаётга кенг татбиқ этиш, ҳуқуқий, ижтимоий давлат қуриш, адолатли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, инсон капиталини ривожлантириш орқали жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда**.

Таъкидлаш жоизки, **адолатли фуқаролик жамияти** — бу эркин шахслар жамияти бўлиб, бунда кучли ўрта мулкдорлар синфи мавжуд ҳамда инсоннинг ҳар томонлама камол топиши, фуқароларни эркин, жамиятнинг маданий, ижтимоий фаол ва қонун олдида масъулиятли аъзолари этиб тарбиялаш учун зарур моддий ва бошқа шарт-шароитлар яратилган. Шу маънода, **конституциявий ислохотларда қуйидаги устувор масалаларга эътибор қаратилмоқда:**

биринчидан, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва инсоннинг иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашнинг энг муҳим ва зарур шарти сифатида **хусусий мулкнинг (жумладан, ер ва фойдали қазилмаларга нисбатан) дахлсизлиги ва ҳимояси таъминланиши амалга ошириш**. Хусусий мулк дахлсизлиги устуворлигидан келиб чикиб, давлат идоралари ахборотига ишониб мулкка эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини бузишга йўл қўймайдиган конституциявий-ҳуқуқий базани яратишга алоҳида эътибор қаратилади;

иккинчидан, суд фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини тиклаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш тарафдори бўладиган, ижро ҳокимияти органларини қонун доирасида ҳаракат қилишга мажбур қиладиган, жамият тараққиётига, биринчи навбатда, унинг иқтисодий равнақида хизмат қиладиган тизимни яратиш. Бундай тизим инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. **Биргина 2021 йилнинг ўзида Ўзбекистонда 6,5 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди;**

учинчидан, аксарият давлатлар конституцияларида хусусий мулк ҳуқуқи инсоннинг конституциявий ҳуқуқларидан бири сифатида эътироф этилган. Хусусий мулк ҳуқуқининг Конституция даражасида мустақамланиши шу билан изоҳланадики, у нафақат шахс ва унинг оиласи ҳаётининг моддий фаровонлиги ва барқарорлиги манбаи сифатида муҳим аҳамиятга эга, балки фуқаронинг бошқа кўплаб конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини: қадр-қиммати (муносиб турмуш даражаси), эркин тадбиркорлик фаолияти, уй-жой, соғлиқни сақлаш, таълим, маданиятни ривожлантириш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини амалга оширишга ҳам хизмат қилади. Бунда хусусий мулк ҳуқуқининг алоҳида аҳамиятини инобатга олиб, замонавий конституцияларда ушбу ҳуқуқнинг ўзини белгилаш билан бир қаторда, кўпинча, хусусий мулк ҳуқуқининг

механизмлари, яъни объектлари, субъектлари, ҳуқуқни амалга ошириш чегаралари ва имкониятлари, унинг чекловлари, кафолатлари ва ҳимоя қилиш усуллари ҳам кўрсатилади;

тўртинчидан, турли мамлакатлар конституцияларида нафақат хусусий мулкнинг субъектив ҳуқуқи, балки объектив ҳуқуқ институти сифатидаги хусусий мулкнинг энг муҳим белгилари, энг аввало, унинг бошқа мулк шакллари билан муносабатлари, хусусий мулкнинг ижтимоий хусусияти белгилаб қўйилган. Хусусий мулкнинг конституциявий институционализацияси унинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фавқуллодда омил эканлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Хусусан, у конституциявий қадриятлар бўлмиш бир томондан ҳуқуқий ва демократик давлат, бошқа томондан эса ижтимоий давлат тушунчалари орасидаги мутаносибликни ўрнатишда улкан аҳамиятга эга.

Хусусий мулк ҳуқуқини ривожлантириш ва уни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг энг муҳим замонавий тенденциялари қуйидагилардан иборат:

хусусий мулкнинг ижтимоий функциясини кучайтириш;

хусусий мулкнинг конституциявий ва ҳуқуқий кафолатларининг заифлашуви;

якка тартибдаги хусусий мулкнинг заифлашуви ҳамда жамият ва давлат ҳокимиятига катта таъсир кўрсатувчи корпоратив хусусий мулкнинг ўсиши;

конституциявий хусусий мулк ҳуқуқи объектлари доирасини кенгайтириш, жумладан, ахборотни хусусий мулк ҳуқуқи объекти сифатида конституциявий даражада мустаҳкамлаш;

хусусий мулкни конституциявий ва ҳуқуқий тартибга солишнинг интеграцияси ва дифференциациясининг уйғунлигини таъминлаш.

Тарихда хусусий мулк кафолатларини белгилаб берган конституциявий аҳамиятга эга бўлган биринчи ҳужжат Франциянинг 1789 йилдаги Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва

эркинликлари декларацияси бўлиб, унда хусусий мулк инсоннинг табиий ва ажралмас, муқаддас ва дахлсиз ҳуқуқи сифатида кўрсатилган. Декларациядаги мулк масалалари “инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари” бўлимида акс эттирилган ва унинг 2-бандида шундай дейилган: “Ҳар қандай сиёсий бирлашманинг мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлашдир. Бу ҳуқуқлар эркинлик, мулк, хавфсизлик ва зулмга қаршилик кўрсатишни ўз ичига олади”.

Хусусий мулк, унга бўлган ҳуқуқ эркинлик ва хавфсизлик билан бир қаторда энг олий қадрият сифатида эътироф этилади ҳамда улар инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бундан ташқари, Декларациянинг 17-моддасида: **“Мулк дахлсиз ва муқаддас ҳуқуқ бўлганлиги сабабли, ҳеч ким ундан қонунда белгиланган ижтимоий заруратдан, адолатли ва олдиндан товуни ундирилиши шарт бўлган ҳоллардан ташқари, махрум этилиши мумкин эмас”.**

Ушбу Декларация 1946 ва 1958 йиллардаги Франция конституцияларининг Преамбуласига киритилган. Бироқ, Францияда хусусий мулк ўзига хос икки томонлама маънога эга, чунки бир томондан у конституциявий тушунча бўлиб, мулкнинг бошқа шакллари каби дахлсиздир, бошқа томондан эса жамият мулки хусусий мулкдан устун қўйилади.

Франциянинг ҳуқуқий ҳужжатларида ижтимоий давлат гоёсига қарши ўлароқ хусусий мулк дахлсизлигига нисбатан бир оз ноаниқ муносабат мавжуд. Конституцияда **“Франция... ижтимоий республикадир. Бу барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлайди”.** Ижтимоий давлат хусусий мулк чегараларини талқин қилишдан келиб чиқиб, жамият олдида тенгликни таъминлаш мажбуриятини олади. Шу муносабат билан бу борада Франция ва бошқа хорижий тажрибаларни чуқурроқ ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Конституция ва дунёнинг экологик муаммолари. Ҳозирги вақтда кўпгина ривожланган давлатлар глобал иқлим ўз-

гаришларини ҳисобга олган ҳолда ўз конституцияларига махсус экологик бўлимларни киритмоқдалар. Бунда Франция, Россия ва бошқа Европа давлатларининг **экологик хартиялари**ни Конституциянинг таркибий қисмлари сифатида қабул қилиш борасидаги тажрибаси қизиқарлидир.

Хусусан, конституцияларда экологик ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари мустаҳкамланган бўлиб, улар жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатлари эҳтиёжларига мос келиши керак. Бу:

биринчидан, объектив шартлилик (ҳуқуқий тамойил табиатга, тарихга ва жамиятга мос келгандагина ҳақиқий деб тан олиниши мумкин);

иккинчидан, тарихий шартлилик (давлат сиёсати ва давлат тузумининг ўзгариши билан ҳуқуқий тартибга солиш тамойиллари ўзгаради. Агар илгари ер ва табиий объектлар давлатнинг мутлақ мулкида бўлган бўлса, кейинчалик улар фуқароларнинг хусусий мулкида бўлиши мумкин, яъни табиий объектларга нисбатан мутлақ давлат монополияси принципи ўзгартирилади);

учинчидан, тизимлилик (экологик ҳуқуқнинг барча тамойилларини умумий ҳуқуқий (конституциявий) тамойилларга, умумий қисм тамойилларига ва экологик ҳуқуқнинг махсус қисми тамойилларига таснифлаш).

Конституция: ахборотлашган жамият сари. Инсоният цивилизацияси ривожланишидаги замонавий тарихий босқичнинг энг муҳим характерли хусусияти — **“рақамли” ва ахборотлашган жамиятнинг шаклланишидир.** Ахборот ва билим ривожланиш, давлат тузилмаларини янада тежамкор ва самарали тузилмаларга айлантиришнинг стратегик омилларига айланмоқда.

Шу билан бирга, кўплаб давлатлар **тўртинчи саноат инқилобига** қадам қўяётган шароитда Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини амалда таъминлаш, шунингдек, ахборотлашган

жамиятни шакллантириш мақсадида давлат томонидан ахборот технологиялари ва **“рақамли конституциявий институтлар”**дан фойдаланишни қўллаб-қувватлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқиш зарур.

Инсон ҳуқуқлари ва маънавият

“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларига асосланган кучли маънавият”¹.

Ушбу фикрларни Президентимиз маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича 2021 йил 19 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида билдирди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур йиғилишда сўзлаган нутқининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кейинчалик Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ўз аксини янада яққол топди: Тараққиёт стратегиясининг етти йўналишидан бири маънавий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларга бағишланди.

Биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган, дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган, адолатни қадрлайдиган халқ фарзандларимиз. Шонли тарих шоҳидки, IX–XII асрларда минтақамизда юз берган ва **Мусулмон Ренессанси** деб номланган **Биринчи Шарқ Уйғониш даври**да ҳам, бутун дунёда **Темурийлар даври Ренессанси** дея эътироф этилган

¹ Шавкат Мирзиёев: Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир // <https://president.uz/uz/lists/view/4089>.

XIV–XVI асрлардаги **Иккинчи Шарқ Уйғониш даври**да ҳам жамиятда эътиқод — мустаҳкам, маънавият — кучли, инсонлар дунёқарашида маънавият — устувор, давлатчилик тузумида маънавият ва маърифат — етакчи бўлган.

Шарқнинг бутун инсоният тарихидаги нодир ижтимоий ҳодиса бўлган ҳар икки Ренессанс буюк аجدодларимизнинг илм-маърифат ва кучли эътиқод, диний бағрикенглик ва инсонпарварлик борасидаги эзгу ғоялари билан йўғрилган эди. Бу ғоялар бизнинг давримизда, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида алоҳида, янада теран маъно-мазмун касб этиб бормоқда.

Ҳар икки Ренессанс даврида илму ижод билан машғул бўлган буюк аجدодларимиз ва улуғ алломаларимиз ўзларининг юксак маънавияти, собит эътиқоди, ҳавас қилса арзигulik миллий ғурур ва фахр-ифтихор туйғулари, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга йўғрилган ғўзал ва ноёб фазилатлари билан алоҳида ажралиб турган.

Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг машҳур “Ўзбекистон” қасидасида эътироф этилганидек:

*“Темур тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер”.*

Темурийлар даври Ренессансининг ёрқин намояндаси бўлмиш давлат арбоби, буюк аллома, улуғ шоир ва мутафаккир аждодимиз Алишер Навоийнинг олиймақом маънавияти юртимиз асрлар оша тараққий топиши ҳамда миллатимиз қадр-қиммати олам аро юксалиши борасида буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг моҳирона давлатчилик фаолияти ва ҳарбий жасоратидан сира кам бўлмаган даражада улуғвор ўрин тутати.

Президентимиз ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, бунинг учун тарихни яхши ўргатиш, бу йўналишдаги илмий-тадқиқотларни кенгайтириш муҳимлигини алоҳида таъкидлади ва қатор устувор вазифаларни белгилаб берди.

Тошкент шаҳридаги “Ғалаба боғи” мажмуасини халқимиз, айниқса, ёшлар учун ҳарбий тарих ва аجدодларимиз қаҳрамонлигини ўрганиш бўйича илмий марказга айлантириш, Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, ўзбек тилининг давлат тили мақомини кучайтириш, юртимизда ва хорижда уни ўрганиш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш шулар жумласидандир.

Президентимиз қайд этганидек, **“Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур”**.

Бинобарин, ана шу саъй-ҳаракатларимиз самараси сифатида юзага чиқадиган маънавий-маърифий Уйғониш биз бунёд этишга киришган Учинчи Ренессанс учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Янада аниқ қилиб айтганда, ҳар қандай Ренессанснинг муҳим асосини маънавий-маърифий уйғониш ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида, Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригида, шунингдек, Ўзбекистон ёшларининг биринчи форуми ҳамда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишларида маънавият йўналишидаги долзарб вазифаларни, маънавий-маърифий янги Уйғонишнинг илмий-назарий ва методологик асосини яратиб берди.

Президентимиз таъкидлаганидек, **“Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади”**. Мафкура, аввало, фикр тарбияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбияси, дегандир. Бу қадриятлар эса халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига таянади.

Бугунги кунда дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кундан-кун кучаймоқда. Айниқса, глобаллашув жараёнлари инсоният учун беқиёс янги имкониятлар билан бирга кутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқараётганига асло бефарқ қараб бўлмайди.

Чунки айти шу глобал миқёсли жараёнларда миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Айти чоғда, фақат ўзини ўйлаш, меҳнатга, оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти турли йўллар билан одамлар, айтиқса, ёшлар онгига устомонлик билан сингдирилаётгани ҳам сир эмас.

Афсуски, бугунги болаларимизни ота-она, боғча, мактаб ёки институт эмас, аксарият ҳолларда, қўлидаги телефон “тарбияламоқда”. Президентимиз кўюниб қайд этганидек, **“Миллий маънавиятимизга мутлақо бегона бўлган зарарли ғоялар, тушунча ва қарашлар чегарани бузмасдан, билдирмасдан, таъбир жоиз бўлса, “қақирилмаган меҳмон” бўлиб хонадонимизга, жамиятимизга, энг ёмони, мурғак болаларимизнинг покиза қалби ва юрагига кириб келмоқда”**.

Президентимиз бундай таҳликали вазиятда лоқайдлик ва бепарволик энг катта хавф эканини уқтирар экан, соҳада айрим камчиликлар мавжудлигига эътибор қаратди.

Авваламбор, бугун учраётган ижтимоий муаммоларни камайтириш учун нуронийлар тарбияси, жамоатчилик назорати етишмаяпти. Қолаверса, ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Жамиятимизда маънавий-маърифий ишлар айти шундай асосда йўлга қўйилмагани учун ҳам кутилган натижани бермаяпти. Бунга биргина мисол. Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси маълум қилишича, 2020 йилда судланган шахсларнинг 10 мингдан ортиғини ёшлар ташкил қилган.

Агар ўтган йили Ўзбекистонда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 38 минг 149 нафар шахсга нисбатан 30 минг 284 та иш кўриб чиқилгани назарда тутилса, судланган шахсларнинг деярли учдан бири навқирон фуқароларимиз эканини англаш қийин эмас.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Республика Маънавият ва маърифат маркази ишини танқидий ўрганиб чиқиш, фаолиятини тубдан такомиллаштиришни, ушбу марказнинг “Маънавият тарғиботчиси” ўқув муассасаси негизида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтини ташкил этиш ва Марказ барча ҳудудий кенгашлар, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириб бориши зарурлиги тўғрисида амалий таклифларни илгари сурди.

Бунинг натижасида, биринчи навбатда, мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш имконияти туғилади. Зеро, бу янги Ўзбекистондаги шиддатли янгиланишларнинг долзарб талабидир.

Шу билан бирга, ҳозирги пайтда маънавият тарғиботи билан шуғулланаётган ўнлаб ташкилотларнинг фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмагани туфайли кузатилаётган бир-бирини такрорлаш ҳолатларига барҳам берилади.

“Савол туғилади: мана, иқтисодий камбағалликни қисқартириш бўйича катта ишларни бошладик. Лекин маънавий қашшоқликни қандай қисқартирамиз? Фикр қарамлигидан қандай қутуламиз? Ислоҳотларимиз учун зарур бўлган маблағ ва инвестицияларни қийинчилик билан бўлса ҳамм топяпмиз, аммо маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш учун руҳий ресурсни қаердан топамиз?”.

Президентимиз худди шу саволларни кун тартибига қўйди. Янада муҳими, давлатимиз раҳбарининг бу борадаги фикрларида маънавиятнинг ўзига хос индикаторлари, яъни маъна-

вият даражасини белгилаш мезонлари қандай бўлишига доир чуқур тушунчалар ўз аксини топди.

Маънавий даражасини белгиловчи мезонлар борми?

Биринчи мезон — маънавий ва ҳуқуқ. Маънавийни юксалтириш соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларни ҳуқуқий майдонда амалга ошириш лозим. Хусусан, ёшлар онгу тафаккурини ҳимоя қилиш учун бевосита қонунчилик асосида иш кўришимиз керак.

Маънавий тарбия ва таълимни бир-биридан ажратиб бўлмайди. **“Бешиқдан то қабргача илм изла”** ҳадиси ҳам яхлит узлуксиз маънавий тарбия ва таълим тизимини яратиш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Токи маънавий тарбия билан маънавий-ҳуқуқий тарбиянинг ўзаро узвийлиги таъминлансин. Бу ҳақда фикр юритганда, кейинги йилларда ушбу соҳани янгилаш мақсадида қатор қонун ва қарорлар қабул қилинганини қайд этиш лозим.

Кейинги тўрт йилда Республика Маънавий ва маърифат кенгаши раиси Президент эканлигини белгилаб қўйилиши ва кенгашнинг ҳудудий бўлимларига масъуллик ҳокимлар зиммасига юклатилиши катъий ҳуқуқ майдонида амалга оширилди. Қонуний асосда жорий этилган ушбу ўзгаришлар маънавий-маърифий ишларни давлат сиёсатида янада юксак ўринга кўтарди.

Ўз навбатида, соҳа қонунчилигини янада ривожлантириш — давр талабидир. Давлат раҳбари қайд этганидек, **“Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш керак. Лекин Ватан, халқ тақдири ўртада турганда, керак бўлса, қонун ҳам ўз кучини кўрсатиши шарт”**.

Иккинчи мезон — маънавий институтлари тизимини ривожлантириш. Бу ўринда, жумладан, Республика Маънавий ва маърифат маркази фаолиятини тубдан такомиллаштириш

назарда тутилмоқда. Президентимиз қайд этганидек, ушбу марказ ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техник таъминоти кескин кучайтирилади, унинг фаолияти илмий тадқиқот ва тарғибот-ташвиқот йўналишларида қайта ташкил қилинади.

Улар фаолиятини “Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс сари” ғояси асосида миллий инсон капиталини ривожлантиришга қаратиш лозим бўлади.

Учинчи мезон — маънавият тарғиботчиларини тарбиялаш, маънавият таълими тизимини шакллантириш. Бу борадаги асосий вазифа мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис юксак маънавиятли шахс, содда қилиб айтганда, лафзли инсон бўлишига эришишдир.

Шу мақсад йўлида:

- жорий йилдан маънавият ва маърифат соҳаси ихтисосликлари фанлар классификаторига киритилиб, бу йўналиш бўйича етук кадрлар тайёрлаш ишлари бошланади;

- мактабгача таълим муассасаларига жажжи ўғил-қизларимизни болалигиданоқ билимли ва фазилатли этиб тарбиялаш учун методик ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилади;

- мактаблар, ўрта махсус ва олий таълим даргоҳларида мавжуд штат бирликлари доирасида ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозими жорий этилади;

- ҳар бир маҳаллага “Бир зиёли — бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида профессор-ўқитувчи ва таниқли зиёлилар бириктирилади;

- Тошкент шаҳар нуронийларининг тарбияси оғир, ишсиз ёшларга қўмаклашиш бўйича ташаббуси кенг татбиқ қилинади;

- ҳудудлар марказида намунавий лойиҳа асосида Маънавият ва маърифат масканлари барпо этилиб, маҳаллий бюджетлар ҳисобидан соҳага қўшимча штатлар ажратилади.

Тўртинчи мезон — маънавият тарғиботи ишлари мониторинги. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилишни даврининг ўзи талаб этмоқда.

Айниқса, бугун ҳаёт янгича фикрлаш ва ишлаш ҳамда миллий “ақл марказлари”ни шакллантиришни талаб этмоқда. Атрофимиздаги барча сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур тушуниб, таъсирчан тилда етказиб берадиган таҳлилчи ва экспертларимиз жуда кам, деди Президентимиз.

Бундай вазиятда жамиятимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги илмий-амалий тадқиқотларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Нега деганда, давлат раҳбари доимо такрорлаб келаётганидек, **“илмга асосланмаган соҳанинг келажаги бўлмайди”**.

Шу нуқтаи назардан, Маънавият ва маърифат, “Тараққиёт стратегияси”, Ислом цивилизацияси марказлари, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги тадқиқот институтларини ҳақиқий “ақл марказлари”га айлантириш вазифаси кун тартибига қўйилди.

Бешинчи мезон — маънавият ва жаҳон ҳамжамияти. Глобаллашиб бораётган бугунги дунёда терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибержиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи ортиб, ҳатто баъзи ҳудудларда атайин беқарорлик ва норозилик кайфиятлари тобора авж олдирилмоқда. Шундай қалтис ҳамда мураккаб шароитда ҳар биримиз ҳушёр ва огоҳ бўлиб, халқимизнинг тинчлиги, мамлакатимиз манфаатларини ўйлаб яшашимиз фарзу қарзидир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айни вақтда дунёнинг жуда кўп минтақаларида инсоний қадриятлар емирилмоқда. Ҳатто иқтисодий тараққиёти юксалаётган аксарият мамлакатларда ҳам маънавият инқирозга юз тутмоқда.

Айниқса, пандемия шароитида айрим ўлкаларда бетоқатлик, тажовузкорлик кайфиятлари кучайиб бораётгани ачи-

нарлидир. Бугун дунёда содир бўлаётган шу каби ташвишли воқеаликларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти ҳақ эканини, яъни иқтисодий ва маънавий юксалиш уйғунлигини таъминлаш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Янги Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича янги халқаро шартномалар қабул қилиниши ташаббуси билан чиқмоқда. Бундай ташаббусларнинг амалий ифодасини, жумладан, 2018 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилингани, шунингдек, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияси лойиҳаси ишлаб чиқилгани мисолида кўриш мумкин. Президентимиз 75-сессиядаги нутқида мазкур ҳужжатни қабул қилиш заруратига халқаро ҳамжамият эътиборини яна бир бор қаратди.

Маънавий-маърифий соҳада халқаро ҳамкорликни изчил ривожлантириш йўлида мамлакатимиз ана шундай ташаббускор одимларини дадил давом эттириши лозим. Хусусан, турли хуружларга қарши курашиш борасида миллий маънавиятимизнинг ўзига хос хусусиятлари билан халқаро ҳамжамиятни изчил таништириб боришда хорижий давлатлардаги элчихоналаримиз имкониятларини ишга солиш айтиш мумкин.

Зеро, Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек, “Биз хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги умумий хатарларга қарши янгича ёндашувлар асосида ва яқин ҳамкорликда ишлашимиз зарур”.

Шундай экан, албатта, ўзбек халқининг юксак маънавиятини, бой миллий маданий, тарихий, маърифий меросини, хусусан, китобат ва хаттотлик, мусиқа ва рақс, кино ва театр санъати, меъморлик ва ҳунармандчилик, заргарлик ва қандакорлик, пазандалик ва қандолатпазлик бобидаги маҳоратини дунёга кенг ҳамда изчил тарғиб қилиш тақозо этилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, билимли одам — эътиқодли бўлади. Маънавият вакцинасини ҳар бир миллатнинг ўзи яратди. Бугунги маънавий қашшоқлик — адолатли ҳақиқатдир.

Ҳақиқатан ҳам, иқтисодиёт ва маънавият уйғунлигига эришмоғимиз шарт. Ҳозирги кунда иқтисодий камбағалликни тугатиш чораларини кўряпмиз, лекин маънавий қашшоқликка барҳам бериш борасидаги натижаларимиз билан ҳали мақтана олмаймиз.

Одатда пахта даласидаги ғўзалар ё боғдаги меваларга қурт ёки ғаллага занг тушса, унга қарши курашишга дарров отланамиз. Бироқ миллий маънавиятга зиён етказадиган “қурт”ларга нисбатан негадир кўпинча бепарвомиз.

Бу борада, бир томондан, илм-фанга таянган ҳолда, иккинчи томондан, “Гап — кам, иш — кўп” деган ақидага амал қилган ҳолда иш олиб боришимиз керак. Яъни иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг узвийлигига эришиш лозим. Маънавият ҳур ва эркин бўлишини таъминлашимиз даркор.

Бунинг учун, аввало, сўз ва ижод эркинлиги омили улкан аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ўзбек ва жаҳон адабиёти сара намуналарини мунтазам ўқиб-ўрганиш, китобхонлик ва мутолаа маданияти кўмагида миллий маънавият ва маърифатни юксалтириш ниҳоятда муҳим.

Шунинг учун мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, жамиятда адабиёт ва китобхонликни янада ривожлантириш мақсадида “Ижод” жамоат фонди негизида Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилаётгани эътиборга сазовор.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз таъкидлаганидек, “Агар кимдир, маънавият масаласи — бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир”.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ:

“ДАВЛАТ – ЖАМИЯТ – ИНСОН” ТАМОЙИЛИДАН
“ИНСОН – ЖАМИЯТ – ДАВЛАТ”
ТАМОЙИЛИ САРИ

(Хулоса ўрнида)

“Айни вақтда биз Конституциямиз норма ларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва ман фаатлари, унинг кадр-қимматини янада самарали таъминлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тасаввур қиламиз.

Олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш учун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида кенг кўламли ислохотларимизни изчил давом эттирамыз”¹.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Янги Ўзбекистонда мутлақо янги миллий ҳуқуқий тизим шаклланмоқда. Яъни, **“Инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, кадр – энг муҳим кадрият”** деган тамойил эътироф этилмоқда. Энг асосийси: Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида йиллар давомида амал қилиб келган **“давлат –**

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан байрам табриги// <https://president.uz/uz/lists/view/4815>.

жамият – инсон” тамоийили **“инсон – жамият – давлат”** та-
моийилига ўзгартирилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев тақдим этган Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси лойиҳасида белгилаб берилган устувор йўналишлар ва энг муҳим вазифаларнинг атрофлича таҳлили шундан далолат беради.

Авваламбор, лойиҳаси муҳокама қилинаётган асосий тарихий ҳужжатнинг номи – “Янги Ўзбекистон таррақиёт стратегияси” дейилади. Президентимиз инаугурация нутқида қайд этганидек, ўтган сайлов давомида давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли янги китоби биринчи навбатда Тадбиркорлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси электорати ўртасида ўзига хос умумхалқ муҳокамасидан ўтказилди.

Янги Ўзбекистон стратегиясида 2017 йил феврилида Президентимизнинг Фармони билан тасдиқланиб, 5 йил давомида ҳаётга изчил татбиқ этилган Ҳаракатлар стратегияси доирасида эришилган ютуқлар, хусусан, асосий натижаларга оид далил ва рақамлар ҳам келтирилган.

Битта рақамга эътибор қаратайлик: Ҳаракатлар стратегиясини ижро этиш учун 300 дан ортиқ қонун ва кодекс, Президентимизнинг 4 мингдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинган. Шу тариқа Ҳаракатлар стратегияси якунига келиб, Янги Ўзбекистон пойдеворининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Янги ҳужжат – Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси энди Янги Ўзбекистоннинг пойдеворини тиклаш ва биносини қуришга қаратилган. Бу буюк бунёдкорлик жараёни 2026 йилгача бўлган даврни қамраб олади ва йилма-йил амалга ошириб борилади.

Жамоатчилик муҳокамалари шу йил 15 январда якунланадиган мазкур Тараққиёт стратегияси замирида қандай маъно-моҳият мужассам, деган савол туғилиши табиий.

Авваламбор, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”, деган номнинг мазмун-моҳиятига мухтасар тўхталамиз. Зеро, бу номнинг келиб чиқиши, фикримизча, бир қатор муҳим омилларга бориб тақалади.

Биринчи омил: ушбу ном Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси – Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми эканини англатади. Агар Ҳаракатлар стратегиясида 5 та устувор йўналиш белгилаб олинган бўлса, Тараққиёт стратегиясида ҳам ушбу устувор йўналишлар давомийлиги сақлаб қолинган.

Шу билан бир қаторда, тараққиёт ўзгаришларининг янги тарихий босқичда давом эттирилиши кўзда тутилган ҳолда, Тараққиёт стратегиясига 2 та янги устувор йўналиш қўшиляпти. Булардан бири – маънавий тараққиётни таъминлаш билан боғлиқ бўлса, иккинчиси – Ўзбекистоннинг дунёда юз бераётган глобал муаммоларга муносабати негизда белгиланган янги устувор йўналишдир.

Шундай қилиб, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида қуйидаги еттита устувор йўналиш назарда тутилган:

биринчи устувор йўналиш – инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

иккинчи устувор йўналиш – мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

учинчи устувор йўналиш – миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даража-сида таъминлаш;

тўртинчи устувор йўналиш – адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

бешинчи устувор йўналиш – маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш;

олтинчи устувор йўналиш – умумбашарий муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ечим топиш;

еттинчи устувор йўналиш – мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Иккинчи омил: Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида **“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари”** тамойили илгари сурилаётгани бежиз эмас. Чунки, аввало, Ҳаракатлар стратегиясидаги ҳар бир йўналишни тараққиётнинг янги босқичида мантиқий ва изчил асосда ривожлантириш ҳамда янги устувор йўналишларда муҳим натижаларга эришиш кўзда тутилмоқда.

Тараққиёт стратегиясида асосий эътибор, бир томондан, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир қонунлар, кодекслар, концепция ва дастурлар қабул қилинишига қаратилган.

Иккинчи томондан, унда қонун устуворлигини таъминлаш, конституциявий ислохотни ҳаётга изчил татбиқ этиш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, маънавиятни ривожлантириш, шунингдек, глобал муаммоларга Ўзбекистоннинг муносабати, хавфсизлик ва ташқи сиёсат борасидаги муҳим вазифалар қамраб олинган.

Энг асосийси, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги 7 устувор йўналишнинг бош ғояси – инсон қадрини таъминлашдир. Чунки, Президентимизнинг сайловолди дастуридаги асосий ғоя ҳам **“Инсон қадри учун”** тамойили эди.

Учинчи омил: инсон қадрини жойига қўйишни қонуний ва ташкилий-ҳуқуқий йўллар билан ҳаётимизнинг барча соҳаларида миллий, минтақавий ва халқаро ҳамкорлик даражаларида қандай қилиб амалга ошириш керак? Тараққиёт стратегиясида бу долзарб саволга жуда кўплаб аниқ мақсадларга қаратилган амалий жавоблар бор.

Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир устувор йўналиши бўйича ҳозирги кунга қадар 26 та концепция ва бир қатор дастурлар қабул қилинган бўлса, келгусида Тараққиёт

стратегияси доирасида 13 та кодекс, 12 та қонун, яъни ҳар бир устувор йўналишда зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниши кўзда тутилган.

Жумладан, **Тадбиркорлик кодексининг** ишлаб чиқиши – юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва тадбиркорлар ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилишнинг мустаҳкам қонуний асосига айланади.

Бўлажак **Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги** кодексда фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий мезонлари ўз аксини топади.

Ахборот кодекси – шу вақтга қадар амал қилаётган оммавий ахборот воситалари, журналистлар фаолияти, ахборот ва сўз эркинлигига бағишланган ўндан ортиқ қонун кодификация қилинган ягона ва яхлит қонун ҳужжати сифатида қабул қилинишининг натижаси бўлади.

Тўртинчи омил: Янги Ўзбекистон тарраққиёт стратегиясининг нафақат номланиши, айти чогда унда белгиланган устувор йўналишлар ва муҳим вазифалар ҳам миллий ёки минтақавий миқёсдагина эмас, балки глобал даражада улкан аҳамиятга молик халқаро ҳужжатлар билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2015-2030 йилларда Барқарор тараққиёт мақсадларини эълон қилган. Бу халқаро ҳужжат ўзбек тилида **“Барқарор тараққиёт мақсадлари”** ёки “Барқарор ривожланиш мақсадлари”, деган номлар билан сизу бизга яхши таниш.

Дастлаб Ҳаракатлар стратегиясида, эндиликда эса Тараққиёт стратегиясида ҳам Ўзбекистон бажаришни ўз зиммасига олган БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларини мамлакатимиз ҳаётига татбиқ этишнинг аниқ тактика ва стратегиялари белгилаб берилмоқда.

Бошқача айтганда, Ўзбекистон ташқи халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўзининг БМТ Барқарор тараққиёт мақсадлари билан ҳамоҳанг ҳолда ривожланиши, бу

борадаги ўзига хос ўрни ва аҳамияти, янада муҳими, ибратли тажрибасини бутун дунёга кўрсата олди. Ўз навбатида, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ушбу муҳим тараққийпарвар жараён узлуксиз давом этаётганидан далолат беради.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамият томонидан Тараққиёт ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция лойиҳаси ишлаб чиқиляпти. Қолаверса, 35 йилдан буён Тараққиёт ҳуқуқи тўғрисидаги декларация амал қилмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Президенти тақдим этаётган Тараққиёт стратегияси халқаро ҳамжамиятнинг ривожланиш тенденцияларига, бутун дунёнинг тараққиёт трендларига тўла мос келади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори билан Барқарор тараққиёт мақсадларини амалга ошириш бўйича конституциявий парламент комиссияси тузилган.

Парламент комиссияси Барқарор тараққиёт мақсадлари ижро этилишини парламент назорати йўли билан таъминламоқда. Бинобарин, Тараққиёт стратегиясини амалда татбиқ этишда ҳам парламентнинг ролига алоҳида эътибор қаратилаётгани жуда муҳим.

Жамоатчилик муҳокамалари якунлари бўйича келиб тушган таклиф ва тавсиялар асосида маромига етказилганидан сўнг давлатимиз раҳбари томонидан имзоланиши кутилатган **“Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармон** асосида:

биринчидан, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси;

иккинчидан, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”;

учинчидан, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича миллий комиссия таркиби тасдиқланади.

Хусусан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси лойиҳасининг 11-мақсадида **“Халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини такомиллаштириш” муҳим вазифа этиб белгиланмоқда.**

Халқ билан очик мулоқотнинг механизмларини янада такомиллаштириш, муҳим қарорларни жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, давлат органларига келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнини рақамлаштириш, мурожаатларни тезкор ва сифатли кўриб чиқирилишини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Энг асосийси, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” лойиҳасида “Давлат халққа хизмат кўрсатиши шарт” ғоясини татбиқ этишни назарда тутувчи **“Халқчил давлат” миллий дастурини ишлаб чиқиш** вазифаси зиммамизга юклангани бежиз эмас.

Албатта, ушбу Дастур лойиҳаси, илғор хорижий давлатларнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда, белгиланган муддатда ишлаб чиқилади ва тақдим этилади.

“Йўл харитаси” лойиҳасида яна бир муҳим вазифа – **Халқ қабулхоналарининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш** масаласи учун масъул этиб белгиланганмиз. Халқ қабулхоналари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва уларнинг давлат бошқаруви тизимидаги мақомини мустаҳкамлашга қаратилган Конституциявий қонунни қабул қилиш бўйича ишларни аллақачон бошлаб юбордик.

Халқ билан бевосита мулоқот қилиш, юртдошларимизнинг дарду ташвишлари, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича мутлақо янги демократик тизим – Халқ қабулхоналари ўтган беш йилда фаолият юритиб келмоқда ва ўзини оқлади.

Бундан ташқари барча давлат органлари фаолиятида **“халқ дардига кулоқ солиш”**, муаммоларни жойида ҳал этиш ва халқни рози қилиш бўйича самарали ишлар қилинмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси лойиҳасининг 12-мақсади **“Таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”** деб номлангани бежиз эмас.

Зеро, бу ўринда оммавий ахборот воситаларининг роли ва журналистларнинг касбий фаолияти ҳимоясини янада кучайтириш, одамларни қийнаётган муаммолар ҳамда ислохотларнинг ижроси аҳволини ўрганишда ижод аҳли меҳнатидан самарали фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, юртимизда таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишга хизмат қилади.

Маълумки, Ҳаракатлар стратегияси доирасида юртимизда оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги ўрни ва аҳамияти қонунчилик негизида тубдан кучайтирилганди. Тараққиёт стратегиясида ана шу ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш кўзда тутилгани янги давр талабидир.

Шу нуқтаи назардан, Тараққиёт стратегияси лойиҳасининг 83-мақсади **“Фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш”** деб аталгани ҳамда унда бир қатор муҳим вазифалар кўзда тутилгани ҳам катта ҳамиятга эга.

Авваламбор, бу ўринда ахборот соҳасини тартибга солишга қаратилган мавжуд қонунлар Ўзбекистон Республикаси Ахборот кодекси шаклида унификация қилиниши ҳақида сўз бормоқда. Шунингдек, фуқароларнинг ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланиш маданияти оширилади.

Турли ёш тоифаси учун мўлжалланган ўқув курслари ҳамда онлайн дастурлар оммалаштирилади. Халқ таълими ва профессионал таълим тизимининг тегишли дарсликларига медиа саводхонлик бўйича мавзулар жорий қилинади.

Шахсий ва сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни интернет тармоғида ошкор қилиш билан боғлиқ дахлсизлик ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ҳам кўзда тутилган.

Бунда Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг дахлсизлик ҳуқуқлари билан боғлиқ моддаларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланади.

Ўз навбатида, “Йўл харитаси” 46-бандида **қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни такомиллаштириш** ҳақида сўз боради. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ушбу вазифанинг асосий ижрочиларидан биридир.

Бунда, **биринчидан**, қийноқларнинг олдини олиш бўйича тегишли **халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш** масаласини кўриб чиқиш тақозо этилади. **Иккинчидан**, қийноқларнинг олдини олиш бўйича **превентив миллий механизмнинг қонуний асосларини ривожлантириш** керак бўлади. Ҳамкор ташкилотлар билан ҳар икки масала бўйича, умуман, Тараққиёт стратегияси ижроси доирасида ўзаро ҳамжиҳатликда фаол иш олиб борамиз.

Тараққиёт стратегияси лойиҳасининг 19-мақсади – **адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги салоҳиятини тубдан ошириш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг малакали ҳуқуқий хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондиришдан иборат**. Бунда:

адвокатура институтини тўлақонли ўз-ўзини бошқариш тизимига ўтказиш, Адвокатлар палатаси бошқарув органларининг адвокатлар ҳамжамияти олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш, тизимга ёш малакали кадрларни жалб қилиш;

адвокатлар малакасини ошириш тизимининг замонавий ва самарали механизмлари ва институционал асосларини шакллантириш;

адвокатлик фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали ортиқча бюрократия ва қоғозбозликка чек қўйиш, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар

ва бошқа давлат органлари билан электрон ҳужжатлар алма-
шинувини йўлга қўйиш;

бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш қўламини кенгайтириш, но-
тариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш ор-
ганларининг хизматларидан оворагарчиликсиз, шу жумладан
масофадан туриб ва “ягона дарча” тамойили асосида фойдала-
нишни таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат: Лойиҳанинг 90-мақсадида **БМТ ор-
ганлари ва институтлари, глобал ва минтакавий иқтисод-
дий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолият-
ни кучайтириш** ҳақида сўз боради.

Яъни, Ўзбекистонни БМТ тузилмалари орқали дунё ҳамжа-
миятига кенг танитиш; Ўзбекистон раҳбариятининг БМТ дои-
расидаги ташаббусларини амалга оширишни таъминлаш; БМТ
ва унинг муассасалари билан иқтисодий-молиявий ва кон-
сультатив ҳамкорликни ривожлантириш бунда муҳим аҳамият
касб этади.

Шунингдек, БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари би-
лан маданий-гуманитар ҳамкорликни жадаллаштириш; БМТ-
нинг “Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват” ташаббусини
илгари суриш учун барча шериклар билан яқин ҳамкорликни
давом эттириш истикболлари кўрсатиб берилмоқда.

Мухтасар айтганда, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси
лойиҳаси негизида бир қанча янги дастурлар, янги концепция-
лар, янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши назарда тутил-
моқда. Бу билан мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижти-
моий, маданий ва экологик ривожланишининг кейинги босқи-
чида амалга ошириладиган ислохотлар кенг қамраб олинмоқда.

Шундай экан, Тараққиёт стратегиясининг тасдиқланиши ва
муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистонда демократик
ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда эркин фуқаролик жамиятини
ривожлантириш орқали инсон қадрини улуғлашга қаратилган
улкан мақсад ва вазифаларимизга эришиш имконини беради.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий шартномалари РЎЙХАТИ

Халқаро шартнома номи	Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган вақти ва кучга кирган вақти	Аъзо-давлатлар сони
Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт	1966 1976	173
Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт	1966 1976	171
Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция	1965 1969	182
Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция	1984 1987	173
Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция	1979 1981	189
Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция	1989 1990	196
Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция	2006 2008	184
Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича конвенция (Ўзбекистон аъзо эмас)	1990 2003	56
Барча шахсларни зўрлик остида ғойиб бўлишдан ҳимоя қилиш тўғрисида халқаро конвенция (Ўзбекистон аъзо эмас)	2006 2010	64

**Ўзбекистон Республикаси қўшилган (ратификация қилган)
Халқаро меҳнат ташкилоти ҳужжатларининг
РЎЙХАТИ**

Т/Р	Ҳужжатнинг номланиши	Имзоланган сана ва жойи	Ратификация қилиш, қўшилиш ва бошқа маълумотлар
1.	Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги 47-Конвенция	21.06.1935 й. Женева	Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга ЎЗР ОМ 06.05.1995 й. 83-I-сон Қарорига мувофиқ қўшилган
2.	Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисидаги 52-Конвенция	24.06.1936 й. Женева	Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга ЎЗР ОМ 06.05.1995 й. 84-I-сон Қарорига мувофиқ қўшилган
3.	Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги (қайта куриб чиқилган) 103-Конвенция	28.06.1952 й. Женева	Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга ЎЗР ОМ 06.05.1995 й. 85-I-сон Қарорига мувофиқ қўшилган
4.	Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 122-Конвенция	09.07.1964 й. Женева	Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга ЎЗР ОМ 06.05.1995 й. 86-I-сон Қарорига мувофиқ қўшилган
5.	Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-Конвенция	28.06.1930 й. Женева	ЎЗР ОМ 30.08.1997 й. 492-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган
6.	Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи принципларини қўллаш тўғрисидаги 98-Конвенция	01.07.1949 й. Женева	ЎЗР ОМ 30.08.1997 й. 496-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган
7.	Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 100-Конвенция	29.06.1951 й. Женева	ЎЗР ОМ 30.08.1997 й. 493-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган

8.	Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисидаги 135-Конвенция	23.06.1971 й. Женева	ЎзР ОМ 30.08.1997 й. 494-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган
9.	Жамоа музокараларига қўмаклашиш тўғрисидаги 154-Конвенция	19.06.1981 й. Женева	ЎзР ОМ 30.08.1997 й. 495-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган
10.	Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисидаги 111-Конвенция	25.06.1958 й. Женева	ЎзР ОМ 30.08.1997 й. 499-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган
11.	Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 105-Конвенция	25.06.1957 й. Женева	ЎзР ОМ 30.08.1997 й. 498-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган
12.	Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 138-Конвенция	26.06.1973 й. Женева	ЎзР 04.04.2008 й. ЎРҚ-140-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган
13.	Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 182-Конвенция	17.06.1999 й. Женева	ЎзР 08.04.2008 й. ЎРҚ-144-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган
14.	Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва қасаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сон Конвенцияси	09.07.1948 й. Сан-Франциско	ЎзР 25.10.2016 й. ЎРҚ-412-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган
15.	Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига қўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-сонли Конвенцияси	21.06.1976 й. Женева	ЎзР 04.03.2019 й. ЎРҚ-525-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган
16.	Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённома	11.06.2014 й. Женева	ЎзР 25.05.2019 й. ЎРҚ-545-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган
17.	Халқаро меҳнат ташкилотининг кишлоқ ҳўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-сонли Конвенцияси	25.06.1969 й. Женева	ЎзР 27.08.2019 й. ЎРҚ-555-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган
18.	Халқаро меҳнат ташкилотининг саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сонли Конвенцияси	11.07.1947 й. Женева	ЎзР 27.08.2019 й. ЎРҚ-556-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган

**“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўрак нишони билан тақдирланганлар рўйхати
(2020-2021 йиллар)**

№

	Фамилияси, исми ва шарифи (ташкilot номи)	Туғилган (ташкilot топган) йили ва жойи	Иш жойи ва лавозими (фаолият йўналиши)	Қандай фаолияти учун
2020 йилда				
1	I. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги амалий ишлари учун			
2	Рашидова Сайёра Ша- рафовна	1943 й., Жиззах вилояти	1995-2016 йй.да Ўзбекистон Респуб- ликаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудс- ман) лавозимида фаолият кўрсатган	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига қўшган салмоқли ҳиссаси учун
	Кабулова Диловар Насимовна	1948 й., Бухоро вилояти	Фуқаролар ташаббусларини қўл- лаб-қувватлаш маркази директори	Пандемия даврида аҳолининг ижтимо- ий-ҳуқуқий ёрдамга муҳтож қатламлари ёрдам беришда қўрсатган фаоллиги учун
3	II. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги нодавлат ташкilotларидаги фаолияти учун			
4	Республика “Истик- болли авлод” ижтимо- ий- ахборот маркази	2001 й., Тошкент шаҳри	Одам савдоси ва зўравонликнинг бошқа турларини олдини олиш, одам савдосидан жабрланганлар, мигрантлар ва аҳолининг заиф қатламларига ижтимоий-ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи ташкilot	Одам савдоси ва зўравонликнинг бошқа турларини олдини олиш, одам савдосидан жабрланганлар, мигрант- лар ва аҳолининг заиф қатламларига ёрдам беришдаги фаоллиги учун
	Исаев Махмуджон Ниматович	1959 й., Хоразм вилояти	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аппара- ти Меҳнаткашларнинг ижтимо- ий-иқтисодий манфаатларини ҳи- моя қилиш бўлими мудири	Халқаро меҳнат ташкilotи конвенци- яларини мониторинг қилиш, жумладан болалар ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти учун

III. Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қўшган ҳиссаси учун

5	“Сабр” Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази	1996 й., Самарқанд вилояти	Тушкунликка учраган аёллар ва болаларга психологик (руҳий), ижтимоий, ҳуқуқий ҳамда тиббий кўмак кўрсатиш	Тушкунликка учраган аёллар ва болаларга психологик, ижтимоий, ҳуқуқий ҳамда тиббий кўмак кўрсатишдаги фаоллиги учун
6	“Меҳрли қўллар” имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази	2017 й. Тошкент шаҳри	Имконияти чекланган ёшлар ва болаларга кўмак кўрсатувчи ташкилот	Имконияти чекланган ёшлар ва болаларга кўмак кўрсатишдаги фаоллиги учун

IV. Инсон ҳуқуқлари тарғиботи ва маърифий фаолияти учун

7	Шамсутдинов Рустамбек Темирович	1939 й., Андижон вилояти	“Водийнома” журнали бош муҳаррири, “Мерос” халқаро илмий амалий экспедиция жамоат фонди раиси	Қатағон қурбонлари тўғрисидаги маърифий тадбирларни амалга оширишдаги фаоллиги учун
8	Абдреймова Наргул Сансизбаевна	1971 й., Қорақалпоғистон Республикаси	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Сиёсат ва янгиликлар таҳририяти қонунчилик, ҳуқуқ тарғиботи ва коррупцияга қарши кураш бўлими мудири	Инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқ тарғиботи ва коррупцияга қарши кураш соҳасидаги долзарб мақолалари учун

V. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва илмий тадқиқотлари учун

9	Бабаев Халимбай Бабаевич	1942 й., Тошкент вилояти	Тошкент давлат юридик университети профессори	Ўзбекистонда биринчи “Инсон ҳуқуқлари” курсини олий ўқув юртларига киритишдаги алоҳида ҳиссаси учун
10	Муминов Абдулхай Рашидович (мархум)	1968 й., Наманган вилояти	Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўлим бошлиғи лавозимида ишлаган	“Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” дарслиги, “Инсон ҳуқуқлари” фани бўйича ўқув дастурларини яратишдаги алоҳида хизматлари учун

VI. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун

11	Москалькова Татьяна Николаевна	1955 й., Белоруссия	Россия Федерацияси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили	Пандемия даврида мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоясидаги самарали фаолияти учун
12	Херта Дойблер-Гмелин	1943 й., Германия	Германия Федерал Республикаси собиқ адлия вазири,	Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари ва коррупцияга қарши курашиш соҳаларидаги самарали тадбирлари учун

2021 йида

I. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги амалий ишлари учун

13	Нормурадов Муродулло Тоғаевич	1946 й., Қашқадарё вилояти	Ф. Эберт жамғармаси Васийлик кенгаши аъзоси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича (Омбудсман)нинг вилоятдаги Минтақавий вакили	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қўшган салмоқли ҳиссаси учун
14	Касимов Дилмурод Султанмуратович	1975 й., Тошкент шаҳри	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил	Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тегишли қонуний ёрдам беришда кўрсатган фаоллиги учун

II. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги нодавлат ташкилотлардаги фаолияти учун

15	Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциацияси	2018 й., Тошкент шаҳри	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари-га кенг имкониятлар яратилишига кўмаклашувчи ташкилот	Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишдаги фаоллиги учун
16	Муҳамедова Зебинисо Иброҳимовна	1960 й., Бухоро вилояти Бухоро шаҳри	Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи	Инсон ҳуқуқларини ҳимояси, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда фаол иштироки учун

III. Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қўшган ҳиссаси учун

17	Юсупова Инқилоб Турсуновна	1941 й., Тошкент шаҳри	Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш Ассоциацияси раиси	Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги кўп йиллик самарали фаолияти учун
18	Рената Винтер	1944 й., Австрия, Вена шаҳри	БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси аъзоси (2013-2020 йй.)	Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги фаол иштироки учун

IV. Инсон ҳуқуқлари тарғиботи фаолияти учун

19	Нажмиддинова Ферузахон Муродулла кизи	1992 й., Тошкент шаҳри	“Qalampir.uz” интернет нашри журналисти	Инсон ҳуқуқлари тарғиботи, жамоатчилик назорати соҳасига доир мақолалари учун
20	Норматов Фарҳод Башбекович	1954 й., Самарқанд вилояти	“Адолат кўзгуси” газетаси бош муҳаррири	Инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқ тарғиботи ва коррупцияга қарши кураш соҳасидаги долзарб мақолалари учун

V. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва илмий тадқиқотлари учун

21	Федотов Михаил Александрович	1949 й., Россия Федерация, Москва шаҳри.	“Олий иқтисодиёт мактаби” миллий тадқиқот университети юридик факультети профессори (Россия), Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг собиқ раиси	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда шу соҳадаги ўқув ва илмий фаолияти учун
22	Муқимов Зиёдулла Юсупович	1942 й., Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани	Самарқанд давлат университети юридик факультети профессори	Инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқни долзарб масалалар бўйича ўқув адабиётларни яратишдаги фаоллиги учун

VI. Экологик ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қўшган ҳиссаси учун

23	“Ekomaktab” экологик-ресурс маркази	2005 йил, Тошкент шаҳри	Экологик таълимни ривожлантириш ва аҳоли экологик маданиятини шакллантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш	Экологик таълимни ривожлантириш ва аҳоли экологик маданиятини шакллантиришдаги фаолияти учун
24	Наргис Косимова Суннат қизи	1969 й., Жиззах шаҳри	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети медиа ва коммуникация факультети доценти, экожурналист	Экологик маданиятни тарғиб қилишдаги илмий ва публицистик фаолияти учун

VII. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун

25	Томас Кунце	1963 й., Германия, Лейпциг шаҳри	Конрад Аденауер номидаги Жамғарманинг Россия буйича минтақавий ваколатхонаси вакили	Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қаратилган қўшма лойиҳа ва дастурларни ташкил қилишдаги фаоллиги учун
26	Элизабет Кларк	1974 й.	АҚШнинг Бригама Янга университети Ҳуқуқ ва динни ўрганиш халқаро маркази директорининг ўринбосари	“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”-ги Қонунни ишлаб чиқишдаги фаол иштироки учун
27	Абашидзе Аслан Хусейнович	1958 й. Грузия, Аджария шаҳри	БМТга кумаклашиш Россия ассоциациясининг Халқаро ҳуқуқ комиссияси раиси, Россия Таълим ва фан вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Экспертлар кенгаши аъзоси, Россия Федерацияси Инсон ҳуқуқлари буйича вакилининг Маслаҳатчиси	Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари буйича таълимни ривожлантиришда қўшган ҳиссаси ва инсон ҳуқуқлари буйича магистратура мутахассислигини очишдаги кўмаги учун
28	Абдурахманов Каландар	1946 й. Қашқадарё вилояти	Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳридаги филиали ректори, профессор, иқтисодиёт фанлари доктори, академик	Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва илмий изланишларни ривожлантириш, шунингдек меҳнат, иқтисодий ҳуқуқлар ривожига қўшган ҳисса учун

М У Н Д А Р И Ж А

Юридик публицистика нима? (Сўз боши ўрнида)	4
---	---

БИРИНЧИ БОБ.

МИЛЛИЙ МАРКАЗ: МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси	
Миллий марказининг ташкил топиши	8
Миллий марказ ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсати	13
Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларни	
бажариш миллий механизми	22
Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маърузалар тайёрлаш	
ва тақдим этиш	26
БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси	29
БМТнинг бошқа шартномавий органлари фаолияти	33
Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларни	
миллий қонунчиликка имплементация қилиш	38
Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида	
давлат органлари билан ҳамкорлик	42
Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни	
ривожлантириш йўлида	45
Инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантириш – давр талаби	49
Миллий марказнинг Матбуот хизмати	51
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш	55
“Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони	58

ИККИНЧИ БОБ.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲОЛАТИ: ТАҲЛИЛ ВА МОНИТОРИНГ

Қийноқларнинг олдини олиш	62
Маҳкумлар ҳуқуқи	69
Коррупцияга қарши курашиш	72
Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш	77
Одам савдосига қарши курашиш	80
Миллатлараро тотувлик ва бирдамлик	83
Виждон ва дин эркинлиги	91
Аёллар ҳуқуқлари	93
Бола ҳуқуқлари	96
Ёшлар ҳуқуқлари	99
Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари	103
Мигрантлар ҳуқуқлари	106
Фуқаросизликка барҳам бериш	116
Сайлов ҳуқуқи	119

УЧИНЧИ БОБ.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ: ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БИРДАМЛИК

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлик	137
БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши билан ҳамкорлик	143
БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорлик	145
БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорлик	148
Халқаро миграция ташкилоти билан ҳамкорлик	150
БМТнинг ихтисослашган муассасалари ва бошқа тузилмалари билан ҳамкорлик	151
Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ўзаро муносабатлар	153
Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик	156
Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорлик	157

Ислом ҳамкорлик ташкилоти билан алоқалар	160
Халқаро ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорлик	162

ТўRTINЧИ БОБ.

ПАНДЕМИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

COVID-19 вируси – жамиятимиз жипслигини	
синайдиган жиддий имтиҳон	164
Коронавирус – ўткинчи, инсон ҳуқуқлари – барҳаёт	170
Ёлғон маълумот – коронавирусдан ҳам кўра хавфли	178
Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормалари	
ва пандемияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари	185
Пандемия ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш	192

БЕШИНЧИ БОБ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс:	
маъно-моҳияти, зарурати ва муштараклиги	200
Янги Ўзбекистонда Президент сайлови:	
яқунлари ва хусусиятлари	205
Экология соҳасидаги инсон ҳуқуқлари ҳимояси:	
миллий ва халқаро тажриба	214
Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим	219
Пандемия даврида ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги резолюция –	
ҳамжиҳатлигимиз меваси	224
Конституциявий ислоҳот – давр талаби	226
Замонавий конституционализм: миллий ва хорижий тажриба	238
Инсон ҳуқуқлари ва маънавият	249
Маънавият даражасини белгиловчи мезонлар борми?	254

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ:

“ДАВЛАТ – ЖАМИЯТ – ИНСОН” ТАМОЙИЛИДАН “ИНСОН –	
ЖАМИЯТ – ДАВЛАТ” ТАМОЙИЛИ САРИ (Хулоса ўрнида)	259
ИЛОВАЛАР	269

Акмал Саидов

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

(Юридик публицистика)

Нашр учун масъул
Муҳаррир
Техник муҳаррир
Компьютерда саҳифаловчи

Ғ. Мирзо
Л. Рузikuлова
Н. Сафарова
А. Жуманиязов

Босишга 2022 йил 17 февралда рухсат этилди.

Бичими 60 x 84 $\frac{1}{16}$.

«PT Serif» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табоғи 17,0. Нашр табоғи 12,0.

Адади 100 нусха. Буюртма № 01.

Инсон ҳуқуқлари буйича

Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида чоп этилди.

100029, Тошкент, Ислон Каримов кўчаси, 15.